

С. ЗОҲИДОВ

# ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон ССР Олий ва маҳсус ўрта таълим министрлиги олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия ётган

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1988

**Рецензент: геология-минералогия фанлари кандидати  
М. Қодиров.**

«Инженерлик геологияси» ўқув қўлланмасида тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш ва нураш шароитлари, уларда кучланганлик ҳолатининг юзага келиши ва бошقا характеристикалари байдиң қилинган. Грунтларнинг минералогик ва гранулометрик таркиби, структура ва текстураси, говаклиги ёритилган. Грунтлар таркибидаги газлар ва сувлар ҳамда уларнинг грунт инженерлик-геологик хоссаларига таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Мазкур китоб инженер-қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг студентлари учун ўқув қўлланма сифатида мўлжалланган.

26.3  
3 85

Зоҳидов С.

Инженерлик геологияси: Олий ўқув юрт. студ. учун ўқув қўлланма.— Т.: Уқитувчи, 1988. 280 б.

Захидов С. [Инженерная геология: Учеб. пособие для Вузов.]

ББК 26.3

3  $\frac{3202000000-335}{353(04)-88}$  62-88

© «Уқитувчи» нашриёти, 1988

## СҮЗ БОШИ

КПСС XXVII съездидә қабул қилинган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да олий ўқув юртларида малакали инженер кадрлар етиширишни янада кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Халқ хўжалигини ривожлантириш масалаларини ҳал қилинда инженерлик геологияси фани тобора катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларни қайта қуришда, қазилма бойликларни қазиб чиқаришда, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, Ойдаги төржинсларини ўрганишда бу фанни татбиқ қилиш доираси кенгайиб бормоқда. Шу сабабли, инженерлик геологияси бўйича малакали кадрлар тайёрлаш ҳозирги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу қўлланма ана шу вазифани муваффақиятли амалга оширишда маълум даражада ёрдам бериш мақсади билан яратилди.

Қўлланма СССР Олий ва ўрта маҳсус таълим министрлиги олий ўқув юртлари геология факультетларидаги гидрогеология ва инженерлик геологияси ихтисослиги учун тасдиқлаган программага мувофиқ ёзилди. У университет ва политехника институтлари геология факультетларининг, шунингдек инженерлик геологияси ўқитиладиган бошқа олий ўқув юртларининг студентларига мўлжалланган.

Авторнинг бир неча йиллик илмий-педагогик тажрибаси асосида яратилган бу қўлланмада партия ва ҳукуматнинг олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларидаги таълим ишларини қайта қуриш ҳақидаги қарор ва кўрсатмалари ҳисобга олинган. Ҳар бир мавзу қисқа, лўнда ва тажрибалар асосида баён этилган.

«Инженерлик геологияси» қўлланмаси икки қисмдан: «Грунт-шунослик» ва «Инженерлик геодинамикаси» қисмларидан иборат бўлиб, уни ёзишда автор грунтшунослик ва инженерлик геологияси бўйича рус тилида нашр қилинган дарсликлардан фойдаланган. Ўрта Осиё олимлари бажарган илмий ишларнинг натижаларига асосланган. Ўзбек тилида биринчи марта

нашр қилингандын ушбу қўлланмани камчиликлардан холи деб бўлмайди. Автор шу соҳа мутахассисларининг қўлланма тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларини самимият билан қабул қиласди. Қўлланмани ёзишда қимматли маслаҳатлари билан бевосита кўмаклашган академик F. O. Мавлоновга, проф. А. С. Ҳасановга, геология-минералогия фанлари кандидатлари А. И. Йсломов ва М. Н. Назаров, рецензентлар — геология фанлари кандидати К. П. Пўлатов ва О. Худойбергановга, қўлланмани нашрга тайёрлашда амалий ёрдам берган маҳсус редактор геология-минералогия фанлар кандидати М. Қодировга миннатдорчилек билдиради.

*Автор.*

## ҚИРИШ

Инженерлик геологияси геология фанининг маҳсус соҳаси бўлиб, турли қурилиш иншоотларининг замини ҳисобланган тоғ жинсларини, уларнинг физик ва механик хоссаларини, таркиби ва тузилишини, қурилишга таъсир этувчи, ернинг ости ҳамда юзида содир бўладиган геологик процесс ва ҳодисаларни, уларнинг содир бўлиш қонуниятларини, иншоотларда улар қурилаётганда, куриб бўлингач ёки кейинчалик рўй берадиган инженерлик геологик ҳодисаларни ўрганади.

СССРда инженерлик геологияси фанининг етакчи мутахассисларидан ва асосчиларидан ҳисобланган И. В. Поповнинг таърифлашича: «Инженерлик геологияси фани геологиянинг бири қисми бўлиб, ер қобиғининг юқори қисмida содир бўладиган ҳар хил ўзгаришларни текширади ва бу текшириш жараёнида одамлар бажарадиган инженерлик ишларини кўзда тулади». Қисқача айтганда, инженерлик геологияси геология фанининг қурилиш ишларига татбиқ этиладиган соҳасидир.

Инженерлик геологияси фани динамик геология сингари, геологик процесс ва ҳодисаларнинг сифат ўзгаришини ўрганиш билан чегараланиб қолмай, уларнинг миқдор ўзгариши, содир бўлиш сабабларини ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланади. Чунки геологик процесс ва ҳодисаларни сифат жиҳатдангина баҳолаш уларнинг қурилаётган иншоотлар учун хавфсизлигини тўла таъминлай олмайди. Шунинг учун геологик процесс ва ҳодисаларнинг хилларини аниқлаш билан бирга, уларнинг қандай миқдор ва тезлиқда, қандай ҳажм ва кучда содир бўлиши ҳам аниқланади.

Инженерлик геологияси фан сифатида вужудга келишида қурилиш ишларининг ривожланиши асосий сабаб бўлди. XX асрнинг 30- йилларига қадар «Инженерлик геологияси» деган сўз бўлмаган, аммо бундан 100 йил олдин олимлар бу соҳага доир қатор асарлар яратганилар. Жуда ёш фан — инженерлик геологияси XX асрнинг 30-йилларида вужудга келди.

Совет Иттифоқида инженерлик-геологик ишлар қурилиш жараёни билан биргаликда жадал ривожланди. Қурилиш ишла-

рини авж олдириш мақсадида Совет давлати томонидан чиқарылган махсус қарорлар асосида СССР территориясининг ҳамма қисмнинг инженерлик-геологик шароити ўрганилди. Бундай жойларда янги саноат корхоналари ва қишлоқлар, шаҳарчалар, темир йўл ва автомобиль йўллари, давлат аҳамиятига эга бўлган йирик иншоотлар, кўпприклар қурилди. Буларни амалга оширишда мазкур фаннинг роли катта бўлди.

## Инженерлик геологияси фанининг ривожланиш тарихи

Тоғ жинслари ва тупроқларни қадим замонлардан бери иморат ва турли иншоотларнинг замини, қурилиш материаллари сифатида ишлатиб келинади. Бунга Миср пирамидалари, Ҳиндистон ибодатхоналари, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги ёдгорлик бинолари мисол бўлади. Бу бинолар кўркамлиги, мустаҳкамлиги билан кишиларни ўзига жалб этади. Ўша замон қурувчилари бинолар қуришда тоғ жинсларининг таркиби, тузилиши ва физик хоссаларини ўрганиб улардан қурилиш материали сифатида фойдаланганлар. Бу ҳақдаги кўп маълумотлар бизгача етиб келмаган.

Тоғ жинсларининг таркиби, ҳосил бўлиш қонуниятлари ва физик-механик хусусиятларини ўрганишда Шарқ олимларининг хизматлари катта.

IX аср охири ва X аср бошларида Шарқ олимлари Ернинг тузилишини ўрганиб, географик ва геологик карталар туздилар. Масалан, ўша даврнинг буюк математиги ва астрономи Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий биринчи бўлиб «Ернинг аҳоли яшайдиган жойлари тасвири» асарини яратиб шуҳрат қозонди. Хоразмий бу асарда мамлакат ва шаҳарларнинг хариталарини чизиб, номларини кўрсатган, Ери етти қитъага бўлган.

IX асрда Фарғонада яшаб ижод этган математик ва географ Абул-Аббос Фарғоний ва хоразмлик Абу Райҳон Берунийнинг илмий тадқиқотлари Ўрта Осиёда геология ва инженерлик геологияси фанининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Абу Райҳон Беруний Ер қобиғидаги фойдали ва қимматбаҳо минералларнинг физик хоссаларини ўрганиш ва аниқлаш бўйича кўп ишлар қилди ва катта асар ёзиб қолдирди. Беруний шағал ва қум қатламларининг ҳосил бўлишида сув ва шамолнинг аҳамиятини кўрсатиб берди. Шунингдек, Беруний ўз асарларида қуруқлик ўрнини вақт ўтиши билан сув, сув ўрнини эса қуруқлик эгаллаши ҳақида ҳам аниқ фикр юритган.

Беруний ўз мулоҳазаларида палеонтология маълумотларига асосланиб ҳозирги Ер қиёфаси қандай ҳосил бўлганини палеографик усул билан аниқлади. Бинобарин чўкинди жинсларининг ҳосил бўлишида сув оқимининг тезлиги ва жинс зарраларининг катта-кичиллиги муҳим роль ўйнаган. Берунийнинг бу асари тоғ жинсларининг физик хусусиятларини ўрганишда ўша давр мутахассислари учун, айниқса Ўрта Осиё қурувчилари учун муҳим қўлланма бўлиб қолди.

Россияда тоғ жинсларини қурилиш мақсадлари учун ўрганиш XV асрда айниқса ривож топди. Рус қурилиш мутахасислари иморат ва иншоотлар қуришда ишлатиладиган тоғ жинсларининг таркиби, тузилиши ва инженерлик-геологик хусусиятларини мукаммал ўргандилар. Масалан, XVII—XVIII асрларда рус қурувчилари катта сув тұғонлари қуришда заминдаги жинсларнинг сув ўтказувчанлыгини камайтириш мақсадида заминни ташкил қылувчи тоғ жинслари устида сунъий гил қатламларини ҳосил қиласидилар. Қурувчы мутахассислар қурилиш мақсадларида жойларнинг геологик тузилишини, жинсларнинг таркиби, физик ва механик хоссаларини ўргандилар ҳамда тоғ жинсларнинг классификациясини түздилар. Бунга мисол қиын либ П. Усов, М. Герсеванов, В. Қарлович, В. И. Курдюмов ва бошқаларнинг ишларини күрсатиш мүмкін. (1816—1897 йиллар).

XIX аср ўрталарыда Россияда қурилиш ишлари тез ривожланды. Құп қурилишлар мураккаб геологик шароитда амалга ошар әди. Шу сабабли қурилиш ишларига геологлар ҳам жалб қилина бошланды. Темир йүллар қуришда атоқли геологлардан А. П. Қарпинский, Д. Л. Иванов, Ф. Ю. Левинсон—Лиссинг, Д. С. Белякин, И. В. Мушкетов, А. В. Павлов, В. А. Обручев ва бошқалар қатнашды. Геологлар қурувчы инженерлар билан ҳамкорликда тоғ жинсларининг инженерлик-геологик хоссаларини, айниқса, иморат ва иншоотлар замини бўлган тоғ жинсларнинг ташқи кучга чидамлилик даражасини ва мустаҳкамлигини аниқлаб бердилар.

Тоғ жинсларининг ташқи кучга нисбатан чидамлилиги уларнинг генетик типига, нураганлик даражасига ва физик, механик хоссаларига боғлиқ бўлади. Геологлар тоғ жинсларини ана шу нұқтai назардан баҳолаб, қурувчиларга керакли маълумотларни бера бошладилар. Қурувчилар геологларнинг маълумотларига асосланиб катта-катта иморат ва иншоотларнинг лойиҳаларини түздилар. Бунда рус инженерларидан Г. Е. Паукер ва В. И. Курдюмовларнинг хизмати каттадир. Қурилиш мақсадлари учун тоғ жинслари таркибини яхшилаш ҳақидаги назарий маълумотлар Россияда 1816 йилдан чоп этила бошланды. Бунга рус инженери Д. Лачиновнинг физика-математика фанлари бўйича магистр даражасини олиш учун ёзган «Тўғоннинг мустаҳкамлигини ошириш ҳақидаги мулоҳазалар» номли диссертацияси яққол далил бўла олади. Кейинчалик шу масалага доир бир қанча илмий асарлар яратилди. Булар ичida М. С. Волковнинг «Йўл ахбороти» деган асари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарда М. С. Волков қурилиш мақсадлари учун тоғ жинслари классификациясини биринчи бўлиб ишлаб чиқди.

1860 йилларга келиб, В. Қарловичнинг «Замин ва асослар», М. Герсевановнинг «Денгиз иншоотлари ҳақида» лекциялари ва шунга ўхшаш бир қанча илмий асарлар ва мақолалар чоп этилди. Бу асарларда қурилиш тажрибалари асосида йигилган грунт

ҳақидаги маълумотлар биринчи марта тартибга солинди ва илмий жиҳатдан бойитилди.

Будаврда тоғ жинсларининг хосса ва хусусиятларини қурилиш мақсадлари учун фақат қурувчи инженерлар ўрганар, геологлар эса бу ишларда кам қатнашар эди. 1882 йилда Россияда геология институти ташкил қилинди. Институттада йирик рус геологларидан А. П. Карпинский, И. В. Мушкетов, В. А. Обручев, А. П. Павлов, Н. Ф. Погребов, Ф. Ю. Левинсон-Лессинг ва бошқалар ишлар эди. Бу геологлардан кўпчилигининг ишлари қурилиш билан боғлиқ эди. Масалан, В. А. Обручев, И. В. Мушкетов, А. П. Павлов темир йўл, кўприклар ва тоннеллар қуришда геологик илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар.

Инженерлик геологияси фани фақат Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан кейин Совет Йиттифоқида фан сифатида вужудга келди ва ривожланди. Бу фанинг Совет даврида ривожланиш тарихи уч босқичдан иборат.

Биринчи босқич 1920—1930 йилларни ўз ичига олади. 1920 йиллардан бошлаб Совет давлатида йўл қурилиш ишлари авж олиб кетди. Йўл қурилиши учун тоғ жинслари грунт сифатида ўрганилди. Шу тариқа инженерлик геологияси фанинг куртаги «Йўл грунтшунослиги вужудга келди». Бу фанинг ривожланишига совет олимларидан П. А. Земятченский, Н. Н. Иванов, В. В. Охотин, М. М. Филатовлар катта ҳисса қўйдилар.

Йўл грунтшунослиги Ер юзасидаги тупроқ, унинг тагидаги тоғ жинсларини йўл қурилиши учун замин ва қурилиш материаллари сифатида ўрганиш билан шуғулланади. Ша даврдағи кўпчилик инженер-геологлар В. В. Докучаевнинг тупроқларнинг географик зоналлиги бўйича тарқалиши ҳақидаги фояларидан тўла фойдаландилар.

Йўл, иморат ва иншоотлар билан бир қаторда мелиорация ва ирригация тармоқлари қуриш ишлари ҳам авж олди. Йирик сув иншоотлари қурилаётган жойларнинг геологияси чуқур ўрганилди. Масалан, Волхов, Волга, Днепр, Чирчик, Сирдарё гидроэлектростанциялари лойиҳаларининг тузилиши ва қурилиш ишларининг бошланиб юборилиши сабабли кенг миқёсда инженерлик-геологик ишлари бажарилади. Булардан ташқари Москва — Волга-Дон, Оқ денгиз-Балтика, Фарҳод ва Тошкент каналларининг қурилиши ҳам инженерлик геологияси фанинг ривожланишида муҳим омил бўлди.

Сув иншоотларини қуришда, инженер-геологик кузатишлар Ф. П. Саваренский, И. В. Попов, В. А. Приклонский, М. М. Филатов ва бошқа атоқли Совет олимлари раҳбарлигида олиб борилди.

Иккинчи босқич 1930—1945 йилларни ўз ичига олади. Совет давлатида йирик гидротехника ва ирригация қурилишлари ривожланди. Шу тариқа «Инженерлик грунтшунослиги» вужудга келди. Инженерлик геологияси фанинг бу соҳаси ривожланишида совет олимлари Н. М. Герсеванов, Н. В. Коломенский,

А. Ф. Лебедев, И. В. Попов, В. А. Приклонский, Ф. П. Саваренский, Е. М. Сергеев, Н. А. Цитовичларнинг хизмати каттадир.

Инженерлик грунтшунослиги уй-жой, сув хўжалиги ва бошқа қурилишлар учун тоғ жинсларини инженерлик-геологик хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Унда ер юзасига яқин ва бироз чуқурликда (20—30 м) жойлашган тоғ жинслари ўрганилади. Чунки катта иншоотлар заминга кўп куч билан таъсир қиласди.

Инженерлик геологияси фанининг учинчи босқичи алоҳида аҳамиятга эга. Улуғ Ватан уруши йилларида кўп шаҳарлардаги иморатлар, саноат корхоналари, йўллар, кўприклар ва бошқа анча инженерлик обьектлари вайрон бўлди. Уларни тезликда қайтадан тиклаш зарур эди. Иморат ва иншоотлар конструкциясининг мураккаблашуви, ҳажмининг катталашуви, заминга таъсир қилувчи кучининг ортиши, йирик саноат корхоналари, кўприклар, тўғонлар ва сув омборлари барпо этилиши геологлар олдига янги-янги вазифалар қўйди. Бу даврда кон саноати ҳам ривожланди ва фойдали қазилмаларни кавлаб олишда шахта ичидаги бўладиган инженерлик-геологик процесслар ўрганила бошланди. Бу соҳада совет олимлари А. И. Протадъяконов, П. М. Бухарин, В. Д. Слесаров, П. М. Цимбаревич ва Н. П. Паниковларнинг хизматлари каттадир.

Совет инженерлик геологиясининг равнақ топишида Ўзбекистон олимлари ҳам муносаб ҳисса қўшдилар. Йирик саноат, хўжалик, энергетик ва сув иншоотлари қурилиши Ўрта Осиёда ҳам инженерлик геологияси фанининг ривожланишига олиб келди.

1920 йилларда Тошкентда Жун канали қурилди. Е. А. Замарин, М. М. Решоткин каби олимлар канал қурилиши учун тоғ жинсларининг физик, механик ва бошқа хоссаларини мукаммал ўргандилар.

1924 йилда Ўрта Осиё давлат университети (САГУ, ҳозирги ТашГУ) қошида динамик геология ва гидрогеология кафедраси, Ўрта Осиё геология кафедраси ва Ўрта Осиё индустриал институти ташкил этилди. Бу кафедраларга О. К. Ланге, А. Д. Архангельский ва бошқалар раҳбарлик қилдилар.

1926 йилда О. К. Ланге раҳбарлигида гидрогеология илмий текшириц кабинети ташкил топди ва бу кабинет олимлари томонидан Ўрта Осиё территориясида гидрогеология ва инженерлик геологияси борасида анча илмий-тадқиқот ишлари бажарилди. Кабинет Ўрта Осиёда гидрогеология ва инженерлик геологияси бўйича мутахассислар тайёрлаш базасига айланди ва республикада гидрогеология ҳамда инженерлик геологияси бўйича илмий-тадқиқот ишларининг ривожланишида катта роль ўйнади. Жумладан, 1927—30 йилларда кабинет ходимлари томонидан О. К. Ланге раҳбарлигида Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда гидрогеология ва инженер-геологик илмий-тадқиқотлари бажарилди.

30- йилларда Ўрта Осиёда сугориш иншоотларини қуриш жадал суръат билан ривожланди. Шу даврда Сурхондарё областида Ҳасанхон, Ҳазарбоғ каналлари қуриб ишга туширилди. Тошкентда Жун канали қурилиши ниҳоясига етказилди. Бундан ташқари Ўрта Осиё шаҳарларида, жумладан, Тошкент ва Самарқандда кўп қаватли иморатлар қурилиши учун инженерлик-геологик текширишлар олиб борилди.

1932 йилда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советида фан комитети ташкил қилинди. Комитет қошидаги гидрогеология ва инженерлик геологияси сектори Ўрта Осиёдаги гидрогеологик ва инженерлик-геологик ишларга раҳбарлик қила бошлади.

1937 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Геология» институти очилиб, унда инженерлик геологияси сектори барпо қилинди. Бу сектор Ўрта Осиё территориясидаги лёсс (соғ тупроқ) ва лёссимон жинсларни ўрганиш борасида кенг миқёсдаги инженерлик-геологик ишларни бажарди. Натижада 1958 йилда F. O. Мавлоновнинг «Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий қисмидаги лёсс ва лёссимон жинсларнинг генетик хиллари» деган асари чоп этилди.

40- йиллар охири 50- йиллар бошида Ўрта Осиёда турар жой ва сув иншоотлари қурилиши жуда тез ривожланди. Бу пайтларда тоғ жинсларини қурилиш мақсадлари учун ўрганиш билан А. И. Грот, F. O. Мавлонов, В. П. Шульгина, Ю. А. Скворцов ва бошқа олимлар шуфулланди.

Ўрта Осиёда гидрогеология ва инженерлик геологияси фаннинг ривожланишида профессорлардан Н. А. Кенесарин, Н. П. Васильковский, Ю. А. Скворцов, М. М. Решоткин, F. O. Мавлонов, X. T. Тўлагановларнинг хизматлари муҳим роль ўйнади.

1960 йилда Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошида «Гидрогеология ва инженерлик геологияси» (Гидроин-гео) илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. Унда кенг миқёсда гидрогеологик ва инженерлик-геологик ишлари бажарилди. Лёсс ва лёссимон жинсларни ўрганиш ҳамда инженерлик геологияси ва гидрогеология соҳасида малакали мутахассислар (олимлар) тайёрлаш бўйича институт фақат Ўрта Осиёда эмас, балки Совет Итифоқида ҳам марказий илмий лабораторияга айланди. Бир неча ўнлаб фан кандидатлари ва докторлари етишиб чиқди.

Кейинчалик «Гидроингео» институти Ўзбекгидрогеология трести билан бирлаштирилиб, иирик илмий ва ишлаб чиқариш ташкилоти «Ўзбекгидрогеология ишлаб чиқариш бирлашмаси» барпо этилди.

Бирлашмада геология-минералогия фанлари докторларидан F. O. Мавлонов, Н. Н. Ҳожибоев, С. Ш. Мирзаев, А. С. Ҳасановлар кенг миқёсда бажарилган гидрогеология ва инженерлик геологияси ишларига раҳбарлик қилдилар. Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон олимлари олиб борган илмий-тадқиқот ишлари натижасида ер ости сувлари, лёсс ва лёссимон жинслар-

нинг таркиби, тарқалиши, ётиши шароитлари, инженерлик-геологик хусусиятлари тұлиқ үрганилиб, инженерлик-геологик ва гидрогеологик карталари тузилди, күплаб монографиялар, мақолалар чоп этилди.

Кейинги ўн йил ичидә республикамизда инженерлик геологиясінің яна бир тармоғы — «инженерлик сейсмологиясы» анында ривожланды. Кейинги йилларда Ұрта Осиёнинг сейсмик жиһатдан актив зонаси ҳисобланған район ва шаҳарларини инженерлик-микросейсмологик районлаштыриш карталари тузилди.

Шундай қилиб, Совет инженерлик геологияси фанининг равнақ топишида олимлардан И. В. Попов, Е. М. Сергеев, Н. В. Коломенский, А. М. Дранников, Н. Я. Денисов, Г. С. Золотарев, В. Д. Ломтадзе, О. В. Котлов, Ф. О. Мавлонов, М. П. Кузминов, В. Г. Фофуровларнинг хизмати катта бўлди.

1968 йилда XXII Халқаро геологик конгрессда инженер-геологларнинг халқаро ассоциацияси ташкил топди. Унинг биринчи президенти қилиб Чехословакия олимни инженер-геолог К. Заруба, 1972 йилда эса француз олимни М. Арну сайланды.


### **Инженерлик геологияси фанининг бўлимлари, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқаси**

Инженерлик геологияси юқорида қайд қилганимиздек, геология фанининг бир соҳаси бўлиб, у ўз навбатида учта катта бўлимга — грунтшунослик, умумий инженерлик геологияси ва регионал инженерлик геологиясига бўлинади. Буларнинг ҳар қайсиси бир қанча қисмлардан иборат (1-расм). Қўйида биз грунтшунослик ва инженерлик геодинамикасига қисқача тўхтаблиб ўтамиз.

Грунтшуносликнинг вазифаларини аниқ тушуниш учун энг аввал грунт терминига изоҳ бериш керак. Грунт (немисча «der qgrund») — асос, замин демакдир.

Грунт сўзи биринчи марта Россияда Петр I даврида рус қурувчилари томонидан қўлдана бошланған. Шу даврдан бошлаб рус қурувчилари ернинг иморат қуриладиган устки қисмидаги бўшоқ төф жинсларини грунт деб атая бошладилар.

Баъзи қурувчилар төф жинсини замин сифатида эмас, балки қурилиш материали қилиб ишлатган, төф жинсларидан ғишт, черепица ва бошқа материаллар тайёрлаган. Булар, аксинча, қурилиш материаллари ҳамда ишлатиладиган бўшоқ төф жинсларини (шагал, қум, соғ тупроқ) грунт деб атаганлар. Бу эса кейинги вақтда бир қанча чалкашликларга сабаб бўлди. Чунки кўпчилик иморат ва иншоотлар фақат бўшоқ төф жинси устига қурилмай, қаттиқ төф жинслари устига ҳам қурила бошлаган. Бундан ташқари қурилиш материаллари сифатида бўшоқ төф жинслари билан бир қаторда қаттиқ төф жинслари ҳам ишлатила бошланған.



1-расм. Инженерлик геологияси ғанининг бўлимлари.

ХХ асрга келиб, иморат ва иншоот замини ва қурилиш объекти ҳисобланган ҳар қандай тоғ жинси грунт деб атала бошланди. Худди шунга ўхшаш таъриф 1869 йилда В. Қарлович томонидан ҳам ўртага ташланган эди. Унинг таъкидлашича, қурилиш объектида иморат ва иншоот замини бўлиб хизмат қилган ҳар қандай тоғ жинси грунт деб аталиши керак.

Грунт сўзини кенг маънода тушуниш А. П. Павловнинг 1903 йилда нашр этилган «Сибирь ва Саратов Поволжье сидаги суримишлар» номли илмий асарида ўз аксини топди. Унинг таърифига кўра, қурувчилар учун объект бўлиб хизмат қиладиган ер қобигининг устки қисми грунт деб аталади. Бу таъриф кеинчалик Ф. П. Саваренский томонидан ривожлантирилиб, инженерлик иншоотлари таъсирида бўлган ҳамда инженерлик

тадбир ва чораларининг объекти ҳисобланган ҳар қандай төр жинси грунт деб атала бошланди.

Грунт терминига берилган худди шунга ўхшаш таърифларни биз М. М. Филатов (1940), В. А. Приклонский (1955), И. В. Попов (1959) ва бошқаларнинг ишларида ҳам учратамиз. Генетик тупроқшуносликка асос солган В. В. Докучаев (1883) тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига алоқаси йўқ тупроқ қатлами остида ётган төр жинсини грунт деб атайди.

Шундай қилиб, грунт термини турли мутахассислар томонидан ҳар хил маънода ишлатиб келинди. Масалан, М. М. Филатов ернинг нураган қобигида жойлашган ҳар хил төр жинсларини грунт деб аташга ундаса, К. И. Лукашев литосферанинг магматик жинслари нурашидан ҳосил бўлган жинсларни грунт деб атайди. В. В. Охотин, Н. Н. Ивановлар тупроқ қатлами тагида жойлашган бўшоқ жинсларни грунт деб атайдилар. Н. А. Цитович (1963), Ернинг нураш қобигидаги бўшоқ жинсларни грунт деб аташни таклиф этади. Грунт терминига берилган юқоридаги таърифларни кўпчилик мутахассислар ҳозирги вақтгача қўллаб-қувватламоқдалар.

Аммо кўпчилик олимлар фикрича, бу таърифларда грунт тушунчаси бироз чеклаб қўйилган. Грунт терминига кенг маънода тўлиқ таъриф бериш совет грунтшунослигига асос солган совет олими проф. Е. М. Сергеев томонидан ҳал этилди. Унинг таърифига кўра, инсоннинг инженерлик фаолияти таъсирида бўлган кўп компонентли система сифатида ўрганилаётган ҳар қандай төр жинси грунт деб аталади. Грунтлар ердаги нураш қобигининг табиий-тарихий ривожланиш маҳсулни бўлиб, теварак-атрофдаги табиий ёки сунъий муҳит таъсирида доимо ўзгариб туради.

Грунт иморат ва иншоот замини, қурилиш материали ва қурилиш объекти ёки қурилиш учун муҳим бўлиб хизмат қиласди. Демак, инсоннинг инженерлик фаолияти учун обьект бўлиб хизмат қиласдиган, вақт ўтиши билан ўзгариб борадиган, кўп компонентли система сифатида ўрганиладиган ҳар қандай төр жинси грунт деб аталади.

Төр жинси устига қурилган иморат, иншоот, йўл ва ҳоказоларда чўкиш, бузилиш, қийшайиш процесслари рўй беради. Бундай процессларнинг рўй бериши ва тезлиги грунтларнинг физик, химиявий ва механик хоссаларига, таркибига ва уларнинг генетик турига, ҳосил бўлган шароитига боғлиқ бўлади.

Демак, грунтшунослик фанининг асосий вазифаси грунтда кечадиган биологик, геологик, химиявий ва физик-механик процессларни, грунтларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда ер юзасида тарқалишини, шунингдек грунтлардан қурилиш ҳамда саноат соҳасида рационал фойдаланиш ва уларнинг чидамлигини, мустаҳкамлигини ошириш юзасидан қўриладиган чора ва тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатdir.

Қурилган ва қурилаётган иморат ҳамда иншоотларга геологик ва инженерлик-геологик процесслар жуда катта таъсир

кўрсатади. Масалан, бирор территорияда кучли сел ёғса ёки чўкиш процесси рўй берса, иморат ва иншоотлар шикастланади.

Геологик, инженерлик-геологик процесслар табиий оғатларнинг келиб чиқнишига ҳам сабабчи бўлади. Шунинг учун бу процессларни ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Инженерлик геологияси фанининг асосий қисмларидан бири «инженерлик геодинамикаси» геологик ва инженерлик-геологик процессларнинг сабаблари ва оқибатларини, олдини олиш ва уларни бартараф қилиш тадбирларини ўрганиш билан шуғулланади.

Табиатда нураш, ювилиш, сурилиш, чўкиш, ўпирилиш, сел, ағдарилиш ва яна шунга ўхшаш бир қанча геологик процесслар бўлиб туради. Бундай ҳодисалар тоғ жинсларининг физик-механик хоссалари, структура ва текстуралари, ётиш ҳолатлари ўзгариши туфайли вужудга келади. Бу процесслар ҳалқ хўжалигига катта зарар етказади. Темир ва автомобиль йўллари бузилади, қишлоқ ва шаҳарлар вайрон бўлади, шахталар босиб қолади.

Шундай қилиб, «инженерлик геодинамикаси» ернинг юзаси ва ичида содир бўладиган экзоген ва эндоген процессларни, шунингдек, инженерлик геологик процесс ва ҳодисаларининг ҳосил бўлиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади; шу билан бирга бу процессларга қарши чора ва тадбирларни, уларнинг иморат ва иншоотларга таъсирини бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқади. Бу ишларни бажариш учун шу процесслар вужудга келадиган жойларнинг геологик шароитини, шу жумладан, тоғ жинсларининг физик-механик хоссаларини, тузилиши ва таркибини тўла ўрганиш лозим.

Демак, грунтшунослик фани инженерлик геодинамикаси билан узвий боғлиқdir.

Инженерлик геологияси геология фанининг соҳалари ҳисобланган гидрогеология, петрография, литология, минералогия, геофизика, динамик геология, тарихий геология, геоморфология, денгиз геологияси билан алоқадор бўлиб, буларнинг қонун ва қоидаларидан фойдаланиб ўзининг янги қоида ва усувларини ишлаб чиқади.

Инженерлик геологияси фанининг юқорида кўрсатилган ҳамма бўлимлари ҳам ер ости сувларини ўрганади. Аммо ҳар қайси гидрогеология фанининг яқиндан алоқадор қисми билан шуғулланади. Масалан, грунтшунослик ер ости сувлари таъсиридан тоғ жинсларининг физик, механик ва сувли хоссалари ўзгаришини ўрганса, инженерлик геодинамикаси геологик ва инженерлик-геологик процессларнинг ҳосил бўлишида ер ости сувларининг ролини талқин этади. Ер ости сувлари маълум жойнинг инженерлик-геологик шароитини ифодаловчи асосий факторлардан бири ҳисобланади.

Тоғ жинсларининг минерал таркиби ва петрографик хусусиятларини аниқлашда инженерлик геологияси фани минералогия фанининг усувларидан кенг фойдаланади ва минералогик

таркибига қараб жинсларнинг инженерлик геологиясига таал-луқли классификациясини ишлаб чиқади, грунтларнинг петро-график хусусиятларини, жумладан, структура ва текстурасини ўрганади. Инженерлик геодинамикаси геологик процесс ва ҳо-дисаларни ўрганишда динамик геология усулларидан кенг фой-даланади, бу процессларнинг ҳосил бўлиши сабабини аниқлаб, қурилиш объектларига қандай таъсир кўрсатишини олдиндан белгилаб беради. Геологик процессларнинг содир бўлиши, ри-вожланиш динамикаси жойларнинг геоморфологик тузилишига боғлиқ. Жойларнинг паст-баландлиги ва жинсларнинг таркиби турли геологик процессларнинг вужудга келишида муҳим роль ўйнайди.

Инженерлик геологияси математика, назарий механика, фи-зиқа ва химия фанлари билан узвий боғланган ва уларнинг ютуқларидан кенг фойдаланади.

## ГРУНТШУНОСЛИҚ

### I БОБ. ТОҒ ЖИНСЛАРИНИҢ МИНЕРАЛОГИК ТАРҚИБИ ВА ИНЖЕНЕРЛІК-ГЕОЛОГИК АҲАМИЯТИ

#### 1. Литосферада учрайдиган минераллар

Табиятда учрайдиган минераллар сони 3000 дан ортиқ бўлиб, 100 тачаси жинс ҳосил қилувчи ҳисобланади. Булардан 60 дан ортиқроғи энг кўп тарқалгандир.

Минералларнинг энг кўп тарқалгандари дала шпати (литосферада 57,9%), кварц (12,6%), слюдалар (3,6%), темирли магнезиал силикатлар, шох алдамчisi (роговая обманка), пироксенлар, оливинлар (16,8%), кальцит (1,5%), доломит (0,1%), каолинит ва бошқа гил минераллари (1,1%) ҳисобланади. Кам учрайдиган минералларнинг ҳаммаси литосферанинг 6,5% ини ташкил этади.

Минералларнинг оз-кўплиги тоғ жинслининг генетик хилига боғлиқ бўлади (1- жадвал). Минераллар бирламчи, иккиласмачи ва органик минералларга бўлинади. Бирламчи минераллар асосан магматик жинслар учун характерли бўлиб, тоғ жинси пайдо бўлиш вақтида ҳосил бўлади.

Тоғ жинслининг химиявий нураши натижасида тоғ жинси тарқибидаги янги иккиласмачи минераллар ҳосил бўлади.

**Бирламчи минераллар.** Бирламчи минераллар ер қобигининг чуқур жойларида оловли магмадан ҳосил бўлади. Буларга кварц, дала шпатлар, амфиболлар, пироксенлар, оливин ва слюдалар киради. Булар магматик тоғ жинслининг асосий тарқибий қисми ҳисобланади.

Бирламчи минераллар чўкинди жинслар тарқибидаги ҳам учрайди. Масалан, қумларнинг кўпчилик қисми бирламчи минерал кварцдан ташкил топади. Қум тарқибидаги кўпинча кварц билан бирга дала шпатлари, глауконит, слюдалар, баъзан пироксен, роговая обманка, оливин, магнетит ва бошқа минераллар ҳам учрайди. Минерал тарқибига қараб қумнинг ҳосил бўлган шароити ва генетик хилини аниқлаш мумкин. Масалан, аллювиал, делювиал ва флювоглициал қумлар тарқибидаги асосан дала шпати бўлса, шамолнинг геологик иши натижасида ҳосил бўлган эол қумларда слюда, сувсиз чўл шароитида ҳосил бўлган қумларда гипс, денгиз қумида эса глауконит минерали кўп бўлади.

## Тоғ жинси таркибида учрайдиган асосий минераллар (Е.М. Сергеев, 1971)

Тоғ жинси	Жинс ҳосил қылувчи асосий минераллар	Иккичи даражали минераллар	Тоғ жинси таркибида кам учрайдиган минераллар
Магматик	Кварц, дала шпати, слюда, амфибол, пироксен, оливин ва бошқалар	Турмалин, апатит, титанит, циркон, сфен, магнетит, ильменит, гематит, хромит ва бошқалар.	Кордиерит, эпидот, гранатлар, флюорит, топаз.
Чүкінди	Кварц, дала шпати, слюда, кальцит доломит, гидрослюдя, монмориллонит, каолинит, опал, халедон, гипс, галит ва бошқалар	Амфиболлар, пироксенлар, магнетит, пирит, глауконит, фосфорит, оксидлар, темир ва алюминий гидроксиди.	Циркон, рутил, гранат, биотит, хлорит, сфалерит флюорит.
Метаморфик	Кварц, дала шпати, оливин, пироксен, амфибол, волластонит, ставролит, дистен, андалузит, кордиерит везувиан, волластонит, хлоритлар эпидот, кальцит ва бошқалар	Турмалин, сфен, серицит, лейцит	Магнетит, ильменит, гематит, пирит

Бирламчи минераллар тоғ жинсларининг инженерлик-геологик хоссаларига қандай таъсир қилишини ўрганиш учун В. В. Охотин (1937) ажойиб тажрибалар ўтказди. У силлиқлиги ҳар хил, катталиги 2 мм дан 0,06 мм гача бўлган минераллардан (кварц, дала шпати ва слюда) ташкил топган қумларнинг сув ўтказувчанлигини, капилляр кўтарилиш баландлигини, ташки куч таъсиридан сиқилишини, табиий қиялик бурчагини, сурувчи кучга қаршилиги ва бошқа хоссаларини ўрганди.

В. В. Охотин ўз тажрибалари натижасига асосланниб қўйидағи хулосага келди:

1. Қум каби сочиувчан жинсларнинг ғоваклилиги уларни ташкил этган зарраларнинг катта-кичиклиги ва шаклига боғлиқ. Масалан, слюда зарраларидан ташкил топган қумнинг ғоваклилиги зарра силлиқланган кварцли қумнидан юқори экан. Жинс зарралари кичрайған сари слюдали қумнинг ғоваклилиги камаяди, аксинча, кварц ва дала шпатидан ташкил топган қумнинг ғоваклилиги ортади. Зарралари силлиқланган минераллардан ташкил топган қумнинг ғоваклилиги силлиқланмаган ўтирил қиррали зарралардан ташкил топган қумнигига нисбатан оз.

2. Тоғ жинсларининг ташки куч таъсирида сиқилиши ҳам зарраларнинг хилига ва шаклига боғлиқ. Масалан, зарралари

яхши силлиқланган кварц ва дала шпатидан иборат құмлар ташқи күч таъсиридан жуда оз сиқилиб, ғоваклилиги дастлабки ғоваклилигига нисбатан 2—3% га камаяди, аксинча, слюдан ташкил топган құмлар ташқи күч таъсирида яхши сиқилади ва ғоваклилиги дастлабки ғоваклилигига нисбатан 15% га камаяди.

3. Ташқи күч таъсиридан ҳосил бўладиган зарралар орасидаги суримиш қаршилиги кучи, шу жинснинг минерал таркibi, ғоваклилиги, намлиги, зарраларининг ҳажми ва шаклига боғлиқ. Масалан, ўткир қиррали кварцли зарралардан ташкил топган құмда суримиш қаршилиги кучи слюдали құмларниң нисбатан анча юқори бўлади.

4. Құмларда сувларнинг капилляр кўтарилиш баландлиги уларнинг минералогик таркibi ва зарраларининг катта-кичиклигига боғлиқ. Масалан, слюдали құмда капилляр кўтарилиш баландлиги бошқа құмларниң нисбатан анча ортиқ. Майдада заррали құмда капилляр кўтарилиш баландлиги йирик құмларниң нисбатан анча юқори бўлади.

**Иккиласмчи минераллар.** Иккиласмчи минераллар асосан магматик жинсларнинг химиявий нурашидан ҳосил бўлади. Буларнинг турлари ҳам унча кўп эмас. Энг кўп тарқалган иккиласмчи минераллар — гиллар, оддий тузлар ва оксидлардир.

Катталиги 0,005—0,0001 мм, гил ва чанглардан ташкил топган минераллар гилли минераллар туркумига киради. Ҳосил бўлишига қараб улар икки турга бўлинади: 1) тоғ жинсларининг химиявий ва физик нураши натижасида ҳосил бўлган гилли минераллар; 2) гилли маҳсулотларнинг доимий ва вақтинча оқар сув, шамол таъсирида бошқа жойга олиб бориб ётқизилишидан пайдо бўлган гилли минераллар.


Минерал таркиби ва бошқа хоссаларига кўра улар 3 групга бўлинади: 1) каолинит группаси; 2) монтморилонит группаси; 3) гидрослюда группаси.

**Каолинит группасига** каолинит  $\text{Al}_4[\text{Si}_4\text{O}_{10}][\text{OH}]_8$ , диккит  $\text{Al}_4[\text{Si}_4\text{O}_{10}][\text{OH}]_8$  ва галлуазит  $\text{Al}_4[\text{Si}_4\text{O}_{10}][\text{OH}]_8 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  минераллари киради. Бу минераллар химиявий таркибига кўра бирхил, бир-биридан физик хоссалари ва структура тузилиши билан фарқланади. Булар магматик ва метаморфик ўзгарган жинсларнинг нордон муҳитда нурашидан ҳосил бўлади. Саноат учун аҳамиятлisi ва энг яхши ўрганилгани каолинитdir. Каолинит каолин ва гилли жинсларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Каолинит сарғиш — қўнғирсимон ва оқ рангда бўлади. Қаттиқлиги 1—2,5, солиширма массаси 2,4—2,6 г/см<sup>3</sup>. Оқ рангли соғ каолинит чинни ва зийнат буюллари, қофоз, резина ва совун тайёрлашда ишлатилади. Каолинитнинг кристалл панжараси пишиқ ва чидамли молекула пакетларидан иборат. Уларга сув таъсири қилиб, намлиги ошганда кристалл панжарасидаги пакетлар оралиғи жуда секин ўзгаради. Шу сабабли каолинитдан ташкил топган жинслар сув таъсирида жуда оз кўпчийди (шишади).

**Монтмориллонит** группасига кирадиган минералларнинг тузиши ҳар хил ва мураккаб бўлиб, табиатда энг кўп тарқалгани монтмориллонитдир. У магматик жинсларнинг қуруқ, иссиқ иқлим ва ишқорли мұхитда химиявий нурашидан ҳосил бўлади. Унинг таркиби ҳам яхши ўрганилмаган. Монтмориллонит гилли жинслар таркибидаги ҳам учрайди. У оқартириш ишларидаги, бурғиланадиган қудуқлар кавлаш учун лойқа эритмалар тайёрлашда ишлатиладиган бентонитли лойқаларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Тоза монтмориллонит оқиш сариқ ёки кул ранг бўлади. Монтмориллонит группасига кирувчи минераллар бошқа гилли минераллардан таркибидаги сув миқдорининг ўзгарувчанлиги билан фарқланади. Қуруқ иссиқ ҳавода улардан сув тез ажралади ва, аксинча, нам ҳавода уларнинг намлиги тез ортади, 100°С дан 200°С гача қиздирилган монтмориллонит таркибидаги кучли боғланган (адсорбланган сув йўқолади. 500—700°С гача қиздирилса, кристалл панжараси ҳам бузилади. 800—900°С да минерал аморф ҳолига ўтади. Монтмориллонит кристалл панжарасининг тузилиши каолинитнига яқин ва ундан фарқи, монтмориллонитнинг кристалл панжараси ҳар хил атомлардан тузилган пакетлар кўринишидаги элементларнинг қатламчаларидан иборат эканлигидadir. Монтмориллонит кристалл панжарасидаги ҳар бир пакет симметрик тузилишга эга бўлиб, бир-бирига кислород атоми орқали боғланган (2-расм). Шу сабабли монтмориллонитда пакетларнинг ўзаро боғланиши каолинитнига нисбатан кучсизdir. Кристалл панжараларининг бундай тузилиши пакетлар орасига сув кириб, уларнинг шишишига сабабчи бўлади, бунда пакетлар орасидаги масофа тезда ўзгариб — катталашиб, улардаги ўзаро боғланиш кучи бутунлай йўқолади ёки жуда камайиб кетади. Гилли минералларнинг сув таъсирида шишиши улар таркибидаги кальций ( $\text{Ca}$ ) ва натрий ( $\text{Na}$ ) миқдорига боғлиқ бўлади. Масалан, таркибida  $\text{Ca}$  кўп бўлган каолинит намланганда ўз ҳажмини 60—100% ошиrsa,  $\text{Na}$  кўп бўлган каолин 150% оширади. Кальцийли монтмориллонит намланиш таъсирида ўз ҳажмини 200—300% гача,  $\text{Na}$  ли монтмориллонит 600—700% га оширади.

Гидрослюдя группаси слюда билан монтмориллонит оралигидаги ўринни эгаллайди. Бу группадаги минераллар туркуумига асосан иллит киради. Иллит слюдага сув таъсир этиши натижасида пайдо бўлади. Иллит слюдадан таркибидаги сувнинг кўплиги билан, монтмориллонитдан эса кам шишиши ва таркибидаги калий кўплиги билан фарқланади. Кристалл панжарасининг тузилиши (2-расм) монтмориллонитнига ўхшашиб, ундаги пакетлар бир-бири билан калий иони орқали боғланади. Калийнинг бўлиши иллит кристалл панжарасининг мустаҳкамлик дарражасини ошириб, пакетлар ҳаракатини сусайтиради. Бу группада минераллари турли мұхитда эритмада калий миқдорининг ошишидан ҳосил бўлади.



2-расм. Каолинит, монтмориллонит ва гидрослюда кристалл панжарасининг структураси.

### Гилли минералларнинг тарқалиши

Гилли минераллар табиатда жуда нотекис тарқалган. Р. Е. Грим, Е. К. Лазаренко, Л. Б. Рухин, Ф. В. Чухров, И. Д. Зхус ва бошқалар турли ёшдаги тоғ жинсларида гилли минералларнинг ўзгарувчанлигини қайд этганлар.

1963 йили Е. М. Сергеев, Г. Г. Ильинская, Л. Г. Рекшинская ва В. Т. Трофимовлар 2000 дан ортиқ гил намуналарини анализ қилиб, турли ёшдаги тоғ жинсларида гилли минералларнинг тарқалиш қонуниятларини аниқладилар. Уларнинг маълумотларига асосланиб таркибида гилли минераллар бўлган турли

Мезо-кайназой даври чўкинди жинсларидағи гилли фракцияда минералларнинг тарқалиши (Е. М. Сергеев, Г. Г. Ильинская, Л. Г. Рекшинская ва В. Т. Трофимовлар маълумоти бўйича, 1963).

Тоғ жинсининг ёши	Таркибида 0,001 мк дан кичик зарралар бўлган тоғ жинси, %							
	Гидрослюдада	Монтмориллонит	Бейделлит	Каолинит	Галлуазит	Кварц	Темир гидроксиди	Карбонатлар ва башка минералар
Тўртламчи	65,4	8,0	9,0	14,0	0,35	1,1	1,0	0,65
Неоген	62,3	15,0	6,7	14,5	1,5	0,0	0,0	0,0
Палеоген	42,3	47,9	1,4	8,4	0,0	0,0	0,0	0,0
Бўр	64,0	36,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Юра	57,0	39,0	0,8	3,2	0,0	0,0	0,0	0,0
Ўртча миқдори:	58,2	29,18	3,58	8,02	0,37	0,32	0,20	0,13

ёшдаги гил ётқизиқларини икки группага бўлиш мумкин. Булар девон давригача бўлган ва девондан кейинги гил ётқизиқлари-дир.

Девонгача бўлган гил ётқизиқлари мономинерал таркибли (бир хил минералдан ташкил топган), девондан кейингилари эса полиминерал (ҳар хил) таркибли жинслар туркумига киради. Девон даври гил «ётқизиқлари» бу икки группа оралиғидаги жинслар ҳисобланади ва улар минералогик таркибига кўра баъзан полиминералли группага мансуб бўлади.

Биринчи группага гидрослюдадалар, иккинчисига монтмориллонит ва каолинитлар киради. Девон давригача бўлган гил ётқизиқларида гидрослюдадаларнинг миқдори 90—95% га етади, девондан кейинги гил ётқизиқларида эса — 58% гача боради (2- жадвал).

Жадвалдан маълумки, турли ёшдаги чўкинди жинслар таркибида энг кўп тарқалган гилли минераллар слюда ҳисобланади ва тоғ жинсининг 50% идан ортигини ташкил этади. Гидрослюдадалар денгизда ва континентал шароитда, шунингдек метаморфизм натижасида минералларнинг ўзгаришидан ҳосил бўлади. Бундан ташқари гидрослюдадалар тоғ жинслари механик майдаланиши натижасида бирламчи слюдалар — гил ва ундан майда коллоид заррачаларга бўлинниб кетиши туфайли ҳам ҳосил бўлади.

Тарқалишига кўра иккинчи ўринни монтмориллонит группасига мансуб минераллар олади. Палеоген, бўр ва юра даврининг чўкинди жинсларида учрайди ва жинснинг ўртча 30% ини ташкил этади.

Тарқалиши жиҳатидан учинчи ўринни каолинит минерали эгаллайди, мезо-кайнозой давридаги ётқизиқларнинг ўртча

8 % ини ташкил қиласы. У асосан түртламчи, неоген ва бүр даври жинсларида учрайди. Қарбон ва девон жинсларининг күпини каолинит (35—40 %) ини ташкил этади.

Шундай қилиб, инженерлик-геологик ишларда, гилли грунтларни ўрганишда юқорида қайд қилинган учта минералга алохіда эътибор бериш лозим, чунки гилли ётқизиқларнинг инженерлик-геологик хусусиятлари ана шу минералларниң оз-күплигига боғлиқ. Чүкинді жинслар таркибида озгина гилли минералларнинг бўлиши жинснинг сув ўтказувчанлигига, пишиқлигига, пластиклигига, шишиши ва бошқа инженерлик-геологик хусусиятларига катта таъсир кўрсатади. Масалан, В. А. Приклонский маълумотига кўра, кварц минералидан тайёрланган кукунга 7—8 % натрий бентонитини (гилини) қўшилса, унинг ички ишқаланиш бурчаги 39° дан 11° га тушиб қолади ёки уч мартадан зиёд кичраяди, натижада кварц зарраларининг ишқаланишга қаршилик кучи камаяди. Бундан ташқари кварц кукунга гил зарраларининг қўшилиши натижасида кукуннинг сув ўтказувчанлиги тахминан 1000 марта камаяди.

### 3. Оддий тузлар ва уларнинг тоғ жинсларининг инженерлик-геологик хоссаларига таъсири

Бу группага галоидлар (галит  $\text{NaCl}$ , сильвин  $\text{KCl}$ , карнолит  $\text{KMgCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ ), сульфатлар (гипс  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ , ангидрид  $\text{CaSO}_4$ , барит  $\text{BaSO}_4$ ) ва карбонатлар (кальцит  $\text{CaCO}_3$ , доломит  $\text{CaCO}_3\text{MgCO}_3$ , магнезит  $\text{NaCO}_3$ ) киради ва уларнинг кўпчилиги чўкинді жинслар таркибида учрайди, магматик ва метаморфик жинсларда эса кам тарқалган.

Буларнинг кристалл панжаралари ионли боғланишга эга бўлиб, сувга чидамсиз. Бинобарин тоғ жинси таркибида оддий тузларнинг кўп бўлиши унинг механик хоссасига салбий таъсир кўрсатади. Таркибида бундай минераллар кўп бўлган жинсларга сув таъсир этса, уларда карет, чўкувчанлик каби геологик ва инженерлик геологик процесслар рўй беради.

Оддий тузлар сувда эриш қобилиятига кўра енгил, ўртача ва қийин эрувчан группаларга бўлинади.

Енгил эрувчан тузларга галит, сильвин, миробилит, сода; ўртача эрувчанларга гипс, ангидрид ва қийин эрувчанларга кальцит, магнезит, доломит минераллари киради.

Енгил эрувчан тузлар оз сув таъсирида тез эрийди, ўртача эрувчан тузлар аста-секин эриб кўп сув талаб қиласы. Қийин эрувчан тузлар сувда жуда секин эрийди ёки сувли эритмага жуда секин ўтади. Буни аниқроқ тасаввур қилиш учун баъзи тузларнинг 10°C температурали 100 см<sup>3</sup> сувда эришини кўриб чиқамиз:

Na Cl — 35,7	грамм
K Cl — 31,2	грамм
Ca SO <sub>4</sub> — 0,25	грамм
Ca CO <sub>3</sub> — 0,001	грамм

Енгил эрүвчан тузларнинг тоғ жинсига таъсир этиши жинснинг физик ҳолати ва намлигига боғлиқ. Агар тоғ жинси қуруқ бўлса, таркибидаги туз цемент вазифасини бажариб, унинг қатиқлигини оширади, аксинча, буларга бироз сув таъсир этса, таркибидаги тузлар эриб, жинснинг пишиқлиги кескин пасайиб кетади.

Тоғ жинси таркибida галоидлар билан биргаликда сувда ўртacha эрийдиган сульфатлар ҳам кўп учрайди. Табиятда энг кўп тарқалгани гипс ва ангидрид ҳисобланади. Табиятда гипснинг ангидридга ва, аксинча, ангидриднинг гипсга ўтиб туриши тез-тез учраши буларнинг характерли хусусиятларидан бири ҳисобланади. Гипс 100—200°C да қиздирилса, унда дегидратация процесси рўй бериб, ангидрид ҳосил бўлади, гипснинг ҳажми камаяди. Аксинча, унга сув таъсир қилса, иккиламчи гипс ҳосил бўлади, ҳажми кенгаяди, унинг ичида кучли қаршилик пайдо бўлади, бу эса унинг механик хоссаси ўзгаришига сабаб бўлади. Ангидриднинг гипсга айланиши натижасида тоғ жинснинг ҳажми кенгаяди, ичида майда ёриқлар ҳосил бўлади ва тоғ жинснинг пишиқлиги ҳамда чидамлилигига путур етади.

Карбонатли минераллардан кальцит ва доломит табиятда энг кўп тарқалган. Сувда ёмон эрүвчи карбонат тузларидан кальцийга бой жинслар сувга чидамли бўлади.

Шундай қилиб, оддий тузларнинг асосий инженерлик-геологик хусусиятларидан бири сув таъсирида эриши ҳисобланади. Эриш тезлиги ион радиусларининг катта-кичиклиги ҳамда валентлигига боғлиқ. Демак, ион радиуси кичик ва валентлиги юқори бўлган оддий тузлар сувда секин эрийди.

Кулон қонунидан шу нарса маълумки, моддаларнинг эрүвчанилиги эритувчининг диэлектрик ўтказувчанлигига ( $\epsilon$ ) тўғри ёки эрүвчининг диэлектрик ўтказувчанлигига тескари пропорционалdir. Ҳақиқатан ҳам оддий тузлар бензолда, керосинда сувдагига нисбатан бир неча юз марта секин эрийди. Тузлар сувда жуда яхши эришига сабаб сувнинг юқори диэлектрик турғунликка ва гидротацияга эга бўлишидир.

Юқорида қайд қилинганидек, тузларнинг эриши диэлектрик ўтказувчанлигига ҳам боғлиқдир.

Тоғ жинсларида оддий тузлар текис ва нотекис тарқалган бўлиши мумкин. Нотекис тарқалган тузлар туз бўлаклари, туз тўпламлари ва айrim заррачалар кўринишида учрайди.

Тоғ жинси таркибida тузлар эриган ҳолда ҳам бўлиб, тоғ жинси бўшлиқларига жойлашган эритмани тўйинтириб, заррачаларни ўраб туради.

Тоғ жинслари таркибидаги тузларнинг оз-кўплигига қараб тузланмаган (сувда эриган тузларнинг миқдори 0,2% дан кам), кучсиз тузланган (0,2 дан то 0,5%) ва тузланган) 0,5% дан кўп) турларга бўлинади.

#### 4. Органик бирикмалар

Маълумки, тоғ жинси қатламлари оралиғида ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар қолдигидан иборат органик моддалар учрайди.

Табиатда бундай моддалар жуда күп, уларнинг айримлари чиримаган (кўмир, нефть) ва чириган (гумус) ҳолда учрайди.

Органик моддалар ер қобиғининг деярли ҳамма жойида, асосан, энг устки қисми — тупроқда, торфда ва гилларда учрайди. Бундан ташқари органик моддалар тош ва қўнгир кўмир сифатида ҳам учрайди.

Органик моддаларнинг намлиқ сифими, пластиклиги жуда юқори, аксинча, сув ўтказувчанлиги жуда паст бўлади, Органик моддалар тоғ жинсларининг хусусиятларини ўзгартириб, уларнинг сув сигимини, пластиклигини оширса, сув ўтказувчанлигини ва зарралари орасидаги ишқаланиш қаршилигини камайтиради. Булардан ташқари органик моддалар тоғ жинсининг солиштирма ва ҳажм массасига, ғоваклилигига ва бошқа физик хоссаларига ҳам таъсир қўрсатади. Бу моддаларга бой бўлган тоғ жинсларининг солиштирма ва ҳажм массаси анча паст бўлиб, ғоваклилиги юқори бўлади.

Органик моддалар тоғ жинсларида оксидланиш процесси ва химиявий процессларни тезлathiшига ҳам сабабчи бўлади. Масалан, тоғ жинсларининг нурашида органик моддалар актив қатнашиб, силикатларни парчалаб юборади. Органик моддалар ҳар хил тупроқларда учрайди. Уларнинг миқдори ва таркиби ҳар хил тупроқда турлича бўлади. Тупроқларнинг устки чириндили қисмидаги органик қолдиқлар қўйи горизонталлардагига нисбатан кўпроқ учрайди.

Тупроқшунос олимларнинг маълумотларига кўра (М. А. Панков, М. Баҳодиров, М. У. Умаров (1971) бир гектар қора тупроқнинг устки қатламида мавсум давомида 7 тонна қуруқ органик масса, 25 тоннагача илдиз; каштан тупроқларда 5 тонна қуруқ органик масса, 13 тонна илдиз; бўз тупроқларда эса 1 тонна қуруқ органик масса, 10 тоннагача илдиз тўпланади. Ўрмонларда ҳар йили бир гектар тупроқ юзасида «4—7 тонна органик модда тўпланади. Ўрмон қийи деб аталадиган бу органик модданинг умумий миқдори бир гектар ерда 50 тоннага етади.

Тупроқда тўпланаётган органик моддаларнинг химиявий таркибида, асосан, тўрт группа органик бирикма (М. Баҳодиров — 1971): 1) карбонсувлар; 2) лигнинлар; 3) оқсил ва протеин азотли бирикмалар; 4) ёғ, мум, елим ва ошлов моддалар бўлади. Булардан ташқари органик моддалар таркибида маълум миқдорда қўлда тўпланадиган элементлар: кальций, натрий, калий ва бошқа тузлардан иборат минерал бирикмалар ҳам учрайди.

Демак, тоғ жинсларининг минералогик таркиби биринчидан уларнинг инженерлик-геологик характеристикасини ифодаловчи

факторлардан бири ҳисобланса, иккинчидан тоғ жинсининг нурашига таъсир кўрсатиб, бу процессда ҳосил бўладиган маҳсулотнинг таркибини белгилайди ва учинчидан тоғ жинсини қайси петрографик турга киритишни аниқлашда ёрдам беради. Шу сабабли тоғ жинслари ва минералларни ўрганишда уларнинг литосферада қандай жойланганини аниқлаш геология фанида, шунингдек грунтшуносликда ҳам катта аҳамиятга эга.

## II БОБ. ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Тоғ жинсини ташкил этувчи зарраларнинг шаклини, катта-кичилгини, ўзаро жойлашиши ва боғланишини, миқдорини ифодаловчи хусусиятларга унинг структураси дейилади. Структура хоссалари минералларнинг кристалланиш ва кейинчалик ўзгариш процеслари билан боғлиқ бўлади.

Тоғ жинси структурасини петрография фани батафсил ўрганиди. Инженерлик-геологик ишларда ҳам тоғ жинсининг структураси ўрганилади. Чунки тоғ жинсининг бир қанча инженер-лик-геологик хусусиятлари, сув ўтказувчанлиги, таркибининг хилма-хиллиги, иморат ва ишоот заминида ўзини қандай тутиши унинг структурасига боғлиқ.



Магматик, метаморфик ва чўқинди жинсларнинг структурасини инженерлик-геологик нуқтаи назардан ўрганиш катта аҳамиятга эга. Катта ишоотларнинг кўпи, масалан, тўfonлар тоғлик районларда магматик ёки метаморфик тоғ жинслари устига қуриллади. Бу тўfonларнинг мустаҳкамлиги ва чидамлилиги заминдаги магматик тоғ жинсининг структура тузилишига, мустаҳкамлигига боғлиқ. Шу сабабли тоғ жинсларининг структурасини ва унинг тоғ жинсларининг хосса ва хусусиятларига таъсирини қисқача кўриб чиқамиз.

### 1. Магматик жинслар структураси

Магматик жинс зарралари бир-бири билан мустаҳкам боғланган бўлиб, пишиқ структурага эга. Структураси чидамли бўлиб, ташқи куч таъсирида, сув таъсирида жуда секин ўзгаради. Бинобарин бу жинслар устига қурилган иморат ва улкан ишоотлар мустаҳкам, узоққа чидамли бўлади. Аммо нураш процесси таъсирида уларнинг физик-механик хоссалари аста-секин ўзгариши мумкин. Бу эса унинг устига қурилган ишоотга озми-кўпми таъсир кўрсатади.

Магматик жинслар структураси ва физик-механик хоссалари магманинг таркиби, қандай шароитда қотганлиги, кристалланганлик даражаси, уни ташкил этган минерал зарраларнинг катта-кичилгига боғлиқ бўлади.

Одатда яхши кристалланган, майда кристалли магматик жинслар учча яхши кристалланмаган жинсларга нисбатан пишиқ, мустаҳкам, нурашга чидамли бўлади. Агар магма ер қо-



3-расм. Баъзи магматик жинслар структураси (12 марта катталаштирилган).

Магма ер юзасига отилиб чиққанда тез совийди ва қотиши ҳам тезлашади. Бунда кристалларнинг ўсиши жуда қийин бўлади, кўпинча кристаллар ҳосил бўлмайди ҳам. Ёр юзасида қотаётган нордон лавадан газлар тез ажralиб чиқади. Натижада тоф жинслари орасида бўшлиқлар ҳосил бўлади. Буни кўпинча базальтларда учратиш мумкин.

Магматик жинсларнинг структураси кристалланганлик даражасига қараб қуидагиларга бўлинади:

1. Тўла кристалланган структура интрузив жинслар учун характерли бўлиб, тоф жинси тўлиқ кристалланган бўлади. Бундай структурали жинслар таркибидаги кўп минералларнинг шаклини оддий кўз билан кўриш мумкин (3-расм).

Бу структура ўз навбатида кристалларнинг катта-кичклигига қараб гигант кристалли (50 мм дан ортиқ), йирик кристалли (кристалларнинг катталиги 50—5 мм), ўртача кристалли (5—1 мм) майда кристалли (1—0,5 мм) ва текис кристалли (бундай жинсларда ҳамма кристалларнинг катта-кичклиги бирбирига яқин) бўлади. Жуда майда кристалли жинснинг структурасини оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Бу структурага кирувчи жинслар ўзининг қаттиқлиги, мустаҳкамлиги ва нурашга чидамлилиги билан бошқалардан тубдан фарқ қиласди.

2. Ярим шишасимон структура. Вулкан жинсларга хос бун-

бифида қотса, интрузив жинслар, вулкан шаклида отилиб чиқиб, ер юзасида қотса, вулкан жинслар ҳосил бўлади. Интрузив ва вулкан жинслар бир-биридан структурасининг кристалланганлик даражасига кўра кескин фарқланади. Масалан, таркиби бирхил бўлган икки хил жинс гранит (интрузив) ва липарит (вулкан) бир-биридан структурасига кўра тубдан фарқ қиласди. Гранит тўлиқ кристалланган бўлади. Унда кварц, дала шпатлари, слюдаларнинг кристалларини оддий кўз билан аниқлаш мумкин бўлса, липаритларда бу минералларни микроскоп орқали кўриш мумкин. Демак, ҳосил бўлиш шароитига қараб магматик жинсларнинг кристалланиш даражаси ҳар хил бўлиб, унинг сабаби магманинг тез ёки секин қотишидир.

Ер қобиғида магма жуда секин сошиб қотади. Магма таркибидаги ионлар ва молекулалар ўзининг кристаллик панжарасида маълум йўналиш бўйича ўсиб боради.

дай структурали жинсларда кристаллар билан бир қаторда ши-шасимон моддалар ҳам учрайди.

3. Шишасимон структура. Вулкандан отилиб чиқсан жинслар структураси. Бунга сабаб вулкандан отилиб чиқсан лава-нинг совиши жуда тез бўлиб, кристалларнинг ҳосил бўлишига шароит туғилмайди. Бундай структурали жинсларда эса кристаллар жуда кам учрайди.

Ярим шишасимон ва ойнасимон структурали жинсларнинг пишиқлиги ва нурашга чидамлилиги уларнинг таркибидаги кристалларнинг оз-кўплилигига боғлиқ. Кристаллар қанчалик кўп бўлса, у жинс шунчалик пишиқ ва нурашга чидамли бўлади.

4. Порфирсимон структура. Катта минерал доналари борлиги билан характеридир. Бундай структурали жинсларнинг пишиқлиги кристалл зарраларининг катта-кичиклигига ва текис тақсимланишига боғлиқ.

5. Порфири структура порфирсимон структурага ўхшайди. Бундай структурали жинсларда катта-катта кристаллар тўёла ёки ярим, баъзан шишасимон асосий массада учрайди. Бу структура асосан вулкан ва томир жинсларга хос бўлиб, унда оддий кўз билан ҳамма минерал кристалларини аниқ кўриб бўлмайди. Бунда баъзи минералларнинг кристаллари йирик, баъзилариники жуда майда бўлади. Бу турдаги тоғ жинсларида кристаллар майда кристаллар орасида худди ҳолва ичидаги мағизга ўхшаб хол-хол бўлиб кўринади. Буларга табиатдаги кўп учрайдиган порфир ва порфиритларнинг структураси мисол бўла олади. Бунда структурали жинснинг пишиқлиги ва нурашга чидамлилиги унинг таркибидаги шишасимон массанинг кўпайиши билан пасаяди.

6. Пегматитли структура. Бундай структурали жинсларда бир минералнинг йирик кристали бошқа минералнинг кристали билан бир текисда баробар ўсиб борган бўлади. Бундай структурали жинслар ҳам юқори пишиқликка ва мустаҳкамликка эга.

Шундай қилиб, магматик жинсларнинг ташқи кучга нисбатан пишиқлиги ва нурашга мустаҳкамлиги, чидамлилиги кристалларининг катта-кичиклигига ва уларнинг жинс орасида тақсимланишига боғлиқ. Кристаллари майда бўлиб, тоғ жинси таркибида бир текисда тарқалган бўлса, бундай жинсларнинг пишиқлиги ва нурашга қарши мустаҳкамлиги жуда юқори бўлади.

## 2. Метаморфик жинслар структураси

Метаморфик жинслар структураси хилма-хил бўлиб, у метаморфизм процесси турларига, метаморфизмга учраган жинснинг таркибига ва қандай чуқурликда метаморфизмга учраганлигига боғлиқ. Метаморфик жинслар структураси учта катта туркумга — кристаллобластик, катаклиастик ва реликт структурага

бўлинади. Кристаллобластик структура ўз навбатида қўйидаги-  
ларга бўлинади:

1. Гранобластик (донадор) структура. Бундай структура гнейслар, амфиболитлар, кварцитларга мос. Жинсни ташкил этувчи минерал зарралари ҳар хил шаклларда бўлиб, кўпчилиги бир хил катталикка эга бўлади. Бундай структуралари метамор-  
фик жинсларнинг пишиқлиги жуда юқори бўлади.

2. Роговикли структура. Бундай структура асосан гилли сланец ва эффузив жинсларнинг интрузив жинслар (гранит) билан контактда метаморфизмга учраши натижасида пайдо бўлган роговикларга жуда характерли. Роговиклар зичланган, микрокристалли, варақсимонлигини (қат-қатлигини) йўқотган яхлит массага айланган бўлади. Бундай структуралари жинсларнинг пишиқлиги жуда юқори бўлади. Булардан ташқари яна нематобластик, гелицитли, гранулитли, диабластик ва бошқа структу-  
ралар маълум.

Катакластик структураларнинг энг кўп тарқалгани цементли ёки катакластик структураларидир. Жинслар динамометаморфизмга учраб катта босим натижасида янчилиб, майдаланиб кетади. Бу турдаги жинсларда майдаланган, эзилган материаллар орасида туб жинснинг кристалл бўлаклари учрайди. Буларнинг пишиқлиги анчагина юқори бўлади.

3. Лепидобластик (тангасимон) структура. Бундай структуралари жинсларга гнейслар, слюдали ва хлоритли сланецлар киради. Минераллар пластинкасимон ва маълум бир томонга йўналган бўлади. Бундай структуралари жинслар кўпинча юмшоқроқ бўлиб, нурашга чидамсиз, физик-механик хоссалари бўйича анизитроп ҳисобланади.

Реликт структураларда қайта кристалланган тоғ жинсларида дастлабки структура қолдиқлари сақланиб қолади. Масалан, гнейсларда гранитни гипидиоморф структураси қолдиғи сақланади. Бундай структуралар аталишида бласто сўзи қўшимчаси қўшиб айтилади. Масалан, бластопорфири структура ва ҳ. к.

### 3. Тошқотган чўкинди жинслар структураси

Цементланган ёки тошқотган чўкинди жинслар структураси минерал заррачаларнинг шаклига ва катта-кичиклигига қараб бир қанча турларга бўлинади:

1. Псефит структура. Бундай структуралари жинслар ўткир қиррали шағалтошлардан иборат бўлади. Катталиги 10 мм дан 100 мм гача бўлган жинс бўлаклари цементланиб конгломератларни, 2 мм дан 10 мм гача бўлган шағаллар бирикиб гравилитни ташкил қиласади. Буларнинг инженерлик-геологик процессларда пишиқлиги ва чидамлилиги заррачаларнинг катта-кичиклигига, минералогик таркибига, цементловчи жинс характеристига ва хилига боғлиқ бўлади.

2. Псаммитли структура. Бундай структуралари жинслар асосан қумлардан иборат бўлиб, уларнинг қотиши натижасида

йирик донали (2—0,5 мм), ўртача донали (0,5—0,25) ва майды донали (0,25—0,1 мм) құмтошлар ҳосил бўлади. Буларнинг пишиқлиги ва мустаҳкамлиги жуда юқори бўлади.

3. Алевритли структура. Бундай структуралари жинсларнинг таркиби асосан жуда майды қум (01—0,05 мм) ва чанг (0,05—0,002 мм) заррачаларидан иборат бўлиб, буларнинг қотишишидан йирик заррачали ва майды заррачали алевролитлар ҳосил бўлади. Физик-механик хоссалари жиҳатидан пишиқлиги жуда паст, қуруқ ҳолда қаттиқ, сув таъсирида тез юмшоқ (пластик) ҳолга келади, баъзан сув таъсиридан бутунлай қовушқоқлигини йўқотиб, суюқ ҳолга айланади.

4. Пелитли структура. Бундай структуралари жинсларга асосан гил (0,002 мм) зарраларининг қотишидан ҳосил бўлган аргиллитлар ва зичлиги жуда юқори бўлган гиллар киради. Физик-механик хоссалари ҳам алевролитнигига ўхшаб, пишиқлиги жуда паст, нурашга чидамсиз, қуруқ ҳолда қаттиқ, сув таъсири этиши билан юмшаб кетади.

Тошқотган чўкиндиги жинсларнинг ташқи кучга ва нурашга нисбатан мустаҳкамлиги ва пишиқлиги ҳар хил бўлиб, уларни ташкил этувчи зарраларнинг ҳажмига ва цементловчи жинсларнинг типига боғлиқdir.


#### 4. Бўшоқ жинслар структураси

Құмли жинсларнинг структураси зарраларининг катта-кичиклигига, таркибининг ҳар хиллигига қараб турлича бўлади.

Құм ва шағалларнинг структураси минерал зарралари ва зарра ва тоғ жинси бўлакларнинг жойлашишига кўра ажралган донадор структура деб аталади.

Бундай структуралари жинсларнинг пишиқлиги ва чидамлилиги уларни ташкил этувчи зарраларнинг ўзаро жойлашишига боғлиқdir. Шунга кўра ажралган донадор структура ўз навбатида икки турга — зич ажралган донадор ва бўшоқ ажралган донадор структураларга бўлинади (4- расм).

Зич ажралган донадор структуралари жинсларда зарралар тўғридан-тўғри бир-бирига тегиб турган ҳолда жойлашади. Бундай структуралари қум, шағал ва тошларнинг ғоваклигиги анча паст бўлади.



4-расм. Донадор бўшоқ структуранинг схематик тасвири:

а—мустаҳкам структура; б—бўшоқ структура. 1—минерал зарралар; 2—минерал зарралар орасидаги бўшлиқ.

Бўшоқ ажралган донадор структурали жинсларда зарралар орасидаги бўшлиқлар катта бўлиб, майда заррачалар билан тўлган ёки бўш бўлади. Бундай структурали жинсларнинг ғоваклилиги анча юқори бўлади.

Бундан ташқари қум ва шағалларнинг структураси М. Ф. Викулова классификацияси бўйича псаммитли ва псефитлига бўлинади.

Қумлар асосан псаммитли структурага эга бўлиб, зарраларининг катталигига қараб йирик ( $2-0,5$  мм), ўртача ( $0,25-0,10$  мм) ва майда доначали ( $0,1$  мм дан кичик) псаммитли структураларга бўлинади.

Шағалтош каби йирик парчали жинслар учун псефитли структура характерли. Тоғ жинслари таркибидаги зарраларнинг катта-кичиклигига, таркиби бир хил ёки ҳар хиллиги ва зичлигига қараб, йирик донали, майда донали зичланган, сочиувчан псефитли структураларга бўлинади.

Йирик донали псефитли структурали жинсларнинг сув ўтказувчанлиги ва физик-механик хоссалари бошқаларниги нисбатан жуда юқори бўлади, майда донали псефитли структурали жинсларнинг сув ўтказувчанлиги ва пишиқлиги эса, аксинча, паст бўлади.

## 5. Гилли жинслар структураси

Гилли жинслар структураси уларнинг минералогик таркибига, ҳосил бўлиш шароитига, заррачаларининг катта-кичиклигига, ғоваклилигига боғлиқ бўлиб, микро ва макро микроскопик структураларга бўлинади.

М. Ф. Викулова (1948, 1957) томонидан тузилган классификацияга кўра гилли жинсларнинг микроструктураси қўйидаги хилларга бўлинади:

1. Пелитли структура. Бундай структурага эга бўлган гиллар асосан гил зарраларидан иборат бўлиб, кўпинча денгиз ва кўл ҳавзаларида ҳосил бўлади.

2. Алевропелитли структура. Пелитли структурадан таркибидаги гил зарралар камлиги ( $8-10\%$ ) билан фарқланади. Бундай структурали гилли жинслар ўтирилган чанг зарраларидан иборат бўлади. Бундай структура асосан оқар сувларда ҳосил бўлган жинслар учун характерли.

3. Псаммопелитли структура. Жинсларнинг таркибида гил ва чанг зарраларидан ташқари кўп миқдорда қумлар бўлади. Бундай гиллар асосан континентал шароитда ҳосил бўлади.

4. Фитопелитли структура. Гиллар асосан гил зарраларидан иборат бўлиб, таркибидаги ҳар хил ўсимлик қолдиқлари кўп учрайди. Бундай структурали гиллар қорамтири тусда бўлади ва асосан ботқоқлик, кўл ва аллювиал ётқизиқлардан ташкил топади.

5. Алевритли структура. Бундай структурали гилли жинсларнинг таркиби чанг зарраларидан иборат бўлиб, оз қисми гил

зарраларидан ташкил топади. Буларга делювиал, пролювиал, эллювиал зол лёсслари ва лёссимон жинслар киради.

Гилли жинслар макроструктураси қуйидаги хилларга бўлинади:

1. Шағалтошли структура. Бундай структуралари жинсларда гилли жинсларнинг думалоқ бўлаклари гил зарралари билан цементлашган бўлади.

2. Брекчиясимон структура. Бунинг шағалтошли структурадан фарқи шуки, унда бир-бiri билан ёпишган гилли жинс бўлаклари ўтирилдири.

3. Порфирсимон структура. Гиллар асосан гил, чанг ва қум зарраларидан ташкил топиб, орасида ҳар хил катталиқда харсангтошлар, силлиқланган тошлар, шағал ва ўтирил қиррали шағалтошлар учрайди.

Гилли жинслар таркибида гил, чанг ва қум зарралари билан майда (коллоид) зарраларнинг ўзаро биричиши натижасида мураккаб таркибли йирик донадор зарралар ҳосил бўлади. Бу зарралар агрегатлар деб аталади.

Гилли жинсларнинг микроструктураси физик-химиявий процесслар (коагуляция, пептизация, эриш ва бошқалар) ҳамда механик зичланиш таъсирида доимо ўзгариб туради. Шу сабабли агрегатлар ҳосил бўлиши ёки йўқолиши мумкин. Тор жинси ичидаги чанг ва қум зарралари бундай процессларга чидамли бўлиб, микроструктура скелети вазифасини ўтайди, гили ва коллоид зарралар анчагина ҳаракатчан бўлиб, агрегатларни ҳосил бўлиши ёки йўқолиши туфайли жинс орасида ўз ўрнини тез-тез ўзгартириб туради.

Структура элементлари гилли жинсларда ҳамма вақт ҳам пайдо бўлавермайди. Грунт структурасининг пайдо бўлишига таъсир этувчи энг муҳим фактор гил ва коллоид ҳолдаги заррачалардир. Булардан ташқари коагуляция яхши бориши учун грунтда кальций тузлари етарли миқдорда бўлиши керак. Демак, структура пайдо бўлиши учун грунтда гил, коллоид ва зарралар ва кальций тузлари бўлиши шарт.

## 6. Тор жинсларида структуралари боғланиш

Бўшоқ, цементланмаган тор жинсларида қумтош ва шағаллардан ташқари бошқа ҳамма жинсларнинг минерал зарралари бир-бираига боғланган бўлади. Бундай боғланиш структуралари боғланиш дейилади.

Ҳосил бўлиш шароитига қараб структуралари боғланишлар бирламчи ва иккиласмачи бўлади. Бирламчи структуралари боғланишлар асосан магматик жинслар учун характерли бўлиб, тор жинси вужудга келаётганида ҳосил бўлади.

Иккиласмачи структуралари боғланишлар асосан чўкинди, баъзан метаморфик жинслар учун характерли бўлиб, диагенез процессида ҳосил бўлади. Ички тузилишига кўра структуралари боғланишлар кристалли, цементли ва коллоидли хилларга ажралади.

1. Кристалли боғланиш асосан магматик, метаморфик ва цементлашган жинслар учун характерли бўлиб, ҳосил бўлиш шароитига кўра бирламчи ва иккиламчи кристалли боғланишга бўлинади. Бирламчи кристалли боғланиш магманинг кристалланиб қотиши даврида таркиб топади. Иккиламчи боғланиш эса диагенез процессида метаморфик ва чўкинди жинсларга юқори температура ва катта босим таъсир қилишидан ҳосил бўлади.

Кристалли боғланиш электровалентли ёки ионли бўлади. Кристалларнинг ўсиши ва шишасимон вулкан моддалари цементлашишидан ҳам боғланишлар ҳосил бўлади. Бундай кристалли боғланишлар жуда пишиқ, мустаҳкам ва тоғ жинсига юқори қаттиқлик беради. Шу сабабли бундай боғланишга эга бўлган жинслар иморат ва иншоотлар учун яхши замин бўлиб, сувда деярли эримайди ва сув ўтказмайди.

2. Коллоидли боғланиш асосан гилли жинслар учун характерли ва тузилиши жиҳатидан анча мураккаб ҳамда ўзгарувчан бўлади. Коллоидли боғланиш зарралар юзасидаги молекуляр атом ва электростатик тортишиш кучлари ҳисобига ҳосил бўлади. Бу кучлар чўкинди жинслар тўпланиши вақтида ҳосил бўлиб, зарралар орасидаги масофа ўзгаришига қараб ўзгариб туради. Масалан, зарралар орасидаги масофа узайиши билан бу кучлар таъсири камаяди ва, аксинча, зарралар орасидаги масофа қисқарганда ошади. Заррачаларнинг яқинлашиши орқали ҳосил бўладиган кучни Н. Я. Денисов бирламчи ёпишқоқлик кучи деб атади.

Заррачаларнинг ўзаро тортишиш кучи ҳосил бўлиши билан бир вақтнинг ўзида гравитацион кучлар таъсирида итарувчи кучлар ҳам ҳосил бўлади. Бу куч заррачаларнинг бир-бирига жуда яқинлашуви, уларнинг бир-бирига тегиб туришига қаршилик кўрсатади. Шу сабабли гилли жинслар мутлақ қаттиқ жинсга айланмайди. Заррачаларнинг ўзаро яқинлашишига заррачалар устини ўраб олган плёнка сувлари ҳам тўсқинлик қиласи.

Коллоидли боғланишлардан ташқари гилли жинсларда минерал заррачаларнинг ҳар хил коллоид бирикмалар (кремний кислотаси, оксидлар ва органик бирикмалар, тузлар (карбонатлар, гипс ва бошқалар) воситасида елимланишидан структурали боғланишлар ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, тоғ жинсларининг қаттиқлиги, ташқи кучга чидамлилиги, сиқилиши ва бошқа бир қанча хусусиятлари уларнинг структурали боғланиши хилларига боғлиқdir.

### III. БОГДАНИИ ТЕКСТУРАСИ ВА УНИНГ ИНЖЕНЕРЛИК-ГЕОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Тоғ жинсларининг массивлик, қатма-қатлик, йўл-йўл, варациланган, ажроқсимон каби тузилишини ифодаловчи белгилари йиғиндиси текстура дейилади.

Тоғ жинсларининг инженерлик-геологик хусусиятлари зараларнинг катта-кичиклигига, шаклига, ўзаро боғланиши ва текстурасига боғлиқ. Масалан, таркиби жиҳатдан бир хил, текстураси ҳар хил бўлган икки грунтнинг инженерлик-геологик хусусиятлари турлича бўлиб, бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

Текстура тоғ жинсларининг қандай шароитда ҳосил бўлганлигини ифодаловчи асосий белгиларидан бири, у жинсларнинг бир хил эмаслик, анизотропик хусусиятларини кўрсатади.

Тоғ жинсларининг текстурасини ўрганишнинг инженерлик-геологик ишларда икки хил аҳамияти бор: а) тоғ жинсининг пишиқлиги ва ўзгарувчанлиги унинг температурасига кўра баҳоланади; б) текстурага қараб лаборатория ишлари учун намуна олиши ва жинсларнинг физик-механик хоссаларининг батафсил характеристикасини аниқлаш усуллари белгиланади.

Тоғ жинсларининг умумий инженерлик-геологик хусусиятларини баҳолашда бошқа белгилари билан бир қаторда уларнинг текстурасини ўрганиш амалий аҳамиятга эга, текстура белгилари тоғ жинсларининг амалий жиҳатдан муҳим бўлган суриниш, эгилиш, узилиш, сиқилиш каби деформациясининг йўналишини ва интенсивигини белгилаб беради. Булардан ташқари текстура белгилари механик ва химиявий суффозия ҳодисасида фильтрация йўлини аниқлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

## 1. Магматик жинслар текстураси

Инженерлик-геологик жиҳатдан магматик жинсларнинг текстураси массив флюидал варақсимон ва ғоваксимон бўлади.

1. Массив текстурали тоғ жинсларида кристаллар бутунлай тартибсиз жойлашади. Бундай текстура тоғ жинсларининг физик-механик хоссаларининг изотроплигини тўла-тўқис таъминлайди, пишиқлигини оширади.

2. Флюидал текстурали жинсларда кўпчилик кристаллар параллел жойлашган бўлади. Бундай текстурали жинсларнинг физик-механик хоссалари анизотроп бўлади. Бу эса унинг нурашга чидамлилигини камайтиради.

3. Варақсимон текстура минералогик таркиби ва донадорлиги ҳар хил жинслар учун характерлидир. Бундай текстурали жинсларда уларнинг ҳар хил таркибга эга бўлган қисми маълум йўналишда бир-бирига параллсл ҳолда жойлашади. Шу сабабли улар умумий кўриниши қат-қатлиги ва физик-механик хоссаларининг анизотроплиги, нурашга чидамсизлиги билан фарқланади.

4. Ғоваксимон ёки шлаксимон текстура вулкан жинслар учун характерли, бундай жинслар орасида ҳар хил катталиктаги ва думалоқ-пуфакча шаклидаги бўшлиқлар бўлади. Бу пуфакчалар лава ер юзасига отилиб чиқиб қотаётганда ундан газларнинг ажралиб чиқиши туфайли ҳосил бўлади.

## 2. Метаморфик жинслар текстураси

Одатда метаморфик жинсларнинг кўпи тўла кристалланган бўлади. Уларнинг структура ва текстураси иккиламчи бўлиб, жинсларнинг юқори босим ва температура остида қайта кристалланишидан ҳосил бўлади. Шунга кўра метаморфик жинсларнинг текстураси хилма-хил бўлиб, қўйидаги хилларга бўлинади:

1. Варақисимон ёки қат-қат текстура. Бундай жинсларда слюда, хлорит, тальк каби минералларнинг пластинкасимон зарралари узун қирралари бўйича бир-бирига нисбатан параллел ҳолда жойлашиб қат-қат, йўл-йўл кўринищдаги жуда юпқа параллел қатламчаларни ҳосил қиласди. Бундай текстура асосан сланецлар учун характерли бўлиб, уларнинг физик-механик хоссалари жуда ўзгарувчан ва анизотропликка эга бўлади. Бундай текстурали жинсларда икки юпқа қатламчанинг бир-бирига тегиб турган текислик бўйича нураш процесси жуда тез содир бўлади. Натижада уларнинг механик хоссалари шу йўналиш-текислик бўйлаб кескин камая боради. Бинобарин уларнинг шу текислик бўйича синиши осон бўлади.

2. Йўл-йўл ёки тароқсимон текстура. Метаморфик жинсларда қатламчалар бир-бирига параллел ҳолда кетма-кет алмашиниши билан характерли.

3. Массив текстура. Бундай текстурали жинслар бир хил минералогик таркибга эга бўлади.

4. Гнейсимон текстура. Жинсларнинг текстураси жуда мурракаб ҳолда бўлиб, бунда жинснинг бир қисми қат-қат текстурага эга бўлса, бир қисми йўл-йўл ёки донадор текстурага эга бўлади. Баъзан бундай текстурали жинсларда параллел қатламчалар линза формасидаги қатламчалар билан алмашиниб туради. Ҳар бир линза ўзининг минералогик таркиби ва структураси билан бир-биридан фарқланади. Физик-механик хоссаларида ҳам анизотроплик жуда сезиларлидир. Бундай текстурали жинсларга асосан гнейслар, пмигматитлар, амфиболитлар киради. Шуни ҳам айтиш лозимки, гнейсимон текстурали жинсларнинг қаттиқлиги бошқаларга нисбатан анча юқори бўлади.

Кўзойнаксимон ёки линзасимон текстура. Жинсларда майдада кристаллар бир-биридан маълум узоқликда, тўп-тўп бўлиб ёки йирик кристалл ҳолида учрайди. Уларнинг мустаҳкамлик даражаси бошқа турдаги жинсларга нисбатан бирмунча паст бўлиб, нурашга чидамсиз бўлади.

## 3. Тошқотган чўкинди жинслар текстураси

Тошқотган чўкинди жинслар текстураси таркибидаги минерал зарраларнинг жойлашишига, бўшлиқ ва ғовакларининг катта-кичиклигига қараб бир қанча турларга бўлинади. Зарраларнинг жойлашишига кўра тартибсиз, микро ва макро қаватли текстураларга бўлинади.

1. Тартибсиз текстурали жинсларда минерал зарралари бироз тартибсиз жойлашади. Жинсларнинг пишиқлиги ва қаттиқлиги жуда юқори бўлиб, нураш процессига чидамли бўлади. Ўзидан сувни секин ва кам ўтказади. Физик-механик хоссалари эса анизотроп бўлади.

Микро ва макро қаватли текстура қаватларнинг ётиш ҳолатларига қараб макроқават, горизонтал микроқават, қиялашган қават, йўл-йўл микроқават турларига бўлинади. Микро агрегатлари маълум бир йўналиш бўйича ёки қаватлар бўйлаб жойлашади. Жинсларнинг пишиқлиги ва чидамлилиги қаватларга тик бўлган йўналиши бўйича юқори бўлади. Сув ўтказиши хусусияти қаватлар йўналиши бўйича юқори, унга тик йўналишда эса паст бўлади. Бундай жинслар нурашга учраганда плитачаларга ва ясси бўлакларга осон ажралади.

Цементлашган чўкинди жинслар текстураси таркибидағи бўшлиқларни ва ғовакликларнинг кўплиги ва катта-кичиклигига қараб ҳам бир қанча турларга бўлинади.

1. Зич текстура. Жинсларнинг ғоваклилиги оз бўлиб, ғовакликларни оддий кўз билан ёки кучсиз лупа орқали ҳам кўриб бўлмайди. Бундай жинслар изотропик хусусиятига эга бўлиб, жуда қаттиқ ва пишиқ, сув ўтказувчанлиги жуда паст бўлади, баъзан бутунлай сув ўтказмайди.

2. Ғовакли текстура. Иирик зарралардан (5 мм) ташкил топган серговак жинслар учун характерли. Жинсларнинг қаттиқлиги ва пишиқлиги жуда паст, сув ўтказувчанлиги юқори бўлади. Ғоваклардан ер усти ва ер ости сувлари сизиб ўтиши туфайли жинсларда эриш ва карст процеслари тез рўй беради.


Цементлашган жинслар текстураси ўзгаришининг инженерлик-геологик хоссаларига таъсири, цементловчи жинснинг хилига боғлиқ.

#### 4. Бўшоқ жинслар текстураси

Бўшоқ сочилиувчан чўкинди жинслар (қум, шағал ва тошлар). Жинсларнинг текстураси уларни ташкил этувчи зарраларнинг жойлашишига ва катта-кичиклигига қараб қўйидаги турларга бўлинади.

1. Зич ёки бутовали текстура. Жинсларда минерал зарралари зич жойлашган бўлиб, бир-бирига тегиб туради (5-расм, А — а). Бундай жинсларнинг сув ўтказувчанлиги дона ва зарралар орасидаги бўшлиқларнинг катта-кичиклигига, майда зарралар билан қай даражада тўлганлигига боғлиқ.

2. Холдор ёки псевдопорфири текстура. Жинсларнинг асосий қисмини майда зарралар ташкил қилиб, иирик дона ва зарралар кам бўлади (5-расм, А — б). Жинсларнинг инженерлик геологик хоссалари жуда ўзгарувчан ва хилма-хил бўлиб, майда зарралар таркибида боғлиқ. Масалан, майда зарралар гилда зарралар таркибида боғлиқ.



5-расм. Йирик донадор жинслар (*A*) ва құмлар (*B*) текстурасы:  
—бутозаля; *б*—псевдоторфирли; *в*—горизонтал; *г*—түлкінсімөз; *д*—қияқаватлы.

лардан иборат бўлса, жинсларнинг сув ўтказувчанлиги қум, шағалларга нисбатан бирмунча паст бўлади.

3. Горизонтал қияқаватли текстура. Жинсларда зарралар бир хил йўналишда (горизонтал) жойлашган бўлади (5-расм, *B* — *в*). Бундай текстурали құмларнинг физик хоссалари уларнинг зичлигига ва таркибиغا боғлиқ.

4. Тўлқинсімон текстура. Жинсларда зарралар маълум бир йўналишда тўлқинсімон жойлашада (5-расм, *B* — *г*).

5. Қияқаватли текстура. Жинс ётқизиқларининг қатламлари ҳар томонга тартибсиз қияланган бўлади. Жинсларда зарралар бир йўналиш бўйича эмас, ҳар хил йўналишда тартибсиз ётади. Бундай текстура чўкиндиннинг доимо чайқалиб, ўрнини ўзгартириб туришидан ҳосил бўлади (5-расм, *B* — *д*).

## 5. Гилли жинслар текстураси

Кўпинча гиллар ва гилли жинслар табиатда қатламланган бўлади. Қатламчаларнинг қалинлиги ҳар хил бўлиб, баъзиларини бир-бираидан ажратиш мумкин бўлса, баъзиларини ажратиб бўлмайди. Шунга кўра уларни қат-қатли ва массивли текстуралар дейилади. Бундай текстурали гилларнинг қатламчалири кўпинча горизонтал ҳолда ётади. Ҳосил бўлган шароитига кўра гилли жинсларнинг текстураси қўйидаги хилларга бўлинади (М. В. Викулова 1957):

1. Ҳар хил катталиқдаги зарраларнинг фазода ўзаро жойланишида ҳосил бўлган текстуралар. Буларга қаватли, яширин қаватли коваксимон ва бошқа хил текстуралар киради.

2. Гилли жинсларнинг вақти-вақти билан қуриб қолишидан ҳосил бўладиган тўрсимон ёки асалари инисимон текстура.

3. Гилли жинслар ҳар хил зичланиши туфайли ҳосил бўла-диган ғовакли ва ғоваксиз текстура.

4. Гилли жинсларнинг ётиш ҳолатлари бузилишидан ҳосил бўладиган нотўғри текстура. Бунга ўсимлик ва ҳайвонот таъсирида ҳосил бўлган текстуралар киради.

5. Диагенез процесси натижасида ҳосил бўладиган қат-қат текстура. Юқорида қайд қилинган текстуралар тоғ жинслари-нинг инженерлик-геологик хоссалари ўзгаришига ва иморат, ин-шоот заминида ўзини қандай тутишига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли инженерлик-геологик ишларда гилли жинслар-нинг текстураси мукаммал ўрганилади.

#### IV ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ ГРАНУЛОМЕТРИК ТАРКИБИ ВА ИНЖЕНЕРЛИК-ГЕОЛОГИҚ АҲАМИЯТИ

Магматик ва метаморфик тоғ жинслари асосан массив, зар-ралари жипслашган ҳолда учраса, кўпчилик чўкинди жинслар табиатда дисперсланган, яъни ҳар хил катталикдаги дона ва зарралардан иборат бўлади.

Тоғ жинсини ташкил этувчи катталиги жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган зарралар йиғиндисига фракция деб аталади ва улар мм билан ифодаланади. Тоғ жинсидан фракция-ларнинг процент миқдори гранулометрик таркиби дейилади. Зарраларнинг катта-кичиклиги бир неча ўн ва юз сантиметрдан то миллимётрнинг мингдан бир улушкигача ва ундан ҳам кичик бўлиши мумкин.

Тоғ жинсининг гранулометрик таркибини тўғри баҳолаш учун таркибидаги зарраларнинг катта-кичиклигини аниқлаш ло-зим. Фракциялар катта-кичиклигига кўра қўйидаги группаларга бўлинади (Е. Г. Чаповский, 1975).

1. Харсанг — йирик — 800 мм. дан катта;

ўртacha — 800—400 мм;  
майда — 400—200 мм.

2. Тош — жуда йирик — 200—100 мм;

йирик — 100—60 мм;  
ўртacha — 60—40 мм;  
майда 40—20 мм.

3. Шағал — йирик 20—10 мм;

ўртacha 10—4 мм;  
майда 4—2 мм.

4. Қум — жуда йирик 2—1 мм;

йирик — 1—0,5 мм;  
ўртacha — 0,5—0,25 мм;  
майда 0,25—0,10 мм;  
жуда майда 0,10—0,05 мм.

5. Чанг (тўзон) — йирик 0,05—0,01 мм;

майда 0,01—0,005 мм;

6. Гилл йирикроқ 0,005—0,001 мм;

нозиқ 0,001 мм дан кичик.

Тоғ жинсларининг гранулометрик таркиби уларнинг хосса ва хусусиятларини ифодаловчи энг асосий факторлардан бири ҳисобланади. Бу жинсларининг пластиклиги, капиллярги ташқи куч таъсирида сиқилиши ва бошқа физик-механик хоссалари уларнинг гранулометрик таркибига боғлиқ бўлади. Масалан, тош ва шағаллардан ташкил топган жинсларнинг сув ўтказувчалиги қум ва гил зарраларидан ташкил топган жинсларнига нисбатан бир неча марта кўпdir.

## 1. Тоғ жинсларининг гранулометрик таркибига асосланган классификацияси

Чўкинди тоғ жинсларининг гранулометрик таркибига асосланган бир қанча классификацияси мавжуд. Кўпчилик фойдаланадиган В. В. Охотин (1940) тузган классификациядир. Бунда гилли чўкинди жинслар 14 хилга бўлинади:

1. Гил — бунда гил зарралари 30% дан ортиқ, қум зарралари эса чангга нисбатан кўпроқ.
2. Оғир қумоқ тупроқ — гил 20—30%, чанг зарралари қум зарраларидан кўпроқ.
3. Ўртача қумоқ тупроқ — гил 15—20%, қум зарралари чангга нисбатан кўпроқ.
4. Ўртача чангли қумоқ тупроқ — гил 15—20%, чанг зарралари қумниги нисбатан кўпроқ.
5. Енгил қумоқ тупроқ — гил 10—15%, қум зарралари чангниги нисбатан кўпроқ.
6. Чангли қумоқ тупроқ — гил 10—15%, чанг зарралари қумниги нисбатан кўпроқ.
7. Оғир қумлоқ тупроқ — гил 6—10%, қум чангга нисбатан кўпроқ бўлиб, асосан 2—0,25 мм ли доначалардан иборат.
8. Майда доначали қумлоқ тупроқ — гил 6—10%, қум чангга нисбатан кўпроқ, асосан 0,25—0,005 мм ли доначалардан иборат.
9. Чангли оғир қумлоқ тупроқ — гил 6—10%, чанг қумга нисбатан кўпроқ.
10. Енгил қумлоқ тупроқ — гил 3—6%, қум чангга нисбатан кўпроқ, асосан 2—0,25 мм ли доначалардан иборат.
11. Майда доначали енгил қумлоқ тупроқ — гил 3—6%, қум чангга нисбатан оз бўлиб, асосан 0,25—0,05 мм ли доначалардан иборат.
12. Чангли енгил қумлоқ тупроқ — гил 3—6%, чанг зарралари қумниги нисбатан кўпроқ.
13. Қум — гил 3% га яқин, қум асосий қисмини ташкил этиб, 2—0,25 мм ли доначалардан иборат.
14. Майда доначали қум — гил 3%, қум чангга нисбатан кўп бўлиб, асосан 0,25—0,05 мм ли доначалардан иборат.

Минерал доналарининг катта-кичиклигига қараб бўшоқ тоғ жинслари йирик, ўртача ва майда донали жинсларга бўлинади. Бу халқ ҳўжалиги талабига мосдир.

Йирик донали жинсларга валунлар (харсанг тошлар), тошлар ва шағаллар киради. Доналари силлиқланган йирик донали жинслар валунлар, силлиқланмагани эса чақиқ тош (үткір қиррали тош) ва дресва (үткір қиррали шағал) деб атлади.

Йирик донали жинсларга қум ва чанг зарралари ҳамда уларни цементловчи модда (жар хил түзлар, гил зарралари) аралашса, доналар бир-бiri билан жипсласып қотган жинслар ҳосил қилади. Агар силлиқ тошлар бир-бiri билан ёпишса, шағалтошлар, чақиқ тошлар ёпишса, брекчиялар ҳосил бўлади.

Йирик донали жинслар гранулометрик таркибига кўра бир неча турларга бўлинади.

Шағал доначаларидан (2—20 мм) таркиб топган жинслар Н. Н. Иванов (1925) классификацияси бўйича тўрт группага бўлинади.

1. Шағалли тоғ жинси. Бунда 10—50% шағал доначалари бўлиб, қолган қисми қум, чанг ва гил зарраларидан ташкил топади.

2. Қумли шағал. Шағал доначалари 30—50% гача, қолган қисми қум, чанг ва гилдан иборат.

3. Чангли шағал. Бунда ҳам 30—50% шағал, қолган қисми нинг кўпи чангдан, қисман қум ва гил зарраларидан иборат бўлади.

4. Шағал. Бунда 50% дан кўпи шағал доначаларидан, қолган қисми қумдан иборат бўлади.

Табиатда кўпинча қумли шағаллар кўп учрайди.

Ўртача донали жинсларга катталиги 2—0,05 мм ли зарралардан иборат қумлар киради. Қурилиш нормаси ва қоидасига (СНиП 11—15—74) кўра булар қуйидагиларга бўлинади:

1. Шағал аралашган қум (2 мм дан катта минерал ва тоғ жинси зарралари 25% дан кўпроқ)

2. Йирик қум (0,5 мм дан катта минерал ва тоғ жинси зарралари 50% дан кўп.)

3. Ўрта заррачали қум (0,25 мм дан катта зарралар 50% дан кўп).

4. Майдо қум (0,1 мм дан катта зарралар 75% дан кўпроқ).

5. Чангли қум (0,1 мм дан катта зарралар 75% дан камроқ).

Бу қурилиш нормаси (СНиП 25—74) да ифодаланган қумли жинсларнинг классификацияси ҳозирги талабга тўла-тўқис жавоб бермайди. Шуни ҳисобга олиб кейинги вақтда проф. В. Д. Ломтадзе (1970) ўртача заррали жинсларнинг мукаммал гранулометрик классификациясини ишлаб чиқди. Бу классификацияга кўра ўртача заррали жинслар қуйидаги 12 та группага бўлинади:

1. Жуда йирик қум. Таркибида 1—2 мм ли зарраларнинг миқдори 50% дан ортиқ.

2. Жуда йирик чанг аралашган қум. Таркибида 1—2 мм ли зарралар 50% дан ортиқ, бир оз чанг зарралари ҳам бўлади.

3. Йирик қум. Таркибида 1—0,5 мм ли зарралар миқдори 50% дан ортиқ.

4. Йирик чанг аралашган қум. Таркибида 1—0,5 мм ли зарралар 50% дан ортиқ, бироз чанг зарралари аралашган бўлади.

5. Ўртача заррали қум. 0,5—0,25 мм ли зарралар таркибининг 50% дан ортиқроқ қисмини ташкил этади.

6. Ўртача заррали чанг аралашган қум. 0,5—0,25 мм ли зарралар 50% дан ортиқ, таркибида бироз чанг ҳам бўлади.

7. Майда заррали қум, 0,25—0,10 мм ли зарралар 50% дан ортиқ.

8. Майда заррали чанг аралашган қум. 0,25—0,10 мм ли зарралар 50% дан ортиқ, таркибида чанг бўлади.

9. Жуда майда заррали қум. 0,1—0,05 мм ли зарралар 50% дан ортиқ.

10. Жуда майда заррачали чанг аралашган қум. 0,1—0,05 мм ли заррачалар 50% дан ортиқ, бир оз чанг ҳам бўлади.

11. Ҳар хил зárрали қум. Катта-кичиклиги ҳар хил заррачалар миқдори турлича.

12. Ҳар хил заррали чанг аралашган қум. Ҳар хил катталикдаги зарралар билан чанг аралашган бўлади.

Майдоноали жинслар 0,05 мм дан 0,001 мм гача ва ундан майдо заррачалардан ташкил топади. Улар таркибидаги майдо заррачаларнинг катта-кичиклиги ва миқдорига қараб гил, қумоқ ва қумлоқ тупроққа бўлинади (В. В. Охотин, 1940 й. класификациясига қаранг).

Шуни айтиш лозимки, грунтшунослик ва инженерлик геологияси доир кўп адабиётларда 0,001 мм дан кичик заррачаларни гил заррачалари деб аталган ва бу нотўғридир. Кейинги тажрибалар шуни кўрсатдики, 0,002 мм дан кичик заррачалардан ташкил топган жинслар физик ва механик хоссаларига кўра 0,001 мм ли заррачалардан ташкил топган жинслардан кўп фарқ қилас экан. Шу сабабли кейинги вақтда гил заррачаларига фақат 0,002 мм дан кичик зарралар киритилди.

Майдоноадор жинсларнинг физик ва механик хоссалари таркибидаги чанг ва гил заррачаларининг миқдорига боғлиқ.

Чангли (0,05—0,002 мм) заррачалардан ташкил топган жинслар гил заррачаларидан иборат жинслардан таркиби ва хусусиятлари жиҳатидан фарқ қиласди. Чангдан ташкил топган жинс заррачалари унча силлиқланмаган, бир-бирига кучли қовушмаган, пластиклиги ва сув сифими оз, ўзидан сувни гилга нисбатан кўп ўтказадиган бўлади. Чанг заррачаларидан ташкил топган жинсларнинг гиллардан яна бир фарқи, уларга сув таъсир қиласданда, қандга ўхшаб тез эриб кетади. Шу сабабли чанг зарраларидан ташкил топган жинсларнинг гранулометрик таркиби ўрганилганда улар таркибидаги гил ва чанг зарралари миқдорини аниқ билиш лозим.

## 2. Төг жинсларининг гранулометрик таркибини ўрганиш усуллари

Төг жинсларининг қайси туркумга киритилиши, уларни ташкил этган зарраларнинг катта-кичиклигига қараб, гранулометрик анализ орқали белгиланади. Катта ва ўртача донали жинслар фалвир ёрдамида фракцияларга ажратилади. Шу сабабдан бу усул фалвирлаш анализи номини олган. Гранулометрик анализ натижалари процент ҳисобида ифодаланади.

Одатда инженерлик-геологик текшириш ишларида 7 та фалвир олинади (6-расм). Энг катта фалвир тешикчаларининг диаметри 10 мм, энг пастдагиники эса 0,1 мм га teng. Бинобарин, диаметри 10 мм дан катта жинс доналари фалвирнинг энг юқориги қисмida, 0,1 мм дан кичиклари фалвирнинг пастки қисмida ийғилади.

Фалвирлаш анализи қуйидагича бажарилади:

1. Фалвирлар, расмда кўрсатилгандек, бир-бирининг устига жойлаштирилади.

2. Анализ учун олинган намуна яхши қуритилади ва тарозида тортилади, сўнгра энг юқоридаги фалвирга солинади.

3. Фалвирлар биргаликда тебратилади. Бунда ҳар бир фалвирда шу фалвир тешикчаларидан катта зарралар ийғилади.

4. Ҳар бир фалвирда қолган зарралар техник тарозида тортилади.


5. Ҳар бир фалвирдаги зарралар фракциясининг миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$x = \frac{A}{B} \cdot 100\%,$$

бунда:  $A$  — фалвирда қолган жинснинг оғирлиги (грамм),  $B$  — анализ учун олинган намунанинг умумий оғирлиги (грамм);

Фалвирлар ёрдамида асосан таркибида гил ва чанг зарралари бўлмаган ёки жуда оз бўлган қумларнинг гранулометрик таркиби аниқланади. Агар қум таркибида гил ва чанг зарралари бўлса, у ҳолда қум ва ундан каттароқ фракциялар фалвирлар ёрдамида ажратилиб жинс доналарни янада кичик фракцияларга сув ёрдамида ажратилади. Сув ёрдамида анализ қилишининг ҳар хил принципларга асосланиладиган турли усуллари бор. Бу усуллар ичida энг кўп тарқалгани Робинзон усулидир.

Робинзон усули ёрдамида гил ва чанг зарраларидан ташкил топган жинсларнинг гранулометрик таркиби аниқланади. Бу усул



6-расм. Қумларни гранулометрик анализ қилиш фалвирлари:

$A$ —тўла комплект;  $B$ —тешикчалари 1, 0, ва 0,25мм ли фалвирлар.

жинс доначаларининг турғун сувда чўкишига асосланган. Чайқатилган доначалар ўзининг катталигига қараб турли тезликда чўкади. Доначалар қанча катта бўлса, чўкиш тезлиги шунча тез бўлади. Анализ учун тайёрланган жинс қуритиш шкафидаги қуритилади, ундан 20 грамм олинниб, 100 ёки 200 мл ҳажмли шиша колбага солинади, устидан тоза сув қуйилади. Сўнг чайқатилади ва бир-бирига ёпишган зарраларни ажратиш учун электр плиткаси устига қўйиб бир соат давомида қайнатилади. Колбадаги бўтана совигандан сўнг тешикчаларининг диаметри 0,25 мм дан кичик ғалвирдан ўtkазилади. Бунинг учун тоғарача устига ғалвир қўйиб, колбадаги бўтана қуийилади. Колба бир неча марта тоза сув билан ювилиб, ғалвирга қуилади. Сўнгра тоза сув билан ғалвир ичида қолган заррачалар ювилади. Ғалвирда қолган заррачалар маҳсус идишга солиниб қуритилади ва техник тарозида тортилиб оғирлиги аниқланади. Тоғарачадаги бўтана бир литрли шиша банкага солинади ва устига тоза сув қуийлиб бўтананинг ҳажми бир литрга етказилади. Ҳосил қилинган бўтана 1,3—1,5 литрли маҳсус шиша цилиндрга солинади ва учига резина шланг кийдирилган шиша таёқча билан чайқатилади. Орадан маълум вақт ўтгандан сўнг, ҳажми 25 мл маҳсус пипетка билан цилиндр ичидаги бўтана юзасидан 10 см чуқурликда намуна олиб, маҳсус идишда қуритилади ва унинг нисбий миқдори қуийдаги формула орқали процент ҳисобида аниқланади:

$$x = \frac{a \cdot V \cdot C}{\sigma \cdot V_1},$$

бунда  $a$  — пипеткада олинниб, маҳсус идишда буғлатилиб қуритилган намунанинг оғирлиги (грамм);  $V$  — цилиндрдаги бўтананинг умумий ҳажми (1000 мл);  $V_1$  — пипеткадаги бўтананинг ҳажми (25 мл), заррачаларнинг умумий миқдори (процент), агар (0,25 мм дан) катта заррачалар бўлмаса,  $C = 100\%$  га тенг бўлади;  $\sigma$  — анализ учун олинган намунанинг миқдори (грамм).

Кейинги вақтларда гил ва чанг зарраларидан ташкил топган жинсларнинг гранулометрик таркиби центрофуга ёрдамида ҳам аниқланмоқда. Центрофуга усули марказдан қочиш қонунига асосланган.

### 3. Гранулометрик анализ натижаларини графикда ифодалаш

Гранулометрик анализ натижалари жадвал ва графикларда ифодаланади. Мисол қилиб гранулометрик анализ циклограммасини келтириш мумкин (7- расм). Бунинг учун доира чизиб, у юз бўлакка бўлинади: ҳар бир бўлак бир процентга тенг деб ҳисобланиб, ҳар бир катталикка эга бўлган зарраларнинг процент миқдори доира бўйлаб белгилаб чиқилади ва белгиланган нуқта доира маркази билан туташтирилади. Циклограммада тоғ жинси таркибидаги ҳар қайси зарранинг кўп-озлиги яққол

күрениб туради. Гранулометрик анализ натижалари оддий ва интеграл эгри чизиги орқали ҳам ифодаланади.

Гранулометрик таркибини эгри чизик билан ифодалаш учун тўғри бурчакли координаталар системасининг горизонтал ўқига доначаларнинг диаметри, вертикал ўқига эса миқдори йифиндиси (%) да) қўйилади (8-расм). Масалан, анализ натижасида ўлчами 0,1 мм дан 0,25 мм гача бўлган фракциялар 13% ни, 0,25 мм дан 0,5 мм гача бўлган фракциялар 40% ни; 0,5 мм дан 1 мм гача бўлган фракциялар 45% ни ташкил этади деб олайлик. Эгри чизик чизиш учун фракциялар қўйидагича группаланади;

ўлчами 0,1 мм дан кичик фракциялар — 2%

ўлчами 0,25 мм дан кичик фракциялар  $2 + 13 = 15\%$


ўлчами 0,5 мм дан кичик фракциялар  $15 + 40 = 55\%$

ўлчами 1,0 мм дан кичик фракциялар  $55 + 45 = 100\%$ .


Графикда абсцисса ўқи бўйлаб фракциялар, ордината ўқи бўйлаб процентлар қўйиб чиқилади.

Эгри чизиқнинг биринчи нуқтаси абсцисса ўқидаги 0,1 нуқтадан ва ордината ўқидаги 2 нуқтадан ўтказилган перпендикулярларнинг кесишган жойида бўлади.

Иккинчи нуқтани топиш учун абсцисса ўқидаги 0,25 ва ордината ўқидаги 15 нуқтадан перпендикулярлар ўтказиш керак ва ҳоқазо. Гранулометрик таркибининг эгри чизиги ҳамма кесишган нуқталар бирлаштирилиб ҳосил қилинади. Эгри чизик ёрдамида тоғ



7-расм. Гранулометрик анализ циклограммаси.



8-расм. Жинс гранулометрик таркибининг оддий масштабдаги эгри чизиги

жинсларининг эффектив диаметри— $d_{10}$ , тадқиқий диаметри— $d_{60}$  ва бир хил эмаслик коэффициенти  $K_{60}$  аниқланади.

Тоғ жинсларининг эффектив диаметри  $d_{10}$  ундан кичик заралар миқдори жинснинг 10% ини ташкил этишини билдиради.

Тоғ жинснинг тадқиқий диаметри  $d_{60}$  ундан кичик заралар миқдори жинснинг 60% ини ташкил қилишини ифодалайди.

Тадқиқий диаметрнинг эффектив диаметрга нисбати тоғ жинсларининг бир хил эмаслик коэффициенти  $K_{60}$  ни күрсатади, яъни

$$K_{60} = \frac{d_{60}}{d_{10}}.$$

Агар  $K_{60} > 3$  бўлса, жинс бир хил эмас, аксинча  $K_{60} \leq 3$  бўлса, бир хил деб айтилади.


Буни топиш учун ордината ўқидаги 60% ни ифодаловчи нуқтадан перпендикуляр ўтказилиб, уни эгри чизиқ билан кесишгунча давом эттирилади, улар кесишган нуқтадан абсцисса ўқига перпендикуляр туширилади ва кесишган нуқтага тўғри келувчи зарра диаметри  $d_{60}$  нинг қўймати топилади (8-расм). Сўнгра худди шу усул билан  $d_{10}$  нинг қўймати ва юқоридаги формула орқали бир хил эмаслик коэффициенти  $K_{60}$  топилади.

Гранулометрик таркибни ифодаловчи эгри чизиқ логарифмларда тузилади (9-расм). Бунинг учун абсцисса ўқи бир-бирига teng бўлган ихтиёрий кесимларга ажратилади. Бу кесимларнинг узунлиги кўпинча 4 см га teng қилиб олинади. Ҳар бир кесма 9 та логарифмик қисмга ажратилиб, кесманинг узунлиги қўйида аниқланади:

$$\lg 2 = 0,301 \times 4 \text{ см} = 1,2 \text{ см.}$$

$$\lg 3 = 0,477 \times 4 \text{ см} = 1,8 \text{ см.}$$

$$\lg 4 = 0,602 \times 4 \text{ см} = 2,4 \text{ см.}$$



9-расм. Жинс гранулометрик таркибининг интеграл эгри чизиги.

$$\begin{aligned} \lg 5 &= 0,699 \times 4 \text{ см} = 2,8 \text{ см.} \\ \lg 6 &= 0,778 \times 4 \text{ см} = 3,1 \text{ см.} \\ \lg 7 &= 0,845 \times 4 \text{ см} = 3,4 \text{ см.} \\ \lg 8 &= 0,903 \times 4 \text{ см} = 3,6 \text{ см.} \\ \lg 9 &= 0,955 \times 4 \text{ см} = 3,8 \text{ см.} \\ \lg 10 &= 1 \times 4 \text{ см} = 4 \text{ см.} \end{aligned}$$

Ҳар бир кесманинг қиймати кесманинг учидан ҳисобланади. Биринчи кесманинг учи координата боши ҳисобланади. Шу координата бошидан бошлаб ҳар бир қисмининг узунлик миқдори (1,2; 1,9 2,4; 2,8 см ва ҳоказо) кетмакет қўйиб чиқлади. Худди шу усулда 2,3,4- кесмаларнинг ҳар бири расмда кўрсатилганидек 9 та логарифмик қисмга ажратилиди.


Ҳар бир зарранинг ўлчами, расмда кўрсатилганидек ажратилган қисмлар тўғрисига ёзилади. Масалан, координата учига 0,001 мм, кейинги қисмларга 0,002; 0,003 ва ҳоказо. Сўнгра биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи нуқталарнинг ўрни топилиб, бир-бири билан туташтирилади.

Шундай йўл билан гранулометрик таркибининг оддий эгри чизиқларидан фарқ қиласидан ярим логарифмик масштабда тузилган логарифмик эгри чизиги чизилади.

Гранулометрик таркибни графикда ифодалашнинг яна бир — усули учбурчак усулидир (10-расм).

Бу усулда уч томони бир-бирига тенг учбурчак чизилади ва унинг ҳар бир томони 100 қисмга бўлинади ва улар расмда кўрсатилганидек бир-бирига туташтирилади. Бу учбурчакнинг ҳар бир томони маълум катталиқдаги зарраларнинг процент миқдорини ифодалайди. Масалан, учбурчакнинг пастки томони чанг, ўнг томони гил, чап томони эса қум зарраларининг миқдорини билдиради.

Бу учбурчак ёрдамида текширилаётган жинснинг тури ва қайси типга кириши аниқланади. Бунинг учун учбурчак расмда кўрсатилганидек горизонтал қуюқ чизиқлар ёрдамида 5 та қисмга бўлинади. Сўнгра учбурчак томонларида текширилаётган жинсни ташкил этувчи зарраларнинг процент миндори аниқланади ва уларнинг учбурчак ичидаги нуқтаси топилади. Бу нуқтанинг учбурчак ичидаги ўрнига, яъни учбурчакнинг қайси қисмida ётишига қараб текширилаётган тоғ жинсининг тури аниқланади. Масалан, 9-расмда 3 хил тоғ жинсининг гранулометрик таркиби ифодаланган. Анализ натижаларига кўра биринчи тоғ жинсида қум зарраси 37% ни, чанг — 55% ни, гил эса — 8% ни, иккинчи тоғ жинсида қум — 53% ни, чанг — 15% ни, гил — 32% ни, учинчи тоғ жинсида эса, қум — 4% ни, чанг — 36% ни, гил — 60% ни ташкил этади. Ҳар бир тоғ жинсининг гранулометрик таркиби орқали учбурчак ичидаги 1, 2 ва 3-нук-



10-расм. Гранулометрик таркибининг учбурчакда ифодаланган диаграммаси.

талар топилади. Уларнинг учбурчак ичидаги олган ўринларига қараб, анализ учун олингандай биринчи тоғ жинси қумлоқ тупроқ (нуқта № 1), иккинчиси қумоқ тупроқ (нуқта № 2), учинчиси гил (нуқта № 3) эканлигини осонгина билиб олиш мумкин.

Гранулометрик анализ натижаларининг сони ҳаддан ташқари кўп бўлса, бу маълумотлар математик статистика усули бўйича ишланиб, тоғ жинси таркибидаги ҳар хил катталикдаги зарраларнинг ўртача миқдори аниқланади. Бу усулнинг бошқа усуллардан афзаллиги шундаки, бунда гранулометрик анализ натижалари математик анализ қилиниб, ҳар бир турдаги зарраларнинг ўртача миқдори аниқланади.

Тоғ жинсларининг гранулометрик таркибини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Гранулометрик анализ натижаларига қараб, тоғ жинсининг турини, сув ўтказувчанлик, сув берувчанлик қобилийтини, консистенция формасини, сув сифимини ва шунга ўхшашиб яна бир қанча инженерлик-геологик хусусиятларини баҳолашмиз мумкин.

Бундан ташқари гранулометрик анализ натижалари иморат ва ишшоот заминидаги тоғ жинсларининг пишиқлигини, тоғ ёнбағридаги қатламларнинг мустаҳкамлик даражасини аниқлашдаги математик ҳисоблашларда кўп ишлатилади.

## В Б О Б. ТОҒ ЖИНСИНИНГ ҒОВАҚЛИЛИГИ ВА ДАРЗЛИЛИГИ

Тоғ жинсларини ташкил этувчи минерал заррачалар орасида газ ёки сув билан тўлган ҳажми ва шакли ҳар хил бўшлиқлар, ғоваклар, дарзлар бўлади. Булар чўкинди жинсларда яқъол кўзга ташланади. Ф. П. Саваренский (1935) тоғ жинслари орасидаги бўшлиқларни уларнинг тешиклиги деб атайди.

Тоғ жинслари орасидаги бўшлиқлар ҳажми ҳар хил бўлиб, карст горларидан тортиб, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган — макро ва микро бўшлиқлардан иборатdir. Маълум ҳажми эга бўлган тоғ жинси орасидаги умумий бўшлиқ жинсининг ғоваклилиги дейилади.

Тоғ жинсларининг тешиклиги ва ғоваклиги уларнинг структура ва тектурасига, дарз кетганингига, нураш даражасига боғлиқ. Шунга кўра тоғ жинси орасидаги бўшлиқларни Ф. П. Саваренский (1939) асоссан икки турга бўлади: 1) капиллярлик хусусиятига эга бўлмаган тешиклар. Буларга ҳар хил дарзлик ва карст бўшлиқларидан тортиб кенглиги 0,25 мм бўлган дарзлар ва диаметри 0,5—1,0 мм бўлган бўшлиқлар киради. Буларда сув ўз оғирлиги кучи таъсирида ҳаракатланади; 2) капиллярлик хусусиятига эга бўлган бўшлиқлар ёки ғовакликлар.

Л. В. Пустовалов (1940) тоғ жинси орасидаги бўшлиқларни Ф. П. Саваренский бўлганига нисбатан аниқроқ қилиб уч турга ажратади: 1) ўта юқори капилляр бўшлиқлар (ҳажми 0,5 мм дан катта); 2) капилляр (0,5—0,002 мм); 3) ярим капилляр (0,002 мм дан кичик).

Биринчи турдаги бўшлиқларда сув ўз оғирлиги таъсирида, иккинчи турдаги бўшлиқларда эса капилляр куч таъсирида капилляр найлар орқали ҳаракат қиласди. Ярим капилляр бўшлиқларда эса сув молекуляр ва электростатик куч таъсирида минерал зарралар юзасига қаттиқ ёпишган бўлади.

Тоғ жинси орасида бир-бирига алоқадор (очик бўшлиқлар), алоқадор бўлмаган бўшлиқлар (ёпиқ бўшлиқлар) бўлади.

Ҳосил бўлиши шароитига қараб тоғ жинсидаги бўшлиқлар икки турга бўлинади:

1. Тоғ жинси ҳосил бўлган даврда вужудга келган ва кеинчалик ҳар хил процесслар натижасида ўзгарган бирламчи бўшлиқлар.

2. Тоғ жинси ҳосил бўлгандан кейин ўтган қисқа ёки узоқ вақт давомида тектоник ҳаракатлар, нураш ва бошқа процесслар таъсирида ҳосил бўлган иккиламчи бўшлиқлар.

Тоғ жинсларининг тешиклигини ва ғоваклилигини аниқлаш инженерлик-геологик ишларда назарий ва амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга, чунки жинсларнинг ташқи куч таъсирида сиқилиши, пишиклиги, қаттиқлиги, чидамлилиги, сув ўтказувчанлиги ва бошқа физик-механик хоссалари уларнинг ғоваклилигига боғлиқ. Айниқса чўкинди тоғ жинсларининг ғоваклигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Чўкинди тоғ жинсларининг ғоваклиги магматик ва метаморфик жинсларникига нисбатан юқори бўлиб, уларнинг физик-механик хоссалари ўзгаришига катта таъсир кўрсатади.

Тоғ жинсининг ғоваклилиги одатда процент ҳисобида ифодаланиб, жинс орасидаги умумий бўшлиқлар ҳажмини шу жинсининг умумий ҳажмига нисбати орқали аниқланади, яъни:

$$n = \frac{V_n}{V} \cdot 100\%$$

бунда  $n$ —тоғ жинсининг ғоваклилиги %;  $V_n$ —тоғ жинси орасидаги бўшлиқнинг умумий ҳажми;  $V$ —маълум шаклда олинган тоғ жинсининг умумий ҳажми.

Бундан ташқари тоғ жинси орасидаги бўшлиқлар ғоваклилк коэффициенти билан ҳам ифодаланади. Тоғ жинсидаги бўшлиқлар умумий ҳажмининг унинг туб ҳажмига нисбати тоғ жинсининг ғоваклилик коэффициенти деб аталиб, қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$l = \frac{V_n}{V_s},$$

бунда:  $l$ —ғоваклилк коэффициенти;  $V_s$ —жинсининг туб ҳажми.

Ғоваклилк коэффициентининг қиймати 0 билан 1 орасида ўзгариб, ғоваклилиги юқори бўлган жинсларда 1 га оз ғовакли жинсларда эса 0 га яқинлашади.


Магматик, метаморфик ва тош қотган чўкинди жинсларда ҳам маълум миқдорда бўшлиқлар бўлади.

Магматик жинсларнинг ғоваклилиги уларнинг хилига, нураганлик даражасига ва қандай шаронтда ҳосил бўлганилигига боғлиқ. Масалан, трахит ва лава туфларнинг ғоваклилиги 55—60% ни ташкил этса, гранитники 3—7% ни, оҳактош ва доломитники 25—30% ни қумтошники 35—40%, бўр жинсининг ғоваклилиги 5—7 дан 40—45% гача боради.

Магматик жинслардаги бўшлиқлар кўпинча ёпиқ, бир-бири билан алоқадор бўлмайди.

### 1. Бўшоқ жинслардаги ғоваклилик

Иирик ва ўртacha зарралардан ташкил топган тош, шағал, ва қумларнинг ғоваклилиги, улар орасидаги бўшлиқларнинг катта-кичклигига, ёриқларига, ковакларига (тешикларига), гранулометрик таркибиغا, зарраларнинг шакли ва ўзаро жойлашига ҳам боғлиқ. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин (11-расм). Масалан, бир хил катталиқдаги шарларни турлича жойлашириш мумкин. Шарлар маркази кубнинг бурчакларида бўлса ва ҳар бир шар 4 та қўшни шарга тегиб турса, унда шарлар орасидаги бўшлиқлар энг кўп бўлади (11-расм-Б). Шарларни бундай жойлаширишда улар орасидаги бўшлиқлар ҳажми умумий ҳажмнинг 47,6 процента тенг бўлади. Бироқ шарларни зичроқ қилиб жойлашириш ҳам мумкин. Бунинг учун уларнинг маркази тетраэдрнинг бурчакларида ўрнашадиган ва ҳар бир шар 6 та қўшни шарга тегиб турдиган қилиб жойлаширилади. Бунда яъни шарлар гексагонал жойлаширилганда бўшлиқ 25,9% бўлади (11-расм — А). Бироқ табиатда жинсларнинг ғоваклилик миқдори, бўшлиқларнинг катта-кичклиги ва шакли келтирилган шарлар макетидан бошқачадир, бу эса тош, шағал ва қум каби жинсларни ташкил этувчи зарралар миқдорига ва шаклнинг ҳар хиллигига боғлиқ бўлади.



11-расм. Ғоваклиликнинг зарралар жойлашувига боғлиқлиги:

*А*—зич жойлашган—минимал ғоваклилик; *Б*—бўш жойлашган—максимал ғоваклилик.

Мисолга асосланиб шуни айтиш мумкинки, құмларнинг фоваклилиги ундаги зарраларнинг үзаро жойлашувига боғлиқ. Уларнинг фоваклилиги куч таъсирида зичланиши биринчи навбатда құм зарраларининг шаклига боғлиқ. Үткір қыррали зарралардан ташкил топган құмлар силлиқ заррали құмларга нисбатан ёмон зичланади. Құмларнинг зичланиш қобиляти зичланиш коэффициенти ( $F$ ) билан ифодаланади:

$$F = \frac{\varepsilon_{\max} - \varepsilon_{\min}}{\varepsilon_{\min}},$$

бунда:  $F$ —зичланиш коэффициенти;  $\varepsilon_{\max}$ —құмнинг энг юқори бўшоқ ҳолидаги фоваклилик коэффициенти;  $\varepsilon_{\min}$ —құмнинг зичланган ҳолдаги фоваклилик коэффициенти.

Зичланиш коэффициентига қараб, ташки куч таъсирида құмнинг яхши ёки ёмон зичланишини билиш мумкин. Яхши ва тез зичланадиган құмларнинг зичланиш коэффициенти катта бўлади.

Құмларни ўрганилганда уларнинг зичланиш коэффициентидан ташқари зичлиликтар дараражаси ҳам аниқланади. Зичлилик дараражаси ( $D$ ) құмнинг ер қобиғида қандай ҳолда (зич ёки бўшоқ) ётганлигини билдиради ва қўйидаги формула орқали тоғилади:

$$D = \frac{\varepsilon_{\max} - \varepsilon_0}{\varepsilon_{\max} - \varepsilon_{\min}},$$

бунда:  $D$ —құмнинг зичлиликтар дараражаси;  $\varepsilon_0$ —құмнинг табий зичлилигидаги фоваклилик коэффициенти.

Зич құмларнинг зичланмаган құмларга нисбатан зичлилик дараражаси катта бўлади.

## 2. Гилли жинсларнинг фоваклилиги

Гилли жинсларнинг фоваклилиги ҳам уларнинг тузилишига, ҳосил бўлган шароитига ва ҳосил бўлгандан кейин унга таъсир этган процессларга боғлиқ. Заррачалари жуда майдада ва нозик бўлишига қарамай, уларнинг фоваклилиги баъзан жуда юқори 45–50% га teng бўлади. Шу сабабли бундай жинсларга сув таъсир қилганда улар тез пластик ҳолатга ўтади. Бундай ҳолатда улар ташки куч таъсиридан тез деформацияланади.

Агрегат структурали гилли жинсларнинг фоваклилиги иккιи агрегат орасидаги ҳамда агрегат билан элементар зарралар орасидаги бўшлиқдан иборат бўлади. Бундай ҳолларда баъзан фоваклардаги сувлар зарра билан кучли бояланмаган бўлади. Бундай гилли жинсларнинг сув ўтказувчанлиги ҳам юқори бўлади. Гилли жинсларнинг фоваклилиги ошишига улар орасидаги дарзлар ҳам таъсир кўрсатади, яъни кўп дарз кетган гилли жинсларнинг фоваклилиги юқори бўлади ва улар ўзидан сувни яхши ўтказади.

Гилли жинсларни қиздирганда, ҳажми тораяди ва фоваклилиги камаяди. Бу эса унинг ташки кучга чидамлилигини оширади.

Баъзи гилли жинслар намлиги ортиши билан кўпчий бошлайди (шишади), натижада уларнинг ғоваклилиги ошади.

Гилли жинсларнинг ғоваклилиги унинг ер юзасига нисбатан қандай чуқурликда ётишига ҳам боғлиқ бўлади. Ер юзасига яқин жойлашган гилларнинг ғоваклилиги анча юқори бўлади.

Инженерлик-геологик ишларда гилли жинсларнинг физик ҳолатини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бундай жинсларнинг ер қобиғида қаттиқ ёки пластик ҳолда ётганлигини аниқлаш учун В. А. Приклонский (1955) қўйидаги формулани тавсия этган:

$$K_d = \frac{\epsilon_f - \epsilon_o}{\epsilon_f - \epsilon_p},$$

бунда:  $K_d$ —зичланганлик кўрсаткичи ёки зичланганлик даражаси;  $\epsilon_o$ —жинснинг табии ҳолдаги ғоваклилик коэффициенти;  $\epsilon_f$  ва  $\epsilon_p$ —жинснинг суюқ ва пластик ҳолатдаги ғоваклилик коэффициенти.

Жинсларнинг физик ҳолатига қараб  $K_d$  нинг қиймати 0 билан 1 орасида ўзгаради (3- жадвал).

### 3- жадвал

Табии ғоваклилик коэффициенти $\epsilon_o$	Зичланганлик кўрсаткичи $K_d$	Жинснинг физик ҳолати
$\epsilon_o > \epsilon_f$	$K_d < 0$	Ҳеч қандай зичланишга эга бўлмаган
$\epsilon_o = \epsilon_f$	$K_d = 0$	Зичланиш эндигина бошланган
$\epsilon_o < \epsilon < \epsilon_f$	$0 < K_d < 1$	Пластик ҳолатга ўтган
$\epsilon_o = \epsilon_p$	$K_d = 1$	Ярим қаттиқ ҳолга ўтиш олдида
$\epsilon_o < \epsilon_p$	$K_d > 1$	Зичланган ярим қаттиқ ҳолда

Зичланганлик кўрсаткичини аниқлаб, жинснинг физик ҳолатини билиш мумкин.

### 3. Ғоваклиликни аниқлаш усуллари

Лабораторияда ғоваклилик тог жинсларини сувга тўйинтириш усули билан аниқланади. Бунда маълум ҳажмли цилиндрик идиш қуруқ қум билан тўлдирилади ва қум сувга тўйингуничка сув қўйилади. Қумни тўйинтириш учун кетган сув миқдори ва уни қумнинг ҳажмига бўлиб, ғоваклилик аниқланади. Масалан, қумнинг ҳажми  $250 \text{ см}^3$ , уни тўйинтириш учун сарф бўлган сувнинг ҳажми  $78 \text{ см}^3$  бўлсин, бу ҳолда қумнинг ғоваклилиги  $31,2\% = \frac{78}{250} \cdot 100\% = 31,2\%$ . Бу усул билан шағал ва қум каби жинсларнинг ғоваклилиги аниқланади.

Гил ва созупроқ каби жинсларнинг ғоваклилиги уларнинг солиштирма массаси ( $\gamma$ ) ва туб ҳажмининг оғирлиги ( $\delta$ ) орқали аниқланади:

$$n = \frac{\gamma - \delta}{\gamma} \cdot 100\%,$$

бунда:  $\gamma$  — тог жинснинг солиштирма массаси,  $\text{г/см}^3$ ;  $\delta$  — қуруқ

ҳолдаги тоғ жинси туб ҳажмининг оғирлиги, у қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\delta = \frac{\Delta}{1 - 0,01 \cdot W} \text{ г/см}^3,$$

бунда:  $\gamma$ —тоғ жинсининг табиий намликтаги ҳажмининг оғирлиги ёки зичлиги, г/см<sup>3</sup>;  $W$ —тоғ жинсининг табиий намлиги.

Агар тоғ жинсининг табиий ғоваклилик коэффициенти маълум бўлса, унинг ёрдамида жинсининг умумий ғоваклилиги  $n$ ни, аксинча, умумий ғоваклилиги маълум бўлса, у орқали табиий ғоваклилик коэффициенти  $\epsilon_0$ ни аниқлаш мумкин, яъни

$$n = \frac{\epsilon_0}{1 + \epsilon_0} \cdot 100\%; \quad \epsilon_0 = \frac{n}{1 - n}.$$

Булардан ташқари тоғ жинсининг ғоваклилиги ва ғоваклилик коэффициенти қўйидаги эмпирик формулалар ёрдамида ҳам аниқланади:

$$n = W_0 \cdot \delta = \frac{W_0}{1 + W_0 \cdot \gamma}; \quad \epsilon_0 = W_0 \cdot \gamma = \frac{W_0 \cdot \delta}{1 - W_0 \cdot \delta},$$

бунда:  $W_0$ —жинсининг сувга тўла тўйингандаги намлиги.

$$W_0 = \frac{\gamma - \delta}{\gamma \cdot \delta} = \frac{\gamma (1 + W) - \Delta}{\gamma \cdot \Delta}.$$

#### 4. Тоғ жинсларининг дарзлилиги

Тоғ жинслари, айниқса, магматик жинсларнинг физик-механик хоссалари уларнинг дарзлилигига боғлиқ. Тоғ жинси ҳар хил геологик процесслар таъсирида ёрилади, унда ҳар хил катталиктаги дарзлар ва ёриқлар пайдо бўлади. Натижада тоғ жинсининг яхлитлиги бузилади, у ҳар хил ҳажмдаги бўлакларга ажралади. Ҳосил бўлган ёриқлар бўйлаб ер ости сувлари ҳаракат қиласи, шахта деворлари ҳамда тоғ ёнбағирларининг пишиқлиги камайиб, дарзлар бўйлаб силжишлар содир бўлади. Бу эса ер остидан фойдали қазилмаларни ковлаб олишда қийинчилик туғдиради. Шу сабабли тоғ жинсларида ҳосил бўлган дарзларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тоғ жинсларининг дарзлилиги инженерлик-геологик съёмка пайтида уларни кузатиш ва улардан олинган намуналарни лабораторияда ўрганиш орқали аниқланади. Бунда дарзларнинг кўплиги, катталиги ва йўналиши, қандай жинслар билан тўлиб қолганлиги ўрганилади. Дарзларнинг характеристи уларнинг пайдо бўлиши ва хилига боғлиқдир.

Тоғ жинсларида учрайдиган дарзлар генетик типига қараб қўйидаги турларга бўлинади:

1. Тектоник дарзлар. Тектоник ҳаракат натижасида ҳосил бўлади. Тектоник дарзларнинг ҳажми ва катталиги тоғ жинсининг хилларига боғлиқ. Энг йирик тектоник дарзлар магматик жинсларда учрайди. Юмшоқ пластик жинсларда учрайдиган

тектоник дарзлар кичикроқ бўлади. Тектоник дарзларнинг чуқурлиги баъзан 1 км ва ундан ҳам ортиқ бўлади.

Сув омборларини қуришда тектоник дарзларни ўрганиш мухим аҳамиятга эга. Тўғон заминидаги жинслар орасида тектоник дарзлар бўлса, омборда йигилган сувнинг бир қисми шу дарзлар орқали силжийди. Бу эса тоф жинсининг мустаҳкамлигини пасайтиради. Натижада унинг устига қурилган тўғон деформацияланади ва унга путур етади.

2. Алоҳида дарзлар. Булар тоф жинсининг ҳосил бўлиши вақтида вужудга келади. Бундай дарзларнинг характери тоф жинсининг хилига, магманинг қотиш шароити ҳамда минералогик ва химиявий таркибига боғлиқ. Шу сабабли ер юзасига чиқиб ҳосил бўлган эффиузив жинсларда бу турдаги дарзлар бир-бирига параллел ва ўзаро перпендикуляр, ҳолда кесишган бўлади. Бундай дарзларни алоҳида параллелепипедиал дарзлар дейилади (12- расм). Баъзан алоҳида дарзлар тоф жинси орасида фақат горизонтал йўналган бўлади. Бундай алоҳида дарзларни тўшаксимон ёки плитали дарзлар дейилади (13- расм). Аслида бу дарзлар ҳосил бўлган вақтда кўзга кўринмайдиган майдада микродарзлардан иборат бўлади. Вақт ўтиши билан нураш процесси таъсирида бу дарзлар кенгайиб, чуқурлашиб, кўзга кўринарли бўлиб қолган. Жинслар ёриқлар бўйлаб катта ва кичик бўлакларга ажralиб қоялар бўйлаб қулай бошлайди. Натижада эллювий ётқизиқлари ҳосил бўлади.



12- расм. Параллелепипедиал дарзлар.



13- расм. Тўшаксимон ёки плитали дарзлар.

**3. Қиялик дарзлари.** Инженерлик-геологик ишларда, айниқса, тоғлик районларни ўзлаштиришда, сув түғонлари қуришда бу дарзларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Қиялик дарзлар тоғ ёнбағирлари ва дарё қирғоқлари бўйлаб бир-бирига паралел ҳолда ҳосил бўлади. Бу турдаги дарзларнинг ҳосил бўлиши ҳақида ҳозирга қадар аниқ бир фикр йўқ. Қўпчилик мутахассислар бу ёриқлар денгиз қирғоқлари ва тоғ ёнбағирларининг аста-секин емирилишидан ва қирғоқдаги жинслар орасида кучлар мувозанатининг ўзгаришидан ҳосил бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Қиялик дарзлари тоғ ёнбағирлари ва дарё қирғоқларининг мустаҳкамлиги камайишига сабабчи бўлади, натижада тоғ ёнбағирларида қулашлар, ағдарилишлар бўлишига шароит туғилади.

**4. Нураш дарзлари.** Тоғ жинсининг нураши туфайли ҳосил бўлади. Натижада тоғ жинслари йирик ва майда бўлакларга ажралади, уларнинг мустаҳкамлиги камайиб кетади.

Нураш дарзларининг вужудга келишида химиявий нурашлар алоҳида роль ўйнайди. Дарзлар химиявий нураш таъсирида кенгаяди, чуқурлашади ва ҳоказо.

Л. И. Нейштадт (1957) дарзларни кенглигига қараб қўйидаги типларга ажратади:

нозик дарзлар 1 мм;  
майда дарзлар 1—5 мм;  
ўртacha дарзлар 5—20 мм;  
йирик дарзлар 20—100 мм;  
жуда йирик дарзлар  $> 100$  мм.

Тоғ жинсларининг дарзлилиги Л. И. Нейштадт тавсия этган дарзлилик коэффициенти билан ифодаланади.

Маълум бир юзадаги дарзлар юзаси йигиндининг шу юзанинг умумий миқдорига нисбати дарзлилик коэффициенти деб аталади ва процентда ифодаланади:

$$K_d = \frac{F_g}{F} \cdot 100\%,$$

буйда:  $K_d$ —дарзлилик коэффициенти;  $F_g$  — олинган тоғ жинсидаги дарзлар юзасининг йигиндиси;  $F$  — тоғ жинси юзасининг умумий миқдори.

Дарзлилик коэффициентига қараб тоғ жинслари қўйидаги турларга бўлинади:

кучсиз дарзланган	$K_g = 2\%$
ўртача дарзланган	$K_g = 2—5\%$
кучли дарзланган	$K_g = 5—10\%$
жуда кучли дарзланган	$K_g = 10—20\%$
жуда ҳам кучли дарзланган	$K_{tr} > 20\%$ .

Еулардан ташқағи дала шароитида тоғ жинсининг дарзлилик даражаси бурғи қудуқлағига тажриба йўли билан босим орқали сув

юбориб ҳам аниқланади. Бунда бурғи қудуғининг солиштирма сув ютишлiği ( $g_n$ ) аниқланади ва шунга қараб төғ жинсининг дарзлилиги аниқланади.

Босим градиенти 1 га тенг бўлганда бурғи қудуғининг 1 м оралиғида сув ютиш қобилиятига унинг солиштирма сув ютишлiği ( $g_n$ ) дейилади ва у л/мин ҳисобида ифодаланади. Шунга қараб төғ жинсларининг дарзлилик даражаси қўйидагича бўлади:

кучли дарзланган	$q_n > 1 \text{ л/мин:}$
дарзланган	$q_n = 0,5 - 1 \text{ л/мин:}$
кучсиз дарзланган	$q_n = 0,01 - 0,05 \text{ л/мин:}$
дарзланмаган	$q_n < 0,01 \text{ л/мин.}$

Төғ жинсининг дарзлилиги бурғи қудуғидан чиқаётган керналарни ўрганиш ва геофизик усуllлар билан ҳам аниқланади.

#### IV БОБ. ТӨҒ ЖИНСЛАРИДАГИ СУВНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИНЖЕНЕРЛИҚ-ГЕОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Сув төғ жинсининг муҳим таркибий қисми ва унинг инженерлик геологик хоссаларига таъсир қилувчи асосий факторлардан бири ҳисобланади. Сув таъсирида төғ жинсида биологик, геологик ва гидрогоеологик процесслар рўй беради.

Сув төғ жинсининг ғовакларида, бўшлиқларида, капилляр найчаларида, дарзликларида, минерал зарраларининг атрофида ва ичида (А. Ф. Лебедев, 1936) бүксимон, гигроскопик, пардали, химиявий бириккан, кристаллашган, капилляр, гравитацион ҳолатларида бўлади.

Бүксимон сув төғ жинсларидаги бўшлиқларни ва ёриқларни тўлдириб, буғ босими кўп жойдан кам томонга эркин ҳаракат қиласи. Сув миқдори тупроқнинг ва ҳавонинг намлигига боғлиқ. Ҳаводаги сув буғлари намликни билдиради. Ҳавонинг намлиги абсолют ва нисбий намлик билан характерланади.

Абсолют намлик маълум температурада  $1 \text{ m}^3$  ҳаводаги сув буғининг грамм билан ифодаланган миқдори ёки ҳаводаги сув буғининг симоб устунининг мм ҳисобида ўлчанадиган босимдан иборат.

Нисбий намлик маълум ҳажмдаги ҳаво таркибидаги сув буғларининг шу температурада ҳавони тўйинтира оладиган сув буғлари миқдорига нисбати билан ифодаланади.  $1 \text{ m}^3$  ҳавони турли температурада тўйинтириш учун зарур бўлган буғ миқдори 4- жадвалда берилган.

Ҳавонинг нисбий намлиги ( $\epsilon'$ ) қўйидагича ифодаланади:

$$\epsilon' = \frac{q}{q_1} \cdot 100\%.$$

бунда:  $q$ —сув буғининг ҳавода ҳақиқатан мавжуд бўлган миқдори;  $q_1$ —ҳавони тўйинтириш учун зарур бўлган сув миқдори.

Жинслардаги бүксимон сувнинг миқдори ҳавонинг сув буғларига тўйиниши ва температурасига боғлиқdir.

Ҳавонинг температураси, °C	-30	-20	-10	-5	0	5	10	15	20	25	30	35
Буғнинг максимал оғирлиги, г	0,5	1,1	2,4	3,4	4,8	4,9	12,7	22,8	30,4	36,8	37,3	40,3
Буғнинг максимал босими, мм	0,4	1,0	2,2	3,1	4,6	6,6	9,2	12,5	17,5	23,0	31,9	42,2


Буғсимон сув ҳаракатчан бўлади. У эластилик кам бўлган жойга диффузив йўл билан ҳаракат қиласди. Ер юзасига яқин ётган қатламларда сувни атмосфера ҳавоси ҳаракатлантиради. Кундуз ернинг устки қатламларининг температураси пастки қатламлар температурасидан юқори бўлганда вужудга келадиган эластилик фарқи туфайли сув буғлари устки қатламлардан пастки қатламларга томон ҳаракатланади. Тунда бунинг акси бўлади.

Тоғ жинси билан атмосфера ҳавосининг ер юзасига яқин қатламлари ўртасида ҳам буғсимон сув алмашинуви рўй беради. Кундуз тупроқдаги нам буғланиб атмосферага кўтарилади, тунда эса атмосферадан тупроққа ўтади.

Буғсимон сув ҳаракат қилганда тоғ жинси зарраларига ҳеч қандай гидростатик босим билан таъсир этмайди ва хоссаларини ўзгартирмайди. Буғсимон сув маълум шароитда қуюқлашиб суюқ ҳолатга ўтади. Бу процесс конденсация дейилади. Натижада зарра атрофини ўраб олган парда суви ҳосил бўлади.

Конденсация (қуюқланиш) молекуляр, капилляр ва термик шаклда бўлади.

Молекуляр конденсацияни қўйидагича тушунтириш мумкин. Буғсимон сувлар тоғ жинслари доначаларининг сиртига адсорбцияланиб (сингиб), боғланган ҳолатда туриши молекуляр конденсация деб аталади. Сув молекулалари нейтрал электрик жинс бўлмасдан, балки диполь, яъни қарама-қарши ишорали, зарядланган, икки қутбли жинс бўлади. Сув ёки гидролнинг молекуляр таркибига кирадиган водород ва кислород ионлари 14-расмда кўрсатилгандек тенг томонли учбурчакнинг учларида жойлашади.



14- расм. Сувнинг молекуляр таркибига кирадиган водород ва кислород ионларининг ўзаро жойлашуви.

Сув молекуласи электр зарядларининг шундай жойлашуви натижасида турли исмли қутблари тортишиб, ўзаро ҳамда турли ионлар билан боғланган бўлади. Бундай боғланиш ионлар гидростанцияси дейилиб, сув молекулаларининг диполь тузилишига боғлиқ ва сувнинг эритиш хусусиятининг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Шундай қилиб, молекуляр конденсация буғ молекулаларининг ер юзасидаги эркин молекуляр куч орқали тупроқ зарралига тортилиши ва бир неча қават сув молекулаларидан иборат парда бўлиши натижасида юз беради. Бу процесс сорбция, жинс заррачалари юзасидаги конденсациялашган (қуюқлашган) нам эса гигроскопик конденсация деб аталади.

Капилляр конденсация капилляр найчалар ботиқ шаклдаги менисклар юзасида рўй беради ва мениск устидаги буғларнинг текис сув юзасидаги буғларга нисбатан камроқ эластиклик эканлигидан вужудга келади.

Сув буғлари иссиқ қатламдан совуқроқ қатламга ўтганда термик конденсация рўй беради. Буни қуйидагича тушунтириш мумкин. Агар қишида уйнинг ичи исиб кетса, ундаги ҳаво сув буғига тўйина бошлайди. Тўйиниб бўлгандан сўнг сув буғлари ойнага тегиб қуюқлашади, натижада ойна юзасида сув томчилари пайдо бўлади. Шундай ҳодиса тоғ жинси заррачалари билан сув буғи орасида ҳам рўй беради. Совиб қолган қатламга иссиқ қатламдан буғ ҳолатидаги сув кирса, ҳаво сув буғларига тўла тўйиниб бўлгач, ортиқча буғлар паст температура таъсирида суюқ ҳолатга ўтади. Бу процесс термик конденсация дейилади.

**Боғланган сув** сув буғларининг тоғ жинслари доначалари сиртига сингиши туфайли ҳосил бўлади.

Боғланган сувлар бўш боғланган (пардали сув) мустаҳкам (гигроскопик) ва химиявий боғланган (минераллардаги) хилларга бўлинади.

Бўш боғланган сув ҳавонинг нисбий намлиги 100% бўлганди, яъни бўшлиқлардаги ҳаво сув буғлари билан тўйинганда ҳосил бўлади. У гил зарралари ва минераллар сиртида электромолекуляр куч таъсирида боғланиб туради.

Сув пардаси зарра юзасига яқинлашган сари унинг боғланиш кучи ортиб боради ва зарра юзасига тегиб турган жойда боғланиш кучи максимал қийматга эга бўлади. Буни аниқроқ тушунтириш учун коллоид зарраларнинг тузилиши ҳақида бир оз тўхтаб ўтамиз.

Коллоид химияда зарраларни мураккаб электр системаси деб қаралади. Тоғ жинсини ташкил этувчи гилли минераллар манфий зарядга эга бўлади. Шу сабабли манфий зарядланган минерал сув эритмасидаги катионларни ўз юзасига тортиб ушлаб туради, натижада зарра атрофида катионлар йиғилиб, адсорбцион ва диффузив каби икки қобиқни ҳосил қиласи (15-расм). Улар зарра юзасида турлича куч билан ушланиб

туради. Заррага яқин турган адсорбцион қатламдаги катионлар зарра билан жуда мустаҳкам боғланиб, зарра заряди билан құш қаватли электрик қатламнинг ҳаракатланмайдиган қисми ни ҳосил қиласы. Катионлар зарра юзасидан қанча узоқлашса, уларнинг зарра билан боғланиш кучи шунчак оз бўлади.

Сувли эритмада ионларнинг коллоид зарра атрофида тақсимланиши электрик ва молекуляр куч таъсирида содир бўлади. Манфий ва мусбат зарядланган ионлар орасида ҳосил бўлган электр тортишиш кучлари катионларни зарра атрофида концентрациялаштируса, молекуляр куч эритмада ионларни бир текис тақсимлашга интилади. Натижада иккита қарама-қарши куч таъсирида эритмадаги минерал зарралар орасида мувозанатлик ҳосил бўлади. Ер атмосферасидаги ўхшаш (ер юзасидан узоқлашган сари атмосфера газларининг зичлиги камаяди); зарра юзасидан узоқлашган сари катионлар концентрацияси камая боради, анионларники эса ортиб боради. Маълум масофада икки концентрация тенглашади.


Заррадан то ана шу икки концентрациянинг тенглашувигача бўлган масофа диффузив қобиқни ташкил қилиб, унинг қалинлигини ифодалайди.

Юқорида айтилган қонуният бўйича зарра атрофида йиғилган ионлар қатламига диффузив қобиқ ёки ионли атмосфера дейилади.

Сувли муҳитнинг физик ҳолатига қараб диффузив қобиқнинг қалинлиги ўзгариб туради.


Адсорбцион ва диффузив ионлар қатлами билан коллоид заррани мицелла, коллоид заррани фақат адсорбцион қатлам билан биргаликда гранул, адсорбцион ва диффузив қатламларсиз коллоид зарранинг ўзини эса ядро дейилади. Ядро манфий зарядга эга бўлади.

Зарралар электр заряди билан адсорбцион ва диффузив қобиқнинг катионлари биргаликда коллоид зарра атрофида қўш электр қатламини ҳосил қиласы. Зарралар заряди ва адсорбцион қатлам катионлари қўш электр қатламнинг ҳаракатланмайдиган қисми, диффузив қатлам катионлари эса ҳаракатлашувчи қисми дейилади (16-расм).



15-расм. Коллоид мицелла тузилишининг схемаси

1—гил коллоид зарра; 2—зарра юзидағи манфий зарядлар; 3—адсорбцияланған (харакатсиз) катионлар қатлами; 4—диффузив (харакатсан) қатлам; 5—қўшқаватли электрик қават.




16-расм. Күшқаватли электрик даватининг схемаси:

1—манфий зарядланган гил заррасининг азаси; 2—адсорбционлариган қават катионлари; 3—диффузли қаватнинг катион ва лајонлари; 4—эркин эритма  $a\sigma$ -икки қаватли электрик қобиқда потенциалнинг пасайши;  $a\delta$ —диффузли қобиқда электрик потенциалнинг пасайши ( $Z$ —потенциал).

Диффузив қатламда зарралар заряди ва ионлар орасида ҳосил бўлган электр майдонидаги сув молекуласи маълум ҳолатини эгаллайди, яъни унинг мусбат томони манфий зарядланган гил заррасига, манфий томони эса адсорбция қатламидағи катионлар томонга йўналган бўлади (17-расм).

Шундай қилиб, коллоид зарра атрофида уни ўраб олган ядро адсорбцион ва диффузив қатламлар билан боғлиқ сув монади.



17-расм. Сувли эритмада мицелла колоиди тузилишининг схемаси:

1—манфий зарядли гил зарраси; 2—адсорбцион ва диффузл қават катионлари; 3—сув диполи.

лекулаларидан иборат гидратли (сувли) қобиқ ҳосил бўлади.

Қаршилиги катта бўлган суюқликда сув молекулаларининг гил зарраларига ҳамда адсорбцион ва диффузив қатлам катионларига боғланиши кучли бўлади. Масалан, қаршилиги юқори бўлган сув қаршилиги паст бўлган бошқа-сувга нисбатан зарра атрофида қалин гидрат қобиғини ҳосил қиласади. Гидрат қобиғида ҳосил бўлган сув қатлами-нинг (пардасининг) қалинлиги тоғ жинсининг минералогик таркибига, зарраларнинг катта-кичиклигига, шаклига, ғоваклигига сувли эритманинг концентрациясига, атмосфера босими, намлилиги ва температурасига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, коллоид зарра атрофида сувли қатлам ёки боғланган сув ҳосил бўлади. Сувлар бўш ва мустаҳкам боғланган хиллардан иборат.


Бўш боғланган сувнинг мустаҳкам боғланган сувдан фарқи шундаки, у тоғ жинслари доначаларининг сиртида бўшроқ ушланиб туради ва *парда суви* деб ҳам аталади. Молекуляр кучлар билан ушланиб турадиган парданинг қалинлиги миллиметрнинг юздан бир улушларида ўлчанади. Парда сувнинг ҳаракати парда қалинроқ бўлган жойдан юпқароқ бўлган томонга қараб парданинг қалинлиги ҳамма ерда бирдай бўлгунча давом этади (18-расм). Пардали сув ҳаракатчан бўлганлиги сабабли, унда эриган тузлар бир оз нам қатламдан бирмунча қуруқ қатламга томон ҳаракатланади.

Парда суви ҳам мустаҳкам боғланган сувга ўхшаш тортиш кучининг таъсирига бўйсунмайди. Гидростатик босимни ҳосил қила олмайди. Тоғ жинсларидаги парда сувнинг максимал миқдори, шу тоғ жинсининг максимал молекуляр намлик сифи-мига тўғри келади.


**Мустаҳкам боғланган сув буғсимон сувнинг зарралар юазсида конденсацияланишидан вужудга келади.**

Агар  $105^{\circ}\text{C}$ да қуритилган жинсни ҳавога олиб чиқиб қўйилса, бир қанча вақтдан сўнг жинс оғирлиги ҳаводан сингдириб олган буғлар миқдорига қараб ортади. Буни *гигроскопиклик* ҳодисаси деб аталади.

Гигроскопик сув коллоид зарралар атрофида зарра заряди ва адсорбцион қатлам катионлари ҳосил қилган қўш электр қатламнинг ҳаракатланмайдиган қисмини ташкил этади. Шу сабабли бу сув 1000 атмосферагача бўлган адсорбция кучлари билан мустаҳкам ушланиб туради. Уни босим билан сиқиб чиқариш мумкин эмас. Фақат тоғ жинсларини қиздириб, бундай сувни ажратиб олиш мумкин. Гигроскопик сув пардасининг қа-



18-расм. Парда сувининг ҳаракати.



19- расм.

ғини тутиб турга оладиган энг кўп миқдорига **максимал гигроскопик ёки максимал гигроскопик сингирия** дейилади.

Жинснинг гигроскоплиги унинг минералогик ва гранулометрик таркиби, алмашинувчи ионлар миқдорига, муҳитнинг намлигига ва тоғ жинсининг табиий структураси бузилишига боғлиқ. Зарралари қанча майда бўлса, гигроскопиклик шунча катта бўлади (19- расм). Масалан, А. М. Панковнинг (1963) маълумотига кўра 0,002 мм дан кичик фракциялар ҳавонинг нисбий намлиги ўртача бўлганда нисбий намликни тахминан 17% ни ушлаб туриши мумкин; 0,006 мм дан 0,02 мм гача бўлган фракциялар тахминан 6,5% ва 0,02 мм дан йирик фракциялар тахминан 1% намни сақлай олади. Жинси ташкил этувчи зарралар қанчалик кичик бўлса, ўзида шунча кўп намни ушлаб турди ва унинг гигроскоплиги шунча катта бўлади. Масалан, ҳар хил гилларда 10—15%, чангли қумоқ тупроқларда 2 дан 12% гача сув бўлади.

Гигроскопик сув ҳосил бўлишида чиқадиган намланиш иссиқлигининг миқдори жинс заррасининг солиштирма юзасига боғлиқdir. Жинс зарралари қанчалик майда бўлса, яъни коллоидлар қанча кўп бўлса, унинг солиштирма юзаси шунча катта бўлади, у намланганда шунча кўп миқдорда иссиқлик ажраби чиқади. Бу ҳодиса сув молекулаларининг заррага сингиши натижасида жинс юзаси энергия миқдорининг камайишига боғлиқdir. Диаметри 0,02 мм, дан катта зарралар намланганда

линлиги бир неча сув молекуласининг диаметрига тўғри келади ва миллиметрнинг мингдан бир улушлари билан ўлчанади. Гигроскопик сув физик жиҳатдан қатор хусусиятларга эга бўлиб, улардан муҳимлари қуйидагилар: а) гигроскопик сув тортиш кучи таъсирига бўйсунмайди; б) буғ ҳолига ўтиб бўлгандан сўнг қўзғалиши мумкин; в) —78°C гача музламайди; г) электр ўтказувчаник хусусияти йўқ, тузларни эрита олмайди; д) гигроскопик сув ҳосил бўлишида намланиш иссиқлиги ажралади, бу эса унинг боғланганлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади; е) зичлиги бирдан катта (1,2 дан то 2,4 г/см<sup>3</sup>).

Ҳаво сув буғи билан тўйинган шаронтдаги жинс зарралари юзасида гигроскопик сув кўпаяди ва максимал гигроскопик ҳолати вужудга келади. Жинснинг сув бу-

иссиқлик ажралиб чиқмайды. Диаметри 0,01 мм ва ундан кичик зарраларгина оз миқдорда иссиқлик ажратади:  $\text{X} \ddot{\text{u}} \text{l laniш иссиқлиги}$ , булардан ташқари,  $\text{Mg} > \text{Ca} > \text{H} > \text{Na} > \text{K}$  қатор бўйича камайиб, сингдирилган катионларнинг таркибига ҳам боғлиқдир.

Химиявий боғланган сув. Одатда кўпчилик минераллар ўзининг кристалл панжараларида сув сақлади. Буни химиявий боғланган сув деб аталади. Аниқроқ қилиб айтганда, жинс  $105^{\circ}\text{C}$  да қиздирилгач унинг таркибида қолган сувга химиявий боғланган сув дейилади. Академик В. И. Вернадский (1937) химиявий боғланган сувни *конституцион, кристаллизацион* ва *цеолит* сувларга ажратган.

Конституцион ёки ҳақиқий химиявий боғланган сув минералларнинг кристалл панжараси билан боғланган бўлиб, ўзининг молекуляр бир бутунлигини сақламайди; химиявий реакциялар таъсирида сув молекулалари доимо  $\text{H}^+$  ва  $\text{OH}^2$  ионларга ажралган ҳолда минералларнинг кристалл панжарасини тузишда иштирок этади. Водород иони кўпинча металлар ( $\text{Ca}$ ,  $\text{Mg}$ ,  $\text{K}$ ,  $\text{Na}$ ,  $\text{Fe}$ ) билан алмашиниб туради.


Конституцион сув  $\text{Al}_2(\text{OH})_3$ ,  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  гидроксидлар таркибида, топаз  $\text{Al}_2[\text{SiO}_4]\cdot[\text{F}_1\text{OH}]_2$  малахит  $\text{CuCO}_3\cdot\text{Cu}[\text{OH}]_2$  ва бошқа минералларда учрайди. Бундай сувни жуда юқори температурада ажратиб олиш мумкин. Бунда минералларнинг кристалл панжаралари бутунлай бузилади.

Кристаллизацион сув кристалл панжара билан бўш боғланган. Нейтрал молекула  $\text{H}_2\text{O}$  ҳолда кристалл панжарада жойлашган бўлади. Гипс  $\text{CaSO}_4\cdot2\text{H}_2\text{O}$  миробилит  $\text{Na}_2\text{SO}_4\cdot10\text{H}_2\text{O}$ , эпсомит  $\text{MgSO}_4\cdot7\text{H}_2\text{O}$  каби минералларда бу сув бор.

Кристаллизацион сув тоғ жинси минераллари билан кучли боғланмаган ва  $100^{\circ}\text{C}$  дан ошиқроқ температурада ажралиб чиқади. Натижада минералларнинг қаттиқлиги, солиширма оғирлиги, физик ва кристаллооптик хусусиятлари ўзгаради, кристалл панжаралари қайтадан кўрилади. Масалан, гипс (моноклин сингония) кристаллизацион сувни ўйқотганда ангидритга (ромбик сингония) айланади.

Цеолит сув опал  $\text{SiO}_2n\cdot\text{H}_2\text{O}$  анальцим  $\text{Na}[\text{Al}\cdot\text{Si}_2\text{O}_6]\cdot\text{H}_2\text{O}$ , монтмориллонит минералларида учрайди. Минераллар билан бўш боғланган  $30-100^{\circ}\text{C}$  температурада ажралади. Миқдори ҳавонинг намлигига боғлиқ. Ўз хусусиятига кўра гигроскопик сувга яқин.

Капилляр сув тоғ жинси зарралари орасидаги бўшлиқни эгаллайди, нозик, қылсизмон ўйлларда ҳаракат қиласди. Капилляр сувнинг ҳаракати ва жинснинг капиллярлик хусусияти жинсдаги капилляр бўшлиqlари ва уларни тўлдириб турувчи сув чегарасида вужудга келадиган капилляр кучлар билан белгиланади. Капилляр кучлар юпқа сув пардаси юзасида ҳосил бўладиган сирт таранглигидан иборат бўлади. Буни капилляр шиша найчаларда кузатиш мумкин (20-расм). Бунинг учун шиша найча олиб пастки учи сувли идишга ботирилади. Сув



20-расм. Капилляр мениск схемаси.


найча бўйлаб маълум жойгача кўтарилиб ( $H_k$ ) тўхтайди. Сув тўхтаган жойда сув юзаси эгилиб, қабариқ томони сувга қараган, мениск шаклини олади.

Найда сувнинг қанча баландликка кўтарилиши найча ичидаги сувнинг юза босими ( $Q$ ) га боғлиқ. Юза босими сувнинг найча деворига ёпишиб турган жойида эгри сирт ҳосил қилиб, найча девори бўйлаб тепага йўналган бўлади. Унинг таъсирида капилляр найдадан сув  $H_k$  баландликка кўтарилади. Бу баландлик капилляр найданинг ички радиусига ва суюқликнинг хусусиятига боғлиқ. Найданинг ички радиуси қанчалик кичик бўлса, юза босими шунча катта ва сувни юқорига кўтарилиши катта ҳамда тез бўлади. Юза босими ( $Q$ ) ни ўзгаришини қуидагича тушунтириш мумкин. Физика қонунига биноан юза босими  $Q$  кучини нормал  $N$  ва уринма  $S$  кучларига ажратиш мумкин. Улар орасидаги бурчакни  $\alpha$  билан белгилаймиз.

Найданинг радиуси кичрайган сари менискнинг ботиқлиги ошиб унинг радиуси  $r$  ҳам кичраяди,  $\alpha$  бурчаги эса орта боради.  $L=90^\circ$  бўлганда, нормал босим  $N=0$  га teng бўлиб,  $S=Q$  га teng бўлади, яъни  $Q$  максимал қийматга эга бўлиб, найдада сувнинг кўтарилиши максимал баландликка эга бўлади (21-расм).

Сувнинг капилляр кўтарилиш баландлиги Жюрен формуласи билан аниқланади:

$$H = \frac{2A}{r \cdot g \cdot d} \text{ мм},$$



21-расм. Ҳар хил радиусли найларда капилляр сувнинг кўтарилиш схемаси.

бунда:  $H$ —сувнинг ғўтарилиш баландлиги;  $2A$ —сувнинг капиллярлик константаси;  $r$ —капилляр радиуси;  $g$ —оғирлик кучининг тезланиши;  $d$ —мазкур температурада сувнинг зичлиги.

Формуладан маълум бўлишича, капилляр радиуси қанча кичик бўлса, сув капиллярлар бўйича шунча юқори ғўтарилади. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, атмосфера босими 750 мм,  $g=981,4$  см/сек. бўлса, диаметри 1 мм бўлган капиллярда сув 15 м га ғўтарилади (М. А. Панков, 1963).


Жинс орасидаги капиллярлар бу қонунга бўйсунмайди, чунки унинг капиллярлари эгри-буғри, диаметри ўзгарувчан бўлади (22-расм). Бундай ҳолда капилляр сувлар икки зарра бир-бирига тегиб турган жойда, атрофи бошқа сувлар билан ўралган ва бир-биридан ажралган ҳолда бўлади. Уларнинг бундай жойлашишига сабаб, капилляр сувларнинг икки куч таъсирида бўлганлигидир; бири капилляр мениск кучи (сувнинг заррадан узоқлашишга ҳаракат қилиши), иккинчиси зарра юзасидаги тортишиш кучи (капилляр сувни, зарра юзасига тортишга интилади). Бу икки куч бир-бирига тенг мувозанат ҳолда бўлганда зарра орасидаги капилляр сув ҳаракатланмайди. Мувозанатни парда сувлари бузиши мумкин. Агар парда суви қалинлашса, бунинг ҳисобига капилляр сувлар миқдори кўпайиб, ҳажми кенгаяди ва бир-бирига қўшилади, натижада бир жойи торайган, бир жойи кенгайган эгри-буғри капилляр йўллар ҳосил бўлади. Шу йўллар бўйича сув ғўтарила бошлади.

Шундай қилиб, тор жинсларида тўғри капиллярлар бўлмайди, аксинча, уларнинг шакли жуда мураккаб ва баъзан иоаниқ шаклда бўлади. Шунинг учун ҳам уларда сувнинг ҳаракати капилляр шиша найлардагига қараганда анча мураккаброқ. Капилляр ғўтарилиш баландлиги тор жинсларининг ғоваклилиги-га боғлиқ бўлади.

Маълум юзадаги капилляр кучнинг (юза босимининг) миқдори Лаплас қонунига кўра қўйидаги формула билан аниқланиди:


$$Q = a \left( \frac{1}{R_1} + \frac{1}{R_2} \right),$$

бунда:  $a$ —юза таранглиги,  $15^{\circ}\text{C}$  ли сув учун  $a = 0,9735$  г/см;  $R_1$  ва  $R_2$ —бир-бирига перпендикуляр икки эгри юзанинг эгрилик радиуси (23-расм).



22-расм. Тупроқдаги сув шакллари:

1—капилляр сув; 2—максимал молекуляр (гардали) ств; 3—гигроскопик сув; 4—зарралар орасидаги туташ (мениск) сув; 5—тупроқ зарраси; 6—хаво пулфакчasi.



23-расм. Икки зарра бир-бираға тегіб тұрған жойдагы халқасынан менискнинг схематик тасвири (В. А. Приклонскийдан).

Параллельные слои почвы (1) с центральным сечением. В центре между слоями находится колонна воды (2). Радиус кривизны поверхности воды обозначен  $R_1$  внизу и  $R_2$  сверху. Высота колонны воды обозначена стрелками, направленными вправо и влево, и обозначена цифрами 3.

Төр жинсларининг капиллярынан тұрған жойдагы халқасынан менискнинг схематик тасвири (В. А. Приклонскийдан).  
Капилляр күтарилиш баландлығы шунчак катта бўлади.  
Төр жинсларининг капиллярынан халқасынан менискнинг схематик тасвири (В. А. Приклонскийдан).  
Капилляр күтарилиш баландлығы шунчак катта бўлади.

$$H_k = 0,446 \frac{1-n}{n} \cdot \frac{1}{d_{10}},$$

бунда:  $d_{10}$ —зарраларнинг эффектив диаметри, мм;  $n$ —говаклилик.

Козен формуласи гилтош, гил ва умуман гилли жинслар учун тўғри келмайди.

Капилляр күтарилиш баландлығы жинсларнинг гранулометрик таркиби, говаклилиги ва сувнинг минералланиш даражасига ва температурага боғлиқдир. Эритма концентрацияси камайиши ва температуранинг пасайиши билан капилляр күтарилиш баландлығы ортади ва, аксинча, температура юқори ва эритманинг концентрацияси катта бўлса, капилляр күтарилиш баландлығи кичик бўлади.

Бир хил таркибли жинслардаги капилляр күтарилиш баландлығи 5-жадвалда келтирилган (М. М. Крилов (1970) маълумоти бўйича).

Капилляр күтарилиш тезлиги ҳам жинсларнинг гранулометрик таркиби боғлиқ. Лекин доначаларнинг катталашishi билан капилляр күтарилиш тезлиги камая боради (24-расм), яъни текис бўлмайди.

#### 5- жадвал


Жинслар номи	Максимал капилляр күтарилиш баландлығи, см <sup>3</sup>
Йирик қум	2—4
Үртатачча доначали қум	4—35
Майда доначали қум	35—120
Күмтош	120—250
Гилтош	250—350
Гил	350—400

Иирик доначали құмларда сув максимал баландликка бир неча ўн суткада, бир хил гилларда эса, бир неча йил давомида күтарилаади. Капилляр күтарилиш тезлиги яна сувда әриган тузлар миқдори ва таркибига ҳам боғлиқ. Масалан, калий сульфат әритмасининг капилляр күтарилиши тезлиги ош тузи әритмасиникидан каттароқ, натрий карбонатникидан эса жуда ҳам катта.


Капилляр сувлар озиқланиш манбай ва физик қолатига қараб капилляр күтарилигандын ва капилляр осилган хилларга бўлиниди (25-расм). Капилляр күтарилигандын сув ер ости сизот сувларининг сатҳидан юқорига жойлашган бўлиб, доимо грунт сувларидан озиқланып туради. Шу сабабли капилляр күтарилигандын сувларининг миқдор ўзгариши грунт сувларига боғлиқ бўлади. Грунт сувларининг сатҳи пасайса, капилляр сув зонасининг юқори чегараси ҳам пасаяди ва, аксинча, ер ости сувлари сатҳи күтарилса, унинг ҳам сатҳи күтарилаади.

Буғланиш натижасида капилляр күтарилигандын сувларининг сатҳи ўзгармайди, чунки ер ости суви доимо унинг парланган қисмини тўлдириб, озиқлантириб туради.

Капилляр осилган сув капилляр күтарилигандын сувдан ер ости суви билан алоқада бўлмаслиги билан фарқланади. Капилляр осилган сув ер ости сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда ёғин-сочин ёки ерлар сугорилгандан кейин аэрация зонасининг юқори қисмида ҳосил бўлади.



24-расм. Зарраларининг каттаги ҳар хил жинсларда капилляр күтарилиш эгри чизиклари:  
1—0,01 мм дан кичик; 2—0,05 мм д 0,10 мм гача; 3—0,25 мм дан 0,50 мм гача; 4—0,50 мм дан 1,00 мм гача.



25-расм. Капилляр күтарилигандын (A) ва капилляр осилгандын (B) сувлар:

1—сув ўтказмайдиган қатлам; 2—грунт сувларининг сатҳи; 3—капилляр сув; 4—ернинг усти.

Буғланиш натижасида капилляр осилган сувнинг сатҳи пасаиди. Узоқ давом этган буғланиш натижасида капилляр осилган сув бутунлай йўқолади.

Булардан ташқари, зарралар туташган жойидан ва жуда нозик капилляр йўллардан ўрин олган ва мустақил ҳаракат этмайдиган *ажралган капилляр* сувлар ҳам бўлади.

Капилляр сувлар боғланган ва эркин сувлардан ўзининг хусусиятлари билан фарқланади. Булар боғланган ва эркин сувлар ўртасидаги сув бўлиб, оғирлик кучи қонунига бўйсунмайди, тоғ жинси ғовакларида эркин ҳаракатланмайди, нозик (0,03 мм радиусли) капиллярларда  $-1,5^{\circ}\text{C}$  да йирикроқ капиллярда эса  $-18,5^{\circ}\text{C}$  да музлайди.

## 1. Капилляр сувларнинг инженерлик-геологик аҳамияти

Тоғ жинсларида сувларнинг капилляр кўтарилиш ҳодисаси муҳим амалий аҳамиятга эга. Масалан, қурғоқчилик бўладиган областларда тупроқнинг шўрланиш процесси шунга боғлиқ. Капилляр сув ер юзасига етганда, буғланиш процессида капилляр сувларнинг кўтарилиш ҳаракати турғун бўлади. Бунда ер ости сувлари чуқур горизонтларидан кўп туз кўтарилади ва улар тупроқнинг юқори қисмида қолади, натижада тупроқ шўрланаиди.

Капилляр сувлар режими капиллярлар зонаси чегарасида жойлашган иншоотларнинг мустаҳкамлигига ҳам салбий таъсир қиласиди. Сувнинг капилляр кўтарилишида мениск юзасида йўналиши 20-расмда кўрсатилганидек, манфий босим вужудга келади бу эса грунт ғовакларида суюқликнинг шимилишига ёки капилляр кўтарилишига сабаб бўлади.

Грунт мусбат босимга ҳам учрайди ва сиқилиб зичлашади.

Хўл қумнинг юзаси одатда қаттиқ бўлади. Ундан ҳатто оғир юкли арава ўтганда ҳам унинг ғилдираклари билинار-билинмас из қолдиради. Бироқ унга қўшилиши билан ўз зичлигини йўқотади. Демак, капилляр сувлардаги босимнинг атмосфера босимидан камайиши натижасида грунт доначалари бир-бирига тоғтилиб, грунтнинг зичлиги ошади.

Капилляр зона юзасидаги босим капилляр кўтарилиш баландлигига тенг. Капилляр тўйиниш зонасидаги грунтнинг ҳаммаси шу босим остида туради. Шунинг учун иншоот (26-расм) бор жойда фундамент остидаги грунт иншоотнинг оғирлигидан ҳосил бўлган босимгагина эмас, балки капилляр босимга ҳам дуч келади:

$$P = \omega \cdot h \cdot \gamma,$$

бунда:  $\omega$  — заминнинг юзаси;  $\gamma$  — сувнинг солиширма массаси;  $h$  — иншоот заминида сувга тўйинган зона чегарасигача бўлган масофа.

Тўла тўйинган зона баландлиги чегарасининг вазияти ўзгарганда замин остидаги капилляр сувлар устунининг баландлиги

ва грунтга таъсир этадиган босим ҳам ўзгарили. Жумладан, ер ости сувлари юзаси пасайса, тўла тўйинган зонанинг юқори чегараси  $h$  нинг қиймати ортади, демак, грунтга таъсир этган босим ҳам ошади, бу иншоот заминининг қўшимча чўкишига олиб келади (26- расм).

Хом ғиштдан қурилган бино деворининг бузилиши (бино девори замин тубидан капилляр сувлар билан биргаликда келадиган тузларининг девор ғиштига йигилиши оқибатида бузилади), темир йўл изларининг эгри-буғри бўлиб кетиши ва шу каби ҳодисалар ҳам грунтнинг капилляригига боғлиқдир.


Эркин сув. Тортиш кучига бўйсунадиган, тоғ жинсларининг йирик бўшлиқлари ва дарзларини тўлдирган, ер қобигида ўзининг оғирлик кучи таъсирида ҳаракат қиладиган сувлар эркини ёки гравитацион сувлар деб аталади. Эркин сувлар бир қанча турларга бўлинади.

Ер қатламларида тепадан пастга ўз оғирлик кучи таъсирида ҳаракатланувчи эркин сувларни сизиб юрувчи сув дейилади. У грунтга сизиб кирган сари капилляр сувга айланади. Сув ўтказмайдиган қатламга етгач, у ерда йиғилиб гравитацион сувга айланади, сув ўтказмайдиган қатлам қия бўлса, сув қия томонга қараб ҳаракатланади, натижада ер ости сувлари оқими ҳосил бўлади. Босимлар фарқи катта бўлса, пастки сувли қатламдаги ер ости сувлари устки сувли қатламларга ўтиб қуиши содир бўлади. Баъзан эркин сувлар тоғ жинслари орасидаги берк бўшлиқлар ичida бўлиб, ҳаракатланмайди, бундай сувларни иммобиллашган сув дейилади.

Эркин сувнинг физик ва химиявий хоссалари, ер усти сувларига яқин бўлиб, миқдори, таркиби ва физик хусусиятлари тоғ жинси структурасига, минералогик ва гранулометрик таркибига боғлиқдир. Оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган бўшлиқлар оз бўлган гилларда эркин сувлар жуда кам бўлади, гоҳо бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай жинсларда фақат боғланган сувлар бўлади.

Эркин сув фақат йирик донали чўкинди ва дарзлилиги юқори магматик ва метаморфик жинсларда ҳаракатланади. Сувларнинг химиявий таркиби ҳар хил бўлиб, сувли қатламларнинг химиявий ва минерал таркибига боғлиқдир. Сув таркибида эриган туз ва газлар, коллоид ҳолда турли моддалар учрайди.

Эркин сувлар химиявий таркибига кўра чучук (тузларнинг умумий миқдори қудуқ қолдиқда 3 г/л га teng), кам минераллашган (3—5 г/л), ўртача минераллашган (5—10 г/л), кучли



26- расм. Капилляр зонадаги иморат заминидаги капилляр сувнинг схематик кўриниши:

$h_K$  — капилляр кўтарилиши баландлиги;  $h$  — иморат заминидан то сувга тўйинган зона (а) чегарасигача бўлган масофа.

минераллашган (10—15 г/л) ва намокоб (50 г/л дан ортиқ) сувларга бўлинади.

Инженерлик-геологик нуқтаи назаридан эркин сувлар универсал эритувчи ҳисобланади. Тоғ жинсларига агрессив таъсир кўрсатиб, уларнинг физик-механик хоссаларини ўзгартириб туради. Тоғ жинси дарзларида музлаб унинг пишиқлигини камайтиради, натижада жинслар майдаланади.

Эркин сувлар тоғ жинсларига гидростатик босим кўрсатиб, суффозия, карст, тоғ ёнбафирларида суримиш ҳодисалари рўй беришига сабаб бўлади.

## VII БОБ. ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИ

### I. Тоғ жинсларининг умумий физик хоссалари.


Тоғ жинсининг солиштирма оғирлиги. Маълум ҳажмдаги тоғ жинсининг қаттиқ доначаларни оғирлигининг ёки абсолют қуруқ тоғ жинси оғирлигининг ( $q_1$ ) худди шу ҳажмдаги 4° С да олинган сув оғирлигига нисбати тоғ жинси солиштирма оғирлиги деб аталади (схемага қаранг 27-расм). Масалан, куб шаклидаги тоғ жинсининг қаттиқ фазаси (скелетининг) ҳажми  $V_s$ , унинг оғирлиги эса  $q_1$  бўлсан, у ҳолда шу тоғ жинсининг солиштирма оғирлигини ( $\gamma$ ) қўйидағича ифодалаш мумкин:

$$\gamma = \frac{q_1}{V_s} \text{ г/см}^3.$$

Тоғ жинси солиштирма оғирлигининг қиймати жинсни ташкил этувчи минералларнинг солиштирма оғирлигига боғлиқ бўлиб, унинг ғоваклиги ва намлигига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли тоғ жинси таркибида солиштирма оғирлиги ортиқ минераллар кўп бўлса, унинг солиштирма оғирлиги ҳам катта бўлади. Демак, темир ва магний элементлари кўп бўлган жинсларнинг солиштирма оғирлиги 3,0—3,4 г/см<sup>3</sup>, енгил минераллардан ташкил топганлариники эса 2,6—2,8 г/см<sup>3</sup> атрофида бўлади.

Чўкинди тоғ жинсларининг минерал таркиби асосий қисми ни кварц, дала шпатлари, слюдалар ва иккиласми минераллар ташкил этади. Агар таркибида органик моддалар ва чиринди кўп бўлса, солиштирма оғирлиги кичик бўлади. Масалан, чириндининг солиштирма оғирлиги одатда 1,25—1,40 г/см<sup>3</sup> атрофида бўлиб, чириндига бой жинсларнинг (тупроқнинг) солиштирма оғирлиги 2,4—2,5 г/см<sup>3</sup> атрофида бўлади.

Демак, тоғ жинсининг со-



27-расм. Икки фазали жинснинг тузилиш схемаси.

**Гранулометрик таркиби ҳар хил тоғ жинсларининг ўртача солишиштирма оғирлиги**

Тоғ жинслари	Ўртача солишиштирма оғирлиги, г/см <sup>3</sup>	Жуда кўп учрайдиган солишиштирма оғирлик миқдори, г/см <sup>3</sup>
Кум	2,66	2,65—2,67
Кумоқ тупрок	2,70	2,68—2,72
Кумлок тупрок	2,71	2,69—2,73
Гил	2,74	2,71—2,76
Лёсс	2,65	2,64—2,70

лишиштирма оғирлигига қараб, унинг минералогик таркиби ёки аксинча, минералогик таркибига қараб, солишиштирма оғирлигини билиш мумкин. Текширишлар таркибида сувда тез эрувчи тузлар ва органик бирикмалар кам жинсларининг солишиштирма оғирлиги кўпинча доимий ўзгармас бўлишини кўрсатади. (6-жадвал, Д. Е. Польшин 1948.)

**Тоғ жинсларининг ҳажм оғирлиги.** Тоғ жинсларининг, айниқса, чўкинди тоғ жинсларининг зарралари орасида бўшлиқлар бор, шу сабабли маълум ҳажмдаги грунтнинг оғирлиги шундай ҳажмдаги зичроқ жинсларининг оғирлигидан кам бўлади. Тоғ жинси ҳажм оғирлиги бир см<sup>3</sup> жинснинг грамм ҳисобидаги вазнидир. Демак, тоғ жинси умумий оғирлигининг ( $q$ ) умумий ҳажмига ( $v$ ) нисбати унинг ҳажм оғирлиги ( $\Delta$ ) дейилади:

$$\Delta = \frac{q}{V} \text{ г/см}^3.$$

Тоғ жинсларининг ҳажм оғирлиги ғоваклилиги ва намлигига боғлиқ. Шу сабабли уларнинг ҳажм оғирлиги ҳамма вақт солишиштирма оғирлигидан кичик бўлади. Намлиги қанча юқори ва ғоваклилиги кам бўлса, унинг ҳажм оғирлиги шунча катта бўлади. Бундан ташқари, тоғ жинсларининг ҳажм оғирлиги унинг солишиштирма оғирлигига ҳам боғлиқ. Солишиштирма оғирлиги катта бўлган жинсларининг ҳажм оғирлиги ҳам катта бўлади (7- жадвал).

**Баъзи тоғ жинсларининг ўртача ҳажм оғирлиги**

Тоғ жинслари	Ҳажм оғирлиги, г/см <sup>3</sup>	Тоғ жинслари	Ҳажм оғирлиги, г/см <sup>3</sup>
Лёсс ва лёссишмон тоғ жинслари	1,35—1,65	Зичлашган гил Оҳактош	1,75—2,30 2,15—2,30
Кум	1,45—1,70	Кварцит	2,50
Кумтош	1,75—2,65	Доломит	2,55
Бўр	1,35—1,45		

Шундай қилиб, төр жинсининг ҳажм оғирлиги унинг минералогик таркиби, ғоваклилиги, намлиги ва қуруқлигига боялғып. Агар төр жинси сувга түйинган бўлса, унинг ҳажм оғирлиги максимал қийматга, ғоваклилиги юқори, абсолют қуруқ жинсларнинг ҳажм оғирлиги минимум қийматга эга бўлади.

Төр жинсларининг ҳажм оғирлиги кўпчилик инженерлик ишларида, шу жумладан, төр ёнбағри ва қирғоқларга қурилган тўсиқ (тиргович) деворларига бўлган босимни аниқлашда, қияликларнинг сурилиш ҳодисасига қарши мустаҳкамлигини хисоблашда, ҳамда иморат ва иншоот замини жинсларидаги кучланишнинг (қаршиликнинг) тақсимланишини аниқлашда асосий кўрсаткичлардан бирорид.

**Төр жинси скелетининг ҳажм оғирлиги.** Төр жинсининг абсолют қуруқ ҳолдаги оғирлигининг шу жинснинг умумий ҳажмiga нисбати жинс скелетининг ҳажм оғирлиги дейилади.

$$\delta = \frac{q - q_w}{V} = \frac{q_c}{V} \text{ г см}^3,$$

бунда:  $\delta$ —жинс скелетининг ҳажм оғирлиги;  $q$ —жинснинг нам ҳолдаги оғирлиги;  $q_w$ —жинсдаги сувнинг оғирлиги;  $q_c$ —жинснинг қуруқ ҳолдаги оғирлиги;  $V$ —жинснинг қуруқ ҳолдаги умумий ҳажм.

Төр жинси скелетининг ҳажм оғирлиги унинг минералогик таркибиغا ва ғоваклилигига боялғып. Ғоваклилиги қанча кам, таркибидаги оғир минераллар кўп бўлса, скелетининг ҳажм оғирлиги шунча катта бўлади.

Абсолют қуруқ ҳолдаги жинснинг ҳажм оғирлиги унинг солиштирма ва нам ҳолдаги ҳажм оғирлигидан ҳар доим кичик бўлади.

Скелет ҳажм оғирлик маълумотлари гил ва гилли жинсларнинг ғоваклилигини эмпирик формулаларда аниқлашда ишлатилади.

Төр жинси скелетининг ҳажм оғирлигини лабораторияда аниқлаб бўлмайди, чунки жинсни қуритганда унинг умумий ҳажми жинснинг торайиши ҳисобига камаяди. Шу сабабли скелет ҳажм оғирлиги жинснинг намлиги ва табиий ҳажм оғирлиги бўйича аниқланади.

Агар жинснинг умумий ҳажмини ( $V$ ), нам ҳолдаги умумий оғирлигини ( $q$ ) табиий ҳажм оғирлигини ( $\Delta$ ), жинс таркибидаги сувнинг оғирлигини ( $q_w$ ) жинснинг қуруқ ҳолдаги оғирлигини ( $q_c$ ) ва жинснинг табиий намлигини ( $W$ ) билан белгиласак, скелет ҳажм оғирлик қўйидагича аниқланади.

Юқорида келтирилган икки формуласи таққослаймиз:

$$\delta = \frac{q_c}{V} \text{ ва } \Delta = \frac{q}{V},$$

бу тенгликларни қўйидагича ёзиш мумкин

$$V = \frac{q_c}{\delta} \text{ ва } V = \frac{q}{\Delta},$$

бундан

$$\frac{q_c}{\delta} = \frac{q}{\Delta}.$$

Агар  $q_c=1$  га тенг десак, у ҳолда

$$\frac{1}{\delta} = \frac{q}{\Delta}$$

бўлади.

Бизга маълумки,  $q=q_c+q_w$ , агар  $q_c=1$  бўлса,  $q=1+q_w$  га тенг.

Жинснинг табиий намлиги  $W = \frac{q_w}{q_c} \cdot 100$  га тенг бўлса,  $W=q_w \cdot 100$  га тенг бўлади, бундан  $q = 1 + 0,01 \cdot W$ .

Буларнинг қийматини юқоридаги тенгламага қўйиб, скелет ҳажм оғирлигини топамиз:

$$\frac{1}{\delta} = \frac{q}{\Delta}; \quad \frac{1}{\delta} = \frac{1 + 0,01 \cdot W}{\Delta}; \quad \Delta = \delta (1 + 0,01 \cdot W);$$

$$\delta = \frac{\Delta}{1 + 0,01 \cdot W} \text{ г/см}^3.$$

**Тоғ жинсининг намлиги.** Тоғ жинси ғовакликларида ушланиб турган ва  $100-105^\circ\text{C}$  да қиздирганда ундан ажралиб чиқадиган сув миқдорига унинг намлиги дейилади. Тоғ жинсининг кристалл панжараси тузилишида иштирок этувчи химиявий боғланган сувдан фарқли ҳолда намлик жинс зарралари атрофида ва улар орасидаги ғовак ва бўшлиқларда бўлади.

Табиий ҳолдаги тоғ жинсининг ғовак ва бўшлиқларидаги сув миқдори унинг табиий намлиги дейилади.

Табиий намлик қум ва гил каби жинсларнинг асосий физик ҳолатини билдирувчи хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бу жинсларнинг пишиқлиги ва иншоот заминида ўзини қандай тутиши уларнинг табиий намлигига боғлиқ.

Ер ости сувлари тагидаги қатламларда табиий намлик ўзгармас бўлиб, унинг устки қатламларида, яъни аэрация зонасида ўзгарувчандир. Бундан ташқари табиий намлик суткали, мавсумий ва йиллик ўзгаришларга ҳам эгадир. Бунда табиий намлик ҳавонинг температурасига, босимига ва атмосфера ёғин сочинларига, ер ости сувлари сатхининг ўзгаришига боғлиқ.

Тоғ жинси намлигининг ўзгаришига инсон фаолияти — ерларни суфориш, қишлоқ хўжалик экинларининг характери, ер остидаги сув сатхининг кўтарилиши ва ҳар хил қурилиш ишлари билан боғлиқ бўлган ерни ковлашлар, водопровод трубалари бузилишидан оқсан сувлар, хўжалик ва саноат чиқинди сувлари таъсир этади.

Табиий намликнинг ўзгариши тоғ жинсининг пишиқлигига таъсир этади. Таъсир этиш кучи тоғ жинсининг хилига боғлиқ. Масалан, магматик жинслар табиий намлик таъсирида тезда ўзгармайди, гил ва гилли жинслар эса тез ўзгаради. Агар у аввал қаттиқ бўлса, нам таъсирида унинг пишиқлиги камайиб, юмшоқ ҳолга ўтади.

Табиий намликни топиш учун тоғ жинснинг оғирлигини, шу жинснинг қуриган ҳолидаги оғирлигига нисбатини юзга кўпайтириш керак, яъни

$$W = \frac{q_w}{q} \cdot 100\%,$$

бунда:  $W$ —жинснинг табиий намлиги;  $q_w$ —жинс таркибидағи сувнинг оғирлиги;  $q$ —қуруқ ҳолдаги жинснинг оғирлиги.

Шундай аниқланган намликнинг жинснинг абсолют намлиги дейилади. Намлик жинс таркибидағи сувни шу жинс оғирлигига нисбатан қанча процентини ташкил этишини билдиради.

Тоғ жинсларининг намлик ҳолатини характерлаш учун унинг фақат табиий намлигини билиш етарли эмас. Шу сабабли тоғ жинсларининг абсолют намлиги билан бирга нисбий намлиги ва тўйиниш коэффициенти (намлик коэффициенти) аниқланади.

Тоғ жинснинг ғоваклилигига нисбатан ифодаланган намлик нисбий намлик дейилади ( $W_n$ ). Бу намлик жинс таркибидағи сув шу жинс ғоваклилигига нисбатан қанча процентни ташкил этишини билдиради. Шу сабабли бу ҳолдаги намликни баъзан ҳажм намлиги деб ҳам аталади. Нисбий намликни топиш учун, аввал жинснинг абсолют намлиги топилади ва уни шу жинснинг скелет ҳажм оғирлигига ( $\delta$ ) кўпайтирилади, яъни:

$$W_n = W \cdot \delta.$$

Нисбий намликка қараб шу жинснинг ғоваклилиги қанча процент сув билан тўлганлигини билишимиз мумкин.

Булардан ташқари тоғ жинснинг намлиги унинг сувга тўйинланлиги ёки тўйинмаганлиги билан ҳам характерланиб тўйиниш коэффициенти ( $K_w$ ) билан ифодаланади.

Тўйиниш коэффициенти  $K_w$  табиий намлик  $W$  нинг шу тоғ жинснинг сувга тўла тўйингандаги намлиги  $W_0$  га нисбатига teng, яъни

$$K_w = \frac{W}{W_0}.$$

Бундан ташқари тўйиниш коэффициенти қўйидаги формула ёрдамида ҳам аниқланади:

$$K_w = \frac{W \cdot \gamma (100-n)}{100 \cdot n} = \frac{W \cdot \gamma}{100 \cdot \epsilon} = \frac{(\Delta - \delta)}{n} \cdot 100 = \frac{W \cdot \delta}{100 \cdot n}.$$

Жинснинг сувга тўла тўйингандаги намлиги қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$W_0 = \left( \frac{1}{\delta} - \frac{1}{\gamma} \right) \cdot 100 = \frac{100 \cdot \epsilon}{\delta (1 + \epsilon)} = \frac{n}{\gamma (100 - n)} = \frac{100 \cdot \epsilon}{\gamma} = \frac{n}{\delta},$$

бунда:  $\gamma$ —жинснинг солиштирма оғирлиги;  $n$ —жинснинг ғоваклилиги;  $\epsilon$ —жинснинг ғоваклилик коэффициенти;  $\Delta$ —жинснинг табиий ҳажм оғирлиги;  $\delta$ —жинснинг скелет ҳажм оғирлиги;  $W$ —жинснинг табиий намлиги.

Түйиниши коэффициентининг қиймати 0 билан 1 орасида бўлиб, тоғ жинсининг қандай намланганлигини билдиради. Агар  $0 < K_w \leq 0,5$  бўлса, жинс кам намланган,  $0,5 < K_w \leq 0,8$  бўлганда, жинс жуда нам,  $0,8 < K_w \leq 1,0$  бўлганда, жинс сувга тўйинган ҳисобланади.

## 2. Тоғ жинсининг консистенцияси ва пластиклиги

Сув таъсирида тоғ жинсларининг хусусиятлари ўзгаради, натижада уларда эриш, шўрланиш, нураш, чўкиш, оқиш, шишиш каби геологик процесслар содир бўлади. Айниқса сувнинг таъсири гил ва гилли жинсларда яққол билинади. Намлигининг ўзгариши натижасида қонуний равишда уларнинг физик хоссалири ўзгаради. Намлиги оз бўлганда гилли жинслар қаттиқ ёки ним қаттиқ ҳолда бўлса, намлиги ошиб маълум миқдорга борганда улар қаттиқ ҳолдан юмшоқ пластик ҳолатга ўтиб ҳоҳлаган формага кирадиган бўлиб қолади; агар намлиги яна ошибрилса, у юмшоқ пластик ҳолатдан оқиш ҳолатига ўтади. Жинсларининг бундай ҳар хил физик ҳолатларига уларнинг консистенция формаси дейилади.

Одатда жинсларининг консистенция формаси уч кўринишида: қаттиқ, пластик ва оқувчан бўлади; ўз навбатида булар оралиқ ҳолидаги: *ним қаттиқ, ним пластик, пластик, юмшоқ ва оқувчан* каби консистенцияларга бўлинади.

Консистенция формаси жинслар таркибидаги сувнинг миқдорига (намлик даражасига) боғлиқ бўлиб, тоғ жинсининг пластиклиги билан характерланади. Пластиклиги маълум бир чегарага етганда у бир формадаги консистенциядан бошқа формадаги консистенцияга ўтади.

Тоғ жинслари хамирга ўхшаш юмшоқ бўлиб, ташқи куч таъсирида ҳар хил шаклга кира олиши ва бу шаклни сақлаб қолиш хоссаси уларнинг пластиклиги деб аталади.

Тоғ жинслари пластик бўлиши учун уларнинг намлиги маълум даражада бўлиши керак. Агар намлик маълум миқдордан кам бўлса, тоғ жинслари қаттиқ ҳолда, ортиқ бўлганда эса оқувчан ҳолатда бўлади. Демак, тоғ жинси консистенциясининг шакли маълум намлик ҳолатидагина ўзгаради. Бу намлик тоғ жинсларининг *пластиклик чегараси ёки характерли намлиги* дейилади.

Тоғ жинслари пластиклигининг юқори ва қуйи чегараси бўлади.

Тоғ жинсининг пластик ҳолатдан оқувчан ҳолатга ўтишидаги намлиги пластикликининг *юқори чегараси* деб аталади ва  $W_t$  билан белгиланади. Масалан, хамир ҳолатдаги лёссимон жинсининг намлиги 25 процент бўлсин, биз унга сув қўша бошласак, уннинг намлиги 25 процентдан ошиб боради. Намлик 30 процентга етганда у пластик ҳолатдан оқувчан ҳолатга ўтади. Ана шу оқишга ўтгандаги намлик 30 процентдан ошганда у пластиклигини йўқотади.

Тоғ жинсининг юмшоқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтишидаги намлиги пластикликнинг қуи чегараси деб аталади ва  $W_p$  билан белгиланади. Масалан, намлиги 25 процент бўлган юмшоқ тоғ жинсини қурита бошласак, унинг намлиги камаяди ва маълум қийматга етганда пластик ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтади. Масалан, қаттиқ ҳолатга ўтаётгандаги намлик 17% бўлса, у пластикликнинг қуи чегараси бўлади. Пластикликнинг юқори чегараси билан қуи чегараси орасидаги фарқ *пластиклик сони* дейилади ва  $M_p$  билан белгиланади.

### 3. Пластикликка таъсир кўрсатувчи асосий факторлар

Пластикликнинг юқори ва қуи чегараси тоғ жинсининг гранулометрик ва минералогик таркибига, заррачаларнинг формасига, катионлар таркибига ва ғоваклардаги тузли эритманинг концентрациясига ҳамда химиявий таркибига боғлиқ бўлади. Тоғ жинсининг пластиклиги бундан ташқари зарраларни ўраб турган гидрат қобиғининг қалинлигига ҳам боғлиқ. Гидрат қобиқ қанчалик қалин бўлса, унинг пластиклиги шунча юқори бўлади.

Пластикликка таъсир қилувчи асосий факторлардан бири тоғ жинсининг гранулометрик таркибидир. Пластиклик асосан 0,05 мм дан кичик зарраларда намоён бўлади. Зарраларнинг майдалиги ошган сайн уларнинг пластиклиги ҳам орта боради. Коллоид зарралардан ташкил топган жинсларда пластиклик жуда юқори бўлади. 8-жадвал орқали коллоидли зарралардан ташкил топган жинсларнинг пластиклиги қонуний равишда ўзгариб ортиб боришини кўриш мумкин.

Тоғ жинсининг пластиклиги унинг минерал таркибига ҳам боғлиқ. Зарраларнинг катталиги бир хил, аммо минералогик таркиби икки хил жинсларнинг пластиклиги ҳар хил бўлади. Бунга сабаб ҳар қайси жинсдаги минералларнинг ўз атрофидা

8- жадвал

#### Оҳангарон водийсидаги баъзи гилли жинсларнинг пластиклиги

Жинслар номи	пластиклиги (%)		
	юқори пластиклик, $W_f$	қуи пластиклик, $W_p$	Пластиклик сони $M_p$
Лёссимон жинс	26	19	7
Лёссимон жинс	27	18	9
Лёссимон жинс	30	20	10
Оғир қумоқ	32	19	13
Оғир қумоқ	33	18	15
Гил	50	32	18
Гил	58	30	28
Гил	70	40	30
Гил	45	22	23


## Зарралари 0,002 мм дан кичик минералларнинг пластиклиги (Аттербер бўйича)

Минералларнинг номи	Юқори пластиклик чегараси, %	Пастки пластиклик чегараси, %	Пластиклик сони, %
Биотит	87	44	43
Хлорит	72	47	25
Каолинит	63	43	20
Лимонит	36	27	9
Кварц	35	35	0

сувни боғлаб туриш қобилияти ҳар хил бўлишидир, яъни бир хил минерал атрофида боғланган сувнинг миқдори кўп, бир хилиницида озлилигидир.

Одатда таркибида иккиламчи минераллар кўп бўлган жинсларнинг пластиклиги юқори бўлиб, бирламчи минераллардан ташкил топган бўлса, кам бўлади ва баъзан бўлмайди. Масалан, кварц каби минералларда пластиклик йўқ (9- жадвал).

Тоғ жинсларининг пластиклик хусусиятини ошириш қобилиятига қараб, таркибида учрайдиган асосий катионлар қатори қуидагича бўлади:



Бу қаторликдан шу нарса маълумки уч валентли катионларга нисбатан бир валентли катионларга бой жинсларнинг пластиклиги кескин ошади, кальцийга ( $Ca$ ) бой бўлган жинсларнинг пластиклиги аксинча, кам бўлади. Пластиклик жинс сув билан намлангандагина юзага келади; сув гидрат пардалар ҳосил қиласди. Жинснинг гидрофиллиги қанча катта бўлса, унинг пластиклиги ҳам шунча катта бўлади.

Жинсларнинг юқори пластиклик чегарасини гил зарраларнинг миқдорига нисбати жинснинг гидрофиллик кўрсаткичи дейилади, яъни

$$K_n = \frac{W_f}{M_c}$$

бунда:  $K_n$ —гидрофиллик кўрсаткичи;  $W_f$  юқори пластиклик чегараси;  $M_c$ —гил зарраларининг миқдори (% ҳисобида).

Гидрофиллик зарраларнинг миқдоригина эмас, балки уларнинг таркиби ҳамда сингдирилган катионларнинг таркибига ҳам боғлик.

Совет олимларидан П. А. Земятченский, В. В. Охотин, М. М. Филатов, И. В. Попов, Е. М. Сергеев, Ф. О. Мавлонов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари гил, лёсс ва лёссимон жинсларнинг пластиклик хоссалари уларнинг минералогик ва гранулометрик таркибига, намлик даражасига, ҳамда таъсир этётган сувнинг химиявий таркибига боғлиқ эканини кўрсатади.

#### 4. Төг жинсларининг пластиклиги ва консистенциясига кўра классификацияланиши

Төг жинсларининг пластиклиги ва консистенция формалари уларнинг механик хоссаларини ва пишиқлигини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Пластиклигига қараб жинсларнинг қайси хилга киришини, яъни классификациясини, иншоот замини остидаги жинсга бериладиган босим нормасини ва сув ўтказувчалигини, табиий зичланганлик даражаси ва бошқаларни аниқлаш мумкин.

Гилли жинслар пластиклик чегарасига қараб СН и П II—Б. I—62 бўйича классификацияланади (10- жадвал).

10- жадвал

##### Гилли жинслар хил классификацияси

Төг жинсларининг хиллари	Пластиклик чегараси, $M_p$
Қумоқ (супесь) жинслар	$1 \leq M_p \leq 7$
Қумлоқ (суглинёк) жинслар	$7 \leq M_p \leq 17$
Гил	$M_p > 17$

Гилли жинсларнинг намлиги ошиши билан пишиқлиги ва консистенцияси ўзгаради. Шу сабабли уларнинг пишиқлигини баҳолашда консистенция формасини билиш лозим.

Консистенция формасини аниқлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Улардан бири жинснинг табиий намлигини ( $W$ ) юқори ва қуий ( $W_p$ ) пластиклиги билан солиштириб кўришдан иборат.

Масалан,

$$W < W_f - \text{грунт қаттиқ}, \\ W_p < W < W_f - \text{грунт пластик}, \\ W > W_f - \text{грунт суюқ}.$$

Бу усулнинг камчиликларидан бири төг жинсининг пластиклик чегараси аниқланадиганда унинг структураси бузилиши ва эзилиши туфайли пишиқлигининг камайиши ҳисобга олинмайди. Пластикликнинг юқори ва қуий чегарасига қараб, төг жинсини қандай ҳолатда эканлигини аниқлаш учун консистенция кўрсаткичидан фойдаланилади:

$$B = \frac{W - W_p}{M_p},$$

бунда:  $B$ —консистенция кўрсаткичи;  $W$ —жинснинг табиий намлиги;  $W_p$ —жинснинг қуий пластиклик чегараси;  $M_p$ —пластиклик сси.

Консистенция кўрсаткичига кўра, төг жинсининг қандай ҳолатда эканлиги аниқланади:

$$B < 0 - \text{жинс қаттиқ}; \\ 0 \leq B \leq 1 - \text{жинс пластик}; \\ B > 1 - \text{жинс оқувчан}.$$

Жинсларнинг консистенция кўрсаткичини В. А. Приклонский (1955) тавсия этган қўйидаги формула орқали ҳам ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned} A > 1 &\text{—жинс қаттиқ;} \\ A = 0,7 \div 1 &\text{—жинс ним қаттиқ;} \\ A = 0,5 \div 0,7 &\text{—ним пластик;} \\ A = 0,25 \div 0,50 &\text{—пластик;} \\ A = 0,0 \div 0,25 &\text{—юмшоқ пластик;} \\ A = 0 &\text{ (манфий) — оқувчан.} \end{aligned}$$

Демак, консистенция кўрсаткичи орқали тоғ жинсларининг хилини ва ҳолатини аниқлаш мумкин. Булар эса қурилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

### VIII БОБ. ТОҒ ЖИНСИНИНГ СУВГА БОҒЛИҚ ХОССАЛАРИ

#### Тоғ жинсларининг сув таъсирида эриши, кўпчиши ва ивиши

Сув тоғ жинсларининг физик-механик хоссаларига жуда кучли таъсир кўрсатади. Сув тоғ жинси ғовакларида, ковакларида ва дарзларида ҳаракат қилиб, у билан доимо алоқада бўлади.

Сувнинг минераллар, тоғ жинслари ҳамда цемент бетонларни эритиб юбориш хусусияти агресивлик қобилияти деб аталади.

Ер ости сувларининг агресивлиги тоғ жинси таркибидаги тузлар билан ер ости сувлари таркибидаги тузларга боғлиқ. Агар тоғ жинси таркибидаги тузлар миқдори ер ости суви таркибидаги тузлардан кам бўлса, ер ости суви тоғ жинсини яхши эрита олмайди. Масалан, кальций карбонатга бой бўлган ер ости сувлари оҳак тошни, кальций сульфати билан тўйинган сув эса гипсни эритмайди.

Сувнинг эритиш қобилияти унинг тез ҳаракатланишига боғлиқ. Турбулентли ҳаракатда бўлган сувнинг эритиш қобилияти кучли бўлади. Сув температурасининг ошиши ҳам унинг эритиш қобилиятини кучайтиради. Сувнинг таркибида газлар (масалан,  $\text{CO}_2$ ) бўлса, температуранинг ортишидан газлар учиб кетиб, сувнинг эритиш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади. Масалан, Е. Г. Чаповскийнинг (1975) маълумотига кўра  $\text{CO}_2$  гази кўп сувда магнезитнинг нормал босим ва температурада эриши 8,1 г/л ни ташкил этса, сув температураси  $70^{\circ}\text{C}$  га етганда сув 2,4 г/л магнезитни эрита олади. Демак, температуранинг ошиши натижасида газга тўйинган сувнинг эритиш қобилияти 3,5 марта камаяр экан.

Сув таъсирида тоғ жинслари тўла ва қисман эриши мумкин. Шунга кўра тўла эриш ва қисман эриш тушунчаси киритилган. Сувнинг характеристига қараб, эриш яна икки турга: тўғридан-тўғри ва диффузив эришга бўлинади. Ер ости эркин сувларнинг таъсирида тоғ жинсларининг эришига тўғридан-тўғри эриш

дейилади. Эркин сувларнинг төг жинслари дарзликлари ва ғовакларида ҳаракат этиши натижасида жинснинг диффузив эриши содир бўлади. Бунда ионлар қуйидаги схема бўйича ҳаракат қиласи: жинс → ғовакдаги эритма → эркин сув.


Қайд этилган эриш турлари төг жинсларининг инженерлик-геологик хусусиятларини ўзgartириб юбориши мумкин. Натижада, жинсларнинг ғоваклилиги, сув ўтказувчанлиги, ташқи куч таъсирида сиқилиши ортади, пишиқлиги камаяди.

Төг жинсининг сув таъсирида ҳажмини катталаштириш қобилиятига кўпчиш ёки шишиш деб аталади. Бу айниқса гил ва гилли жинслар учун характерлидир. Уларнинг намлиги ортиши туфайли зарралари атрофидаги гидрат қобиғининг қалилиги ошади ва жинснинг ҳажми орта боради.

Төг жинсининг кўпчиши унинг минералогик ва гранулометрик таркибига, ундаги катионлар турига, структура ва ғоваклигига, сувли эритманинг химиявий таркиби ва концентрациясига боғлиқ.

Таркибидаги монтмориллонит группасига мансуб минераллар кўп бўлган жинслар кучли кўпчиди.

Кўпчиши қобилиятига кўра катионлар қатори қуйидагича бўлади.



Демак, бир валентли катионларнинг кўпчиши қобилияти кучлидир. Бундан ташқари жинсларнинг кўпчиши таркибидаги катионларнинг турига боғлиқ. Масалан,  $\text{Na}$  га бой жинслар  $\text{Ca}$  бой жинсларга нисбатан икки марта ортиқ кўпчиди.

Төг жинсларининг кўпчиши натижасида уларнинг ғоваклиги сув ўтказувчанлиги ва намлиги ортади, бу эса төг жинсларининг пишиқлиги ва мустаҳкамлиги пасайишига сабаб бўлади. Бундан ташқари кўпчиш вақтида кўпчиш босими ҳосил бўлади. Бу босимнинг ҳосил бўлиши иморат замини учун хавфидир. Масалан, иморат заминида сув таъсирида кўпчидиган қатлам бўлса, у кўпчиди, ҳажмини оширади ва кўпчиш босими ҳосил бўлади. Натижада иморат ичидаги поллар кўтарилиб кетади, иморат асоси қийшайиб деформацияланади, иморат деворларида ёриқлар ҳосил бўлади. Кўпчиш ҳодисаси ер ости ишларида ҳам заарлидир. Кўпчиш натижасида шахта таги кўтарилиб ёки ён деворлари шишиб, ер ости йўлларини торайтириб қўяди.

Жинсларнинг кўпчиши кўпчиш босими, кўпчиш намлиги ва кўпчиш миқдори билан ифодаланади:

$$U_n = \frac{V_{\text{наб}} - V_o}{V_o} \cdot 100\%,$$

бунда:  $U_n$  — кўпчиш миқдори %;  $V_{\text{наб}}$  — кўпчиган жинснинг ҳажми;  $V_o$  — жинснинг кўпчишдан аввалги ҳажми.

Төг жинсининг сувда ҳар хил зарраларга ажралиб кетиш қобилияти унинг ивиши дейилади. Бу гил ва гилли жинслар учун характерли.

Тоғ жинсининг ивиши унинг сувга нисбатан пишиқлигини билдиради. Сувга нисбатан пишиқ гилли жинслар секин, пишиқлиги кучсиз жинслар эса тез ивийди. Ивиш тезлиги ва характери уларнинг минералогик ва гранулометрик таркиби, зичлигига, табиий намлигига, зарралар орасидаги ёпишқоқлик кучига, қотишманинг хилига, ионлар таркиби, сувнинг химиявий таркиби, минераллашганлик даражасига ва гилли жинсларнинг генетик турига боғлиқ. Соғ гиллар сувда секин ивийди.

Намлиги юқори жинслар, қуруқ жинслардан секин ивийди. Масалан, қуруқ тупроқдан лой тайёрлаш жуда осон бўлади. Чунки тупроқ зарралари сувда тез ивийди. Агар шу лойни 2—3 кун қолдириб, шу лойни ўзидан яна суюкроқ лой тайёрламоқчи бўлинса, бунда лой тайёрлаш қийинлашади, лой берч бўлиб қолиб, ундаги зарраларнинг сувда ивиши жуда қийин бўлади. Шу сабабли гилли жинсларнинг сувда ивишини ўрганишда уларнинг бошланғич намлиги аниқланади. Текширишлар шунун кўрсатдики (Н. В. Коломенский, В. С. Шаров (1969) ва бошқалар) бошланғич намлиги юқори бўлган жинслар сувга чидами бўлиб, секин ивийди. Шу сабабли критик намлик деган тушунча киритилган. Ҳар бир гилли жинсларнинг ўзига хос критик намлиги бор. Агар жинсларнинг табиий намлиги критик намликтан юқори бўлса, сувда ивимайди, аксинча табиий намлиги критик намликтан паст бўлса, сувда ивийди.

Сув омборларини, канал ва очиқ шахталарни ишга туширишда тоғ жинсларининг ивишини аниқлаш лозим. Янги қурилган ҳали ишга тушмаган каналларнинг қирвоқларидағи жинслар қуруқ бўлса, уларни намлаб шиббаланади ва каналга сув очиб юборгунча қирвоқнинг намлиги оширилиб критик намлигидан юқори қилиб туриласди. Шундай қилинган тақдирда каналга сув келганда қирвоқларнинг ивиши ва емирилиши секин бўлади.


Тоғ жинсларининг сувда ивиши лабораторияда алоҳида асбоблар ёрдамида аниқланади.

**Тоғ жинсининг сув ўтказувчанлиги.** Тоғ жинсининг ўзидан маълум миқдорда сувни ўтказиш унинг сув ўтказувчанлиги дейилади. Сув ўтказувчанлик фильтрация коэффициенти билан ифодаланади. Босим градиенти бирга тенг бўлганда маълум юза орқали вақт бирлигига ўтадиган сув миқдорига фильтрация коэффициенти дейилади ва у « $K$ » билан белгиланиб  $\text{мм}/\text{сек}$  ёки  $\text{м}/\text{суткада}$  ифодаланади. Буни фильтрация тезлиги деб ҳам аталиб, қуидаги формула билан аниқланади:

$$v = K \cdot I; \quad K = \frac{v}{I} \text{ м/сут},$$

бунда:  $v$  — фильтрация тезлиги;  $K$  — фильтрация коэффициенти;  $I$  — босим градиенти. Босим градиенти ( $I$ ) қуидагича ифодаланади:

$$I = \frac{H_2 - H_1}{l} = \frac{n}{l};$$



28-расм. Ер ости суви оқимишнинг схемаси.


Тоғ жинсининг сув ўтказувчанлиги унинг ғоваклигига ва йирик ғоваклар миқдорига ва гранулометрик таркибиغا борлиқдир.

Сув ўтказувчанлик тоғ жинслари таркибиغا кўра қўйидаги йўналишда камайиб боради: шағал → қум → қумлоқ → соз тупроқ → гил.

Гиллардан ташкил топган жинсларнинг сув ўтказувчанлиги бошланғич намлигига боғлиқ. Қуруқ гиллар аввал сувни ўзидан яхши ўтказади, намлиги ошгандан сўнг сув ўтказувчанлиги кескин пасаяди. Намланганда тез кўпчиб кетадиган жинслар сувни кам ўтказади ёки мутлақ ўтказмайди. Монтмориллонит группаси шундай жинслар ҳисобланади.

Тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлиги уларнинг структурасига ҳам боғлиқ. Масалан, микроструктурали гиллар жинсларда, макро ва микро агрегатли ва серфовак лёссларга нисбатан сувни ўзидан ёмон ўтказади.

Тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлиги уларнинг текстурасига ҳам боғлиқ. Шунга кўра тоғ жинсларида сувнинг тез ҳаракатланишига вертикал ва горизонтал йўналиш бўйича ҳар хил бўлди. Лёсса ва лёссимон жинсларда йирик ғоваклар асосан вертикал йўналиш бўйича жойлашган; шу сабабли буларда фильтрация коэффициенти ёки фильтрация тезлиги вертикал йўналиш бўйича катта бўлади (29-расм, А). Текстураси йўл-йўл лента формасидаги гилли жинсларда фильтрация тезлиги аксинча горизонтал йўналишда катта бўлади (29-расм, Б). Бунга сабаб гилли қатламлар орасида гранулометрик таркиби жиҳатидан фарқ қиласидиган, гилга нисбатан сувни ўзидан яхши ўтказадиган қатламлар мавжудлигидир. Умуман қатламли жинсларда сув ўтказувчанлик қатламлар йўналишига қараб ҳар хил бўлади.



29-расм. Анизотроп ҳолдаги лёсса (А) ва лентасимон текстурали гиллар (Б) нинг фильтрацион хусусияти бўйича солишиши схемаси:  
 $K_v$  — вертикал йўналиш бўйича фильтрация коэффициенти;  
 $K_f$  — горизонтал йўналиш бўйича фильтрация коэффициенти.

$l$  — фильтрация йўли узунлиги;  
 $h$  — сув босими.

Фильтрация йўли сув оқими бўйлаб  $AB$  масофани ўлчаш ва босим кучининг камайиши грунт сувлари сатҳининг  $A$  ва  $B$  нуқталардаги абсолют баландликлари айрмасини ( $H_2 - H_1$ ) топиш йўли билан аниқланади (28-расм).

Сув ўтказувчанлик тоғ жинслари таркибига кўра қўйидаги йўналишда камайиб боради: шағал → қум → қумлоқ → соз тупроқ → гил.

Сув ўтказувчанлик тоғ жинслари таркибига кўра қўйидаги йўналишда камайиб боради: шағал → қум → қумлоқ → соз тупроқ → гил.

Гиллардан ташкил топган жинсларнинг сув ўтказувчанлиги бошланғич намлигига боғлиқ. Қуруқ гиллар аввал сувни ўзидан яхши ўтказади, намлиги ошгандан сўнг сув ўтказувчанлиги кескин пасаяди. Намланганда тез кўпчиб кетадиган жинслар сувни кам ўтказади ёки мутлақ ўтказмайди. Монтмориллонит группаси шундай жинслар ҳисобланади.

Тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлиги уларнинг структурасига ҳам боғлиқ. Масалан, микроструктурали гиллар жинсларда, макро ва микро агрегатли ва серфовак лёссларга нисбатан сувни ўзидан ёмон ўтказади.

Тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлиги уларнинг текстурасига ҳам боғлиқ. Шунга кўра тоғ жинсларида сувнинг тез ҳаракатланишига вертикал ва горизонтал йўналиш бўйича ҳар хил бўлди. Лёсса ва лёссимон жинсларда йирик ғоваклар асосан вертикал йўналиш бўйича жойлашган; шу сабабли буларда фильтрация коэффициенти ёки фильтрация тезлиги вертикал йўналиш бўйича катта бўлади (29-расм, А). Текстураси йўл-йўл лента формасидаги гилли жинсларда фильтрация тезлиги аксинча горизонтал йўналишда катта бўлади (29-расм, Б). Бунга сабаб гилли қатламлар орасида гранулометрик таркиби жиҳатидан фарқ қиласидиган, гилга нисбатан сувни ўзидан яхши ўтказадиган қатламлар мавжудлигидир. Умуман қатламли жинсларда сув ўтказувчанлик қатламлар йўналишига қараб ҳар хил бўлади.

Сув ўтказувчанлик жинслар таркибининг ҳар хиллигига кўра аэр-

## Баъзи жинсларнинг сув ўтказувчанлиги (Е. Г. Чаповский, 1975)

Тоғ жинслари	Фильтрация коэффициенти, м/суткада
Кучли дарзланган карстлашган оҳактошлар	200—300 дан кўп
Яхши ювилган цементланмаган шағаллар	100 дан кўп
Қумли бўшоқ шағал ётқизиқлари	10—30
Ҳар хил таркибли қумлар	5—10
Қумлоқ тупроқлар	2—0,1
Қумок тупроқлар	0,1
Гиллар	0,001

ция зонада айрим горизонтларида кескин ўзгаради. Бир хил таркибли жинсларда сув ўтказувчанлик текис ва бир хил тезликда содир бўлса, ҳар хил таркибли жинсларда сув ўтказувчанлик нотекис ва ҳар хил тезликда содир бўлади.

Аэрация зонасининг устки қисми сувни кўп ва осон ўтказади, пастга томон сув ўтказувчанлик сусаяди. Бунга сабаб пастки горизонтларнинг зичлиги юқориги горизонтларга нисбатан анча катта бўлади;

Ҳар хил грунтларнинг сув ўтказувчанлиги катта масофада ўзгаради (11- жадвал).

Ф. П. Саваренский (1935) жинсларни сув ўтказувчанлигига қараб учта группага ажратади:

1. Сув ўтказувчан жинслар фильтрация коэффициенти  $K > 1$  м/сут. Буларга йирик донадор жинслар яъни шағал, қумли ва шағалли ётқизиқлар киради.

2. Ним сув ўтказувчан жинслар ( $K = 1—0,001$  м/сут.). Буларга гилли қумлар, қумлоқлар, лёсслар, кучсиз дарзланган қаттиқ жинслар киради.

3. Практик жиҳатдан сув ўтказмайдиган жинслар ( $K < 0,001$  м/сут). Яхши кристалланган массив магматик ва метаморфик жинслар, гиллар, мергел ва аргиллитлар киради.

Гиллар амалий жиҳатдан сув ўтказмайдиган деб ҳисобланса ҳам, босим градиенти маълум миқдорга чиққанда улар ўзидан сув ўтказади. Гилларда асосан боғланган сув бўлади, босим таъсирида улар жинсдан ажралиб чиқади. Боғланган сувни ҳаракатга келтирувчи босим градиентига бошланғич босим градиенти ёки фильтрация бўсағаси градиенти дейилади.

Бошланғич градиенти миқдори 5—10 ва ундан юқори бўлиб, у тоғ жинснинг таркибига, структурасига ва зичлилигига боғлиқ. Иншоотларнинг чўкишини ўрганишида бошланғич градиентни аниқлаш муҳим. Агар иншоот заминидаги гилли жинсларга таъсир этаётган босим бошланғич градиентдан катта бўлса, бу жинслар замин остида зичлашади ва зичланиш вақтга нисбатан тезроқ бўлади.

**Тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлик хусусиятлари лаборатория ва дала усулларида ўрганилади.**

**Тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлик коэффициентини аниқлашнинг дала усули аниқ усуллардан бири бўлиб, гидрогоеологик ва инженерлик-геологик тадқиқотларда кенг қўлланади.**

**Дала усули сувга тўйинмаган жинсларга қудуқлар орқали сув юбориш ва тўйинганларидан қудуқлар орқали сув чиқариб олишга асосланади.**

**Қудуқлар орқали тоғ жинсларига сув юбориш усули билан қуруқ сувсиз жинсларининг сув ўтказувчанлиги аниқланади. Бундан мақсад сув омборларидан оқиб кетиши мумкин бўлган сув миқдорини билиш, гидротехник иншоот заминидаги сув ҳаракат тезлигини топиш, қишлоқ хўжалигига сурориш нормасини белгилаш ва шу кабиларни аниқлашдан иборатдир.**

**Тоғ жинсининг нам сифими ва сув берувчанлиги.** Тоғ жинсларининг маълум миқдордаги сувни сифдира олиш ва уни ўзида сақлай олиш хусусияти уларнинг *нам сифими* дейилади.

**Жинснинг нам сифими** унда сақланиб турган сув оғирлигига жинснинг скелет оғирлигига нисбатан ёки сув ҳажмининг жинснинг умумий ғоваклилигига нисбати билан ифодаланади. Бу миқдорлар 100 га кўпайтирилса, нам сифими % билан ифодаланган бўлади.

**Жинс қатламларида сақланган сувни миқдори ва ҳолатига кўра нам сифими тўлиқ, капилляр ва максимал молекуляр бўлади.**

**Тўлиқ нам сифими** деб жинсдаги ҳамма ғовакликларнинг сув билан тўйинган ҳолидаги намлигини айтилади. Тўлиқ нам сифими грунт суви жойлашган жинсларнинг сувли қатламларида гина бўлиши мумкин. Тўла нам сифимининг миқдори тоғ жинсининг умумий ғоваклигига teng бўлади.

**Капилляр нам сифими.** Тоғ жинсларида ушланиб қолган капилляр сувнинг миқдорига капилляр нам сифими дейилади. Капилляр нам сифимининг миқдори ўзгарувчан бўлади. У грунт сувларининг ётиш ҳолатига, жинснинг гранулометрик таркибига, ғоваклилигига боғлиқдир. Механик таркиби бир хил тоғ жинсларида капилляр ҳошия (кайма) доирасида капилляр намнинг миқдори грунт сувлари юзасидан капилляр ҳошия чегараси томон кўтарилиган сари камая боради.

**Қатламли тоғ жинсларда** турли механик таркибли горизонтларнинг капилляр нам сифими қатламларнинг қалинлигига боғлиқдир. Гилларнинг капилляр нам сифими энг катта бўлади, лёссики кичикроқ ва қумники ундан ҳам кичик бўлади, бироқ гилларда капилляр нам миқдорига грунт суви юзасидан узоқлашган сари лёссадигига нисбатан камайиб кетади, бу эса ўз навбатида лёссикинг капиллярлик хоссасига боғлиқ.

**Тоғ жинсларининг зарралари юзасига сингдирилган (адсорбцияланган)** сувнинг максимал миқдорига **максимал молекуляр нам сифими** деб айтилади. Бунинг миқдори жинс-

**Турли гранулометрик таркибли түгрөгларда гигроскопик сувнинг миқдори  
(М. Баҳодиров 1971)**

Тупроқлар	Гигроскопик сув миқдори, %	Тупроқлар	Гигроскопик сув миқдори, %
Қумли тупроқ	1,06	Үрта қумли тупроқ	3,00
Қумли тупроқ	1,40	Соз тупроқ	5,40
Енгил құмоқ тупроқ	2,09	Оғир соғ тупроқ	6,54

нинг максимал гигроскопик ҳолатдаги нағдан бир оз кам бўлади.

Тоғ жинсининг ҳаводаги сув буғларини сингдириб олиши унинг гигроскопик клиги дейилади. Табиий шароитда құруқ бўлган тоғ жинсининг таркибида ҳам маълум миқдорда гигроскопик сув бўлади. Жинсининг минералогик ва гранулометрик таркибига кўра унинг гигроскопиклик хусусияти ўзгариб туради (12- жадвал).

Максимал молекуляр нам сиғими ҳам тоғ жинсининг минералогик ва гранулометрик таркиби боғлиқ (13 ва 14- жадваллар).

**Минералогик таркиби ҳар хил бўлган батъи тоғ жинсларининг тўла ва максимал молекуляр нам сиғими (В. Д. Ломтадзе, 1970).**

Тоғ жинслари	Максимал молекуляр нам сиғими, %	Тўла нам сиғими, %
Монтмориллонитли гил	44	71
Каолинли гил	22	43
Гидрослюдали гил	14	29
Нозик донадор кварцли қум	2	25

**Турли гранулометрик таркибли тоғ жинсларининг максимал молекуляр  
нам сиғими (А. Ф. Лебедев, 1972).**

Фракциялар	Фракцияларнинг катталиги, мм	Максимал молекуляр нам сиғими, %
Қумли йирик донадор	1—0,5	1,6
— — ўртача донадор	0,5 — 0,25	1,6
— — майда донадор	0,25—0,10	2,7
— — нозик донадор	0,25—0,05	9,8
Чангли (алевритли)	0,05—0,005	10,2
Гилли	0,005	44,2

**Сув берувчанлик.** Сувга тўйинган жинснинг сув бериш қобилиятини унинг сув берувчанлиги деб аталади. Тоғ жинсининг сув берувчанлиги, сув берувчанлик коэффициенти билан ифодаланади. Қўмларнинг сув берувчанлиги тўла нам сифимидан максимал молекуляр нам сифимининг айримасига тенг:

$$\mu_B = W_{n \cdot B} - W_m,$$

бу ерда:  $\mu_B$  — сув берувчанлик коэффициенти;  $W_{n \cdot B}$  — тўла нам сифими;  $W_m$  — максимал молекуляр нам сифими.

Тоғ жинсининг сув берувчанлиги унинг хилига, зарраларининг катта-кичкликлигига, ковакларини тўлдириб турган материал таркибига, фоваклилигига ва сувнинг температурасига боғлиқ. Йирик донадор жинсларнинг сув берувчанлиги катта бўлиб у зарралар кичрайган сари камайиб боради.

## IX БОБ. ГИЛЛИ ЖИНСЛАРНИНГ КОЛЛОИД ХОССАЛАРИ

### 1. Коллоид зарралар ва уларнинг хиллари

Тоғ жинсларининг физик, химиявий ва биохимиявий нураши натижасида улар таркибида майдар зарралар аралашмаси — дисперсия системаси ҳосил бўлади. Дағалроқ зарралар (чанг, қўмлар) физик-химиявий хоссаларига кўра майдар зарралардан фарқ қилмайди, аммо жуда майдар зарралар — коллоидлар фарқ қиласи.

Катталиги 0,0001 мм дан 0,000001 мм гача бўлган зарралар коллоидлар деб аталади. 0,0000001 мм дан кичик зарралар суюқликни ташкил этади. Коллоидларнинг тузилиши ҳақида VI бобда батафсил тўхтаб ўтилган (14 ва 15-расмлар).

Жинс коллоидлари минерал, органик ва органик-минерал коллоидларга бўлинади (М. А. Панков, 1963).

Минерал коллоидларга қуйидагилар киради:

1) майдаланган минераллар, алюмосиликатлар, силикатлар. Бу минераллар манфий зарядли бўлиб, гилларда кам учрайди.

2) коллоид кремнезем ( $\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ). Бу минерал дала шпатлари, силикатлар ва слюдаларнинг химиявий нурашидан ҳосил бўлади, манфий зарядли гилли жинсларда кўпроқ учрайди.

3) иккиласми минераллар: а) монтмориллонит группаси: монтмориллонит  $m\{\text{Mg}_3[\text{Si}_4\text{O}_{10}] [\text{OH}]_2\} \cdot p(\text{Al}, \text{Fe})_2[\text{Si}_4\text{O}_{10}]$  бейделлит  $\text{Al}_2[\text{Si}_4\text{O}_{10}] [\text{OH}]_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$  ва нонтронит  $(\text{Fe}, \text{Al})_2[\text{Si}_4\text{O}_{10}] [\text{OH}]_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ . Бу группа манфий зарядланган коллоидларга киради. Коллоидлар нам таъсиридан бўкиб, ҳажми икки марта ортиб кетади; б) каолинит под группаси: каолинит  $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ , диккит  $\text{Al}_4[\text{Si}_4\text{O}_{10}] [\text{OH}]_8$ ; в) галлуазит группаси: галлуазит  $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ ; г) аллофан группаси: аллофан  $m\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot n\text{SiO}_2 \cdot \text{PH}_2\text{O}$ . Бу группа ҳам манфий зарядланган коллоидлар жумласига кириб, намланганда унча кўпчимайди; д) гидрослюдя группаси: иллит ва бошқалар; е) мусковит подгруппаси: мусковит  $\text{K}_2\text{O} \cdot 3\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 6\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ . Булар ҳам манфий

**Коллоид минералларнинг химиявий таркиби, % ҳисобида  
(Н. И. Горбунов бўйича)**

Минераллар	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	K <sub>2</sub> O	Na <sub>2</sub> O	$\frac{SiO_2}{R_2O_3}$
Монтмориллонит	65,0	21,9	4,00	0,26	5,8	0,24	0,09	4,5
Каолинит	54,3	43,0	1,30	0,20	0,13	0,02	0,01	2,1
Галлуазит	50,8	45,0	1,82	0,20	0,13	0,01	0,03	1,3
Гидрослюдя	52,3	25,8	4,04	0,50	2,60	6,5	0,33	3,13
Биотит	38,6	14,2	13,5	—	18,3	9,3	0,75	2,88
Вермикулит	44,5	16,4	9,60	0,89	23,6	0	0	3,3
Гетит	0	0	89,9	—	—	—	—	—
Гибсит	0	65,4	—	—	—	—	—	—

зарядланган. Ўз хоссаларига кўра байделлит билан каолинит ўртасидаги ўринда туради. Минерал коллоидларга яна темир ва алюминий гидроксидлари группаси ҳамда гидрагеллит  $Al[OH]_3$  киради. Масалан, гетит  $FeO \cdot OH$  билан лимонит  $FeO \cdot OH + nH_2O$ . Гидрагеллитнинг сизиб тўпланган шаклари ни гибсит ва боксит деб аталади.

Турли хил гилларда минерал коллоидларнинг химиявий таркиби турлича бўлиб, SiO<sub>2</sub> буларнинг энг кўини ташкил этади (15- жадвал).

Органик коллоидларга асосан чиринди моддалар киради.

Органик — минерал коллоидлар эса буларнинг иккаласи чўкишидан ҳосил бўлган чўқиндилар ҳисобланади. Масалан, кремнезем аллюминий гидроксида ёки темир гидроксида билан органик коллоидлар ўзаро таъсирланиб органик — минерал моддалар ҳосил қиласади.


Шундай қилиб, гил ва гилли жинсларнинг асосий қисми коллоид зарралардан иборат бўлиб, уларнинг физик-механик ва химиявий хоссалари шу коллоидларга боғлиқdir.

Коллоид зарраларнинг ўзаро ва атрофдаги муҳит, яъни сув, сув буғи таъсири натижасида уларнинг коллоидли хоссалари намоён бўлади.

Гилли жинсларнинг иморат ва иншоот заминида ўзларини қандай тутишларини олдиндан билишда ва физик-механик хоссаларини яхшилашда уларнинг коллоидли хоссаларини ўрганиш мухим аҳамиятга эга. Шу сабабли қурилишда иморат ва иншоот заминининг чуқурлигини аниқлашда, айниқса ер ости шахта ишларида гилли жинсларнинг коллоидли хоссалари ба-тафсил ўрганилади.

## 2. Гилли жинсларда электрокинетика ҳодисаси

Коллоидли хоссаларининг ўзаришидан гилли жинсларда турли ҳодисалар вужудга келади. Ана шулардан бири электрокинетика ҳодисасидир.



30-расм. Электроосмос ва электрофорез ҳодисаларини тажрибада күзатиш схемаси:

1—сув ҳаракатининг йўналиши; 2—гил зарралари ҳаракатининг йўналиши.

Цилиндр ичига ювилган кварцнинг қумларидан солиб, унинг устига дистилланган сув қўйган. Цилиндр ичига электролитлар тушириб, ўзгармас ток юборганда, қўйидаги ҳодиса рўй беради. Плюс зарядли (анод) электролит туширилган трубкадаги сув пастдан юқорига лойқалана бошлайди. Унда гил зарралари қумларнинг орасидан ёриб чиқиб юқори томонга ҳаракатлана-ди. Цилиндрдаги сувнинг сатҳи пасая боради. Манфий зарядли (катод) трубкада эса сув тиниқ ҳолда бўлади, фақат унда сув сатҳи секин аста кўтарила бошлайди. Шундай қилиб, сув зарралари аноддан катодга қараб, гил зарралари эса катоддан анодга қараб ҳаракат қиласди.

Гил зарраларининг электр токи орқали бир жойдан иккинчи жойга силжишига **электрофорез**, сув зарраларининг аноддан катодга силжишини **электроосмос** дейилади.

Агар шиша трубасиз ва сувсиз электролитларнинг ўзини гилга тиқиб юқоридаги тажриба такрорланса, анод атрофида гилнинг намлиги камайиб, катод атрофида ортади, демак, аноддан сув катодга қараб ҳаракатланар экан.

Электроосмос принципига асосланиб электродренажлар (электрозовурлар) ёрдамида каръерлар, қурилиш котлованлари, шахта деворлари ва шунга ўхшаш иншоотлар атрофидан сувга тўйинган сувларнинг суви қочирилади. Бунинг учун ўша жойларга электролитлар қоқилиб, уларга доимий ток юборила-ди. Катод атрофида йиғилган сув бурғи қудуқларидан насос билан тортиб олинади.

### 3. Гилли жинсларда коагуляция ва пептизация ҳодисаси

Коллоид химиядан маълумки, ҳар бир коллоид зарра, шу жумладан, гил коллоидлари иккى ҳолда — золь ва гель ҳолида бўлиши мумкин. Золь ҳолдаги коллоид суюқ муҳитда бўлиб, тўхтовсиз ҳаракат қиласди. Гель ҳолдаги коллоид, аксинча бир неча зарралар йиғиндисидан иборат ёпишқоқ қўйقا ҳолида бўлиб, суюқ муҳитда осон чўкади, яъни маълум бир шароитда

Қаттиқ ва суюқ муҳит чегарасида потенциаллар фарқи туфайли ҳосил бўлган электр майдонда жуда майдар зарралар бир жойдан иккинчи жойга қўчиб юради. Буни электрокинетика ҳодисаси деб юритилади. Бу ҳодисани 1809 йилда Москва университетининг профессори Рейс аниқлаган. У қўйидаги тажриба ўтказган. Таркибида тез эрувчи тузлари бўлмаган нам пластик ҳолдаги бир бўлак гилнинг устига, 30-расмда кўрсатилгандек, иккита шиша цилиндр тиқиб, бу

коллоид зарралар бир-бирига бирикиб, ўзида йирик, мураккаб зарраларни ҳосил қиласи. Бу зарралар агрегат зарралар деб аталади. Коллоидларнинг, шу жумладан, зарраларнинг бундай усулда катталашишига коагуляция ҳодисаси дейилади. Натижада эритмада коллоидлар бирикиб чўкма ҳосил қиласи. Табиий факторлар таъсирида шароит ўзгариши туфайли агрегатлар бузилиб, коллоид зарраларга парчаланиб кетиши мумкин. Бу процессга, яъни коагуляциянинг тескарисига пептизация ҳодисаси дейилади.

Коагуляция ҳар хил табиий факторлар таъсирида ҳосил бўлади. Шунга кўра бу ҳодиса электролитли коагуляция, ўзаро таъсир коагуляцияси, музлаш коагуляцияси ва қуриш коагуляцияси каби турларга бўлинади.

Электролитли коагуляция амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Коллоидлар коагуляцияси, асосан, коллоидлар билан электролитлар таъсирида вужудга келади. Эритмада электролитлар концентрацияси ошиши туфайли электролитли коагуляция ҳосил бўлади. Электролит концентрациясининг ошиши натижасида эритмада дзета — потенциали жуда пасайиб кетади, натижада коагуляцияя яхши шароит туғилади.

Маълумли жинснинг суюқ фазасида туз, кислота ва ишқорлар бўлади. Булар ( $\text{CaCl}_2$ ,  $\text{NaOH}$  ва бошқалар) сувда эриган ҳолда диссоциация қонунига мувофиқ ҳар хил зарядли ионларга, яъни мусбат зарядли катионларга ( $\text{Ca}^{++}, \text{Na}^+$  ва бошқалар) ва манфий зарядли анионларга ( $\text{Cl}^-$ ,  $\text{OH}^-$  ва бошалар) парчаланади.

Бир хил зарядли коллоид ва ионлар бир-бирини итаради, ҳар хил зарядли коллоидлар ва ионлар эса бир-бирини тортади. Натижада мусбат ёки манфий зарядли ионлар билан тўқнашган қарама-қарши электр зарядли коллоид мицелла нейтралланади ва бошқа коллоид мицелла томонидан тортиб олинади. Бу ҳодиса кўпинча мусбат зарядли ионлар ( $\text{Ca}^{++}, \text{Mg}^{++}, \text{H}^+$  ва бошқалар) ҳисобига содир бўлади. Чунки гил коллоидларининг кўпчилиги манфий зарядли ацидоид мицеллалардан иборатdir. Демак, жинсдаги коагуляция процесси, асосан, катионларнинг таъсир этиши натижасида вужудга келади.

Коагуляция ва пептизация ҳодисасининг тезлиги ва характеристики бу процессда иштирок этаётган электролитларнинг валентлигига ва коллоиднинг турига ҳамда жинснинг гранулометрик таркибига боғлиқ. Бунда минерал коллоидлар органик коллоидларга нисбатан реакцияга тезроқ киришади, шунингдек, бирвалентли катионлар ( $\text{Na}^+, \text{K}^+, \text{H}^+$  га қараганда, икки ва кўп валентли катионлар ( $\text{Ca}^{++}, \text{Mg}^{++}, \text{Fe}^{+++}$ ) активроқ иштирок этади.

Коагуляция процессининг тезлиги эритма таркибida водород ( $\text{H}^+$ ) ва гидроксил ( $\text{OH}^-$ ) ионлари бўлишига ҳам боғлиқ. Агар эритмада озгина водород ( $\text{H}^+$ ) бўлса, коагуляция процесси кучаяди, аксинча ( $\text{OH}^-$ ) нинг бўлиши бу процессни сусайтиради.

Коллоидлар коагуляцияси қайтадиган бўлади, яъни бириккан коллоидлар табиат факторлари таъсирида ажралиб кетиши ва ажралмаслиги мумкин. Бу асосан таъсир этәётган катионларнинг валентлилигига боғлиқ. Бир валентли катионлар ( $\text{Na}^+$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{H}^+$ ) таъсирида вужудга келган агрегатлар осонлик билан ажралиб кетади. Буни қайтадиган коагуляция дейилади. Икки ва кўп валентли ( $\text{Ca}^{++}$ ,  $\text{Mg}^{++}$ ,  $\text{Fe}^{+++}$  ва бошқалар) катионлар таъсирида пайдо бўлган агрегатлар эса жуда қийин ажралади ёки мутлақо ажралмайди. Буни қайтмайдиган коагуляция дейилади.

Шундай қилиб, қарама-қарши зарядланган ионларгина коагуляцияловчи таъсирларини кўрсатади. Бундай ионларни коагулятор ҳосил қилувчи ионлар ёки коагуляторлар дейилади. Коагуляция ҳосил қилмовчи, яъни зарра билан бир хил зарядга эга бўлган ионларни стабилизатор ёки пептизатор ионлар деб аталади.

Табнатда электролитли коагуляция кенг тарқалган. Бунга дарё сувларидан оқиб келган коллоидларнинг денгиз ва океанлар тубига чўкиши мисол бўла олади.

Баҳор пайтида дарёлар эриган қор ва музлар ҳисобига тўлиб оқади, бунда электролитлар, яъни тузлар оз бўлади. Тошқин даврида сув дарё ўзанидаги ва қирғоидаги тоғ жинсларини ювади, натижада сув кучли лойқаланади. Лойқа дарё суви билан денгизга қуйилади. Денгиз суви шўр, унда электролит кўп, бунда зарралар (коллоидлар) бир-бири билан бирикиб катталашади ва денгиз тагига чўқади, сув тиниқлашади. Денгиз сувининг шўрлиги қанчалик юқори бўлса, коагуляция шунчалик тез бўлади. Бунинг натижасида дарёнинг денгизга қуйиладиган жойида каттагина қалинликда балчиқ қатлами ҳосил бўлади. Дарёнинг бу қисмини ҳозирги замон дельтаси деб аталади.

**Ўзаро коагуляция.** Тоғ жинсларининг нураши ва тупроқ ҳосил бўлиши процессида ҳар хил электр зарядга эга бўлган коллоид зарралар вужудга келади. Темир ва алюминий гидроксидлари одатда мусбат зарядланган бўлиб, иккиламчи минераллар манфий зарядланган бўлади. Қарама-қарши зарядланган зарраларнинг бир-бирига яқинлашиши натижасида коагуляция ҳодисаси рўй беради, натижада мураккаб таркибли агрегатлар ҳосил бўлади.

Ўзаро коагуляция ҳам табнатда жуда кенг тарқалган. Бунинг натижасида ернинг энг устки қисмида тупроқнинг иллювиал қатлами ҳосил бўлади.

**Тоғ жинсларининг музлаш пайтидаги коагуляция.** Коллоидли эритма ёки гил музлаётганда ҳам коллоид зарраларнинг бир-бири билан бирлашиши, яъни коагуляция ҳодисаси содир бўлади. Музлаш даврида эритманинг концентрацияси секин-аста оша боради, натижада коагуляция ҳодисаси вужудга келади. Эритмада муз кристаллари ҳосил бўлиши бу процесни тезлаштиради, коллоид зарраларни бир-бирига яқинлаштиради ва агрегатларни ҳосил қиласди.

Музлаш натижасида ҳосил бўлган коагуляция процессининг амалий аҳамияти жуда катта. Бу агрегатлар тупроқ намлигини узоқ сақлашга имкон туғдиради. Бунга сабаб шуки, тупроқнинг энг устки қисмида агрегатлар ҳосил бўлиб, улар тупроқ аэрациясини тезлаширади, яъни тупроқнинг устки қисмидаги сувлар тезда буғланиб, унинг устида қаттиқ пўстлоқ ҳосил бўлади. Бу пўстлоқ остида тупроқнинг намлиги анча вақтгача сақланиб туради.

**Тоғ жинсларининг қуриши пайтидаги коагуляция уларнинг иссиқлиқда қуришидан ҳам ҳосил бўлади.** Аммо бу коагуляция кам ўрганилган. Кўпчилик олимларнинг фикрича, коагуляциянинг бу тури ҳам жинснинг қуриши вақтида эритмада ионлар концентрациясининг ошиши туфайли ҳосил бўлади.

Бу коагуляциянинг бошқа турларидан фарқи шуки, у ўз ҳолига қайтмас процессdir, яъни қуриган жинснинг намлиги илгариги коллоид ҳолига қайтиб келмайди. Бундан шундай хулоса чиқадики, кўпчилик гиллар қуриганда уларнинг физик хоссалари бирмунча ўзгарамади.

**Пептизация ҳодисаси.** Юқоридан маълумки, пептизация — бу агрегатларни ажralиб, майдаланиб олдинги ўз ҳолига қайтиш ҳодисасидир.

Пептизация ҳодисаси коагуляция ҳодисасига қарама-қарши шароит ҳосил бўлгандагина содир бўлади.

Пептизация ҳодисасини сунъий йўл билан ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун эритмадаги электролит тузлар чиқариб олиниб, натрий ишқори ёки аммиак қўшилади.

Пептизация ҳодисасини сунъий равища ҳосил қилиш ва уни ўрганиш катта аҳамиятга эга.

**Тоғ жинсларининг ҳақиқий гранулометрик таркибини аниқлашда пептизация ҳодисасидан фойдаланилади.** Бунинг учун гранулометрик таркиби аниқлаш учун тайёрланган гилга аммиак қўшилади.

Пептизация ҳодисаси тоғ жинсларининг сув ўтказувчанилигини камайтиради. Шу сабабли бу ҳодисадан халқ хўжалигига кенг фойдаланилади. Масалан, соз тупроқдан ўтган каналларда сувнинг канал тагига ва ён томонига шимилиб кетишини камайтириш учун пептизация ҳодисасидан фойдаланилади, яъни хлорли натрийни сувга қўшиш билан канал остида ва ёнларида ўзидан сувни ёмон ўтказувчи қатламлар ҳосил қилиш мумкин (академик А. Н. Соколов усули).

#### **4. Гилли жинсларда ўзидан ўтаётган модда ва газларни сингдириш ҳодисаси**

Майдарали жинслар ўзидан ўтаётган эритма ва газлардаги моддаларнинг бир қисмини ўзида ушлаб қолади. Буни сингдириш (ютиш) ёки сорбция ҳодисаси дейилади, Бундай ҳодиса хилма-хил ва муракаб бўлиб, химиявий, физик-химиявий ва биологик процессларда юз беради. Академик К. К. Гедройц тупроқнинг сингдириш қобилиятини беш хилга: механик, физик,

физик-химиявий, химиявий ва биологик сингдиришларга бўлган. Булардан физик-химиявий сингдириш инженерлик-геологик ишларда муҳим аҳамиятга эга.

Гилли жинс қатламларининг ўзидан ўтаётган сувдаги майдар зарраларни ушлаб қолиш қобилиятига механик сингдириш деийлади. Бунда тоғ жинси фильтр хизматини қиласди.

Механик сингдириш жинснинг гранулометрик таркиби, структураси, зичлиги ва ғоваклигига боғлиқ. Гил ва чанг зарраларидан иборат жинслар қумли жинсларга нисбатан сувдаги қуйқундини ўзида кўпроқ ушлайди.

Тоғ жинси ғовакларида ушланиб қолган моддалар тоғ жинси билан мустаҳкам алоқада бўлади, улар зарраларни цементлайди.

Физик сингдиришда газ ва сувда эриган моддалар жинс зарралари устки тортишув энергияси таъсирида ушланиб қолади. Бунда сингаётган модда билан тоғ жинси зарралари орасида химиявий реакция содир бўлмайди, чунки физик сингдириш процессида коллоид зарра юзасига сингиган модда молекула ҳолида бўлади. Шунинг учун молекуляр сингдириш деб ҳам аталади.

Физик сингдиришнинг характеристи ва тезлиги жинснинг гранулометрик таркиби боғлиқ. Сингдириш коллоид зарралар кўп бўлган жинсларда яхшироқ бўлади. Жинсда эриган моддаларни коллоид зарралар молекула ҳолида ўнғайгина сингдириб олади.

Физик сингдириш кўпинча механик сингдириш билан бирга бўлади. Масалан, дарё ва канал ўзанлари остида ўзидан сувни секин ўтказувчи юпқа гил қатламлари ҳосил бўлади. Сув омборларига ёки канал сувларига гил ташлаб уларнинг тагида сунъий равиша унинг қатламчаларини ҳосил қилиб сувни шимилиб кетишини камайтириш мумкин.

Физик-химиявий сингдириш тоғ жинси зарраларига сув таъсир қилишидан содир бўлади. Бунда жинс эритмасидаги ҳар хил тузлар ва кислоталар сувли муҳитда диссоциация қонунига кўра катион ва анионларга парчаланади. Ажralган ионлар ҳар хил зарядли бўлади. Масалан,  $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{CaSO}_4$  ва  $\text{HCl}$  молекуласининг парчаланишидан  $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{Ca}^{++}$ ,  $\text{H}^+$  катионлари ва  $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{Cl}^-$  анионлари ажралади. Маълумки, коллоид зарраларининг деярли ҳаммаси манфий зарядланган бўлади. Ажралган ионлар билан коллоидлар орасидаги ўзаро таъсирдан катионлар зарраларга сингади. Эритмадаги ионларнинг баъзилари сингиш натижасида йўқолади ва булар ўрнига эквивалент миқдорда тенг бўлган бошқа ионлар ҳосил бўлади. Бундай процессга физик-химиявий сингдириш дейилади.

Физик-химиявий сингдириш туфайли катионлар коллоидлар юзасида маҳкам ушланиб турса ҳам, улар ажралиб чиқиб, жинс эритмасидаги моддалар билан реакцияга киришади. Шунинг учун физик-химиявий сингдириш ионли ўрин алмашиш адсорбцияси деб аталади.

Сингдириш ҳодисаси катионларга нисбатан яхши, анионларга нисбатан эса жуда кам ўрганилган.

Тупроқда ионларнинг алмашиниш реакциясини биринчи бўлиб, академик К. К. Гедройц ўрганиб, бу ҳодисанинг ўзига хос қонуниятларини аниқлади. У бу процесснинг асосий сабаби зарра юзасидаги электрик зарядлар деб ҳисоблайди. Зарраларнинг катталиги 0,005 мм дан кичик бўлган жинсларда бу ҳодиса кучли бўлар экан, чунки бундай жинсларда юза энергияси катта бўлади. Шу сабабли жинс таркибидаги 0,005 мм дан кичик бўлган зарралар **сингдирувчи комплекс** деб аталади (К. К. Гедройц).

Тоғ жинси таркибидаги алмашинишга лаёқатли ионлар йиғиндисига сингиш сифими ёки алмашиниш сифими дейилади. Сингиш сифими 100 г абсолют қуруқ ҳолда олинган тоғ жинси учун миллиграмм — эквивалент ҳисобида ифодаланади. Сингиш сифими кўпчилик жинсларда 60 мг. экв. атрофида бўлиб, баъзи жинсларда 100 мг. экв гача боради. (Е. Г. Чаповский, 1975). Жуда майда зарралардан ташкил топган бетонит гили юқори сингдириш хусусиятига эга.

Алмашиниш процессида ҳамма катионлар бир хил тезлиқда ҳаракат қўлмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, баъзи катионлар бошқа ионларни тез, баъзилари эса секин сиқиб чиқарди. Бунда уч валентли катионлар жуда актив, бир валентлилар жуда пассив бўлади. Бундан водород мустаснодир, унинг активлиги икки валентли катионларнига нисбатан ҳам анча юқоридир.

Энергияни сингдириш бўйича энг кўп тарқалган катионларнинг жойланиш қатори қўйидагича бўлади:



Бу қатордаги ҳар бир актив катионлар эритмадан активлиги паст бўлган катионни сиқиб чиқариши мумкин. Энергияни чиқариш бўйича катионларнинг жойланиши юқоридагига тескари ҳолда бўлади:



Табиатда гилли жинслар  $\text{H}^+$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{Na}^+$ ,  $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$  катионларидан бирига тўйинган бўлади. Шунга кўра уларнинг номлари олдига шу катионнинг номи қўйиб ёзилади. Масалаң, натрийли гил (бетонит), кальцийли гил ва ҳоказо.

Табиатдаги кўпчилик тупроқ ва унинг остидаги гил қатламида кальций ионлари кўпинча сингдирилган ҳолда учрайди. Бу эса сувда кальций тузининг кўплигидан далолат беради. Бир валентли катионлар ичida натрий кўпинча сингдирилган ҳолда, асосан денгизда ҳосил бўлган чўкинди жинсларнинг сувли эритмасида учрайди. Водород иони эса континентал шароитда доимий оқар сувлар таъсирида ҳосил бўлган кам тузли чўкинди жинсларда учрайди.

Гилли жинсларда алмашиниш тезлиги уларнинг минералотик ва гранулометрик таркиби боғлиқ. Зарралари кичиклашган сайин уларнинг сингдириш сифими ортиб боради.

Бирламчи минералларнинг коллоид зарраларида иккиламчи минералларнига нисбатан алмашиниш процесси секин боради.

Сингиш миқдорига реакция муҳити ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, водород ионлари эритмалардан катионларнинг сингдирилишига тўсқинлик қиласди. Агар эритмада pH юқори бўлса, тўсқинлик камаяди ва аксинча, оз бўлса, тўсқинлик кўпаяди. Бунга сабаб эритмада pH нинг озайиши натижасида бошқа катионларга нисбатан водород ионининг тоф жинсидағи алмашиниш қобилияти камаяди ва pH нинг ошиши туфайли кўпаяди.

Алмашиниш қобилияти ва интенсивлиги тоф жинсининг ҳароратига ҳам боғлиқ. Тоф жинсини 40°C дан юқори температурада қиздирилса, катионларнинг алмашиниш процесси сусайди. Тоф жинсига таъсир этувчи эритма концентрациясининг ошиши ҳам ионларнинг алмашинишини тезлаштиради.

Алмашиниш қобилияти тоф жинси структурасига ҳам боғлиқ. Структураси бузилмаган жинсларда алмашиниш процесси бузилганига нисбатан секин боради.

Тупроқнинг унумдорлигини аниқлашда, нефть маҳсулотларини тозалашда, сувларни тузсизлантиришда, тоф жинсларининг нурашини ва физик-механик хоссаларини аниқлашда, айниқса қурилиш ва бошқа мақсадлар учун грунтнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда физик-химиявий алмашиниш ҳодисаси батафсил ўрганилади.

Алмашинаётган катионларнинг таркиби гилли жинсларнинг физик ҳолати (пишиқлигига) ва инженерлик-геологик хоссаларига кучли таъсир кўрсатади. Масалан, алмашиниш процесси каолинил гилларга нисбатан монтмориллонитли гилларнинг инженерлик-геологик хоссаларига кучли таъсир этади. Гилли жинсларнинг инженерлик-геологик хоссаларига алмашиниш сифимидан ташқари алмашинаётган катионларнинг таркиби ҳам кучли таъсир этади. Масалан, тоф жинси таркибига сингаётган натрий ва кальций ионлари унга ҳар хил таъсир кўрсатади: натрий иони сингиган тоф жинсининг сув ўтказувчалиги, ташқи кучга қаршилиги ва чидамлилиги кам, кўпчиши, пластиклиги ва эриши кўп, агар жинс кальций ионига тўйинса, бунинг тескариси бўлади.

## 5. Гилли жинсларда тиксотроп ҳодисаси

Агар коллоид зарралардан ташкил топган, намлиги анча юқори бўлган жинсларга механик куч (силкитиш, аралаштириш) таъсир қиласа, у бирдан пластик ҳолдан суюқ ҳолга ўтади. Бунга тиксотроп ҳодисаси дейилади. Бу ҳодиса электр токи, тебранма куч, ультра товуш тўлқинлари таъсирида ҳам сунъий равища ҳосил бўлиши мумкин. Суюқ ҳолга келган масса маъ-

лум вақт ўтгандан сўнг олдинги қуюқ пластиклигига қайтади. Қайтиш вақти бир неча секунддан бир неча суткагача давом этади. Тоғ жинсининг ўз ҳолига қайтиши учун кетган вақт қанча оз бўлса, у тиксотроп процессига шунчалик тез учрайдиган бўлади.

Тиксотроп ҳодисаси таркибида гил зарралари кўпроқ бўлган майдонони донали денгиз ва дарё қумларида кўп учрайди. Юқори намлика эга бўлган бундай қум қатлами устида одам юриб, бир оз тебранса ёки сакраса, оёқ остидаги қум суюлиб оёқ қумга ботиб кетади ва бир оз вақт ўтгандан сўнг яна ўз ҳолига қайтади. Бу ҳодиса тоғ жинсининг гранулометрик таркибига, зарралар формасига, эритманинг таркибига, электролит ҳосил қи́лувчи тузлар концентрациясига ҳамда зарра атрофидаги гидрат қобиғининг қалинлигига ва сувнинг температурасига боғлиқдир.

Гидрофилли гилли минераллардан ташкил топган монтмориллонит групласига киравчи гилларда тиксотроп ҳодисаси кучли каолинит групласига киравчи гилларда эса кучсиз бўлади. Бу ҳодиса ҳали яхши ўрганилмаган. Олимлардан П. А. Ребиндер, Б. В. Дерягин (1946) ва бошқалар бу ҳодиса ҳақида бир қанча фикрларни айтдилар. Е. М. Сергеевнинг (1968) фикрича, бу ҳодиса зарра атрофидаги бўш боғланган сувларнинг эркин сувга айланиши натижасида содир бўлади. Бунда зарраларнинг ўзаро боғланниши бузилади ва жинс суюқ ҳолга айланади. Ташки куч таъсири йўқолгандан сўнг сув яна зарралар билан ўзаро боғланиб, тоғ жинсини мустаҳкамлайди.

Тиксотропик ҳодисани ўрганиш грунтшунослик фанининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади, чунки бу ҳодисани ўрганиш инженерлик-геологик нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга. Свайли фундаментларни қуришда, бурғу қудуқлари қазишида, шахта ишларида тиксотроп ҳодисаси катта тўсқинлик кўрсатади. Темир йўл замини поезд юрганда ўпирилиб кетади, тоғ ёнбағирларида сурилишлар содир бўлади. Бу ҳодисанинг турлари ва уларга қарши тадбирлар ҳақида ушбу қўлланманинг II қисмида батафсил тўхталиб ўтамиз.

## Х БОБ. ТОШҚОТГАН ВА ЯРИМ ТОШҚОТГАН ЖИНСЛАРНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИ

Тошқотган жинсларга кам нураган магматик ва метаморфик жинслар, ярим тошқотган жинсларга эса зичланган ва кристалланган чўкинди жинслар (шағалтош, қумтош, оҳактош ва бошқалар) киради.

Тоғ жинсининг ташқаридан таъсири этувчи механик кучга қаршилик кўрсатиш қобилияти физик-механик хоссалари деб аталади.

Тоғ жинслари физик-механик хоссаларига уларнинг деформацияланиши (сиқилиши), пишиқлиги ва реологикилиги киради.

Тоғ жинсининг физик-механик хоссалари унинг ҳосил бўлиши, минералогик таркиби ва дарзилилк даражасига, тошқотган жинсларнинг физик-механик хоссалари эса уларнинг нураганлик даражасига боғлиқdir.

## 1. Тошқотган ва ярим тошқотган жинсларнинг деформацияланиши

Тоғ жинсининг ташқи куч таъсирида ўз шаклини ўзгартиришига деформацияланиш дейилади. Деформацияланиш уч турга: I — эластик; II — пластик; III — бузилиш деформациясига бўлинади.

Тоғ жинсининг ташқи куч таъсирида ўз шаклини ўзгартириб куч таъсири йўқолиши билан дастлабки ҳолатига қайтиш хусусияти унинг эластиклиги дейилади. Бундай деформацияни эластик деформация деб аталади.

Ташқи куч таъсирида ўз шаклини ўзгартириб, куч таъсири йўқолганда бу шаклни сақлаб қолиши тоғ жинсининг пластиклиги, деформацияни эса пластик деформация деб аталади.

Эластик деформация тошқотган ва ярим тошқотган жинслар учун, пластик деформация эса чўкинди жинслар учун характеридир. Кучли нураган мўрт тошқотган ва ярим тошқотган жинсларда ҳам пластик деформация содир бўлади.

Тоғ жинсини деформациялантирувчи босим ҳар бир сантиметр квадрат юзага тушаётган куч интенсивлиги ( $p$ ) қўйидаги формула орқали аниқланади:  $P = \frac{Q}{F}$  кгк/см<sup>2</sup>, бунда:  $Q$  — тоғ жинсига таъсир эттаётган куч, кг ҳисобида;  $F$  — куч таъсир эттаётган юза, см<sup>2</sup>.

Тоғ жинси эластик ва пластик деформацияланишининг чегараси бўлади. Бу чегара унга таъсир эттаётган ташқи куч миқдори билан ифодаланади ва у куч критик босим деб аталади ( $p_c$ ).

Тоғ жинсига таъсир эттаётган ташқи куч миқдори критик босимдан ошибб кетса, бузилиш деформацияси намоён бўлади, тоғ жинси яхлитлиги бузилиб майдаланади ва эзилади.

Ташқи куч таъсиридан тоғ жинсида содир бўладиган деформация турларини билиш, бир хил деформациядан иккинчи хил деформацияга ўтиш босқичларини ўрганиш критик босимни аниқлашда катта роль ўйнайди. Критик босимни аниқлаш эса қурилиш ишларида муҳим аҳамиятга эга. Агар иморат ёки иншоот оғирлиги таъсирида заминда ҳосил бўлган босимнинг миқдори критик босимдан ошибб кетса, замин остидаги жинс қаттиқ сиқилади, унинг бир бутунлиги бузилиб, иморат бирдан чўкади, яъни деформацияланади.

Тоғ жинсининг деформацияланиш тезлиги унинг генетик хилига, таъсир эттаётган кучнинг миқдори ва характеристига боғлиқdir.

Таъсир этувчи ташқи кучлар характеристига кўра икки турга — статик ва динамик кучларга бўлинади.

Тинч ва осойишта таъсир этадиган куч — статик куч, тебра-тиб, силкитиб таъсир қиласидиган куч эса динамик куч деб аталади.

Тошқотган ва ярим тошқотган жинслар асосан статик куч таъсирида деформацияланади, динамик куч таъсиридан эса жуда оз деформацияланади. Тоғ жинсига таъсир этатгандан ташқи кучга унинг ичидаги шу кучга қарама-қарши йўналган ва унга тенг, баъзан ундан кичик қаршилик кучи — кучланиш ҳосил бўлади. Уни  $\sigma$  билан белгилаб,  $\text{кг}/\text{см}^2$  да ифодаланади.

Кучланиш иморат ёки иншоот оғирлиги таъсирида вужудга келади. Иншоот фундаменти ерга тегиб турган жойда кучланиш максимал қийматга эга бўлиб, пастга томон камайиб боради.


Жинснинг деформацияланниш хосаси қўйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади: деформация модули  $E_1$ , Пуассон коэффициенти  $\mu$ , силжиш модули  $G$  ва ҳажм сиқилиш модули. Буларнинг асосийлари ҳақида батафсил тўхтаб ўтамиш.

Босим остида грунтнинг деформацияланниши ҳар хил шароитда: ён томонлари очиқ, энiga кенгайиши мумкин бўлган ҳолда (31-расм, А), икки (31-расм, Б) ва уч томонига (31-расм, В) босим таъсир қиласидан ҳолда аниқланади. Биринчи хилдаги аниқлашни бир ўқ бўйлаб иккинчисини икки ўқ бўйлаб, учинчисини уч ўқ бўйлаб сиқиш дейилади. Иморат ва иншоот заминидаги тоғ жинсларининг деформацияланнишини моделлаш усули билан маҳсус компресслаш асбобларида статик ёки динамик кучлар таъсирида аниқланади.

Тоғ жинси бир ўқ бўйлаб сиқилганда (31-расм, А) деформацияланниш ҳисобига унинг баландлиги кичиклашади (32-расм), буни ( $\Delta l$ ) жинснинг бўйига томон абсолют деформацияланниши дейилади ва қўйидагича аниқланади:


$$\Delta l = l_1 - l_2,$$

бунда:  $\Delta l$  — жинснинг бўйига томон абсолют деформацияланниши, мм;  $l_1$  — жинснинг ташқи куч таъсир этмасдан олдинги бошланғич баландлиги, мм;  $l_2$  — жинснинг деформациялангандин кейинги баландлиги, мм.



31-расм. Жинсларнинг ташқи куч таъсирида сиқилиши схемаси:

А—бир ўқ бўйлаб; Б—икки ўқ бўйлаб; В—уч ўқ бўйлаб.



32-расм. Жинсларнинг бир ўқ бўйлаб сиқилгандаги деформацияланши схемаси.

бунда:  $l$  — жинснинг бўйига томон нисбий деформацияси. Бир ўқ бўйлаб деформацияланётган жинснинг бўйи қисқариши билан баъзан унинг эни кенгаяди: кенгайиш миқдори  $\Delta d$  жинснинг энига кўра абсолют деформацияси дейилади:

$$\Delta d = d_1 - d_2,$$

бунда:  $\Delta d$  — жинснинг энига томон абсолют деформацияси, мм;  $d_1$  — жинснинг ташқи куч таъсир қилмасдан олдинги бошланғич эни, мм;  $d_2$  — жинснинг деформациялангандан кейинги эни, мм.

Энига томон абсолют деформация  $\Delta d$  нинг бошланғич энига нисбати тоғ жинсининг энига томон нисбий деформацияси дейилади ва у қўйидагича ифодаланади:

$$l' = \frac{\Delta d}{d_1},$$

бунда:  $l'$  — жинснинг энига томон нисбий деформацияси.

Тоғ жинсининг энига томон нисбий деформацияси  $e^1$  нинг бўйига томон нисбий деформацияси  $e$  га нисбати Пуассон коэффициенти  $\mu$  дейилади:

$$\mu = \frac{l'}{l}.$$

Пуассон коэффициенти тоғ жинсларининг ташқи куч таъсирида сиқилиши ва кенгайишини кўрсатувчи асосий деформацияланниш кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва унинг қиймати 0,1 дан 0,4 гача бўлади. Бу коэффициентнинг миқдори қанча катта бўлса, жинс кучли деформацияланувчи бўлади (16-жадвал).

Жадвалдан маълумки, тоғ жинсларининг ташқи куч таъсиридан деформацияланниши ҳар хил бўлиб, жинснинг хилига, минералогик таркибига, зичланганлик даражасига ва дарзлилигига боғлиқ.

Шуни айтиш керакки, ҳар қандай тоғ жинси (магматик, метаморфик) идеал эластиклик хусусиятига эга эмас. Бунга сабаб, тоғ жинси орасида микродарзлар ва микрофовакликлар бўлишидир. Шу сабабли кўпчилик магматик ва метаморфик жинсларда икки хил эластик ва ноэластик деформациялар намоён бўлади. Бу икки хил деформация йигиндиси — умумий деформация деб аталиб қўйидагича ифодаланади:

$l_{\text{общ}} = l_{\text{обр}} + l_{\text{ост}}$ , бунда:  $l_{\text{общ}}$  — умумий деформация;  $l_{\text{ост}}$  — ноэластик деформация;  $l_{\text{обр}}$  — эластик деформация.

**Тошқотган ва ярим тошқотган жинсларининг эластиклик ҳусусиятлари  
характеристикаси (В. Д. Ломтадзе, 1970)**

Тоғ жинслари	Эластиклик модули, $10^4 \text{ кгк}/\text{см}^2$	Пуассон коэффициенти
Гранит	30—68	0,15—0,30
Сиенит	50—88	0,14—0,26
Габбро	60—125	0,11—0,38
Диабаз	80—110	0,26—0,38
Базальт	20—100	0,20—0,23
Мармур	35—97	0,15—0,27
Кварцит	50—85	0,13—0,26
Гранитли гнейс	17—50	0,20—0,32
Доломит	30—80	0,25—0,27
Зичланган оҳактош	25—75	0,25—0,33
Зичланмаган оҳактош	7—15	0,30—0,36
Мергель	15—46	0,30—0,40
Зичланмаган қумтош	30—72	0,15—0,25
Зичланмаган қумтош	6—20	0,22—0,30

Эластик деформация ўз навбатида икки хилга: шартли бирдан ҳосил бўлиб йўқолувчи ва узоқ давом этувчи эластик деформацияларга бўлинади:  $l_{\text{общ}} = l_{\text{мгн}} + l_{\text{уп}}$  бунда:  $l_{\text{мгн}}$  — шартли бирдан ҳосил бўлувчи эластик нисбий деформация;  $l_{\text{уп}}$  — узоқ давом этувчи эластик деформация. Демак, умумий деформация қўйидагича ифодаланади:

$$l_{\text{общ}} = l_{\text{мгн}} + l_{\text{уп}} + l_{\text{ост.}}$$

Ташқи босим таъсирида ҳосил бўлган кучланишнинг деформацияга нисбати шу жинснинг деформация модули дейилади ва у Гук қонунига кўра қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\sigma = E \cdot l \frac{\text{кгк}}{\text{см}^2}; \quad E = \frac{\sigma}{l} \frac{\text{кгк}}{\text{см}^2},$$

бунга:  $E$  — деформация модули;  $\sigma$  — кучланиш;  $l$  — нисбий деформация.

Деформация модули ўз навбатида эластик деформация модули  $E_y$  ва умумий деформация модули  $E_{\text{общ}}$  га бўлинади.

Босим таъсирида ҳосил бўлган кучланишнинг эластик деформацияга нисбати эластик деформация модули дейилади ва қўйидагича ифодаланади:

$$E_y = \frac{\sigma}{l_{\text{общ}}} \frac{\text{кгк}}{\text{см}^2}.$$

Босим таъсирида ҳосил бўлган кучланишнинг умумий деформацияга нисбати умумий деформация модули дейилади ва қўйидагича аниқланади:

$$E_{\text{общ}} = \frac{\sigma}{l_{\text{общ}}} \frac{\text{кгк}}{\text{см}^2}.$$

Тенгламалардан маълумки, умумий деформация эластик деформациядан катта, яъни  $E_d > E_y > E_{общ}$ , шунга кўра  $E_y > E_{общ}$  бўлади. Тўғри чизиқли деформацияланувчи материалларда (темир ва бошқалар) эластиклик деформация модули доимо умумий деформация модулига тенг бўлади.

Текширишлар (Беликов, Никитин, 1962 ва бошқалар) натижасида динамик куч таъсирида ҳосил бўлган деформация модули эластик деформация модулидан катта эканлиги аниқланди:

$$E_d > E_y,$$

бунда:  $E_d$  — динамиқ эластиклик модули. Демак, магматик ва метаморфик тоғ жинслари статик кучга қараганда динамик куч таъсирида кўпроқ деформацияланар экан.

Шундай қилиб, ташки кучнинг узоқ таъсир этиши туфайли тош қотган ва ярим тош қотган жинсларда деформация модули уч хилга бўлинади, яъни динамик эластиклик модули; статик эластиклик модули; умумий деформация модули. Булар орасидаги боғланиш қўйидагича бўлади:

$$E_d > E_y > E_{общ}$$

Иморат ва иншоотларнинг статик куч таъсирида чўкишини аниқлашда статик эластиклик модулидан, бирдан динамик куч таъсир қиласидиган иншоотларнинг чўкишини аниқлашда динамик эластиклик модулидан фойдаланилади. Умумий деформация модулидан эса деформация модуллари орасидаги бир-бира боғлиқликни ифодалашда фойдаланилади.


Деформациянинг бошқа хиллари қўйидаги формуласалар орқали топилади:

$$\begin{aligned} K &= \frac{E}{3(1-2\mu)} = \frac{EG}{3(3G-E)}; & K &= \frac{P_o}{\theta}; \\ G &= \frac{E}{2(1+\mu)} = \frac{9 \cdot K - E}{3 \cdot K \cdot E} & G &= \frac{\tau}{\gamma}; \\ E &= \frac{9 \cdot K \cdot G}{3 \cdot K + G} = 3K(1-2\mu); & E &= \frac{\sigma}{l}; \\ \mu &= \frac{E}{2G} - 1 = \frac{3 \cdot K - E}{6 \cdot K}; & \mu &= \frac{l^2}{l} \end{aligned}$$

бунда:  $E$  — деформация модули;  $\theta$  — ҳажм нисбий деформацияси;  $K$  — ҳажм сиқилиш модули;  $P_o$  — гидростатик босим;  $G$  — силжиш модули;  $\mu$  — Пуассон коэффициенти;  $\tau$  — уринма кучланиш;  $\gamma$  — силжиш деформацияси.

## 2. Тоғ жинсининг деформацияланишига таъсир этувчи факторлар

Тошқотган ва ярим тошқотган жинсларнинг минералогик таркиби, ғоваклилиги, дарзлилиги, ётиш ҳолати ва температурраси уларнинг деформацияланишига катта таъсир кўрсатади.



33-расм. Қаттиқ жисмларда таркиб ва ғовакликининг эластикликка таъсирини ифодаловчи график:

1—мигматит ва гранитоидлар; 2—битта—яримта учрайдиган гранитлар; 3—габро ва диабазлар; 4—лабродоритлар; 5—темирли кварцитлар; 6—құмтошлар ва кварцитлар; 7—карбочитли жинслар; 8—асосий әффузивлар; 9—үрта әффузивлар; 10—кордон әффузивлар; 11—түфлар ва туфобрекчилар

Тоғ жинсларининг эластиклик хусусиятлари жинс ҳосил қилювчи минералларнинг эластиклик константалариға боялиқ. Коунд, пирит, гранат, магнетит, гематит, жадеит, оливин, циркон каби минералларнинг эластиклик модули баъзан пўлатникидан ҳам юқори ( $2 \cdot 10^6$  кгк/см<sup>2</sup>). Бундан кейинги ўринда диопсид, эпидот, авгит, шох алдамчиси, флюорит ва апатит каби минераллар туради. Җўкинді жинсларда кўп тарқалган кварц, дала шпати, слюда, кальцитлар ўртacha эластикликка эга.

Минералогик таркибининг эластиклика таъсирини ғоваклиги  $n < 1\%$  бўлган жинсларда яққол кўриш мумкин (33-расм). Графикдан маълум бўлишича, эластиклик константи юқори бўлган минераллардан ташкил топган жинсларнинг эластиклик модули ҳам юқори бўлади. Масалан, мигматит, гранит, габро, диабаз, лабродорит, темирли кварцит ва бошқалар. Графикдан яна шу нарса маълумки, жинснинг ғоваклилиги ортиши билан унинг эластиклик хусусияти камаяди. Ғоваклилик 5% ортгандагина у жинсларнинг эластиклигига таъсир кўрсатади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ғоваклилиги жуда оз баъзи метаморфик жинсларнинг эластиклик модули шу жинсни ташкил этувчи минералларнинг эластиклик модулидан юқори бўлади. Масалан, кристалланган мармарнинг эластиклик модули ( $10,57 \cdot 10^5$  кгк/см<sup>2</sup>) шу жинсни ташкил этувчи кальцитницидан ( $8,45 \cdot 10^5$  кгк/см<sup>2</sup>) ортиқ. Бунинг сабаби мармарнинг зичлиги ( $2,85$  г/см<sup>3</sup>) кварцитницидан ( $2,71$ ) ортиқлиги. Бундан ташқари мармар таркибида темирли аралашмалар мавжудлигидир.

Тоғ жинсларининг эластик хоссасига уларнинг дарзлилиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Дарзлилик коэффициенти ортиши билан эластиклик деформация модули ( $E_y$ ) камайиб, умумий деформация ( $l_{общ}$ ) ортиб боради.

Дарзли жинсларнинг умумий деформация модули И. В. Тарасова томонидан тавсия этилган қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$E_{\text{общ}} = \frac{E_m}{1+y}$$

бунда:  $E_{\text{общ}}$  — дарзли жинснинг умумий деформация модули;  $E_m$  — жинс таркибидағи асосий минералнинг деформация модули.

$$Y = \frac{\epsilon_e \Pi}{\alpha \cdot h};$$

$\epsilon$  — текшириш учун олинган намуна блоклари орасидаги ёрикнинг кенглиги,  $h$  — блоклар йигиндинсизнинг умумий баландлиги,  $\alpha$  — блоклар орасидаги бир-бираға тегиб турған жойнинг нисбий юзаси.

Тұхтагул гидроузелидаги оқактошдаги нисбий юза  $\alpha=3 \cdot 10^{-4} \dots 6 \cdot 10^{-4}$  ёки  $0,03 \dots 0,06\%$  ни ташкил этади. И. В. Тарасованинг аниқлашига күра  $\alpha > 2\%$  бўлганда, жинсдаги ёриқлар унинг деформация модули камайишига таъсир кўрсатмайди. Бундай дарзликка эга бўлган оқактош магматик жинслар каби эластик деформацияга эга бўлади.

Нураш процесси натижасида тоғ жинсларида нураш ёриқлари ҳосил бўлиб, жинснинг деформацияланиш хоссалари ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли магматик жинсларнинг деформацияланиш ва пишиқлик хоссалари уларнинг нураганлик даражасига боғлиқ (17- жадвал).

#### 17- жадвал

Йирик донадор гранитларнинг физик-механик хоссаларига нураш процессининг таъсири (Б. П. Беликов, 1961)

Жинслар	Чукурлигі, м	$\Delta$ г/см <sup>2</sup>	$n$ , %	$\sigma_{\text{сж}}$ кгк/см <sup>2</sup>	Модуль 10—5 кгк/см <sup>2</sup>	
					умумий деформация, $E_{\text{общ}}$	эластик деформация, $E_y$
Нураган гранит	0	2,54	3,07	1130	0,90	1,61
Нураш таъсир қилган гранит	15	2,61	1,33	145,0	2,34	2,94
Дарзли гранит	3,0	2,69	1,07	1800	4,39	4,70
Монолит холдаги гранит	17,0	2,67	0,98	2390	4,92	5,14
Монолит холдаги гранит	49,0	2,61	0,63	2400	5,97	5,97

**Тошқотган чўкинди жинсларнинг деформация модулига босим йўналишининг таъсири (Руппенейт, 1956)**

Тоғ жинслари	Деформация модули, кгк см <sup>-2</sup>		Ўзгариш коэффициенти	$E \parallel E_1$ (ўрт ача/)
	ётиш чизигига параллел $E \parallel$	ётиш чизигига перпендикуляр $E \perp$		
Йирик дона-дор кум-тош	160000—400000	145000—435000	4—20	1,0
Ўргача дона-ли кумтош	250000—330000	240000—310000	2—5	1,2
Майдо дона-дор кум-тош	270000—460000	250000—430000	1—18	1,2
Алевролит	80000—280000	60000—270000	6—48	1,5

17- жадвалдан маълумки, чуқурлик ортган сайин жинснинг дарзилиги камаяди ва 49 метрга борганда деформация модули эластиклик модулига тенг бўлади.

Тошқотган чўкинди жинсларнинг табақаланганлиги ҳам уларнинг деформацияланиш хоссаларига таъсир кўрсатади.

Тошқотган чўкинди жинсларда деформация модули уларнинг табақаланишига ёки ётиш чизигига параллел йўналиш бўйича юқори ва унга перпендикуляр йўналишда паст бўлади (18- жадвал). Чунки тоғ жинсларининг пишиқлиги ётиш чизиклари бўйлаб катта бўлади, физик-механик ва бошқа хоссалари эса перпендикуляр йўналишда ўзгарувчан бўлади.

### **Тошқотган ва ярим тошқотган жинсларнинг механик пишиқлиги**

Тоғ жинсларининг ташқи куч таъсирида ҳосил бўлган ички кучланишга қаршилик кўрсата олиш хусусияти уларнинг механик пишиқлиги ёки мустаҳкамлиги дейилади.

Тоғ жинсларининг механик пишиқлиги сиқилиш ( $R_{сж}$ ), чўзилиш ( $R_p$ ), силжиш ( $R_{сж}$ ) ва эгилиш ( $R_{изг}$ ) механик пишиқликларга бўлинади.

Инженерлик-геологик ишларда жинсларнинг сиқилишига механик пишиқлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки иморат ва иншоот заминидаги тоғ жинслари босим таъсирида сиқилади.

Тоғ жинснинг сиқилишига нисбатан пишиқлиги сиқилиш қаршилиги ёки мустаҳкамлик чегараси дейилади ва кгк/см<sup>2</sup> билан ифодаланади. Бу мустаҳкамлик чегараси жинс кўндаланг кесимининг бирлик юзасига тўғри келувчи унинг бир бутунлигини бузувчи максимал босим миқдорини билдиради, яъни:

$$R_{сж} = \frac{P_{разр}}{F} = \frac{\text{кгк}}{\text{см}^2},$$

бунда;  $R_{сж}$  — сиқилиш қаршилиги ёки мустаҳкамлик чегараси;  $P_{разр}$  — жинс яхлитлигини бузувчи босим кг ёки тонна;  $F$  — босим таъсир этаётган жинс юзаси.

Шундай қилиб, төг жинсларининг мустаҳкамлик чегараси уларни максимал сиқиш учун сарф бўлган кучнинг қийматини ифодалайди. Масалан, төг жинсини максимал сиқиш учун 50 кгк/см<sup>2</sup> куч сарф этилса, бу куч мустаҳкамлик чегараси бўлади, чунки бундан ортиқ кучда у бузилиб, яхлитлигини йўқотади.

Төг жинсининг юқори ва пастки мустаҳкамлик чегараси бўлиб (19- жадвал) у төг жинсларининг генетик турига, минералогик таркибига, дарзлилигига, текстураси ва структурасига, фоваклилигига, нураганлик даражасига боғлиқдир. Кучли нураган магматик төг жинсларининг мустаҳкамлик чегараси нураганмаганидан кичик бўлади. Масалан, нурамаган гранитнинг мустаҳкамлик чегараси 2000 кгк/см<sup>2</sup> бўлса, нураган гранитники 40 кгк/см<sup>2</sup> ва ундан ҳам кичик бўлади.

Төг жинсларининг пишиқлиги биринчи навбатда уларнинг минералогик таркибига боғлиқ. Жуда майда кристалланган ва бир текис донадор структурали базальт, диабаз, кварцит каби жинсларининг сиқилишга нисбатан мустаҳкамлик чегараси жуда юқори бўлиб, 4500—5000 кгк/см<sup>2</sup> гача боради.

Төг жинсининг пишиқлиги шу билан бир қаторда минералогик таркибнинг бир хиллигига ҳам боғлиқ. Ҳар хил минераллардан ташкил топган жинсга нисбатан бир хил минераллардан ташкил топган жинсларининг пишиқлиги юқори бўлади.

Одатда катта иншоотларнинг заминидаги босим интенсивлиги 15—20 кгк/см<sup>2</sup> дан ошмайди, шу сабабли магматик ва метаморфик жинслар мустаҳкам заминн бўла олади. Аммо, улар кучли нураган ёки дарзлилиги ва фоваклилиги юқори бўлса, гигант иншоотлар заминига яроқсиз бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, нураган магматик ва тошқотган чўкинди жинсларга сув таъсир қилганда уларнинг пишиқлигига бироз путур етади (мергель, аргиллит, қумтош, шағалтош ва бошқалар), яъни улар сув таъсиридан намланиб юмшоқланади.

#### 19 - жадвал

##### Баъзи магматик ва зичлашган жинсларининг мустаҳкамлик чегараси

Төг жинслари	Мустаҳкамлик чегараси, кгк/см <sup>2</sup>		
	юқори чегара	пастки чегара	ўртачаси
Гранит	2401	1232	1581
Порфирит	2326	1344	1835
Базальт ва диабаз	4570	920	2600
Трахит	2600	560	1700
Кристалланган оҳактош	1161	795	949
Зичлашган оҳактош	1915	330	1003
Кумтош	1800	90	—
Чиганоқ оҳактош	20	4	—

Шу сабабли бундай жинсларнинг мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш билан бир қаторда намлангандаги юмшоқланиш коэффициенти ҳам аниқланади.

Нам жинснинг сиқилишга нисбатан мустаҳкамлик чегараси ( $R_w$ ) нинг қуруқ ҳолдаги мустаҳкамлик чегараси ( $R$ ) га нисбати юмшоқланиш коэффициенти  $K_{\text{разм.}}$  дейилади, яъни

$$K_{\text{разм.}} = \frac{R_w}{R}$$

Агар жинслар юмшоқланиш коэффициенти 0,75 дан кичик бўлганда намланса, улар юмшоқланадиган жинслар қаторига киритилади.


### 3. ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ РЕОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Реология юононча «рео» — оқиш деган маънони билдиради. Суюқлик ҳақида гап борса, бу процессни тушунтириш ҳеч қандай исбот талаб қилмайди. Қаттиқ тоғ жинслари учун бу терминни ишлатиш тушунтиришни талаб этади.

Юқорида қайд қилинганлардан маълумки, ташқи куч таъсирида тоғ жинси деформацияланади. Деформация вақтида тоғ жинсларини ташкил этган минераллар сиқиласи ва силжийди. Бу ҳодисанинг тезлиги таъсир этаётган кучнинг миқдорига ва унинг таъсир қилиш вақтига боғлиқ. Баъзан ташқи кучлар тез ва қисқа вақт ичидан таъсир этади, масалан, жуда катта оғирлика эга бўлган юк машинаси ёки поезднинг бирор жойдан ўтиб кетиши бунга мисол бўла олади. Баъзи кучлар, масалан, иморат ва иншоотлар босими узоқ вақт таъсир этади. Узоқ вақт таъсир этадиган кучлардан тоғ жинсларининг минераллари узоқ вақт давомида секин-секин ҳаракатга келиб силжийди. Маълум вақт ўтгандан сўнг тоғ жинсларининг яхлитлиги бузилиб, емирилади. Мана шу узоқ вақт таъсир этиб жинснинг яхлитлигини бузган кучнинг миқдори қисқа вақт таъсир этиб шу жинснинг яхлитлигини бузадиган куч миқдоридан доимо кам бўлади. Масалан, тоғ жинсига қисқа вақт таъсир этиб унинг бир бутунлигини бузадиган куч 300 кгк  $\text{см}^2$  бўлса, худди шу жинсига узоқ вақт таъсир этиб унинг бир бутунлигини бузадиган куч миқдори 150—200 кгк/ $\text{см}^2$  бўлиши мумкин.

Демак, оз миқдордаги куч ҳам тоғ жинсига узоқ вақт таъсир қиласа, жинснинг физик-механик хоссалари ўзгарар экан. Шундай қилиб, тоғ жинсларида деформация ва кучланишнинг вақтга қараб ўзгариши шу жинснинг реологик хусусияти дейилади.

Жинсларнинг реологик хусусияти уч шаклда намоён бўлади:  
а) секин пластик оқувчан ёки силжувчан, бунда босим доимий ўзгармас бўлиб, деформация тўхтовсиз ўса боради; б) деформация миқдори сақланган ҳолда, кучланиш тўхтовсиз камайиб боради; в) жинснинг мустаҳкамлиги камаяди, яъни узоқ вақт таъсир этган ташқи кучдан жинснинг пишиқлиги камайиб яхлитлиги бузилади. Босим доимий ўзгармаган ҳолда бўлиб, жинс



34-расм. Жинсларнинг силжувчанлигини ифодаловчи график.

бошқалар).

Идеал тошқотган жинсларда пластик силжувчанлик ёки оқувчанлик (реологик ҳодиса) катта чуқурликда узоқ вақт (геологик эра ва аср) таъсир этувчи кучли босим ва температура таъсирида содир бўлади.

Одатдаги шароитда ер юзида ва бироз чуқурликда ётган жинсларда ташқи босим таъсирида деформацияланиш мўрт жинснинг деформацияланишига ўхшаш бўлади.


Иморат ва иншоот қурилаётганда унинг заминига таъсир этувчи босим тобора ортиб боради. Қурилиш тамом бўлгандан сўнг иншоот заминидаги жинс доимий ўзгармас босим остида бўлади. Шу сабабли босимнинг ортиб бориш тезлиги натижасида заминидаги жинсларда бўладиган реологик (силькучанлик) ҳодисасини ўрганиш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Табиий шароитда кўпинча силжувчанлик гилли ва ярим тошқотган жинсларда кузатилади. Устки қатламларнинг остики қатламларга узоқ вақт таъсир қилиши жинсларда силжувчанликни ҳосил қиласди. Бу ҳодиса кўпинча ер ости ишларида фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришда хавф туғдиради. Масалан, ёғочлар билан яхши мустаҳкамланишига қарамай шахтанинг ён деворлари бузилиб кетади. Бундан ташқари шахталарда кўтирилишлар, ўририлишлар, сурилишлар содир бўлади.

Жинсларда доимий ўзгармас куч таъсирида содир бўладиган силжувчанлик ҳодисасини узоқ вақт тажриба ўтказиш йўли билан аниқлаш мумкин. (34-расм). Бунда вақт билан деформация орасидаги боғланиши кўриб чиқамиз. Графикдан шу нарса маълумки, жинсга куч таъсир қилиши билан деформация процесси бирдан ўзгариб катта миқдорга ( $AB$  кесмасига) эга бўлади, кейин деформация оша боради, аммо унинг тезлиги ва миқдори камайиб  $BV$  кесмага эга бўлади. Бундан кейин узоқ вақт давомида деформация тезлиги ва миқдори ўзгармас бўлиб туради ( $BG$  кесмаси). Охири деформация миқдори қисқа вақт ичida бирдан кўтирилади ва  $D$  нуқтасига етганда жинснинг яхлитлиги бузилади. Деформациялар характерига кўра эластик ёки пластик силжувчан бўлиши мумкин. Шунга кўра деформациянинг биринчи босқичини ( $AB$ ) эластик, иккинчисини ( $BV$ ) қарорсиз силжиш, учинчисини ( $BG$ ) барқарор силжиш ва тўр-

деформациясини тобора ўсиш ҳодисаси оқувчанлик (силькучанлик) ёки реологик ҳодиса дейлади.

Тоғ жинсига таъсир этаётган кучланишнинг вақтга қараб камайиши релаксация ҳодисаси деб аталади. Бу ҳодисалар кўпинча гиллар ва бъази мустаҳкамлик чегараси  $500 \text{ кг}/\text{см}^2$  бўлган ярим тошқотган жинслар учун характерлидир (мергель, аргиллит ва



35-расм. Тоғ жинслари-нинг узоқ муддатли пишиқлигини ифодаловчи график

тинчисини ( $\Gamma\Delta$ ) эса прогрессив силжиш деформацияси деб юритилади.

Көлтирилган тажрибадан шу нарса маълумки, узоқ вақт таъсир этган босимдан тоғ жинсларининг пишиқлиги ўзгарар экан. Шу сабабли тоғ жинсларининг қандай босим остида қанчалик чидамлилигини аниқлаш лозим. Бу эса тоғ жинси устига қурилган иншоотнинг хизмат қилиш муддатини аниқлашга имкон беради.

Катта босим остида силжувчанлик процессининг ривожланиши туфайли бир қанча вақт ўтгандан сўнг тоғ жинсининг яхлитлиги бузилишига унинг узоқ вақт давомидаги чидамлилиги дейилади.

Тоғ жинсининг қандай босим остида ва қанча вақтгача чидашини аниқлаш учун узоқ йиллар давомида тажрибалар ўтказилади. Натижада ҳар бир тажрибада жинсининг бир бутунлигини бузувчи куч миқдори, бунга кетган вақт аниқланади ва 35-расмда кўрсатилгандек, бузувчи куч билан вақт орасидаги боғланишни ифодаловчи график тузилади. Графикдаги эгри чизик ёрдамида расмда кўрсатилгандек, жинсининг узоқ вақт чидамлилик чегараси ва шунга тўғри келувчи вақт аниқланади.

## XI БОБ. БУШОҚ ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИ

### 1. Бўшоқ тоғ жинсларининг ташқи куч таъсирида деформацияланиши

Ҳар хил катталиктаги зарралардан ташкил топган бўшоқ чўкинди жинсларга дисперсли грунтлар дейилади. Дисперсли грунтлар ўзларининг келиб чиқиши, тузилиши, минералогик ва гранулометрик таркиби, ғоваклилиги, сув ўтказувчанлиги ва бошқа бир қанча хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади ва турли группаларга бўлинади.

IV бобдан маълумки, дисперсли грунтлар асосан учта групнага: йирик, ўртача донали ва майдо заррали жинсларга бўлинади. Буларнинг деформацияланиш хоссалари ҳам бир-биридан фарқланади.

Ташқи куч таъсирида дисперсли грунтлар яхши деформацияланади ва ўз ҳажмини камайтиради. Айниқса йирик ва ўрта донали жинслар (шагаллар, құмлар) динамик куч таъсирида жуда яхши деформацияланади, чунки уларнинг зарралари орасида ёпишқоқлик бўлмаганлиги сабабли, титратувчи куч таъсирида зарраларнинг жойланиши яхши бўлади.

Майда зарралари гил ва гилли жинслар статик куч таъсирида яхши деформацияланади.

Демак, дисперсли грунтлар устига қурилган иморат ва иншоотлар магматик ва метаморфик жинсларнинг устига қурилган иморатларга нисбатан тез ва кўп чўкади.

Гилли жинсларнинг деформацияланishi тошқotган ва яrim тошқotган жинсларнидан катта фарқ қиласди. Агар гилли жинслар абсолют қуруқ ҳолда бўлса, уларнинг деформацияланishi худди яrim тошқotган жинсларнига ўхшаш бўлиб, бирор намлика эга бўлиши билан уларнинг деформацияланishi пластик ҳолатга ўтади, чунки юқорида айтганимиздек бу турдаги жинслар намланганда пластик хусусиятга эга бўлади.

Дисперсли грунтларнинг ясосий деформацияланishi хусусиятларидан бири уларнинг ташқи куч таъсирида сиқилиши ҳисобланади. Сиқилиши натижасида уларнинг зарралари зичланади, ғоваклилиги камаяди, таркибидағи газлар, сувлар жинс таркибидан ажралиб чиқиб кетади ва ҳоказо.

Дисперсли грунтларнинг ташқи куч таъсирида сиқилиши вақтга қараб ўзгаради. Шунга кўра, уларнинг деформацияланishi кўрсаткичлари икки груплага бўлинади. Биринчи группа кўрсаткичларга ташқи босимнинг миқдорига қараб ўзгарувчи кўрсаткичлар — зичланиш коэффициенти ( $a$ ), нисбий деформация ( $l_p$ ), иккинчи группа кўрсаткичларга эса ўзгармас доимий босимнинг узоқ вақт таъсири натижасида деформациянинг ўзгаришини ифодаловчи консолидация коэффициенти ( $u$ ), сиқилиш қаршилиги ( $R$ ) ва бошқалар киргеди.

Дисперсли грунтларнинг бу деформацияланishi кўрсаткичлари лабораторияда компрессия асбобларида бир ўқ ва уч ўқ бўйлаб маълум босимда сиқиб аниқланади. Бундай сиқилишни компрессия дейилади. Бунда тоғ жинси махсус цилиндр ҳалқа ичига солиниб, ён томонларининг кенгайишига йўл қўйилмаган ҳолда сиқилади. Тоғ жинси сиқилганда унинг ғоваклилиги ва ҳажми камаяди. Ғоваклилиги ва ҳажмининг камайиши ташқи босимнинг миқдорига ва таъсир қилиш характерига боғлиқдир.

## 2. Зичланиш коэффициенти ва чўкиш модули

Тоғ жинсининг зичланиш коэффициенти унинг икки хил босим таъсирида зичланишини билдиради. Буни аниқлаш учун текширилладиган жинслар махсус цилиндрга намуна солиниб, компрессия асбобига қўйиб  $P_1$  куч билан сиқилади. Сиқилиш процесси тамом бўлгач, намуна  $P_2$  куч билан яна сиқилади ва сиқилиш процесси тамом бўлгунча кутилади, сўнгра зичланиш

процесси коэффициенти (*a*) қүйидаги формула орқали аниқланади:

$$a = \frac{\varepsilon_1 - \varepsilon_2}{P_2 - P_1} \frac{cm^2}{kgk},$$

бунда:  $\varepsilon_1$  — жинснинг  $P_1$  куч билан сиқилгандан кейинги ғоваклийк коэффициенти;  $\varepsilon$  — жинснинг  $P_2$  кучи билан сиқилгандаги ғоваклийк коэффициенти.

$\varepsilon_1$  ва  $\varepsilon_2$  ларнинг қиймати қүйидагича аниқланади:

$$\varepsilon_1 = \varepsilon_0 - \frac{\Delta h_1}{h} (1 + \varepsilon_0),$$

$$\varepsilon_2 = \varepsilon_0 \frac{\Delta h_2}{h} (1 + \varepsilon_0),$$

бунда:  $\varepsilon_0$  — жинснинг бошлангич ғоваклийк коэффициенти;  $h$  — цилиндр ичидаги жинснинг сиқилмасдан олдинги баландлиги, мм.  $\Delta h_1$  ва  $\Delta h_2$  — текширилаётган тоғ жинснинг  $P_1$  ва  $P_2$  кучлари таъсирида сиқилиш миқдори, мм.

$\Delta h_1$  ва  $\Delta h_2$  ларнинг қиймати қүйидагича топилади:

$$\Delta h_1 = h - h_1; \quad \Delta h_2 = h - h_2,$$

бунда;  $h_1$  ва  $h_2$  — текширилаётган жинснинг  $P_1$  ва  $P_2$  кучлар билан сиқилгандан кейинги баландлиги, мм.

Зичланиш коэффициентини ғоваклийк коэффициенти  $\varepsilon$  билан сиқувчи ташқи кучлар орасидаги боғланишни ифодаловчи графикда яққол тасаввур қилиш мумкин (36-расм). Графикдан кўриниб турибдики, ғоваклийк коэффициентининг ўзгариши ташқи куч функциясига тенг:

$$\varepsilon = f(P).$$


Зичланиш коэффициенти эса ғоваклийк коэффициенти билан ташқи кучга қараб ўзгари. Графикдан (44-расм) маълумки:

$$\varepsilon_1 - \varepsilon_2 = \Delta \varepsilon; \quad P_2 - P_1 = \Delta P$$

$$a = \frac{\Delta \varepsilon}{\Delta P} = \operatorname{tg} \alpha = \frac{\varepsilon_1 - \varepsilon_2}{P_2 - P_1},$$

бунда:  $\Delta P$  — кучлар босқичларининг айримаси;  $\Delta \varepsilon$  — ғоваклийк коэффициентининг  $\Delta P$  таъсирида ўзгариш қиймати.

Зичланиш коэффициенти миқдорига қараб жинсларнинг куч таъсирида қандай зичланишини аниқлаш мумкин.



36-расм. Ташқи куч билан жинс ғоваклийк коэффициенти орасидаги боғлиқликни ифодаловчи график.

Агар  $a < 0,001$  бўлса, тоғ жинси таъсир этаётган куч таъсирида сиқилмайди:  $0,001 \leq a \leq 0,01$  бўлса — озроқ сиқилади:  $0,01 \leq a \leq 0,01$  бўлса — кўп сиқилади;  $a > 0,1$  бўлса — жуда кўп сиқилади, деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, сиқилувчан тоғ жинсларининг зичланиш дараҷасини профессор Н. Н. Маслов (1971) тавсия этган чўкиш модули билан ҳам характерлаш мумкин. Чўкиш модули  $I_p$  билан белгиланади ва у 1 м қалинликдаги тоғ жинсининг ташқи куч таъсирида сиқилиш ёки зичланиш миқдорини билдиради ва  $\text{мм}/\text{м}$  билан ифодаланади. Чўкиш модули  $I_p$  қўйидаги формула ёрдамида топилади:


$$I_p = \frac{\epsilon_0 - \epsilon_p}{1 + \epsilon_0} = 1000 \frac{\Delta h}{h},$$

бунда:  $\epsilon_0$  — тоғ жинсининг ташқи куч таъсири қилмасдан олдинги ғоваклилик коэффициенти;  $\epsilon_p$  — тоғ жинсига ташқи куч таъсири қилгандан кейинги ғоваклилик коэффициенти;  $\Delta h$  — тоғ жинсининг ташқи куч таъсирида сиқилиш миқдори, мм;  $h$  — тоғ жинсининг ташқи куч таъсири қилмасдан олдинги бошланғич баландлиги, мм.

Чўкиш модулининг қийматига қараб, тоғ жинсларининг ташқи куч таъсиридан сиқилиш даражаси аниқланади. Бунинг учун проф. Н. Н. Маслов (1971) тузган жадвалдан фойдаланилади (20- жадвал).

20- жадвал

Чўкиш модули	Тоғ жинсларининг сиқилиш даражаси
1	сиқилувчан эмас
1 — 5	оз сиқилувчан
5 — 20	ўртача сиқилувчан
20 — 60	юқори даражада сиқилувчан
60	жуда кўп сиқилувчан



37-расм. Чўкиш модулининг босимга боғлиқлигини ифодаловчи график.


Чўкиш модулини аниқлашнинг энг муҳим томони шундаки, шу миқдор орқали жинсининг ташқи куч таъсирида қанча миқдорда чўкишини тезда билиш, буни эса графикдан яна ҳам яхшироқ тасаввур қилиш мумкин (37-расм). Бунинг учун ҳар хил босимда чўкиш модули аниқланади ва босим билан чўкиш модули орасидаги муносабатни ифодаловчи график тузилади. Бу графикда текширилаётган жинснинг ёки бу босим остида қанча чўкиши яққол кўзга ташланади.

Чўкиш модули орқали хоҳлаган қалинликдаги жинсининг ташқи куч таъсирида умумий чўкиш миқдорини аниқлаш мумкин. Бунинг учун Н. Н. Маслов тавсия этган юқоридаги формула орқали 1 м қалинликдаги тоғ жинсининг чўкиш модули аниқланади, сўнг тоғ жинсининг ташқи куч таъсирида сиқилиши мумкин деб ҳисобланган умумий қалинлигини чўкиш модулига кўпайтирилади ва умумий сиқилиш миқдори топилади, яъни:

$$b = l_n \cdot H,$$

бунда:  $\sigma$  — ташқи күч таъсирида сиқилиш мумкин деб ҳисобланган жинснинг умумий сиқилиш миқдори:  $M$ ;  $H$  — ташқи күч таъсирида сиқилиши мумкин деб ҳисобланган жинснинг умумий қалинлиги,  $m$ .


Говаклилик коэффициенти ё билан сиқилувчи ташқи кучлар орасидаги боғланишни ифодаловчи эгри чизиққа компрессия эгри чизиғи дейилади. Бу эгри чизиқ тоғ жинсининг хилига, говаклилиги, намлиги ва ташқи кучнинг характеристига боғлик (38-расм).



38-расм. Гиллардан олинган намуналарнинг компрессион эгри чизиги:

1-кучли сиқилувчан аллювиал суглинка; 2-күчсиз сиқилувчан күмір давридаги гил.

Гилли жинсларда деформация асосан эластик бўлмаса ҳам баъзи гилли жинсларда, айниқса, гилларда деформация бироз эластик бўлади. Буни билиш учун компрессия асбобида сиқилган гилни сиқувчи кучдан секин-аста озод этганимизда, унинг ҳажми, асосан баландлиги бироз ўзгаради, ғоваклилик коэффициенти орта боради. Буни ҳам графикда ифодалаш мумкин (39-расм). Графикдан маълумки, жинси ташқи кучдан озод



39-расм. Компрессион әгри чизиқлар:

1—жинснинг ташки куч таъсирида сиқилинданги компрессион әгри чизиги; 2—шу жинснинг шишишидан әгри чизиги; 3—умумий деформация; 4—қолдиқлиқ деформация; 5—эластик деформация.


Этилса ҳам у бутунлай олдинги ҳолига қайтиб келмайди, агар ўз ҳолига қайтса, иккинчи әгри чизиқ биринчи әгри чизиқ устига тушган бўлар эди.

### Нисбий деформацияни аниқлаш

Компрессия асбобларида дисперсли грунтлар сиқилганда жинснинг диаметри ўзгармаган ҳолда, фақат баландлиги  $\Delta h$  га, ҳажми  $\Delta V$  га ўзгаради (40-расм). Шунга кўра жинснинг баландлиги бўйича олинган нисбий деформация  $\frac{\Delta h}{h}$  ҳажмига нисбатан олинган нисбий деформацияга тенг бўлади, яъни:

$$l_p = \frac{\Delta h}{h} = \frac{\Delta V}{V_0},$$

бунда:  $h$  — текширилаётган жинснинг бошлигич баландлиги, мм;  $\Delta h$  — босим остидан жинс баландлигининг ўзгариши, мм;  $V_0$  —



40-расм. Компрессияда грунтлар ҳажмийнг ўзгаришини кўрсатувчи схема:

а—грунтнинг биринчи ҳолати; б—компрессиядан кейин;  $V_p$  — бўшлиқлар (ғоваклар) ҳажми;  $V_c$ — грунт скелетининг ҳажми

текширилаётган жинснинг бошланғич ҳажми, см<sup>3</sup>;  $\Delta V$  — босим остидаги жинснинг ҳажмини ўзгариши, см<sup>3</sup>;  $l_p$  — маълум бир босим остидаги жинснинг нисбий деформацияси.

39-расмдаги схемага қараб, ана шу формулани қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\Delta h = h \frac{\Delta V}{V_0} = h \frac{V_c(1 - \epsilon_0) - V_c(1 + \epsilon_1)}{V_c(1 + \epsilon_0)} = h \frac{\epsilon_0 - \epsilon_1}{1 + \epsilon_0},$$

бунда:  $V_c$  — жинс скелетининг ҳажми, см<sup>3</sup>;  $\epsilon_0$  — жинснинг бошланғич ғоваклилик коэффициенти;  $\epsilon_1$  — жинснинг маълум босим остидаги ғоваклилик коэффициенти.

$$\epsilon_1 = \epsilon_0 - \frac{\Delta h}{h} (1 + \epsilon_0) = \epsilon_0 - e_1(1 + \epsilon_0).$$

Ташқи босим таъсирида нисбий деформация қандай ўзгаришини яхши тасаввур қилиш учун ҳар хил босим остида нисбий деформация аниқланади ва босим билан нисбий деформация орасидаги боғланишни ифодаловчи график тузилади (41-расм). График ёрдамида текширилаётган жинснинг у ёки бу босим остида қандай деформацияланиши аниқланади.

Дисперсли тоғ жинсларининг умумий деформация модули қўйидагича аниқланади:

$$E_{\text{общ}} = \beta \frac{1 + \epsilon_0}{a} = \frac{\beta}{a_0},$$

бунда:  $E_{\text{общ}}$  — умумий деформация модули;  $a$  — зичланиш коэффициенти;  $a_0 = \frac{a}{1 + \epsilon_0}$  — нисбий сиқилиш коэффициенти;  $\beta$  — ён босим коэффициентига боғлиқ бўлган коэффицент;


$$\beta = \frac{(1 + \xi) (1 + 2\xi)}{1 + \epsilon_0},$$

бунда:  $\xi$  — ён босим коэффициенти;

$$\xi = \frac{p_{\text{гор}}}{p_{\text{верх}}}$$

бунда:  $p_{\text{гор}}$  — ён ёки горизонтал босим;  $p_{\text{верх}}$  — тик ёки вертикаль босим.

Тоғ жинсларини компрессия асбобларида тик куч билан босгандга, жинс кенгайиб атрофига, яъни цилиндр деворларига босим билан таъсир этади. Бундай босим кучини ён босим дейилади. Бунинг тик босимга нисбати ён босим коэффициенти дейилади ( $\xi$ ).



41-расм. Нисбий сиқилиш билан вертикаль босим орасидаги боғланиши ифодаловчи эгри чизик.

Ен босим коэффициентининг миқдори 1 билан 0 орасида ўзгариб, зич ва қаттиқ гил учун 0,5 оқувчан гил учун 1,0, қумлар учун 0,3—0,5 оралиғида бўлади.

### 3. Консолидация ва консолидация коэффициенти

Ташқи куч таъсирида дисперсли жинсларнинг сиқилиш тезлиги ҳар хил бўлади. Қум ва шағалларда доимий ўзгармас босим таъсирида сиқилиш процесси тез ва оз вақтда тамом бўлади. Намлиги юқори бўлган гил ва гилли жинсларда сиқилиш процесси жуда узоқ чўзилади. Баъзи гилларда эса бу процесс бир неча ўн йилларга чўзилади. Жинсларнинг доимий ўзгармас босим таъсирида узоқ вақтгача сиқилиш процессига **консолидация** дейилади,

Консолидация процесси консолидация даражаси ёки консолидация коэффициенти билан ифодаланади ва у қўйидагида аниқланади:

$$U = \frac{S_1}{S} \cdot 100\%,$$

бунда:  $U$  — консолидация даражаси;  $S_1$  — деформация тамом бўлмасдан  $t$  вақт ичида жинснинг сиқилиш миқдори, мм;  $S$  — деформация тўхтагандан сўнг жинснинг тўла сиқилиш миқдори, мм


Консолидация даражаси маълум вақт ичида умумий деформациянинг ёки тўла чўкишнинг қанча проценти содир бўлганини билдиради. Масалан, 10 соат ичида жинснинг ташқи куч таъсирида сиқилиш миқдори 0,08 см га тенг; деформация 82 соатда бутунлай тамом бўлиб, тўла сиқилиш миқдори 0,2 см га тенг бўлди десак, 10 соат ичида консолидация даражаси 40% га тенг бўлади, яъни

$$U = \frac{0,08}{0,2} \cdot 100 = 40\%.$$

Маълум вақт ичида консолидация процессининг қанча проценти содир бўлишини тез ва осон билиш учун консолидация даражаси билан вақт орасидаги боғланиши билдирадиган консолидация эгри чизиги чизилади (42-расм). Бу график ёрдамида хоҳлаган вақтдаги консолидация даражасини аниқлаш мумкин.

Консолидация коэффициенти консолидация процессининг тезлигини ифодалайди ва қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C_v = \frac{K_\phi(1 + \varepsilon)}{a \cdot \gamma_b} \text{ см}^2/\text{с}$$



42-расм. Консолидация эгри чизиги.

бунда  $K_\phi$  — фильтрация коэффициенти;  $\varepsilon$  — гравелилик коэффициенти;  $a$  — зичланиш коэффициенти;  $\gamma_b$  — сувнинг ҳажм оғирлиги.

Тоғ жинсларининг характерига кўра консолидация процесси икки хилга бўлинади. Биринчи хил консолидация асосан чангли ва гилли қумларда содир бўлади. Бундай жинсларда консолидация процесси уларнинг таркибидаги сувнинг ташқи куч таъсирида чиқиб кетиши ҳисобига содир бўлади. Сув чиқиб кетиши билан консолидация процесси ҳам тўхтайди. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай жинсларда консолидация тез тамом бўлади.

Иккинчи хил консолидация фақат гиллар учун характерли бўлиб, жуда узоқ чўзилади; чунки буларда мустаҳкам боғланган сув бўлиб, босим таъсирида ажралиши жуда секин бўлади.

Шундай қилиб, дисперсли жинсларнинг деформация хусусиятларини билдирувчи кўрсаткичлар ёрдамида иморат ва иншотларнинг қанча чўкиши аниқланади, яъни:

$$S = \sigma \frac{\beta}{E_{\text{общ}}},$$

бунда:  $S$  — иншоотнинг чўкиш миқдори;  $\sigma$  — тик босимнинг ярми, кгк/см<sup>2</sup>;  $h$  — сиқилаётган қатламнинг қалинлиги, м;  $E_{\text{общ}}$  — умумий деформация модули;  $\beta$  — коэффициент.


Агар иншоот заминидаги сиқилувчан жинслар бир қанча қатламлардан иборат бўлса, юқоридаги формула билан ҳар бир қатламнинг чўкиш миқдори аниқланиб, уларнинг қиймати бирбирига қўшилади ва умумий чўкиш миқдори аниқланади.

#### 4. Дисперсли грунтларнинг деформацияланишига таъсир қилувчи факторлар

Дисперсли грунтларнинг деформацияланиши уларнинг гранулометрик ва минералогик таркибига, структурасига, фоваклигига, намлигига таъсир қилган босимнинг миқдори ва характеристига, зарраларнинг эластиклик хусусиятига боғлиқ.

Қумли жинсларнинг сиқилишида зарраларнинг катта-кичиклиги катта роль ўйнайди. Тажриба шуни кўрсатадиги, бир хил минералогик таркибли, аммо ҳар хил катталиқдаги заррачалардан ташкил топган кварцли қумлар бир хил босимда сиқилганда майда заррали қумларга нисбатан йирик заррали қумларда деформация даражаси катта бўлади. Бунга сабаб босим таъсир этаётган солиштирма юза йирик зарралари қумларда кам, майда заррали қумларда эса кўп бўлади. Маълумки, ташқи босимнинг интенсивлик кучи таъсир этаётган юзага боғлиқдир. Масалан, 10 кг босим 10 см<sup>2</sup> юзага таъсир этса, ҳар бир см<sup>2</sup> юзага таъсир этаётган куч интенсивлиги 1 кгк/см<sup>2</sup> га тенг, агар шу босим 5 см<sup>2</sup> юзага таъсир қилса, ҳар бир см<sup>2</sup> га куч интенсивлиги 2 кгк/см<sup>2</sup> бўлади. Йирик заррали қумларда ҳар бир заррага тўғри келадиган кучнинг миқдори майда заррали қумларнидан ортиқроқ бўлади. Ташқи босим таъсирида зарраларнинг бир-бирига тегиб турган жойлари эзилади.

Қум зарраларининг орасида гил зарралари бўлиши қумли жинсларнинг деформацияланиш вақтини узайтиришга сабабчи-



43-расм. Ғоваклилиги ҳар хил жинснинг компрессион эгри чизиги:

1—ғоваклилиги юқори; 2—ғоваклилиги паст.

Чиклиги ва сувга муносабати муҳим роль йўйайди. Айниқса жинсларнинг таркибида монтмориллонит группасига мансуб иккиламчи минералларнинг кўп бўлиши уларнинг сиқилишига катта таъсир кўрсатади. Бундай жинсларда деформация процесси узоқ давом этади. Шу сабабли бундай жинслар деформациясини баъзи олимлар «асрлик» деформация дейдилар. Бундай дейилишига асос бор. Масалан, бундан 100—200 йил олдин шундай жинс устига қурилган иншоатларда ҳали ҳам деформация (сиқилиш) процесси давом этмоқда.

Дисперсли жинсларнинг сиқилишига таъсир кўрсатувчи асосий факторлардан бири унинг бошланғич зичлиги ёки ғоваклилиги ҳисобланади. Гилли жинсларда бошланғич ғоваклилик коэффициенти сиқилиш натижасида улар ҳажмининг қандай ўзгаришининг бирдан-бир кўрсаткичидир. Бошланғич ғоваклилиги катта жинслар ташқи куч таъсирида жуда тез сиқилади ва уларда ғоваклилик коэффициентининг ўзгариши катта бўлади. Бундай жинслар компрессион эгри чизигининг шакли 43-расмда кўрсатилгандек бўлади.

Бошланғич ғоваклилиги оз бўлган жинслар сиқилганда уларда деформация миқдори кам бўлиб, босим таъсирида ғоваклилик коэффициенти ҳам оз ўзгаради (43-расм).

Тоғ жинсларнинг сиқилиш характеристи структурасининг бузилган ёки бузилмаганлигига ҳам боғлиқ. Структураси бузилган жинслар бузилмаган жинсларга қараганда ташқи куч таъсирида қаттиқ сиқилади. Шу сабабли иморат ва иншоот заминидаги жинсларнинг сиқилиши уларнинг структураси бузилмаган ҳолатида ўрганилади.

Гил ва гилли жинслар сиқилишида уларнинг бошланғич намлиги катта роль йўйайди. Оз намланган жинслар секин ва оз сиқилади, намлиги юқори жинслар тез ва кучли сиқилади. Шу сабабли гилли жинсларнинг куч таъсирида тўла сиқилишини аниқлаш учун уларнинг табиий намлиги билан бир қаторда, сувга тўйинган ҳолдаги сиқилиши ҳам аниқланади. Сувга тўйинган жинсга куч таъсир этиши билан унинг таркибидаги эр-

дир. Чунки гилли ва гил жинсларда деформацияланиш даври узоқ давом этади. Юқорида қайд қилганимиздек, жинсларнинг сиқилишига уларнинг минералогик таркиби кучли таъсир кўрсатади. Масалан, таркибидаги слюда кўп бўлган қумларда деформация пластик ва эластик характеристга эга бўлади.

Гилли жинсларнинг деформацияланишида зарраларнинг шакли, катта-ки-

кин сув тез ажралиб чиқади, бунинг ҳисобига унда сиқилиш процесси тез ва кучли бўлади. Бунга сабаб зарралар орасидаги бўшлиқларни сув ўрнига ўша зарралар эгаллайди, яъни жинс зичлашади.

Тоғ жинсининг сиқилиши унга таъсир қилаётган кучнинг характеристики ва таъсир этиш тезлигига ҳам боғлиқдир. Жинсга таъсир этувчи кучлар статик, динамик ва зарбли бўлади. Гилли жинслар статик куч таъсирида тез сиқилса, қумлар динамик куч таъсирида тез сиқилади.

Бирдан бўладиган зарбли куч таъсирида тоғ жинслари жуда тез сиқилади. Бунга сабаб, зарралар орасида катта гидродинамик кучланиш ҳосил бўлади. Баъзан жинсларнинг структураси бузилиб кетиб деформация кучли бўлади.

Тоғ жинсининг сиқилиши таъсир кучининг тезлиги ёки босқичига ҳам боғлиқдир. Жинсларнинг сиқилишини компрессион асбобларида аниқлаётганда оз-оздан куч таъсир эттириб борилади. Масалан, жинсни 10 кгк/см<sup>2</sup> куч билан сиқиш керак бўлса, асбобдаги тоғ жинси шу 10 кгк/см<sup>2</sup> куч билан бирдан сиқилмайди; аввал 0,5, кейин 1,0; 1,5; 2; 2,5; 3,0 ва охири 10,0 кгк/см<sup>2</sup> куч билан сиқилади. Ҳар бир босқичда сиқилиш тугагандан сўнг иккинчи босқич кучи қўйилади.

Бундай қилинишига сабаб тоғ жинси устига қурилаётган иморатлар ҳам қурилиш тезлигига қараб, ўз заминидаги жинсни секин-аста сиқа боради.


## 5. Бўшоқ тоғ жинсларида силжиш қаршилиги

Грунтлардаги силжиш қаршилиги уларнинг пишиқлик хусусиятини ифодаловчи асосий факторлардан ҳисобланади. Ундан турли инженерлик геологияси масалаларини ҳал этишда фойдаланилади.

Тоғ жинсларига ташқи куч таъсир қилса, зарралар орасидаги боғланиш бузилади, натижада улар зичланиш билан бир қаторда ҳар томонга қараб ҳаракатланади. Шунда зарралар орасида силжитувчи куч ҳосил бўлади ва бу кучга қарши силжиш қаршилиги ёки ишқаланиш кучи вужудга келади. Бу куч зарраларнинг силжишига қаршилик кўрсатади. Шу сабабли бу кучни силжишга қаршилик кучи дейилади.

Ташқи босим таъсирида жинс зарралари орасида ҳосил бўлган силжитувчи куч таъсирида унинг зарралари бир жойдан иккинчи жойга силжийди. Натижада ҳамма иншоотлар, айниқса, тоғ ёнбағрига қурилган иншоотлар деформацияланади, тоғ ёнбағирларида сурлишлар, ўпирилишлар каби қатор геологик ва инженерлик-геологик ҳодисалар содир бўлади.

Ташқи куч таъсирида тоғ жинси зарралари орасида ҳосил бўлган сурувчи ёки силжитувчи кучнинг таъсир қилиш доираси ва интенсивлиги унга қарши вужудга келган силжишга қаршилик кучининг миқдорига боғлиқ. Силжишга қаршилик кучи турли жинсларда ҳар хил бўлади. Масалан, қумларга нисбатан



44-расм. Қаттық жисмнинг текислик устида силжиши схемаси ва графиги:

$M$ —жисм;  $\tau$ —ишқаланиш “ёки силжишиң қаршилик кучи”;  $S$ —силжитувчи куч;  $P$ —оғирлиқ, ёки нормал куч;  $\varphi$ —ишқаланиш бурчаги.

Гилли жинсларда силжишиң қаршилиги катта, бунга сабаб гилли жинсларнинг зарралари бир-бирига ёпишган бўлиб, уларда ёпишқоқлик кучи мавжуддир.

Агар бу иккала силжитувчи ва силжишиң қаршилиги кучлари бир-бирига тенг бўлса ёки иккинчиси биринчисидан катта бўлса, жинс зарралари силжимайди, мувозанат ҳолда бўлади. Буни яхшироқ тушуниш учун оддий бир мисолни кўриб чиқамиз.


Айтайлик  $M$  масса  $F$  текислигига ётибди. Шу массанинг қияликтаги мувозанат ҳолатини текширамиз (44-расм, а). Физикадан маълумки, бирор  $F$  текислигда ётган жисм шу текислигка ўз оғирлигига тенг бўлган  $P$  кучи билан таъсир этади. Бу жисмни  $S$  кучи билан силжитиш керак бўлса, бу кучга қарама-қарши йўналган ишқаланиш кучи ёки силжишиң қаршилик кучи  $\tau$  ҳосил бўлади.

Силжитувчи куч  $S$  нинг миқдори массанинг оғирлигига, яъни  $P$  кучига боғлиқ. Масса қанча катта бўлса, у шунча оғир бўлиб, уни силжитиш учун катта куч керак бўлади.

Агар силжитувчи куч  $S$  билан оғирлиқ кучи  $P$  орасидаги боғланышни ифодаловчи график тузилса (44-расм, б) ундаги  $\varphi$  бурчаги ишқаланиш бурчаги дейилиб, бурчакни  $\operatorname{tg} \varphi$  си ишқаланиш коэффициенти дейилади. Графикда  $\operatorname{tg} \varphi = \frac{S}{P}$  га тенг.  $P$ —ташки куч интенсивлигига  $\text{kgr}/\text{cm}^2$ . Бунда  $S = P \cdot \operatorname{tg} \varphi$ . Одатда  $S = \tau$  га тенг, шунга кўра  $\tau = P \cdot \operatorname{tg} \varphi$  тенгликни ёзамиз. Бу тенглама Кулон қонуни дейилади. Бу қонунга мувофиқ силжишиң қаршилик кучи ёки сурувчи куч масса оғирлиги  $P$  га тўғри пропорционалдир.

## 6. Қумли жинсларда силжишиң қаршилигини аниқлаш

Сочилувчан қумларда зарралар орасидаги силжишиң қаршилик кучи  $\tau$  ни ва ички ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  ни аниқлаш учун қуйидаги тажрибану кўриб чиқамиз.



45-расм. Силжиш<sup>-</sup> тажрибасининг схематик тасвiri.


Тажриба ўтказилмоқчи бўлган асбоб бир-бири устига ўрнатилган иккита цилиндрдан иборат бўлиб, унинг пастки қисми силжимайдиган, устки қисми эса *AB* чизиги бўйлаб силжийдиган бўлади. Цилиндрлар бир-бирининг устига ўрнатилиб, текшириладиган қумга тўлдирилади (45-расм, *A*) ва унинг устига поршень орқали вертикал *P* кучи қўйилиб, блок ёрдамида цилиндрнинг тела қисмига силжитувчи кучни ҳосил қилувчи *Q* кучи таъсир эттирилади. Бунда *Q* кучи миқдорини оз-оздан цилиндрнинг тела қисми сурилгунга қадар кўпайтириб борилади (55-расм, *B*).

Тажриба шуни кўрсатадики, қум ичидаги силжитувчи куч *S* га қарама-қарши ўйналган ишқаланиш кучи *τ* ҳосил бўлиб, қум зарраларининг силжишига қаршилик кўрсатади. Шу сабабли бу кучни силжишига қаршилик кучи дейилади. Бу куч назарий жиҳатдан силжитувчи куч *S* дан бироз кичик бўлади, амалда эса *S* га тенг деб олинади.


Бу тажрибани *P<sub>1</sub>*, *P<sub>2</sub>*, *P<sub>3</sub>*, *P<sub>4</sub>* вертикал куч таъсирида бажариб силжишга қаршилик кучлари *τ<sub>1</sub>*, *τ<sub>2</sub>*, *τ<sub>3</sub>*, *τ<sub>4</sub>* лар аниқланади ва булар билан вертикал куч *P* орасидаги боғланишни ифодаловчи график тузилади (46-расм). Графикдаги φ бурчаги қумнинг ички ишқаланиш бурчаги дейилиб, бу бурчак тангенсини ( $\operatorname{tg}\varphi = \frac{\tau}{P} = f$ ) ички ишқаланиш коэффициенти деб аталади. Бу тенгламадан қумнинг силжиш қаршилигини ифодаловчи Кулон тенгламасини тузамиз, яъни:

$$\tau = P \cdot \operatorname{tg}\varphi = P \cdot f$$

Бунда тўғри чизиқ координата бошидан ўтади. Тажрибадан маълум бўлишича сурилиш зонасида қумларнинг ғоваклилиги ўзгаради. Бундан ташқари табиатда-



46-расм. Қумларнинг силжиш қаршилиги графиги.



47-расм. Зичланган құмларда структуранинг силжитувчи күчге таъсири (М. Н. Гольдштейндан);

1—зич ҳолдагы құмнинг графиги; 2—зичланмаган құмнинг графиги; С—зич құмларда структура қаршилиги ( $\text{kg} \cdot \text{cm}^2$  ҳисобда).

ги құмлар таркиби мұракаблиғи сабаблы вертикал күч билан силжишига қаршилик күчі орасидаги боғланишни ифодаловчи чизик ҳар доим координата бошидан ўтувчи түғри чизикдан иборат бўлавермайди (47-расм). Бунга сабаб зичланган құмларда зарралар силжиётгандан бир-бираға илинади, бу илиниш күчі гил зарралари орасидаги ёпишқоқлик күчі сингари зарраларниң силжишига қаршилик кўрсатади. Шунга кўра ички ишқаланиш бурчаги ҳам ўзгариади. Бундай құмлар учун Кулон тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$\tau = P \cdot \operatorname{tg} \varphi_3 + C_3$$

бунда:  $\varphi_3$  — құмнинг ички ишқаланиш бурчаги;  $C_3$  — құмдаги илиниш күчі.


Тоза құмларда ички ишқаланиш бурчаги  $\varphi = 30-40^\circ$  орасида бўлиб, ички ишқаланиш коэффициенти 0,58 дан то 0,84 гача ўзгариади (В. А. Приклонский, 1955).

Совет олимларининг текширишларига кўра, құмларда ички ишқаланиш бурчаги билан бунга түғри келувчи коэффициентларниң ўзгариши уларниң минералогик ва гранулометрик таркибига, зарраларниң шаклига, намлигига, ғоваклилигига ва тажрибани ўтказиш усулига боғлиқ.

Құмларниң ғоваклилиги камайиши билан ички ишқаланиш бурчаги ортиб боради. Бунга сабаб, құм қанчалик зич бўлса, силжитувчи күч миқдори шунчалик катта бўлади. Бундан ташқари, құмлар ташқи күч таъсирида деформацияланаётгандан баъзан деформация миқдори оз бўлганда ҳам (48-расм) силжишига қаршилик күчі бирдан аввал ортиб сўнг камайиб кетади. Бунга сабаб, зичлашган құмларда илиниш күчі ҳосил бўлиб, құмнинг деформацияланишига бироз қаршилик кўрсатади.

Тоза құмларда намликтининг ўзгариши ички ишқаланиш коэффициентига унча таъсир қылмайди, шундай бўлса ҳам, тажриба шуни кўрсатадики, намли құмлардаги силжишига қаршилик күчі (49-расм) озгина намликда бирдан максимал қийматга эга бўлиб, кейин камайиб кетади. Бунинг сабаби нам зарралар орасидаги капилляр ёпишқоқлик кучидир. Одатда тоза құмларниң нам ҳолдаги ички ишқаланиш бурчаги куруқ ҳолдагисига нисбатан  $1-2^\circ$  кам бўлади.

Ички ишқаланиш бурчаги ва силжишига қаршилик күчнинг ўзгаришига тажрибани ўтказиш усули, айниқса силжитувчи




48-расм. Зичлилги ҳар хил құмларда деформация билан силжитувчи күчнинг боғлиқлигини ифодаловчи график:


(М. Н. Гольштейндан), 1—зич құм; 2—зичланмаган құм.

Күчни аниқловчи асбобга Q күчни қўйиш тезлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Тажрибани асбоб шайнига Q күчни тез-тез ва катта-катта миқдорда ёки оз-оздан қўйиб ўтказиш мумкин (50-расм). Графикдан маълумки Q кучларнинг миқдори ва қўйиш тезлиги юқори бўлганда ички ишқаланиш бурчаги катта бўлади.

Құмни ташкил этувчи минерал зарраларнинг қаттиқлиги, силлиқлиги ва шакли ҳам силжишга қаршилик күчининг ўзгаришига таъсир этади. Қаттиқ ва ўткир қиррали минерал зарралардан тузилган құмларда силжишга қаршилик күч жуда юқори бўлади. Майдонони минералларда ички ишқаланиш бурчаги йирик донали минералларга нисбатан кичик бўлади (21-жадвал).



49-расм. Құмлarda силжитувчи күчга намликтин таъсирини ифодаловчи график (М. Н. Гольштейндан).



50-расм. Зичлилги ҳар ҳил құмларда силжишга қаршилик күчи силжитувчи кучларнинг қўйилиш тезлигига боғлиқлигини ифодаловчи график:

а—зичланмаган құм; б—зичланган құм; 1—силжитувчи кучларни оз-оздан кўпайтириб борилган; 2—силжитувчи кучларни кўп-кўпдан тезда ошириб борилган.

## Ҳар хил минералогик таркибли фракцияларнинг ички ишқаланиш бурчаги (φ)

Зарраларнинг катталиги, мм	Ички ишқаланиш бурчаги (градус)		
	слюда	ўтқир қирралы кварц	силиқланган кварц
2—1	28	66	61
1—0,5	26	56	—
0,5—0,25	18	46	—
0,25—0,1	19	27	28
0,1—0,06	17	17	—

21- жадвалдан маълум бўлишича, йирик донали қумларда майда заррали қумларга нисбатан ички ишқаланиш бурчаги ва силжишга қаршилик кучи катта бўлади.

Қумларда ички ишқаланиш бурчагининг ўзгаришига ташқи кучнинг миқдори ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, вертикал сиқувчи куч  $10 \text{ кг}/\text{см}^2$  гача бўлганда ички ишқаланиш бурчаги ошиб боради ва вертикал куч  $P > 30 \text{ кг}/\text{см}^2$  бўлганда камая боради.

### 7. Вибрация таъсирида қумлар хусусиятларининг ўзгариши

Қумларнинг энг асосий механик хусусиятларидан бири вибрация (титраш) натижасида ўз ҳажмини камайтиришидир. Вибрация вақтида қумнинг ҳажми камайиши билан бир қаторда бир қанча хоссалари ҳам ўзгаради. Бу ўзгариш нисбий тебранма тезланишнинг миқдорига боғлиқдир.

Вибрация тезланишининг оғирлик тезланишига нисбати нисбий тебранма тезланиш дейилади ва қўйидагича ифодаланади:

$$m = \frac{g_{\text{виб}}}{g},$$

бунда:  $m$  — нисбий тебранма тезланиш;  $g_{\text{виб}}$  — вибрация тезланиши;  $g$  — оғирлик кучи тезланиши.

Вибрация тезланиши  $g_{\text{виб}}$  нинг миқдори тебраниш частотаси ва амплитудасига боғлиқ:

$$g_{\text{виб}} = A\omega^2,$$

бунда:  $A$  — тебраниш амплитудаси;  $\omega$  — тебраниш частотаси.

Вибрация натижасида қумнинг ички ишқаланиш бурчаги ўзгаради (51-расм). Д. Д. Барканнинг (1955) маълумотларига кўра тебранма тезланиш миқдорининг ошибши билан унинг ички ишқаланиш коэффициенти камая боради. Тезланиш маълум бир миқдорга етгач қумларда ички ишқаланиш кучи шунчалик камайиб кетадики, қум қуюқроқ суюқликка ўхшаб қолади. Агар қумнинг устида бирор оғирроқ нарса турган бўлса у қумга бо-

тиб кетади, қум орасида құмдан енгил нарсалар бўлса, аксинча улар қум юзига қалқиб чиқади.

Вибрация таъсирида қумнинг ички ишқаланиш бурчаги камайиши билан бирга унинг табий қиялик бурчаги ҳам камайиб кетади. Натижада қум қиялик бўйлаб суюқликка ўхшаб оқади. Шу сабабли суюқликнинг ёпишқоқлик коэффициентига ўхшашиб вибрация таъсирида бўлган қум виброёпишқоқлик коэффициенти билан характерланади.

Виброёпишқоқлик коэффициенти қумнинг намлигига, физик ҳолатига, тебраниш тезлигига боғлиқ бўлиб, ўзгариб туради. Олимларимизнинг маълумотларига кўра, виброёпишқоқлик коэффициенти билан тезланиш орасидаги боғланишни қўйида-гича ифодалаш мумкин:

$$\beta_{\text{вib}} = \frac{a}{m \cdot \kappa},$$

бунда:  $\beta_{\text{вib}}$  — виброёпишқоқлик коэффициенти;  $a$  ва  $\kappa$  — эмпирик коэффициентлар;  $m$  — нисбий тебранма тезланиш.


Формуладан кўринадики, вибрация тезланиши ортиши билан виброёпишқоқлик коэффициенти камаяр өкан.

Виброёпишқоқлик коэффициенти миқдорининг ўзгариши қумларнинг намлигига боғлиқ. Ўртача ва кучли намланган қумларда виброёпишқоқлик коэффициенти минимал қийматга эга бўлади. Оз намланган (намлиги 13—14%) қумларда виброёпишқоқлик коэффициенти максимал қийматга эга бўлади.


Қумнинг ғоваклилик коэффициенти ( $\varepsilon$ ) ва унинг нисбий тебранма тезланиши ( $m$ ) орасидаги боғланишни ифодаловчи эгри чизиқка **виброкомпрессия эгри чизиғи** дейилади (52-расм). Бу эгри чизиқнинг характеристи қумнинг таркибига, физик ҳолатига ва вибрация пайтда унга таъсир этувчи нормал кучнинг миқдорига боғлиқ. Вибрация натижасида қумнинг зичланиши унинг виброзичланиши деб аталади. Бу зичланишнинг характеристи қўйидагиларга боғлиқ:

1. Босим таъсирида бўлмаган қумлар вибрация тезланиши жуда оз бўлганда ҳам зичлана бошлайди.

2. Босим остидаги қумлар-



51-расм. Вибрация вақтида ички ишқаланиш коэффициенти билан тебранма тезланиш орасидаги боғлиқликни ифодаловчи график (Д. Д. Баркандан).



52-расм. Ўртача донадор қумларнинг вибрацион эгри чизиғи.

нинг вибрация таъсирида зичланиши вибрация тезланишининг миқдорига боғлиқ. Вибрация тезлиги оз бўлганда босимдаги қумлар зичланмайди.

3. Вибрация тезланиши критик миқдорга кўтарилганда босим остидаги қумлар зичлана бошлади.

4. Нисбий тебранма тезланиш миқдорининг критик ҳолатга чиқиши қумнинг таркибига, физик ҳолати ва ташқи кучнинг миқдорига боғлиқдир. Тажрибалар шуни кўрсатадики, нисбий тебранма тезланиши ( $t$ ) оғирлик кучи тезланишининг тахминан 0,4 дан 1,0 қисмигача бўлади. Майда заррали қумлар энг юқори виброзичланиш хусусиятига эгадир. Йирик ва нозик зарралари қумларнинг виброзичланиши бироз камдир. Зарралари яхши силлиқланган қумларнинг вибрацияланиш қобилияти юқори бўлади.

Қумларнинг вибрация таъсирида зичланишини ўрганиш, улар устига поезд ёки автомобиль йўллари, завод ва фабрикалар қурилганда муҳим аҳамиятга эга.

Қумларнинг вибрация таъсирида юмшаш ва оқишини Н. М. Герсеванов (1937) қуйидаги тенглама орқали аниқлашни тавсия этади:

$$\Delta \cdot h (2\varphi_0 \cdot \pi + 1) - (n + n_{\text{вib}}) \geq 0,$$

бунда:  $\Delta$  — қумнинг ҳажм оғирлиги;  $\varphi_0$  — тинч турган қумнинг ён босим коэффициенти;  $n$  — қумга таъсир этувчи доимий босим;  $n_{\text{вib}}$  — вибрация натижасида ҳосил бўлган тасодифан куч;  $h$  — фундаментнинг ер юзасидан чуқурлиги.

Агарда тенгламанинг натижаси нолдан катта ёки нолга тенг бўлса, заминдаги қум вибрацияга хатарли бўлмайди, нолдан кичик бўлса, заминдаги қум вибрацияга хавфли ҳисобланади. Вибрацияга хавфли қумларнинг вибрацияга мустаҳкамлигини ошириш учун махсус усуллар, яъни вибрацияланувчи свайлар (қозиқлар) ва бурғу қудуқлари маълум. Булар ёрдамида 30—40 метр чуқурликдаги қумларнинг зичлиги вибрация йўли билан оширилади.

## 8. Гил ва гилли жинсларда силжиш қаршилиги

Гил ва гилли жинсларда силжишга қаршилик кўчининг на-ноён бўлиши қумларга нисбатан анча мураккабдир. Бунга сабаб уларнинг зарралари орасида ёпишқоқлик кучи мавжудлигидir.

Гилли жинсларнинг зарралари орасидаги ёпишқоқлик кучининг миқдори ҳар хил бўлиб, у жинснинг ёшига боғлиқдир. Ёш жинслар учча зичланмагани учун зарралар орасидаги ёпишқоқлик кучи кам бўлади, эски ётқизиқлар жуда яхши зичланганилиги сабабли уларда ёпишқоқлик кучи катта бўлади. Вақт ўтиши билан ёш гилли ётқизиқлар устига янги қатламлар ётиши натижасида уларнинг зичлиги ва зарралар орасидаги ёпишқоқлик кучи орта боради. Гил ва гилли жинслардаги ёпишқоқлик қайтувчи ва қайтмовчи ёпишқоқликларга бўлинади. Жинслар-

нинг структураси бузилгандан кейин яна илгари ҳолига келиши қайтувчи ёпишқоқлик, ўз ҳолига келмаслиги қайтмайдиган ёпишқоқлик дейилади.

Гилли жинсларнинг структураси бузилгандан кейин ҳосил бўлган ёпишқоқлик дастлабки ёпишқоқликдан доимо кам бўлади.


Гилли жинсларнинг пишиқлиги зарралар орасидаги ёпишқоқлик ва ишқаланиш кучига боғлиқ. Зарралар ўзаро ҳаракатланганда улар орасида ишқаланиш кучи билан бир қаторда ёпишқоқлик кучи ҳам ҳосил бўлади. Шунга кўра гилли жинслар учун Кулон қонуни қўйидагича ёзилади:

$$\tau = P \cdot \operatorname{tg} \varphi + C,$$


бунда:  $C$  — ёпишқоқлик кучи.

Гилли жинсларнинг ички ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  ёпишқоқлик кучи  $C$  ни топиш учун қумлар ёпишқоқлигини аниқлагандек бир-бира га ўрнатилган ва устки қисми суритувчан иилиндр текширилаётган жинс билан тўлдирилиб силжитувчи асбобга ўрнатилади ва унга вертикал куч  $P$  ва силжитувчи куч  $S$  таъсири эттирилиб, силжишга қаршилик кучи  $\tau$  топилади. Бу тажрибани  $P_1, P_2, P_3, \dots, P_n$  вертикал кучлар таъсирида бир неча марта такрорлаш натижасида силжишга қаршилик кучлари  $\tau_1, \tau_2, \tau_3, \dots, \tau_n$  аниқланиб, булар билан вертикал кучлар орасидаги боғланишни ифодаловчи график тузилади (53-расм). Графикдан маълумки, тўғри чизиқ координата бошидан ўтмай, бироз юқоридан бошланиб ордината ўқининг бир қисмини кесиб ўтади. Ана шу ордината ўқидаги кесмага тўғри келувчи куч тоғ жинсининг зарралари орасидаги ёпишқоқлик кучи деб аталади ва  $C$  билан белгиланади. Бу тўғри чизиқ билан горизонтал чизиқ орасидаги бурчак  $\varphi$  ички ишқаланиш бурчаги дейилади.

Топилган нуқталарнинг координаталар боши билан туташибидан ҳосил бўлган  $\varphi_1, \varphi_2, \varphi_3$  бурчаклар сурилиш қаршилиги бурчаклари деб аталади ва бу бурчакнинг тангенси  $\operatorname{tg} \varphi$  сурилиш қаршилиги коэффициенти дейилади.



53-расм. Гилли жинсларнинг силжишга қаршилик кучи билан вертикал босим орасидаги боғлиқликни ифодаловчи график.



54-расм. Босим билан силжиш коэффициенти  $\operatorname{tg} \varphi$  орасидаги боғланишни ифодаловчи график.

Баъзи мутахассислар, шу жумладан, Н. Н. Маслов (1959) жинсларнинг силжишга пишиқлигини сурилиш қаршилиги бурчаги ва коэффициенти билан баҳолашни тавсия этадилар.


Жинснинг силжишга пишиқлигини аниқловчи кўрсаткичлар ўзгарувчан бўлиб, жинснинг хилига, минералогик ва гранулометрик таркибига, намлиги, ғоваклилиги ва структурасига боғлиқдир.

Сурилиш бурчаги қаршилиги коэффициенти вертикал кучга қараб ўзгаради. Бу куч ошган сари сурилиш қаршилиги коэффициенти камайиб боради (54-расм).


Гилли жинслар намлигининг ўзгариши натижасида уларнинг ички ишқаланиш бурчаги ва ёпишқоқлик кучи ўзгаради. Намлиги ортиб борган сари силжишга қаршилик кучи камая боради (55-расм).

Жинснинг ғоваклилиги ҳам унинг деформацияланишига катта таъсир кўрсатади. Жинс қанчалик зич, ғоваклилиги кам бўлса, ишқаланиш шунчалик катта бўлади, чунки зарралар орасидаги масофа қисқариб, уларнинг бир-бирига тегишидан ишқаланиш кучи содир бўлади (56-расм).

Гилли жинсларнинг пишиқлиги уларнинг структурасига ҳам боғлиқ. Деформация ва силжишга қаршилик кучининг миқдори ва характери ташқи кучнинг ҳажмига боғлиқдир. Ташқи кучнинг миқ-



55-расм. Ҳар хил вертикал босимда гилли жинслар намлиги билан силжиш қаршилигининг боғлиқлигини ифодаловчи график.



56-расм. Гилли жинсларда силжиш қаршилиги билан ҳажм оғирлигининг боғлиқлигини ифодаловчи график.

дори ошган сари силжишга қаршилик кучи ҳам ортиб боради ва маълум миқдорга етганда тоғ жинсининг структураси бузилиб, силжишга қаршилик кучи камайиб, деформация бирдан ошиб кетади (57-расм).


Бундан ташқари жинсларнинг ички ишқаланиш бурчаги ўзгаришига уларнинг минералогик таркиби ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, монтмориллонитли гилларнинг ички ишқаланиш коэффициенти бошқа гилларнидан паст ( $4-10^\circ$ ), каолинли ва гидрослюдали гилларники кўп ( $10-20^\circ$ ), палигорситники  $30-40^\circ$  га боради.

Бирламчи минераллар кўп бўлган гилли жинсларда ички ишқаланиш бурчаги ортиб боради (22-жадвал).

Эрувчан тузларга бой гилли жинсларнинг намлиги ортиши билан уларнинг ички ишқаланиш бурчаги қиймати камаяди, чунки бундай жинсларнинг намлиги ортиши билан таркибидаги тузлар эриб, фоваклилиги ортиб, зичлиги камайиб кетади.

Жинсларнинг ички ишқаланиш бурчаги ва силжишга қаршилик кучлари уларнинг текстурасига ҳам боғлиқ. Қат-қат текстурали гилли жинсларда силжиш қаршилиги қатламлар йўналиши бўйича бир қийматга эга бўлса, унга тик йўналишда бошқа қийматга эга бўлади. Текширишлар шуни кўрсатадики, қатламлар йўналиши бўйича силжишга қаршилик кучи оз бўлиб, унга тик йўналишда кўп бўлади.

Жинс таркибидаги эритманинг химиявий таркиби ва концентрацияси ҳам уларнинг пишиқлигига катта таъсир кўрсатади. Масалан; таркибидаги эриган натрий кўп бўлиши жинснинг силжишга қаршилик кучини камайтиради, кальций кўп бўлиши эса, аксинча, силжишга қаршилик кучини оширади. Бунга са-



57-расм. Гилли жинсларда структуранинг силжиш қаршилигига таъсирини ифодаловчи график:

1—табииятини структуралари жинснинг силжиш қаршилиги; 2—структураси сунъий равишда бузилган жинснинг силжиш қаршилиги.

## 22-жадвал

Кумнинг ички ишқаланиш бурчаги ўзгаришига монтмориллонит қўшимчасининг таъсири (Г. П. Чеботарев, 1953)

### Кумнинг монтмориллонит аралашмаси

Кумнинг миқдори, %	Монтмориллонит миқдори, %	$P=1 \text{ кгк}/\text{см}^2$ бўлганда $\phi$
95	5	$56^\circ$
85	15	$39^\circ$
75	25	$19^\circ$
50	50	$16^\circ$
0	100	$9^\circ$

баб натрий күп гил зарраси атрофида сув пардасининг қалин бўлиб, зарралар орасидаги ишқаланиш кучи камаяди: кальций күп гил зарраси атрофида эса сув пардаси жуда юпқа бўлади.

## ХII БОБ. ТОФ ЖИНСЛАРИНИНГ ИНЖЕНЕРЛИК-ГЕОЛОГИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Тоф жинси ва тупроқларни грунт сифатида ўрганиш ва ишлатиш учун уларни хилларга ажратиш, таркиби ва тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшашларини маълум группага биритириш классификация деб аталади.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга кўра тоф жинслари классификациясининг турлари жуда ҳам кўп. Масалан, минералшунослар ўз мақсадлари учун тоф жинсларини минералогик таркибига қараб, петрографлар, литологлар эса петрографик ва литологик таркибига қараб классификация қиласдилар.

Табиатда тоф жинслари жуда кўп ва хилма-хилдир. Улар баъзи хоссалари жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Масалан, гранит билан диорит ёки мармар бир-биридан минералогик таркиби ва структураси жиҳатидан фарқ қиласди. Аммо қаттиқлиги бир-бирига яқин. Тоф жинсларининг ана шу хоссаларига, айrim белгина ва кўрсаткичларига қараб синфларга бўлининиши — классификацияланиши мумкин.

Тоф жинсларининг минералогик ва химиявий таркиби, структураси, текстураси, ётиш шароити, генезиси, ташқи кучга чидамлилиги ва пишиқлиги уларни классификация қилишда асосий белгиларидан ҳисобланади. Булар табиий геологик факторлар (тектоник бузилиш, дарз кетиш, нураш, метаморфизм ва шу кабилар) таъсиридан доимо ўзгариб туради. Тоф жинсига яна инсон фаолиятида вужудга келадиган инженерлик-геологик факторлар (иморат ва иншоот фундаменти учун чукӯрлар қазиш, фойдали қазилмаларни чиқариб олишда шахталар қазиш, катта иморат ва иншоотларни қуриш, жинсларининг намлик ва иссиқлик режимини ўзгартириш, ер ости ва усти сувлари таъсирини камайтириш ёки кўпайтириш) ҳам катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли тоф жинсларининг классификациясини тузишда юқорида қайд этилган геологик ва инженерлик-геологик факторларни албатта ҳисобга олиш лозим.

Тоф жинсларининг классификациясини тузишдан яна бир мақсад биринчидан, дала ва лаборатория шароитида уларнинг қандай хосса ва хусусиятларини аниқлаш кераклигини олдиндан белгилаб олиш керак бўлса, иккинчидан уларнинг устига қурилган иморат ва иншоотларда бўладиган ўзгаришларни аниқлашдир.

Тоф жинсларининг таркибини, тузилишини ва физик хусусиятларини аниқлаш учун бажариладиган лаборатория машғулотларининг ҳажми ва тури тоф жинсларининг хилига, яъни қайси классификацияга киришига боғлиқ, масалан, магматик

тоғ жинслари учун қўлланадиган лаборатория текширув тажрибалари, чўкинди жинслар учун қўлланадиган лаборатория ишларидан фарқ қиласи. Магматик жинслар учун уларнинг нураганлик даражаси, дарзилиги ўрганилса, чўкинди жинслар учун табий намлиги, фоваклилиги, сув ўтказувчанлиги, пластиклиги ва ҳоказолар ўрганилади.

Шундай қилиб, табиатда учрайдиган ва қурилиш мақсадлари учун ишлатиладиган тоғ жинслари ўзининг ҳосил бўлиши, таркиби, тузилиши ва физик-механик хоссалари жиҳатидан ҳар хилдир. Шу сабабли уларни ўрганишда маълум бир тартибга солиш лозим. Бунинг учун уларнинг классификациясини тузиш керак.

Инженерлик геологиясида, тоғ жинсларининг турли-туман классификацияси мавжуд. Булар ҳозирги пайтда асосан тўртта группага — умумий, алоҳида, соҳа бўйича ва регионал классификацияга бўлинади.

**Умумий классификацияда** табиатда учрайдиган ҳамма тоғ жинслари умумий ўхшашлиқ белгиларига қараб маълум группаларга бирластирилади. Жинсларнинг умумий ўхшашлиқ белгиларига уларнинг ёши, ҳосил бўлиши, ётиш ҳолати, қаттиқлиги ва шу кабилар киради. Умумий классификацияда тоғ жинсларининг жуда кўп белгилари, хосса ва хусусиятлари ҳисобга олиниди. Шу вақтга қадар кўпчилик инженерлик геологияси мутахассислари томонидан тоғ жинслари умумий классификациясининг турли-туман вариантлари ишлаб чиқилган. А. П. Павлов (1935) биринчи бўлиб тоғ жинсларининг умумий инженерлик-геологик классификациясини ишлаб чиқди. Аммо классификацияни тузишда у тоғ жинслари таркибини, петрографик хусусиятларини ҳисобга олмасдан, фақат уларнинг зарралари орасидаги қовушқоқлик (ёпишқоқлик) кучини ҳисобга олди.

Тоғ жинсларининг умумий инженерлик-геологик классификациясини Ф. П. Саваренский (1937) ҳам тузди. Бунда тоғ жинсларининг асосий белгиларидан физик-механик хоссалари, ранги, гранулометрик таркиби, қаттиқлиги, пластиклиги, сув ўтказувчанлиги, сув сифими, сиқилиши, ишқаланиши ҳамда бошқа бир қанча хоссалари ҳисобга олинган. Ф. П. Саваренский тоғ жинсларини 5 та A, B, C, D ва E группаларга ажратади.

А группага нурашга учрамаган ташқи куч таъсирида сиқилмайдиган қаттиқ магматик, метаморфик ва кучли цементланган чўкинди жинслар киради.

В группага бироз нураган ташқи куч таъсирида озроқ сиқиладиган магматик, метаморфик тошқотган чўкинди жинслар киради.

С группага ўзидан сувни секин ўтказадиган ва сув таъсирида пластик ҳолга келадиган чўкинди жинслар киради. Бу турдаги жинсларнинг таркиби асосан 0,05 мм дан 0,001 мм гача бўлган чанг, тўзон ва 0,001 мм дан кичик гил зарраларидан иборат бўлиб, улар асосан магматик жинсларнинг химиявий, физик нурашидан ва денгиз чўкиндисидан ҳосил бўлади. Жинс

**Тор жинсларининг инженерлик-геологик классификацияси**

I класс Тошқотган (қаттиқ) жинслар		II класс Гилли жинслар
I категория—сувга чидамли (ишқорланмайдиган) жинслар	II категория—сувга чидамсиз (ишқорланадиган) жинслар	I категория—сув таъсирида бироз юшмайдиган сувга чидамли цементланган жинслар
Гранит, диабаз, порфирит, базальт	1- группа—магматик жинслар	
Кварцит, мармар, кремнийли сланцлар, слюдали сланцлар	2- группа — метаморфик жинслар	
Кремнийли шагалтошлар, брекчиялар, кумтошлар, оҳактошлар ва опокалар	3- группа — цементланган чүкинди жинслар	
Оҳактошлар, чиғаноклар, доломитлашган оҳактошлар	1- группа — органик жинслар	
Ош тузи, гипс, антидрит, доломитлар	2- группа — химиявий жинслар	
Оҳакли күмтошлар, оҳакли, гипсли шагалтошлар	3- группа — цементланган, сувга чидамсиз жинслар	
Аргиллитлар, алверолитлар, гилли мергеллар, опокасимон гиллар		

зарралари орасида ёпишқоқлик кучи мавжуд бўлиб, уларнинг қаттиқлиги намлигига боғлиқ бўлади.

Д группага асосан зарралари орасида ёпишқоқлик кучи бўлмаган, сочиувчан, ўзидан сувни яхши ўтказадиган қум, шагал тошлар киради.

Е руппани алоҳида таркибга, физик хоссага эга бўлган юмшоқ жинслар — торф, балчиқ, инсон фаолияти таъсирида ҳосил бўлган грунтлар ташкил этади.

Ф. П. Саваренский бу группалардаги жинсларни инженерлик-геологик характеристикасига қараб класс ва классчаларга бўлди. Кейинчалик бу классификация В. А. Приклонский, Н. Н. Маслов, П. Н. Панюков, А. М. Дранников, В. Д. Ломтадзе, Е. М. Сергеев, Ф. О. Мавлонов ва бошқалар томонидан тўлдирилди.

(Н. Н. Маслов, 1941)

	III класс Сочилувчан (донадор) жинслар		IV класс Алоҳида хусусиятли жинслар
II категория— сувга чидам- сиз, тез юм- шайдиган жинслар	I категория—сувга чидам- ли (эримайдиган) жинслар	II категория—сувга чидамсиз (эрувчан) жинслар	
Конистенциясий турлича бўлган гил- лар ва гилти жинслар (суглика лар)	1-группа — қаттиқ ва ярим қаттиқ жинслар 2-группа — пластик ҳолда- ги жинслар 3-группа — конистенцияси оқувчан ҳолдади жинслар	I категория—сувга чидам- ли (эримайдиган) жинслар	
Магматик ва метаморфик жинслар нинг емирилишидан ҳосил бўлган тош, шағал, шебенъ ва дресвалар	1-группа — йирик донадор жинслар 2-группа — қумлар	1-группа — йирик донадор жинслар 2-группа — қумлар	
Кварц, дала шпатли ва оливинли қумлар	Уткир қиррали оҳакли тошлар ва шағаллар	Доломитли ва гипсли қумлар	Бўй, лёсс, тузли грунтлар, торф, бал- чиқли тупроқлар, азалий музлаган жинслар, сув оқузиб келиб ётқиз- ган жинслар, сув инсон фаолиятидан ҳосил бўлган грунтлар

Классификациялар ичida энг қулай ва ишлаб чиқаришда кўп қўлланадиганларидан бири Ф. П. Саваренский, Н. Н. Маслов ва Е. М. Сергеевнинг классификацияси ҳисобланади.

Н. Н. Маслов классификациясида тоғ жинсларининг физик механик хоссалари, жумладан, пишиқлиги, мустаҳкамлиги, сувга ва шу каби суюқ моддаларга чидамлилиги асосий классификацияловчи белгилар қилиб олинган. Шунга кўра грунтлар қўйидаги учта тошқотган гилли ва сочилувчан классларга бўлинган. Ҳар қайси класс сувга чидамлилиги билан бир қанча категория ва группаларга бўлинган (23- жадвал).

Н. Н. Маслов ўзининг классификациясида грунтларнинг қу-  
рувчилар учун энг муҳим хусусиятларини ҳисобга олган. Унинг камчилиги шундан иборатки, грунтларнинг генетик ва петро-  
график белгилари ва хусусиятлари тўла аксини топмаган.

## Грунтларнинг умумий классификацияси (Е. М. Сергеев, 1959)

Класслар	Группалар	Группачалар
Зарралари қаттиқ боғланган жинслар	Магматик жинслар	чүқурлуккаги (интрузив) отқинди (эффузив)
	Метаморфик жинслар	регионал — метаморфик контакт — метаморфик
	Цементланган чўкинди жинслар	цементланган йирик парчали цементланган майда донадор қотишган гилли ва чангли
	Химиявий ва биохимиявий чўкинди жинслар	кремнийли темирли карбонатли сулфатли галоидли
Зарралари қаттиқ боғланмаган жинслар	Гилли ва чангли жинслар	гилли лёссли (алевритли)
	Цементлашмаган парчали жинслар	йирик донадор қумли
Тупроқлар	Тупроқлар	зоналли интразоналли
Сунъий грунтлар	Сунъий грунтлар	маданий қатламлар ўтиринди (натос) тўкма (насып) сунъий яхшиланган сунъий яхшиланмаган

Е. М. Сергеев (1959) классификациясига кўра грунтлар 4 классга, 8 группага ва 23 группачаларга бўлинади (24- жадвал).

Биринчи икки класс тоғ жинсларининг структурали боғланишига, қолган иккитаси эса генетик типига қараб ажратилган. Шу усулда группа ва группачаларнинг бир хиллари тоғ жинсларининг генетик белгисига қараб ажратилган бўлса, бошқа бир хиллари петрографик белгиларига қараб ажратилган.

Биз қўйида грунтларни генетик ва петрографик ҳамда физик-механик хоссалари бўйича тузилган умумий классификацияни тавсия этамиз. Бу классификацияга Ф. П. Саваренский классификацияси асос қилиб олинган. Грунтлар генетик хилига кўра 4 классга ва петрографик хусусиятларига қараб 10 группага ажратилган.

I класс — магматик жинслар. Ўз навбатида 3 группага: интрузив (гранитлар, сиенитлар, гранодиоритлар, габбро ва бошқалар), ярим интрузив (гранит, порфирилар, габбропортифириллар) ва эффузив (кварцли ва кварцсиз порфириллар, порфириллар, диабазлар, липаритлар, трахитлар, дациллар, андезитлар, базальтлар) жинсларга бўлинади.

II класс — метаморфик жинслар. Ўз навбатида икки группага: яхлит (мармар, кварцитлар) ва қат-қатли (гнейслар, кристалли сланецлар) жинсларга ажралади.

Бу икки классга кирувчи жинслар ўзидан сувни ўтказмайди ва сувда ишқорланмайди. Агар дарзлари бўлса, шу дарзлар орқали сув ўтиши мумкин. У ҳолда уларнинг сув ўтказувчаник коэффициенти 10 м суткадан ошмайди.

Бу икки классдаги жинсларнинг зичлиги жуда юқори, фоваклилиги паст, солиштирма оғирлиги  $2,65-3,1 \text{ г}/\text{см}^3$ , пишиқлиги ва таранглиги жуда юқори, сиқилиш қаршилиги  $500-4000 \text{ кгк}/\text{см}^2$ , умумий деформация модули  $100000 \text{ кгк}/\text{см}^2$  дан юқори бўлиб, ташқи куч таъсирида деярли сиқилмайди.

III класс — чўкинди жинслар. Ўз навбатида 5 та группага: тошқотган (қумтошлар, шағалтошлар), ярим тошқотган (оҳактошлар, алевролитлар, аргиллитлар, мергеллар), зарралари бир-бирига боғланган бўшоқ (гиллар, гилли соз ва қумоқ, қумлоқ грунтлар), зарралари бир-бирига боғланмаган сочиувчан (қумлар, шағаллар, тошлар) ва химиявий, биохимиявий (галит, сильвинит, сильвин, гипс, доломит, бўр, оҳактош, лимонит, боксит) жинсларга бўлинади. Бу классга кирувчи грунтлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, ер юзасининг кўп қисмини эгаллаб ётади ва қурилишда асосий объект ҳисобланади.

Тошқотган ва ярим тошқотган жинслар ўзидан сувни секин ўтказади, сув ўтказиши қобилияти нураганлик даражасига, дарзлилигига боғлиқ бўлиб, сув ўтказувчаник коэффициенти  $0,5-30 \text{ м}$  сутка оралиғида бўлади. Бу турдаги жинсларнинг зичлилиги катта, ўртача фоваклилиги  $10-15\%$ , солиштирма оғирлиги  $2,2-2,65 \text{ г}/\text{см}^3$ , сиқилиш қаршилиги  $20-4000 \text{ кгк}/\text{см}^2$  бўлиб, ташқи куч таъсирида жуда кам сиқилади.

Зарралари бир-бирига боғланган бўшоқ гил, гилли соз ва қумоқ, қумлоқ грунтлар сувни ўзидан жуда секин ўтказади; сув ўтказувчаник коэффициенти кўпинча  $0,1 \text{ м}$  сутка дан кичик бўлади. Шу сабабли уларни сув ўтказмайдиган грунтлар деб ҳам атайдилар. Бу грунтларнинг зичлилиги ҳар хил, фоваклилиги  $25-60\%$ , солиштирма оғирлиги  $2,10-2,70 \text{ г}/\text{см}^3$ , табиий намлиги  $10-80\%$ , пишиқлиги ва қаттиқлиги жуда ўзгарувчан (у грунтнинг намлигига боғлиқ) бўлиб, ташқи куч таъсирида тез сиқилади, умумий деформация модули  $25-50 \text{ кгк}/\text{см}^2$  оралиғида бўлади.

Зарралари бир-бири билан боғланмаган сочиувчан қум, шағал тошлар каби грунтлар ўзидан сувни жуда яхши ўтказади; сув ўтказувчаник коэффициенти  $30 \text{ м}/\text{сутка}$  ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Бу турдаги жинсларнинг зичлиги ҳар хил, шунга кўра ҳажм оғирлиги ҳам ўзгарувчан ( $1,4-1,9 \text{ г}/\text{см}^3$ ), фоваклилиги ўртача ( $25-40\%$ ), пишиқлиги зарраларининг жойланishiга ва зичлик ҳолатига боғлиқ, умумий деформация модули  $50-1000 \text{ кгк}/\text{см}^2$  бўлиб, ташқи куч таъсирида яхши сиқилади.

Химиявий ва биохимиявий йўл билан ҳосил бўлган грунтлар ўзидан сувни турли тезликда ўтказади: сув ўтказувчаник коэф-

фициенти 0,7 дан 30 м/сутка оралиғида ўзгариб, жинснинг дарзлилик даражасига, нураганлигига бөглиқ. Бу турдаги жинсларнинг зичлилігі ўртача, солиштирма оғирлиги  $2,15-2,65 \text{ г}/\text{см}^3$ , ғоваклилігі 15—20% пишиқлигі ва қаттиқлигі турлича (таркибига бөглиқ), сиқилиш қаршилигі 150—3000 кгк/см<sup>2</sup> бўлиб ташқи куч таъсирида деярли сиқилмайди.

IV класс — юмшоқ ва енгил грунтлар. Бунга асосан алоҳида таркибга ва физик хусусиятга эга бўлган юмшоқ жинслар торф, балчиқ ва сунъий грунтлар киради.

**Алоҳида, соҳа бўйича ва регионал класификация.** Тоғ жинсларининг алоҳида ёки маҳсус класификацияси умумий класификацияга қўшимча бўлиб, бунда грунтлар алоҳида белги ва хоссалари бўйича класификацияланади. Масалан, минералогик ёки гранулометrik таркиби бўйича ёки сув ўтказувчанилигига қараб класификациялаш маҳсус класификация турига киради.

Грунтларнинг соҳа бўйича класификацияси маълум бир қурилиш (йўл қурилиши ва шу кабилар) талаби бўйича тузилган бўлади. Бунга қурилиш нормаси бўйича 1962 йилда тузилган грунтларнинг класификациясини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу класификацияга кўра тоғ жинслари тўртта группага: қоя тошли, шағалли, қумли ва гилли жинсларга бўлинади.

Регионал класификация маълум бир турдаги жинсларни типларга ажратишга хизмат қилади. Бунга лёссимон жинсларни чўкувчанилиги ёки ҳосил бўлиш шароитига қараб генетик типларга ажратиш мисол бўла олади.

Шундай қилиб, кейинги вақтларда тоғ жинсларининг инженерлик-геологик хоссаларини ўрганиш ва улардан қурилиш мақсадлари учун грунт сифатида фойдаланишда юқорида қайд қилинган турли класификациялари ишлаб чиқилди. Бу класификациялар асосида тоғ жинсларининг асосий белгиларидан бири — ҳосил бўлиш шароити ётади. Шунга кўра тоғ жинслари магматик, метаморфик ва чўкинди каби асосий учта генетик типга ажралади. Ҳар қайси генетик типга тегишли тоғ жинслари ўзига хос белги ва хусусиятлари билан характерланади.

Тоғ жинсларининг минералогик таркиби, структураси ва текстураси ётиш ҳолати, физик ва механик хоссалари уларнинг ҳосил бўлган шароитини ва кейинчалик уларда қандай ўзгарышлар содир бўлишини кўрсатувчи асосий белгилардан бири ҳисобланади. Тоғ жинсларининг ҳосил бўлганлик шароитини ифодаловчи бу генетик белгилар уларни бир қанча петрографик типларга ажратиш имкониятини яратади.

Тоғ жинсларининг класификациясини тузишида генетик ва петрографик турлари ҳамда физик-механик хоссаларига қараб уларни маълум группаларга биректирилади ва ҳар қайси группага тааллуқли жинсларнинг қурилиш мақсадлари учун сифати, яъни пишиқлиги, мустаҳкамлиги, деформацияланиши, сув ўтказувчанилиги ҳамда бошқа хосса ва хусусиятлари кўрсатилади. Шуларни ҳисобга олиб тузилган класификация схемаси талабга жавоб берадиган класификация схемаси ҳисобланади.

## ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОДИНАМИКАСИ

### XIII БОБ. ГЕОЛОГИК ВА ИНЖЕНЕРЛИК-ГЕОЛОГИК ПРОЦЕССЛАР

Инженерлик геодинамикаси планетамизнинг ичи ва ташқарисида содир бўладиган геологик процессларни ўрганади. Шу билан бирга инсоннинг инженерлик фаолияти туфайли вужудга келган геологик процессларни ҳам ўрганади.

Геологик процессларга: тектоник ҳаракатлар, зилзила, нурош, сурилиш, чўкиш, қулаш, қор кўчкиси (лавина), горлар пайдо бўлиши, тупроқ қатламларининг ювилиши ҳамда шамол ҳаракати ва дengiz тўлқинлари вужудга келтирадиган ҳодисалар киради. Бу процессларни ўрганиш ва уларнинг олдини олиш инженерлик геодинамикасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда катта сув омборлари, каналлар, автомобиль ва темир йўллар, кўприклар, саноат иншоотлари ва иморатлар қурилади, тоғли ва тоғ олди районлари ўзлаштирилиб, кончилар шаҳарчаси, шахталар ва тоғ-кончиллик саноати вужудга келади. Геологик процесслар эса буларга маълум даражада таъсир кўрсатиб, уларнинг ишдан чиқишига, бузилишига сабабчи бўлади. Масалан, сел туфайли тоғ этагидаги қишлоқлар вайрон бўлиши, дарё кўприклари бузилиши, йўллар ишдан чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир инженер-геолог, қурувчи ва лойиҳаловчи қуриладиган иморат ва иншоот майдонида ва теварак-атрофида қандай геологик процесслар содир бўлишини, улар қурилаётган иншоотга қандай таъсир этишини олдиндан аниқлай билиши лозим.

Иморат ва иншоотлар лойиҳасини тузишда лойиҳачига масъул вазифа юкланади. У лойиҳада иншоотга таъсир қиладиган процессларга қарши курашиш тадбирларини ҳам лойиҳалаштириши шарт.

Геологик ҳодисаларни ўрганиш қурилиш, лойиҳалаш ва инженерлик-геологик ишлардан ташқари, фойдали қазилмаларни қазиб олишда ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ҳодисалар баъзан катта қийинчиликлар туғдиради, чунки уларнинг таъсирида шахталар босиб қолади, фойдали қазилмаларни қазиб олиш қийинлашади.

Шундай қилиб, геологик процесслар табиий оғатлар келип чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун бу процессларни ўрганиш катта илмий ва практик аҳамиятга эга. Геологик процессларнинг сабабларини, оқибатларини, уларнинг олдини олиш йўлларини ўрганиш ҳар бир инженер-геологнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Одатда геологик ҳодиса ва процесслар табиий равишда ва одамлар иштироқида содир бўлади. Табиий равишда содир бўладиган процессларни геологик, инсон фаолиятидан вужудга келадиган процессларни инженерлик-геологик процесслар дейилади (Каменский Г. Н. 1935). Масалан, бирон жойда чўкиш ҳодисаси табиий сабаблар — ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши ёки ёғингарчилик кўп бўлиб, узоқ вақт сувнинг кўлобланниб қолиши, жинс қатламлари, намланиши натижасида содир бўлса, буни геологик ҳодиса, агар шу чўкиш ҳодисаси инсон фаолияти, яъни қўриқ ерларни ўзлаштириш, канал, сув омборлари қуриш ва сугориш ишлари билан боғлиқ бўлса, инженерлик-геологик ҳодиса ҳисобланади.

Геологик процесслар ҳосил бўлиш шароитига кўра эндоген (ички) ва экзоген (ташқи) процессларга бўлинади.

## 1. Эндоген процесслар

Ер ядросида ва қобиғида мураккаб геологик процесслар доимо бўлган ва бўлиб туради.

Ернинг ичидаги ҳосил бўлган геологик процесслар унинг ҳосил бўлиши тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Ернинг ҳосил бўлиши ҳақидаги гипотезаларга кўра планеталар совук жисм сифатида таркиби ва солишишима массаси турлича бўлган қаттиқ зарраларнинг тўпламидан вужудга келган. Бу зарралар орасида радиоактив моддалар ҳам бўлган, булар эса парчаланиб, иссиқлик чиқариш хусусиятига эга. Радиоактив парчаланиши натижасида ернинг ички қисми қизий бошлаган ва ер юмшаб, пластик бўлиб қолган. Бундай юмшоқ моддалар жуда секин ҳаракат қила бошлаган, енгилроқ массалар аста-секин ер сиртига сурилиб («сузиб») чиққан, оғир массалар эса ер маркази томон ҳаракат қилган, силжиган. Оғирлик кучи таъсирида пластик массада рўй берадиган бундай ички қатламланиш (сараланиш) ҳодисаси гравитацион дифференциация дейилади. Бу процессларниң тезлиги ва таъсири Ернинг зичлигига боғлиқ. Ернинг марказига борган сари унинг зичлиги ва босими орта боради, шунинг учун ер қобиғи унинг чуқур қисмларига қараганда дифференциация ҳодисаси осонроқ ва тезроқ рўй беради.

Ер шарининг ички қисмидаги гравитацион дифференциация таъсирида зичроқ (марказий ядрода) ва енгилроқ (ер қобиғида) қатлам ҳосил бўлган, булар орасида зичлиги ўртача қатламлар жойлашган.

Гравитацион дифференциация процесси ҳозирга қадар ҳам давом этаётган бўлса керак. Ниҳоятда кўп энергия ажратиб чи-

қарадиган бу процесс Ер шаридаги анчагина ҳодисаларга сабаб бўлади, дейиш мумкин, бу ҳодисалар Ер юзасига ҳам таъсир қилади.

Ернинг ички энергияси таъсирида содир бўладиган ҳаракатлар тектоник ҳаракатлар дейилади.

Ер қобиги остидаги процесслар натижасида вужудга кела-диган ҳаракатлар бирламчи ҳаракатлар деб юритилади. Ерни ташкил этувчи модданинг гравитацион дифференциацияланиши, яъни унинг зичлигига қараб қатламланиши бу процесслар ичida муҳим роль ўйнайди. Модданинг пастга тушиши шу жой усти-даги ер қобиғининг чўкишига, модданинг юқорига чиқиши эса ер қобиғининг кўтарилишига сабаб бўлади. Бирламчи ҳаракатларнинг кучайиши билан ер қобиғида мураккаб зўриқиши ҳол-лари рўй беради, бунинг натижасида тоғ жинсларида иккилас-чи тектоник ҳаракатлар ҳосил бўлади.

## 2. Бирламчи тектоник ҳаракатлар

Ер қобиги чуқур жойида бўладиган вертикал ҳаракатлар бирламчи ҳаракатлар туркумига кириб, асосан икки турга: теб-ранма ва тўлқинсимон ҳаракатларга бўлинади.

Тебранма ҳаракатлардан ернинг катта участкалари аста-се-кин кўтарилади ёки, аксинча, чўқади. Бундай ҳаракатлар ҳамма жойда, ҳамма геологик даврларда бўлиб ўтган.

Ер қобиғидаги тебранма ҳаракатлар натижасида қуруқлик ва денгиз майдони ўзгариб туради. Қуруқлик кўтарилиганда ден-гиз чекинади, бунга денгиз регрессияси дейилади. Денгиз майдони кичраяди ва денгиз тубининг қирғоққа яқин қисмлари очи-либ қолади. Қуруқлик чўкканда бунинг акси бўлади, денгиз майдони кенгайиб, қуруқлик кичраяди, денгиз қирғоқларини сув босади, бу денгиз трансгрессияси деб аталади.

Тебранма ҳаракатлар катта-катта жойларнинг инженерлик-геологик шароитини ўзгартиради. Денгиз ёки қуруқлик майдонининг кенгайиши натижасида жойнинг иқлими ҳам ўзгаради. Денгиз кенгайганда, атрофдаги иқлим кўпроқ денгиз иқлимига яқинлашади, қуруқлик кенгайганда эса, аксинча, иқлим конти-ненталлашади. Иқлимнинг ўзгариши вақт ўтиши билан шу жой-нинг тоғ жинсларига, тупроғига ва органик дунёсига таъсир этади. Натижада денгиз ва материкларнинг ички ва ташқи қиё-фаси ўзгариб боради. Денгиз чекинганда айрим материклар, ороллар бир-бирига қўшилиб қолиши, денгиз трансгрессияда эса, аксинча, қуруқлик айрим-айрим материкларга, оролларга бўлинниб кетиши мумкин.

Тебранма ҳаракатлар вақтида қуруқликнинг кўтарилиши ёки чўкиши дарёларнинг эрозия ишига ҳам таъсир кўрсатади, чун-ки бунда эрозия базиси ё пасаяди ёки кўтарилади. Дарёлар қу-йиладиган сув ҳавзасининг сатҳи эрозия базиси дейилади. Трансгрессия процесси туфайли денгиз тик қирғоқларга ҳам ас-та-секин босиб келади, қирғоқлар емирилади, кесилиб, сурилиб тушади, натижада қирғоқлар тобора материкнинг ичкарисига

кириб боради ва қирғоқлар ўрнида ҳосил бўлган текис ерлар сув тагида қолади. Сув тагида қолган бундай ерлар абразион юза дейилади, қирғоқни денгизнинг кесиб бориши процесси эса абразия деб аталади.

Ер қобигидаги тебранма ҳаракатлар натижасида ер қобиги кўтарилиган ва пасайган областларга бўлинниб кетади. Бу областлар ўз ҳолатини узоқ вақтгача сақлайди ёки тўлқинсимон бўлиб секингина силжийди, натижада ер қобигида тўлқинсимон ҳаракатлар ҳосил бўлади. Тўлқинсимон ҳаракатларнинг интенсивлиги жойнинг тузилишига боғлиқ. Масалан, геосинклинал областларда тўлқинсимон ҳаракатлар жуда кўп бўлади.

Ер қобигининг актив тектоник ҳаракатда бўлиб турадиган қисми геосинклинал область деб аталади. Бундай жойлар тўлқинсимон ҳаракатнинг активлиги ва тоғликлари билан ажралиб туради, энг баланд кўтарилиган зоналар билан энг чуқур чўккан зоналар бир-бирига яқин бўлади. Ҳаракатлар амплитудаси 12—18 км. га етади.

Шундай қилиб, геологик маънода геосинклинал мураккаб рельеф (тоғлар, чўқмалар) области қуруқлик ва денгиз тартибисиз жойлашган обласmdir. Ички денгизлар, ярим очиқ денгизлар ва ороллар ўртасидаги денгизлар групласига кирадиган чуқур денгизлар эгаллаб ётган территориялар — Ер шаридаги ҳозирги геосинклиналлардир.

Геосинклинал ўз тараққиётида икки босқични ўтади. Биринчи босқичда геосинклинал литосфера интенсив чўкаётган ва чўкинди жинслар ҳамда сув остидан чиққан лава маҳсулотлари жуда кўп тўпланаётган денгиз ҳавзаси бўлади. Иккинчи босқичда геосинклинал ер қобиги асосан кўтарилаётган область бўлиб, бу вақтда денгиз чекинади, жинслар бурмалар ҳосил қиласди, магма чиқиб келади ва, ниҳоят, ёриқлар пайдо бўлади.

Ер қобигининг жуда пассив тектоник ҳаракат бўлиб турадиган қисми платформа деб аталади. Платформалар тузилишига кўра икки қават бўлиб, устки қаватини чўкинди тоғ жинслари ташкил этади, улар горизонтал ҳолда ётади ёки бироз бурмаланган бўлади. Пастки қават қари жинслардан иборат бўлиб, бурмаланган бўлади. Бундай областларда тўлқинсимон ҳаракатлар кучсиз, кичик, уларнинг амплитудаси 2—3 км дан ошмайди. Бу ҳаракатлар натижасида ниҳоятда катта (диаметри бир неча юз километр) участкалар салгина чўқади ва худди шундан кейин майдонлар билинг-билинмас кўтарилиб қолади; озгина чўккан жойлар синеклиз, бироз кўтарилиган жойлар антиклилиз дейилади. Синеклиз ва антиклилизлардаги тоғ жинслари қатламилари салгина бурмаланган ёки горизонтал бўлади.


Ер қобиги бирор қисми тараққиётининг платформа босқичи шу ерда геосинклинал процесс тугагандан сўнг бошланади; бунда тектоник ҳаракатлар ўзгаради, бу моддалар дифференциацияланишининг заифлашганини ва секинлашганини кўрсатади. Ҳар қандай платформа ўз вақтида геосинклинал босқичдан ўтган.

### 3. Иккиламчи тектоник ҳаракатлар

Тоғ жинслари қатламларыда бурмаланишлар ва ёриқлар ҳосил құлувчи ҳаракатлар иккиламчи тектоник ҳаракатларға киради. Булар бирламчи вертикаль ҳаракатлар натижасидир. Бурмаланишлар ҳосил бўлишини қўйидагича тушунтириш мумкин. Ер қобигининг бирон қисмида пайдо бўлган куч қатламларни юқорига эгиг кўтариади, баъзи жойлар кўпроқ, баъзи жойлар камроқ кўтарилади деб фараз қиласлик. Қаттиқ ва яхлит ер қобиги бу кучга қаршилик кўрсатади. Тоғ жинсларининг бирбирига қарама-қарши йўналган икки куч орасида сиқилган қўйи қатламлари босим катта бўлган жойлардан босим кичик жойларга томон сурилиб бурмаланишлар ҳосил қиласди, яъни қатламлар букилади.

Дастлаб ер қобиги чуқур қатламлари деформацияланади. Бурмаланмаган устки қатламлар бурмаланиш ҳосил құлувчи ҳаракатга ҳамон қаршилик кўрсатади. Лекин бурмаланаётган қатламларининг қалинлиги ортиб, устки бурмаланмаган қатламнинг қалинлиги камайиб боради. Натижада устки қатламларнинг қаршилик кучи камаяди. Пастдан юқорига қараб таъсир этаётган босим маълум босқичга етганда ер қобигининг юқоридаги қатламларыда ҳам бурмалар ҳосил бўла бошлияди. Бурмаланган қатламлар системаси кўндаланг профилнинг умумий схемаси 58-расмда кўрсатилган. Дўнг томони юқорига қараган


58-расм. Бурмаланган қатламлар системаси кўндаланг кесимининг умумий схемаси




бурма антиклинал, пастга қараб эгилган (ботиқ) бурма синклинал дейилади (59-расм).

Ер қобигининг букилган жойи чўзилади ва ёриқлар пайдо бўлади. Ёриқлар билан ажралган участкалар тезликда юқорига кўтарилиши ёки чўкиши мумкин. Кўтарилиш ёки чўкишлар ҳар хил йўналишда содир бўлиши мумкин. Тоғ жинсларининг вертикаль ёки деярли вертикаль ёриқ бўйиб, бир-бирига нисбатан юқорига кўтарилиши ёки чўкиши сброс, қия ёки горизонтал ёриқ бўйлаб силжиши надвиг деб юритилади. Сброслар оралиғидаги чўкма гребен, гребенлардан кўтарилиган баландлик горст дейилади (60-расм).

Жойларнинг инженерлик-геологик шароитини ўрганишда юқорида қайд этилган тектоник ҳа-



59-расм. Тоғ бурмаланишлари нинг схематик кўриниши:  
а—антеклинал; б—синклинал;



60-расм. Сброслар (*A*), горст (*B*) ва гребен (*C*)

ракатлар натижасида ҳосил бўлган структураларнинг характеристики турини билиш шарт.

Тоғлик районлар инженерлик-геологик шароити ўрганилганда тоғларнинг қандай ҳосил бўлганлигини ва уларни ташкил этувчи жинслар дислокацияга учраган ёки учрамаганлигини аниқлаш керак.

Бурмаланиш натижасида қатламлар дастлабки ётиш ҳолатларини ўзгариради ва буларни дислокацияга учраган қатламлар деб аталади.

Ер шаридаги тоғларнинг ҳосил бўлиши турлича рўй берган. Улар асосан икки йўл билан таркиб топган. Бурмаланмаган қалин чўкинди жинслар мавжуд областлар — геосинклиналларда бурмаланишлар ҳосил бўлган, сўнгра бурмаланган бутун ўлка кўтарилган, натижада антиклиналга ўхшаган ниҳоятда катта баландлик антиклизорий вужудга келган. Тоғлар вужудга келиши билан ер қобиги чўзилади, бурмали структураларни кесиб ўтадиган узилма ёриқлари пайдо бўлади ва тоғли ўлканнинг айрим катта-катта бўлаклари бир-бирига нисбатан силжийди.

Тоғларнинг иккинчи йўл билан ҳосил бўлишини қўйидагича тушунтириш мумкин. Ўтмиш даврларда бурмаланган ва тектоник ҳарақатлардан пластик букилиш хусусиятини йўқотган зич областларда ер қобиги янги бурмаланишлар ҳосил қилмай кўтарилади ва тоғликлар ҳосил бўлади. Бундай шаронтда асосан узилма дислокациялар кўплаб вужудга келади.

Шундай қилиб, икки турдаги тоғликлар: бурмали ва яхлит бўлаклардан ташкил топган палахса тоғликлар ҳосил бўлади. Кавказ, Альп, Кордильера, Анд тоғлари бурмали тоғларга, Тянь-Шан, Олтой ва бошқалар палахса тоғлар типига киради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, тоғларнинг ҳосил бўлишида эндоген кучларгина эмас, балки экзоген кучлар ҳам иштирок этади. Экзоген кучлар ер қобигининг катта-катта майдонида кўтарилган жойларни майда қисмларга — тоғ тармоқлари, водийлар ва бошқаларга бўлиб юборади, натижада ернинг геоструктура элементлари (яхлит материклар ва яхлит океан ҳавзалари), морфоструктура элементлари (рельефнинг катта-катта хотекисликлари — текисликлар, платолар, тоғ тизмалари) ҳамда морфоскульптура элементлари (водийлар, погонасимон жарликлар, чўкмалар ва бошқа майда шакллар) ҳосил бўлади.

#### 4. Экзоген процесслар классификацияси

Экзоген процессларга ернинг устки қисмидаги бўладиган процесслар: нураш, сурилиш, ағдарилиш, ўпирлиш, ювилиш, эриш ва бошқалар киради. Экзоген процесслар ўз навбатида, денудацион ва аккумулятив турларга бўлинади. Емирилган говак ва чақиқ минерал массаларнинг (оғирлик кучи, сув, шамол, муз натижасида) баландроқ жойлардан пастроқ жойларга олиб борилиши **денудация** дейилади. Нураган жинсларнинг денудация натижасида ернинг чуқурроқ жойларига тўпланиши **аккумуляция** дейилади. Нураш маҳсулотлари олиб борилиши мумкин бўлган энг паст сатҳ **денудация базиси** дейилади, Денудация баланд жойларда, аккумуляция эса паст жойларда бўлганлигидан, денудация ер қобиги кўтарилиган жойларни пасайтиради, аккумуляция эса чўйкан ерларни тўлдиради.

Эндоген ва экзоген процесслар ҳар доим биргаликда рўй беради. Шуни айтиш керакки, тектоник кўтарилиши билан ер юзасининг емирилиши бир хил тезликда борса ва у нураган маҳсулотларни сув, шамол ва бошқалар узлуксиз олиб кетиб турса, бундай тектоник кўтарилиш натижасида рельеф ўзгармайди. Агарда денудация процесси ернинг кўтарилиш тезлигига нисбатан секинроқ борса, жой баландлашиб боради.

Геологик процесслар жойларнинг инженерлик-геологик шаронти ўзаришига, қурилаётган иншоот ва иморатларга жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли инженерлик-геологик текширув ишларида буларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилади.

Геологик процессларнинг инженерлик-геологик классификацияси 1937 йилда Ф. П. Саваренский томонидан ишлаб чиқилган. Кейинчалик И. В. Попов, П. Н. Панюков, А. М. Дранников ва бошқа олимлар бу классификацияни янги факторлар асосида мукамаллаштирилар (25- жадвал).

25-жадвал

#### Геологик процесслар классификацияси (Ф. П. Саваренский, 1937)

Геологик процессларнинг содир бўлиши ва ривожланishiдаги асосий факторлар	Геологик процессларнинг номлари
I. Ер юзасидаги сувларнинг (дениз, дарё, кўл, канал сувлари) ҳамда атмосфера ёғинларнинг фаолияти билан боғлиқ процесслар	1. Қирғоқларнинг ювилиши ва ёмирилиши (дениз абразияси ва дарё эрозияси) 2. Қияликларнинг (тог ён бағирларнинг) ёғини сувлари билан ювилиб жарликлар ҳосил бўлиши 3. Селлар ва сув тошқинлари
II. Ер усти ва ер ости сувларнинг фаолияти билан боғлиқ процесслар	4. Ботқоқлик 5. Намлик таъсиридан чўкиш 6. Карст

Геологик процессларнинг содир бўлиши ва ривожланишидаги зоссий факторлар	Геологик процессларнинг номлари
III. Ер усти ва ости сувларининг фаолияти билан боғлиқ, тоғ ён-бағрида ва қязилкларда учрайдиган процесслар	7. Сурилишлар (кўчклилар) 8. Ўпирлишлар
IV. Ер ости сувларининг фаолияти билан боғлиқ процесслар	9. Суффозия (ўпқонлар) 10. Пливунлар (суюмалар)
V. Шамол фаолияти билан борланган геологик процесслар	11. Емирилиш 12. Тўпланиш
VI. Тоғ жинсларининг музлаши ва эриши билан боғлиқ процесслар	13. Тупроқнинг музлаши ва музлаштаъсирида кўпчиши 14. Абадий музликлар
VII. Тоғ жинсларининг ички (эндоген) кучи билан боғлиқ процесслар	15. Чўкиш, сиқилиш ва кўпчиш
VIII. Ернинг ички (эндоген) кучи билан боғлиқ процесслар	16. Зилзила
IX. Инсон фаолияти билан боғлиқ геологик процесслар	17. Ернинг устида ва остида бўладиган деформациялар (сурилиш, ағдарилиш, шахталарда ўпирлиш, чўкиш ва бошқалар)

IX категориядаги геологик процесслар 1935 йилдан бошлаб инженерлик-геологик процесслар деб аталади (Г. Н. Қаменский, 1935). И. В. Попов инженерлик-геологик процесслар классификациясини ишлаб чиқсан ва уни геологик процесслар билан таққослаган (26- жадвал).

Жадвалда ифодаланган инженерлик-геологик процесслар табиий геологик процесслардан қурилаётган иншоот территориясига тегишлилиги ва майдонининг чекланганлиги, вақти-вақтида сакраш характеристидаги катта интенсивлиги, вақт ўтиши давомида тез вужудга келиши билан фарқланади.

## 26- жадвал

## Инженерлик-геологик процесслар ва уларга оид табиий-геологик процесслар (П. В. Попов, 1959)

Инженерлик-геологик процесслар	Инженерлик-геологик процессларга оид табиий геологик процесслар
1. Иншоотлар остидаги тоғ жинсларининг зичланиши	1. Вақт ўтиши билан ер остики қатламларининг устки қатламлар оғирлигига ҳамда музликлар таъсирида зичлашуви
2. Канал ва водопровод сувлари таъсирида лёсс жинсларининг чўкиши	2. Устида ёғин сувлари йигилиши натижасида лёсс жинсларининг чўкиши ва чўкиш сатҳларининг ҳосил бўлиши

Инженерлик-геологик процесслар	Инженерлик-геологик процессларга оид табиий геологик процесслар
3. Музлаган тоғ жинсларининг иншоот остида деформацияланиши ва ер юзасининг музлашидан йўлларда учрайдиган кўпчиш ҳодисалари	3. Муз қатламлари, муз тепаликлари ва ер остида кўмилиб қолиб кетгани музларининг эришидан ҳосил бўлган форсимон бўшлиқлар
4. Сунъий қияликлардаги деформациялар (сурилишлар, ўпирилишлар, ағдарилишлар)	4. Тоғ ён бағрида содир бўладиган сурилиш, ўпирилиш, ағдарилиш ва чўкишлар
5. Сув омборлари қирвоқларининг ювилиб кетиши	5. Денгиз ва кўл қирвоқларининг ювилиб кетиши
6. Ер остида олиб борилган ишлар туфайли тоғ жинсларининг силжиши ва ер юзасининг чўкиши	6. Форларнинг ўпирилиши ва ер юзасининг чўкиши

## 5. Инженерлик-геологик процесслар ва инсон

Инсон шубҳасиз ўз фаолияти билан ер устида бўладиган табиий геологик процессларни секинлаштиради ёки тезлаштиради, уларни маълум йўналишга солади.

Инсоннинг табиатга қанчалик ва қандай таъсир кўрсатиши кишилиқ жамияти тараққиётининг даражасига боғлиқ. Турли ижтимоий системалар: масалан, капиталистик ва социалистик системалар ўзаро таққосланса, одамлар табиий муҳитга турли мақсадларда таъсир кўрсатиши, бу таъсирнинг даражаси ва характеристики турлича эканлиги яққол кўринади. Капитализмда иш плансиз бажарилиб, бир тўда бойларнинг фойдасини кўзлаб, табиий бойликлар нобуд қилинади, табиатга қудратли техника воситалари билан таъсир этишини хусусий мулкчилик ва хусусий манфаатлар зиддияти чеклаб қўйган. Социалистик жамиятда табиатга халқ фаровонлигини ошириш мақсадида рационал, планли равишда таъсир кўрсатилади. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик йўқлиги сабабли техникадан максимал даражада фойдаланишга ва кишилар баҳт-саодати йўлида давлат аҳамиятига эга бўлган тадбирлар амалга оширилишига ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди.

Киши табиатга, шу жумладан, жойнинг инженерлик-геологик шароитига жуда катта ва хилма-хил таъсир кўрсатади. Инсон ер рельефини ўзгартиради, котлованлар, зовурлар, хандақлар қазиди, кўл ва ботқоқликларни қуритади, ҳовузлар ва катта сув омборлари қуради, сугориш системалари, шунингдек турли дарё системаларини, дengizларни бир-бирига боғлайдиган каналлар қазиди. Бу ишлар жойнинг инженерлик-геологик шароитини ўзгартириб юборади, ботқоқликлар, шўрхокликлар ўрнида ўтлоқ ва экинзорлар, сугорилган чўлларда воҳалар бунёдга келади; тўғон билан тўсилган ва бинобарин, эрозия ба-

заси күтарилиб қолған дарёда эрозия ва аккумуляция процессларининг характеристики ўзгаради.

Ниҳоят, инсон фаолияти таъсири натижасида ўзининг ҳажми ва тезлиги билан табиий геологик ҳодиса ва процесслардан қолишмайдиган инженерлик-геологик ҳодиса ва процесслар вужудга келади. Шу сабабли инсоннинг инженерлик ва хўжалик фаолиятини худди геологик ҳодиса ва процессларни вужудга келтирувчи табиий факторлар билан бир қаторга қўйиш ва унга катта эътибор бериш лозим.

Чуқур карьеерлардан, ёпиқ шахталардан фойдали қазилмаларни қазиб олишда ер юзининг рельефи кескин ўзгаради, қурилиш ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар ишдан чиқади, бундай жойларда ўпирилишлар, суримишлар, силжишлар вужудга келади.

Кейинги йилларда хўжалик ва техник мақсадлар ҳамда ичиш учун ер қаъридан жуда катта миқдорда сув чиқариб олинмоқда. Бу эса ер ости сувлари запасининг камайишига ва жойнинг гидрогеологик шароити ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Каналлар, сув омборлари қурилиши натижасида жойнинг гидрогеологик шароити кескин ўзгаради, сув омборлари атрофидаги майдонларда ер ости сувларининг сатҳи кўтарилади, натижада ботқоқликлар, шўрхоклар ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, геологик ва инженерлик-геологик процесслар инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Шу сабабли инженерлик ишларида табиий мувозанатни бузмасликка ҳаракат қилиш лозим. Табиий мувозанатнинг бузилиши туфайли кучли салбий ҳодисалар вужудга келади.

## 6. Геологик процесс ва ҳодисаларнинг ер юзида тарқалиши ва ривожланиши

Маълумки, геологик процесслар ва ҳодисалар ернинг ички ва устки қисмida содир бўлади. Ернинг ички қисмida бўладиган геологик процессларнинг тарқалиш майдони ва ривожланиши биринчидан ернинг ички кучига, иккинчидан шу кучни вужудга келтирувчи тектоник ҳаракатнинг турига боғлиқдир.

Ернинг устида бўладиган экзоген геологик процессларнинг тарқалиш майдони ва ривожланиш тараққиёти жойнинг табиий шароитига, тоғ жинсларининг турига ва бу процессларни ҳосил қилувчи факторларнинг хилига, кучига ҳамда инсон фаолиятининг характеристига боғлиқ.

Геологик процесслар ва ҳодисалар муайян қарама-қаршилик мавжудлигига содир бўлади. Масалан, тоғ жинсида қаршиликни ортиши туфайли зарралар орасидаги кучлар таранглашади, натижада қулаш, суримиш ҳодисалари рўй беради, ёки ташки куч таъсирида тоғ жиёси сиқилиб, унинг ғоваклилиги камайиб зичлиги ортади, натижада чўкиш ҳодисаси содир бўлади ва ҳоказо.

Геологик процессларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг регион, область ва районларда бир текис эмас, балки, бир жойда кучли бўлиб, катта майдонни эгаллаши, бир жойда секин ёки тез ва ҳар хил кўринишда содир бўлишидир. Бунинг сабаби жойнинг физик географик шароити, геологик тузилиши, геоморфиологик ва гидрогеологик табииати турлича эканлигидир. Масалан, дengiz, кўл ва сув омборлари қирғоқларининг ювилиши ва емирилиши асосан кучли шамол эсган вақтга тўғри келади; чунки кучли шамол таъсирида дengiz ва кўл юзида кучли тўлқинлар ҳосил бўлиб, қирғоққа қаттиқ урилади, натижада қирғоқлар ювилади ва емирилади.

Дарёларда бўладиган эрозия ҳодисалари ва селлар баҳор пайтида сув тўлиб оққанда кучли бўлади. Худди шунга ўхшаш тоғлиқ районлардаги кўчки ҳам кўп ва узоқ вақт давом этувчи ёғингарчиликдан кейин содир бўлади. Булардан ер юзида бўладиган экзоген процесслар жойларнинг иқлими, физик ва географик шароитига боғлик, деган хулоса чиқариш мумкин.

Геологик процессларнинг содир бўлиши жойнинг рельефига ҳам боғлиқ. Масалан, баландлиги ва нишаблиги юқори тоғлиқ районларда қулаш, тўқилиш, сурилиш, қор кўчкилари содир бўлса, текис жойларда ботқоқлик, шўрхоклик, чўкиш, аккумуляция процесслари содир бўлади.

Геологик процесс ва ҳодисалар ритмик хусусиятга эга. Вақт ўтиши билан ҳодисаларнинг такрорланиб туришини ритмика деб атамиз ва уни икки турга бўламиз: даврий ритмика — ҳодисаларнинг маълум бир хил вақт ўтгандан кейин такрорланиши; цикли (даврий бўлмаган) ритмика — ҳодисаларнинг ҳар хил вақт ўтгандан кейин такрорланишидир. Ўзбекистон шароитида ҳар баҳорда тоғлиқ районларда сел ва сурилишлар рўй бериши даврий ритмикага мисолдир. Аммо сел ва сурилиш ҳодисаларининг сони айрим йилларда жуда кўп ёки жуда кам бўлади, бу эса цикли ритмикага мисолдир. Қилинган анализлар шуни кўрсатадики, тахминан ҳар 11 йилда баҳорги ёғингарчилик миқдори кўпаяди ва шунга боғлиқ ҳолда геологик процесслар (сурилиш, сел ва бошқалар) ҳам ўзгаради.

Умуман иқлимининг исиб ёки совиб кетиши, музликларнинг босиб келиши ёки чекиниши, кўлларда сув сатҳининг кўтарилиши ёки пасайиши, зилзилалар ер ҳаётидаги даврий бўлмаган ҳодисалардир. Бу ҳодисалар вақти-вақтида такрорланади.

Ер устидаги маълум зоналарда маълум геологик ҳодисалар содир бўлади.

#### XIV БОБ. АФДАРИЛМАЛАР, ТЎКИЛМАЛАР ВА СОЧИЛМАЛАР

Нураш процесси таъсирида тоғли районларда вақти-вақти билан бўлиб турадиган афдарилмалар, тўкилмалар ва сочилмалар дейиладиган ҳодисалар рўй беради. Булар натижасида темир йўл ва автомобиль йўллари тўсилиб қолади, дарёлар бўйфидади, баъзан ҳатто қишлоқлар кўмилиб кетади.


**Ағдарилма ёки қулаш ҳодисаси** деб, катта ҳажмли төф жинсларининг қияликдан ағдарилиб тушишини айтилади. Қулашлар вужудга келиши ва ҳаракатланиш шароитига кўра асосан икки турга: отилма ва ҳақиқий ағдарилмаларга бўлинади.

Тик қияликдан катта тош бўлакларининг бирданига узилиб, ўқ каби пастга отилиб тушишига отилмалар ёки виваллар дейилади. Буларнинг ҳаракат йўлининг кўп қисми ҳавода бўлади (61-расм). Отилмалар асосан магматик жинслардан ташкил топган тик қояларда вужудга келади.


Ирик тош бўлакларининг ёнбағирлик бўйлаб, думалаб ва отилиб кетишига ҳақиқий ағдарилмалар дейилади. Бунда қоядан ажралиб, узилиб турган төф жинсларининг катта бўлаклари олдин ёнбағирлик бўйлаб думалайди, сўнгра қияликнинг тик жойига келганда пастга қараб отилади (62-расм). Шунинг учун ҳақиқий ағдарилмалар ҳаракат йўлининг кўп қисми ёнбағирлик устида, оз қисми ҳавода бўлади. Ағдарилмалар ёнбағирнинг мустаҳкамлиги камайиб қолган жойларда содир бўлиб, инсон ҳаёти учун ҳамда иншоатларнинг нормал ишлаши учун катта ҳавф тутдиради. Шу сабабли бу ҳодисаларни ўрганиш ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлаш ва унга қарши чораларни ишлаб чиқиши инженерлик геологияси фанининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ағдарилмалар СССР нинг Карпат, Қрим, Қавказ тоғларида, Ўрта Осиёда, Сибирда ва Узоқ Шарқда кенг тарқалган. Улар асосан, магматик ва метаморфик төф жинсларидан ташкил топган қояларда содир бўлади. Ағдарилиб тушган жинслар ҳажми катта бўлса, у дарёларни тўсиб, қисқа вақт ичидаги катта-катта кўллар ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Масалан, Озарбайжон Гёк-Гёль деб аталувчи етти кўл, Қавказдаги машҳур Рица кўли ва Хисордаги Искандар кўли ағдарилма туфайли ҳосил бўлган.

Баъзи ағдарилмалар чўкинди жинслардан ташкил топган қияликларда ҳам ҳосил бўлади. Масалан, 1964 йилда Зарафшон ва Фан дарёлари қўшиладиган жойда кўчкига ўхшаш ағдарилма содир бўлиб, дарё тўсилиб қолди, натижада тўсиқ олдида



61-расм. Отилламаларнинг ҳосил бўлиш схемаси.



62-расм. Ағдарилмаларнинг ҳосил бўлиш схемаси.

чуқур күл ҳосил бўлди. Бу ҳодиса Тожикистондаги Айний қишиғининг тела қисмида содир бўлганлиги учун адабиётларда Айний қулаши деган номни олди. Буни бартараф қилиш учун катта куч сарф қилинди.

Ағдарилмалар сунъий йўл билан ҳам ҳосил қилинади. Бундай ағдарилмалар фойдали қазилмаларни очиқ усул билан қазиб олишда вужудга келади. Масалан, Ангрендаги очиқ кўмир ҳавзасида, Олмалиқдаги темир рудаси конида ва бошқа шунга ўхшаш очиқ конларда тез-тез ағдарилиш бўлиб туради. Булар айрим пайтларда катта зарар келтиради — рудалар қазиб олишни қийинлаштиради. Тоғ жинсларининг ҳар хил катталиқдаги парчаларга бўлинниб, ўз оғирлиги таъсирида, тоғ ён бағирларининг пастки қисмига тўпланиши тўкилмалар дейилади. Улар ҳам асосан тоғли районларда учрайди. Тўкилмалар ҳам халқ ҳўжалигига катта зарар келтиради, транспорт ҳаракатига халяқит беради, баъзан транспорт ҳаракатини бутунлай тўхтатиб қўяди.

Тўкилмаларни ташкил қилувчи жинсларининг катта-кичиклиги ва таркиби ҳар хил: баъзилари фақат йирик парчалардан иборат бўлиб, баъзилари қум ва тупроқ аралашмаси билан бирга учрайди. Шунга қараб, тўкилмалар йирик, ўртача ва майдада парчали тўкилмаларга ажралади. Уларнинг ғоваклилиги ҳам ҳар хил бўлиб, ўртаси 30—40% ни ташкил этади.

Тўкилмалар тўпламишининг қалинлиги ҳар хил бўлиб, улар ҳосил бўлиш факторларига ва қияликнинг нишаблигига боғлиқ. Тўкилмалар тўпламишининг қалинлиги одатда қияликнинг юқоридан пастки қисми томон қалинлашиб бориб, бир неча ўн метрни ташкил этади.

Тўкилмалар қияликнинг қайси жойига йиғилиши ёнбағирнинг нишаблигига боғлиқ. Агар ёнбағирнинг нишаблиги катта бўлса, тўкилмалар унинг энг пастки қисмига, агар кичик бўлса, унинг ўрта қисмига тўпланади.

Сочилмалар деб ясси тоғликларда тик бўлиб чиқиб қолган қояларнинг нурашидан ҳосил бўлган тоғ жинсларининг парчаларига айтилади. Бу процесс натижасида тоғ ёнбағирларида қум, шагал ва қумли гиллардан иборат ётқизиқлар пайдо бўлади. Улар ҳосил бўлган жойида қолиши билан тўкилмалардан фарқ қиласди. Агар сочилмалар жуда нишаб қияликларда ҳосил бўлса, тўкилмаларга айланади. Сочилмалар таркибида саноат аҳамиятига эга бўлган муҳим минераллар (олтин, платина, калий, вольфрамит, магнетит ва бошқалар) бўлади. Аммо сочилмаларнинг халқ ҳўжалигига келтирадиган зарари ҳам кўп. Сочилмалар тўкилмалар сингари йўлларни тўсисб қўяди, йўл қурилиши ишларини секинлаштиради ва ҳоказо.

Сочилмаларни ташкил этувчи жинс зарраларининг грануло-метрик таркиби ва шакллари ҳар хил бўлиб, туб жинснинг таркибига боғлиқ. Агар сочилмалар қумтошларнинг емирилишидан ҳосил бўлса, уларнинг таркиби қумдан иборат бўлади, агар оҳактош ёки ундан қаттиқроқ бўлган жинсларнинг нурашидан

ҳосил бўлса, ҳар хил ҳажмли тоғ жинси парчалари ва зарраларидан ташкил топади. Сочилмадаги тоғ жинслари бўлакларининг ўлчамлари 0,1—0,5 м гача бўлади. Сочилмалар билан қопланган қияликнинг нишаблиги жуда оз бўлиб, баъзи жойларда горизонтал бўлади.

## 1. Ағдарилма ва тўкилмалар ҳосил бўлиши

Қоя тошлардан ташкил топган тоғ ёнбағирларидағи жинслар мувозанат ҳолатининг бузилиши ағдарилма ва тўкилмалар содир бўлишининг асосий сабабларидан биридир.

Силжитувчи кучни вужудга келтирадиган тоғ жинсларининг қияликдаги оғирлиги ва кўп дарзлилиги мувозанат бузилишига сабаб бўлади. Бунда айниқса физик нураш катта роль ўйнайди.

Тоғ ёнбағирларида очилиб ётган қоялардан ташкил топган жинсларда нураш ёриқлари ҳосил бўлади ва бу ёриқлар нураш процесси туфайли кенгаяди. Ёриқлар жинс парчалари ва зарралари билан тўла бошлайди. Бу эса ўз навбатида ёриқларнинг кенгайишига ва тоғ жинси мувозанатининг бузилишига олиб келади. Ағдарилма ва тўкилмалар ҳосил бўлишида ер ости сувлари ва унинг гидродинамик босими, зилзила ёки сунъий портлаш натижасида ҳосил бўлган сейсмик кучланишлар, ўйл қурилиши учун ёнбағирларни қирқиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, тоғ жинси орасидаги ёриқлар кенгайиб қулашга яқинлашганда бирдан ер силкинса, кучли ағдарилмалар ҳосил бўлади.

Ағдарилмаларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишида тектоник ёриқлар, дарзлар алоҳида роль ўйнайди. Агар тектоник ёриқларнинг йўналиши қиялик томонга бўлса, бунда жуда катта ҳаждаги ағдарилмалар ҳосил бўлади. Ағдарилмалар майда ёриқларнинг кенгайиши натижасида ҳосил бўлса, у кейинчалик тўкилмаларга айланади. Аксинча, тўкилмалар ёки сочилмалар ҳосил бўлаётган қияликларда йирик тектоник ёриқлар мавжуд бўлса, бу ёриқларнинг кенгайиши туфайли тўкилмалар ағдрилмаларга айланади.

Тоғ жинсларининг дарзлилик даражасига қараб, ағдарилма ва тўкилмалар ҳосил бўладиган жойларни В. Д. Ломтадзе (1977) тўртта категорияга ажратган:

1. Тоғ жинслари маълум даражада майдаланган, ёриқлари кўп, ҳар метрида энг ками 5 та дан 8 тагача ёриқлар мавжуд. Бундай жойларда ағдарилмалар тез-тез бўлиб, тўкилмалар ҳам учраб туради.

2. Тоғ жинслари ўртacha ёриқликка эга, ҳар метрида 2—3 та ёриқлар мавжуд. Ағдарилма ва отилмалар тез-тез бўлиб туради.

3. Тоғ жинслари кам ёриқларга эга, ҳар 2—3 метрида битта ёки иккита ёриқ учрайди. Бундай жойдаги ағдарилмалар хавфли ҳисобланади, чунки улар катта ҳажмга эга бўлади.

4. Төг жинслари ёриқларга эга эмас. Бундай жинсларда узоқ вақтгача ағдарилмалар ҳосил бўлмайди.

Төг жинсларининг ёриқларини баҳолаётганда, албатта уларнинг йўналишига аҳамият бериш керак, чунки ёриқларнинг йўналиши ағдарилмаларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Ағдарилма ва тўкилмаларнинг ҳосил бўлишида жойларнинг геоморфологик шароити, шу жумладан, ёнбағирларнинг нишаблиги ва сойлар билан қирқилганлиги, жойларнинг баланд-пастлиги ҳам катта роль ўйнайди. Кўп ағдарилмалар нишаблиги жуда тик бўлган төг ёнбағирларида ҳосил бўлади.

Ағдарилмаларнинг бузувчи кучи қулаётган жинснинг массасига ва қулаш тезлигига тўғри пропорционалдир. Бу куч, асосан қулаш тезлиги квадратини массага кўпайтмасининг ярмига тенг:

$$P = \frac{m \cdot v^2}{2},$$

бунда  $m$  — төг жинснинг массаси;  $v$  — төг жинснинг қулаш тезлиги.

Эркин тушувчи жисмнинг тезлиги шу жисм узилиб турган жойнинг Саландлигига боғлиқ, яъни  $v = \sqrt{2gH}$ , бунда  $H$  — қияликнинг баландлиги;  $g$  — эркин тушаётган жисм тезланиши.

Шундай қилиб, ағдарилмаларнинг бузувчи кучи ва хавфи унинг массасига, ағдарилма ҳосил бўлган жойнинг баландлигига ҳам боғлиқ. Унинг баландлиги қанчалик юқори бўлса, ағдарилилманинг бузувчи кучи шунча катта бўлади. Масалан, 10—12 м баландликдан тушган ағдарилмалар төг ёнбағирларидан ўтган йўлларни доимо бузиб туради.

Ағдарилмалар ҳосил бўлишида ҳозирги тектоник ҳаракатлар ҳам катта роль ўйнайди. Бу ҳаракатлардан тоғлар секин-аста ўсади, ёнбағирларнинг нишаблиги ортади. Бундан ташқари ҳозирги тектоник ҳаракатлар зилзилаларни вужудга келтиради. Бу ўз навбатида ағдарилмаларга сабаб бўлади.

Ағдарилма ва тўкилмалар ҳосил бўлишига регионал факторлардан ташқари, қияликнинг ўзида содир бўладиган факторлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, қияликлар устининг яланочланиб қолиши натижасида, төг жинсларида физик нураш процесси кучайиб кетади. Бу эса ўз навбатида төг жинсларида дарзларни кўпайтиради. Айниқса бундай ҳодисалар тоғлиқ районларда автомобиль йўлларни қуришда, тунеллар ўткизишда ва фойдали қазилмаларни очиқ усул билан қазиб олишда содир бўлади.

Шундай қилиб, ағдарилма ва тўкилмалар ҳосил бўлишига кўйидаги факторлар таъсир кўрсатади: 1) жойнинг иқлими ва нураш процесси; 2) жойнинг геоморфологик тузилиши ва нишаблик даражаси; 3) төг жинсларининг физик-механик хусусиятлари, нураганлик даражаси, дарзилиги; 4) ҳозирги тектоник ҳаракатлар; 5) жойнинг сейсмоактивлиги; 6) инсоннинг инженерлик фаолияти.

## 2. Ағдарилма ва тўкилмалар классификацияси

Юқорида айтилганидек, ағдарилмалар ҳаракатланиш ҳолатига қараб ҳақиқий ағдарилма ва отилмаларга бўлинади. Бундан ташқари ағдарилмалар қулаб тушаётган жинсларнинг таркибига қараб қўйидаги турларга ажралади;

1. Тошли ағдарилмалар. Булар ўз навбатида ағдарилиб тушаётган тошларнинг ҳажмига кўра: а) катта (бир неча м<sup>3</sup> дан бир неча минг м<sup>3</sup>); б) кичик (150—200 м<sup>3</sup> гача); в) майда (алоҳида тош парчалари) ағдарилмалар дейилади.

2. Гилли, қумтошли, шағалли ағдарилмалар.

3. Аралаш жинсли ағдарилмалар.

Тўкилмалар ҳам таркиби ва ҳаракатига қараб бир неча турларга бўлинади (27, 28- жадваллар).

27- жадвал

Тўкилмаларнинг таркибига кўра турлари

Турлар	Ағдарилаётган бўлаклар шакли ва ҳажми	Ағдарилиб тушаётган жинсларнинг петроографик таркиби	Таркибининг асосий қисмини ташкил этувчи тор жинси бўлакларининг катталиги (мм)	Үртacha нишаблик бурчаги α
A.	Харсангошли, йирик парчали	Яхши кристалланган, массив ҳолдаги жинслар	100 дан ортиқ	37°
B.	Үртacha йирикликтаги парчалар ва ўткир қиррални тошлар	Отқинди ва чўкинди жинслар	200—100	35°
B.	Ўткир қиррални кичик тош парчалари ва бўлаклари	Кучли нураган жинслар	2—20	32°
G.	Ҳар хил катталикдаги, ясси пластинка формасидаги жинс бўлаклари ва парчалари	Сланецлар чўкинди жинслар	—	30°

28- жадвал

Тўкилмаларнинг ҳаракатланиш даражасига кўра турлари

Турлар	Тўкилмалар характеристикаси	Ҳаракатланиш коэффициенти «K»
I.	Ҳаракатдаги — «жонли» тўкилмалар	1,0
II.	Тўхташ белгилари йўқ, етарли ҳаракатдаги тўкилмалар	0,7—1,0

II.	Кейинчалик тўхтаб қолиш белгиларига эга бўлган озиқланиш манбай кучсиз, секин ҳаракатдаги тўкилмалар	0,5—0,7
IV	Ҳаракатдан тўхтаган тўкилмалар	<0,5

Тўкилмаларнинг қиялика ётган нишаблик бурчаги  $\alpha$  ни шу тўкилмаларнинг табиий нишаблик бурчаги  $\varphi$  га нисбатан, ҳаракатланиш коэффициенти ва  $K$  билан белгиланади:


$$K = \frac{\alpha}{\varphi},$$

бунинг қиймати 0 билан 1 орасида ўзгаради;  $K > 1$  бўлса, тўкилмалар ҳаракатланувчан деб ҳисобланади.

Тўкилмаларнинг табиий нишаблик бурчаги  $\varphi$  далада маҳсус асоблар ёрдамида аниқланади.

### 3. Отилмалар ва ағдарилилмаларнинг ҳосил бўлиши

Маълумки, қиялика ётган ҳар бир тоғ жинсига силжитувчи куч ва бу кучга тескари қаршилик кучи таъсири қиласди. Қаршилик кучига нисбатан силжитувчи кучнинг ортиб кетиши натижасида қияликларда отилмалар ва ағдарилилмалар ҳосил бўлади 63-расмда (В. Д. Ломтадзе бўйича) отилмалар схемаси тасвирланган. Отилманинг хавфлилиги, тушган жойидаги нарсаларни бузиши биринчидан унинг баландликдан узилиб тушганлигига, йўлда бирор нарсага урилган ёки урилмаганлигига боғлиқ. Агар отилма қияликнинг бирор ерига урилмай тушса, тезлиги катта бўлиб, кучли бузувчи характеристида бўлади; агар отилма расмда кўрсатилганидек, қияликнинг туртиб чиқсан жойига урилиб тушса, унинг тезлиги камайиб бузувчанилиги камроқ бўлади. Отилмаларнинг хавфлилигини баҳолашда уларнинг ҳаракатланиш механизмини ўрганиш лозим. Отилиб тушаётган отилма массаси қияликнинг қандай жойига тушиши ва отилиш масофаси ҳам қияликнинг баландлигига боғлиқ. Агар қиялик тик бўлса, унинг тепасидан узилиб ва отилиб тушган масса қияликнинг тагига тушади. Отқинди жинслардан ташкил топган кўп қияликларнинг нишаблик бурчаги  $50^{\circ}$ — $80^{\circ}$  бўлади. Уларнинг баландлиги  $H$  ва ташқи тузилиши тур-



63-расм. Тоғ жинси бўлакларининг кўп қияликларнинг нишаблик бурчаги  $50^{\circ}$ — $80^{\circ}$  бўлади. Уларнинг баландлиги  $H$  ва ташқи тузилиши тур-

лича бўлиб, кўп ҳолларда бир неча туртиб чиққан жойлари бўлади. Қиялик тепасидан отилиб тушаётган масса қияликнинг туртиб чиққан жойларига урилиб, бир қанча бўлакларга бўлиниб пастга тушади.

Отилмаларнинг қандай узоқликка тушишини Е. К. Гречишев (1951) қўйидаги формула орқали аниқлашни тавсия этади:

$$x_t = \sin\beta (H - y) \left( \sqrt{\cos^2\beta + \frac{y}{H-y}} - \cos\beta \right),$$

бунда:  $H$  — отилма узилиб чиққан жойнинг баландлиги;  $y$  — қияликнинг туртиб чиққан жойигача бўлган баландлик;  $\beta$  — отилма траекторияси билан туртиб чиққан жой оралиғидаги бурчак;  $x_t$  — отилма тушган жой билан қиялик орасидаги масофа.

Бу формула орқали отилмаларнинг хавф туғдирувчи зонаси аниқланади, яъни уларнинг қайси жойга тушиши олдиндан белгиланади, Аммо бу формула анча куч талаб қиласди. Шу сабабли кўп ҳолларда отилмаларнинг қандай узоқликка отилиб тушиши қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$x_t = \frac{\alpha + 45}{456} \cdot H.$$

Бу формулага биноан отилмаларнинг қандай узоқликка тушиши қияликнинг нишаблиги  $\alpha$  га ва баландлиги  $H$  га боғлиқ.

Отилмаларни қияликнинг энг пастки қисмидан неча метр узоқликка тушиши, яъни  $x_t$  нинг миқдори қияликнинг нишаблиги ва баландлигига боғлиқ бўлади. Энди ағдарилмаларнинг қандай масофага тушишини кўриб чиқамиз.

29- жадвал

Қияликнинг нишаблиги	Қияликнинг баландлиги, м				
	12	20	30	40	50
90	3,5	6,0	12,0	12,0	15,0
80	3,5	5,5	8,0	11,0	14,6
70	3,0	5,0	7,5	10,0	13,0
60	2,5	4,5	7,0	9,0	12,0
50	2,5	4,0	6,5	8,5	11,0
40	2,5	4,0	6,0	8,0	10,0

Ағдарилмаларда тоғ жинси массаси юқорида айтганимиздек ёнбагирликда маълум масофагача думалаб бориб, қияликнинг тик жойига келганда пастга қараб отилиб тушади. Отилиб тушган массанинг қиялик асосидан қанча узоқликка тушиши, яъни  $x_t$  нинг миқдори ёнбагирликда думалаётган массанинг тезлигига боғлиқ. Тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики, думалаётган массанинг тезлиги аввал жуда кичик бўлиб, тобора катталашади. Думалаётган масса тезлигининг ортиши унинг катталигига, щаклига, ёнбагирнинг нишаблик

даражасига ва жойнинг текислигига, ҳар хил тўсиқларнинг оз-кўплигига боғлиқ. Думалаётган массанинг шакли қанчалик думалоқ бўлиб, ҳаракат йўлида тўсиқлар кам ва нишаблик қанча бўлса, унинг тезлиги шунча юқори бўлади.

Ағдарилиб тушаётган массанинг тезлиги думалаётган массанинг оз-кўплигига боғлиқ. Агар ҳар хил ҳажмдаги бир қанча тоғ жинси массалари ёнбағирлик бўйлаб думаласа, улар бир-бирига урилиб думалайди, натижада тезлиги камаяди.

Ағдарилмаларнинг тезлигига ёнбағирнинг рельефи катта таъсир кўрсатади. Агар ёнбағирда ўнқир-чўнқир жойлар ёки туртиб чиқсан баландликлар кўп бўлса, думалаб тушаётган массанинг тезлиги бирдан камаяди ва, аксинча, ёнбағир текис бўлиб, нишаблиги юқори бўлса, тезлиги борган сари ортиб боради. Бундан ташқари ағдарилмаларнинг тезлигига массанинг қаттиқлиги ҳам таъсир кўрсатади. Унча қаттиқ бўлмаган жинслар думалаш пайтида майдаланиб кетади, қаттиқлиги юқори бўлган жинслар кўп майдаланмай ағдарилади.


Ағдарилманинг қиялик асосидан қанча масофага отилиб тушиши, яъни  $x_t$  нинг миқдори ёнбағирликдан думалаётган массанинг сакраш нуқтасига боғлиқ. Агар ёнбағирликда сакраб тушаётган массанинг охирги сакраш нуқтаси қияликнинг тик қисми бошланган жойига тўғри келса,  $x_t$  масофанинг узунлиги максимал қийматга эга бўлади (64- расм).

Шундай қилиб, отилмаларнинг отилиш узоқлиги қияликнинг баландлиги ва нишаблигига боғлиқ бўлса, ағдарилмаларнинг отилиш масофаси уларнинг бошланғич тезлигига боғлиқ. Отилмаларда бошланғич тезлик 0-га teng, ағдарилмаларда эса бошланғич тезлик юқорида қайд этилган факторларга (массанинг думалоқлигига, ҳажмига, ёнбағирнинг рельефи ва ҳоказоларга) боғлиқ.

Ағдарилмаларнинг отилиш узоқлиги ( $x_t$ ) қўйнадаги формула орқали аниқланади (Е. К. Грешишев (1951)):

$$x_t = \frac{v^2 \sin^2 \beta}{g} \left( \sqrt{\cos^2 \beta - \frac{2 \tau H}{v^2}} - \cos \beta \right)$$

Бу формула, асосан тикроқ қияликларда ҳосил бўлган ағдарилмаларнинг отилиш масофасини аниқлашда қўлланади. Агар ёнбағирнинг нишаблиги оз бўлса,  $x_t$  нинг қиймати қўйидаги формула орқали аниқланади:



64-расм. Тоғ жинси бўлаклари нинг ағдарилмаларда кузатиладиган силжиш схемаси.

$$x_t = \frac{v^2 \cdot \sin \beta}{g} \left( \sqrt{\cos^2 \beta - \frac{2gH}{v^2}} - \cos \beta \right) - H \operatorname{ctg} \alpha$$

Формулалардан шу нарса маълумки, отилиш узоқлигини топиш учун қиялик баландлигини ( $H$ ), отилиш бурчагини ( $\beta$ ), қиялик нишаблигини ( $\alpha$ ), массанинг эркин тушиш тезланишини ( $g$ ) ва ағдарилиш тезлигини ( $v^2$ ) аниқлаш лозим.

Отилиш бурчаги Е. К. Гречишев (1951) тавсия этган қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\beta = 90 - \frac{\alpha_0}{2},$$

бунда  $\alpha_0$  — қияликнинг тик бўлмаган ётиқроқ қисмининг нишаблик бурчаги.

Ағдарилаётган массанинг бошланғич тезлиги  $v$  ни бу ҳодиса содир бўлаётганда аниқлаш жуда қийин, чунки бу тезликнинг миқдори бир қанча факторларга боғлиқ. Шунинг учун  $v$  ҳисоблаш орқали аниқланади. Маълумки, масса ёнбағирликдан думалаб ағдарилаётганда қаршиликларга дуч келади. Шунга кўра бу тезлик қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$v = \frac{\sqrt{2gH}}{\kappa}$$

бунда  $\kappa$  — массанинг сакраб, думалаб тушишига қаршилик кўрсатувчи коэффициент; бу коэффициент жинс қияликнинг тик қисмигача сакраб думалаб тушган вақтнинг шу массани эркин тушиши учун кетган вақтга нисбатига тенг. Шу массанинг эркин тушиши учун кетган вақт  $t$  назарий йўл билан ҳисобланади, яъни  $t = \sqrt{2gH}$ .

Тажрибалар бу коэффициентнинг, яъни  $\kappa$  нинг миқдори 2,75 билан 4,25 орасида бўлади. Агар қияликнинг тик қисмигача бўлган масофанинг тузилиши мураккаб: бир жойи тикроқ, бошқа жойи ётиқроқ, ўнқир-чўнқир ҳамда текис бўлса, унда ёнбағир маълум блокларга бўлинади ва ҳар бир блок учун қаршилик коэффициенти  $\kappa$  аниқланади,  $v$  ни топишда унинг ўртacha қиймати олинади.

#### 4. Ағдарилма ва тўкилмаларга қарши кураш.

Ағдарилма ва тўкилмаларни ўрганиш учун маҳсус инженер-ли-геологик ишлар олиб борилади. Жойларнинг иқлими, геологик ва геоморфологик тузилиши, бу ҳодисаларни ҳосил қилувчи асосий факторлар диққат билан ўрганилади.

Ағдарилма ва тўкилмалар инженерлик-геологик нуқтаи назардан ўрганилганда, улар содир бўладиган жой узилиш, озиқланиш, ҳаракатланиш, транзит, ётқизилиш ёки йигилиш зоналарига ажратилади ва ҳар бир зонага характеристика берилади.

Узилиш зонасида катта ҳажмдаги тоғ жинси қияликдан узилиб тушиб, ағдарилмалар ҳосил бўлса, озиқланиш зонасида ну-

раган жинслардан кичик-кичик төр жинси парчалари узилиб тушиб, түкилмалар ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган ағдарилма ва түкилмалар маълум масофагача ҳаракатланиб бориб қияликнинг қуий қисмида тўпланади. Узилиш ва озиқланиш зоналарини ўрганишда қиялик баландлиги, генетик типи, ёши, геологик тузилиши, қатламларнинг ётиш шароити, төр жинсларининг дарзлилиги, нураганлик даражаси, нишаблик бурчаги, ўсимлик дунёси аниқланади ва маҳсус журналга ёзилади.

Транзит зонасини ўрганишда қияликнинг узунлиги, баландлиги, нишаблиги, төр жинсларининг таркиби ва ётиш шароитлари, жойнинг геоморфологик тузилиши, ағдарилма ва түкилмалар ҳаракатига қаршилик қилувчи тўсиқларнинг тури, ёнбағирни қоплаган ўсимлик дунёси ҳисобга олинади.

Йиғилиш зонасини ўрганишда водийнинг ўзани ва уни ташкил этувчи төр жинслари, зонадаги мавжуд иншоотлар, уларга ағдарилма ва түкилмаларнинг қандай таъсир қилиши аниқланади.

Ағдарилма ва түкилмаларни ўрганишда бундай ҳодисалар илғари қаҷон бўлгани, уларнинг ҳажми, ҳаракат тезлиги ва сабабларини кам билиш лозим. Агар бу ҳақда маълумотлар кам бўлса, шу ерли аҳолидан ағдарилма ва түкилмалар ҳақида сўраш шарт. Агар ағдарилма ва түкилмалардан сақланиш учун ҳар хил қурилмалар қурилган бўлса, уларни ҳозирги ҳолати, қурилган йили ва қандай эфект берадиганлиги аниқланади. Ағдарилма ва отилмаларни ўрганиб, уларнинг хавфлилик коэффициенти  $K_y$  аниқланади:

$$K_y = \frac{x_\Phi}{x_t},$$


буンда  $x_\Phi$  — йўлни ёки бошқа иншоотни отилиб тушаётган массадан сақлаб қолиш учун белгиланган майдоннинг кенглиги;  $x_t$  — ағдарилма ва отилмаларнинг назарий йўли, яъни формула билан аниқланган отилиш масофаси.

Агар  $K_y > 1$  бўлса, ағдарилма ва отилмалар унча хавфли бўлмайди, яъни отилиб тушган масса йўл ёқасидан анча узоқда бўлади;  $K_y < 1$  бўлса, ағдарилма ва отилма хавфли ҳисобланади.

Ағдарилма ва түкилмаларнинг олдини олиш ва уларга қарши чора қўриш жуда кўп куч ва маблағ талаб этади.

Ағдарилмаларга қарши қўриладиган чоралардан бири төр жинсларини цементлашdir. Масалан, қияликдаги төр жинсларининг ёриқларини йўқотиш ва уни мустаҳкамлаш учун цементдан тайёрланган қоришма билан ёриқлар тўлдирилади. Шунда төр жинсларининг қаттиқлиги ва жипслиги ошади.

Бундан ташқари ағдарилмаларнинг йўлларга ва йўл ёқасидаги иморатларга таъсирини йўқотиш учун уларни ушлаб қолувчи деворлар ва ҳаракатланиш зонасида кучини қирқувчи ҳар хил тўсиқлар қурилади. Бу тўсиқлар ёнбағирнинг рельефига қараб турлича бўлади (65, 66, 67, 68, 69-расмлар). Ағдарилма ва отилмалар бўлиб турадиган районларда қуйидаги ишлар бажарилади:



65-расм. Ёнбағирдан ағдарилаётган төг жинси бүлакларини қияликнинг қуий қисмидаги тутиб қолувчи деворлар (Н. М. Ройнишвилидан):


1—түсиçклар; 2—тутқıçclar.

1) ағдарилма бўлиб турадиган қияликлар доим кузатиб турилади ва ҳавфли участкалар аниқлаб борилади;

2) ағдарилма бўлиши кутилган участка назорат остига олинади ва ағдарилма ҳосил бўлганда тезлик билан тегишли жойга хабар берилади;


3) ағдарилма ҳосил бўлишини билдирадиган автоматик сигналлар (нур бериш ёки овоз чиқариш йўли билан) ташкил қилинади;

4) ағдарилишга тайёр бўлиб турган төг жинси массаларини ағдариб юбориш учун қояга чиқувчилар бригадаси уюштирилади. Улар ағдарилий деб турган қояларни юмалатиб юборади-



66-расм. Қияликнинг қуий қисмидаги тутувчи девор.

67-расм. Ағдарилаётган төг жинси бүлакларини тутиб қолувчи дўнгликлар, хандақлар ва деворлар.




68-расм. Ағдарилмаларнинг ҳаракат тезлигини камайтирувчи түсиқли қозиқлар—1, хандақлар—2, дүнгликлар—3.

4) тўкилмалар тез-тез бўлиб турадиган ёнбағирдаги йўллар устига сим тўрдан томлар қуриш. Вақти-вақти билан бу томлар тоғ жинси парчаларидан тозалаб туриласди;

5) тўкилмалар тўпланадиган жой ер усти ва ер ости сувларидан муҳофаза қилинади, чунки сувга тўйинган ёки намланган тўкилмалар қиялик бўлиб бирданига кўчиб тушиши мумкин.

## XV БОБ. ҚУЧКИЛАР

Денгиз, қўл ва дарё қирғоқларидағи, шунингдек, тоғ ёнбағирларидаги тоғ жинсларининг ўз оғирлиги билан қиялик бўйлаб маълум бир юза бўйича сурилиб ёки сирғаниб тушишига



69-расм. Йўлларни ағдарилмалардан сақлаш учун ёнбағирнинг қўйиқисмига қуриладиган галерей схемаси.

лар ва қияликни ағдарилилган жинслардан тозалайдилар;

5) ағдарилилмаларга қарши қурилмаларнинг нормал ишлаши кузатиб туриласди ва вақти-вақти билан уларни ремонт қилинади.

Тўкилмаларга қарши кураш ағдарилилмаларга қарши курашга нисбатан бирмунча қулай. Бу чоралар асосан қўйидагилардан иборат:

1) қияликларни тўкилмалардан тозалаб туриш;

2) тўкилмалар йиғилиб қолган жойларни текислаш;

3) қиялик устига тўкилмаларни ушлаб қолувчи ҳархил түсиқлар қуриш;

кўчки деб аталади. Бу ҳодиса геологик процесс бўлиб, тоғ жинсларининг мустаҳкамлиги бузилиши, яъни ёнбағирдаги тоғ жинсларининг табиий факторлар таъсирида ўз мувозанат ҳолатини йўқотиши сабабли рўй беради.

Кўчки ҳодисаси ер шарининг деярли ҳамма жойида тарқалган бўлиб, ҳалқ хўжалигига катта зарап келтиради, унга қарши нураш тадбирлари кўп маблағ талаб қиласди.

Кўчки натижасида тоғ ёнбағирлари, денгиз ва дарё қирғоқлари сой бўйлари ҳамда очиқ усул билан фойдали қазилмалар олинаётган каръерларнинг чеккалари, ер юзасининг рельефи бузилади, текис қиялик ўрнига ўнқир-чўнқир ёки тик ёнбағирлар вужудга келади, натижада йил сайин жойларнинг рельефи ўзгариб боради.

Кўчкилар ҳажми, ҳосил бўлиш шароити, ҳаракат тезлигига қараб турлича бўлади. Баъзи кўчкилар натижасида катта қишлоқлар кўчиб тушган жинслар орасида кўмилиб кетади. Баъзан эса, кўчки шундай тезликда ҳаракат қиласди, ундан одамлар ҳам қочиб улгура олмайди. Масалан, Оқсоқотада бўлган кўчкида сурилиб тушган тоғ жинслари массаси бир зумда сойнинг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғига ўтиб кетган.

Кўчкида сурилиб тушадиган тоғ жинсларининг турлари ва таркиби ҳар хил: баъзи кўчкиларда улар яхлит оҳактош, қумтошдан иборат бўлса, баъзиларида эса бўшоқ лёссимон ва гилли жинслардан иборат бўлади. Масалан, Узбекистон областларида учрайдиган кўчкиларда кўпинча лёссимон жинслар сурилиб тушади, чунки кўчки тез-тез бўлиб турадиган ёнбағирларнинг кўп қисми ана шу жинслардан иборат. Кўчкиларнинг баъзилари тоғлик районларда — абсолют баландлиги 1000 м ва ундан ортиқ жойларда, баъзилари эса абсолют баландлиги 30—40 м жойларда (денгиз қирғоқлари) ҳамда дарё бўйларида вужудга келади.

Кўчкиларнинг тарқалиши ҳам бир текис бўлмай, баъзи жойларда жуда зич, бир-бирига уланиб кетган, баъзи жойларда бир-биридан узоқ-узоқ масофада учрайди.

Кўчки содир бўладиган жойлар мустаҳкамлик даражасига қараб турлича: баъзан кўчки содир бўлиши билан жойнинг мувозанат ҳолати бузилиб ва ўша ерда тез-тез кўчки содир бўлади, баъзи жойларда эса аксинча, кўчки вужудга келгандан кейин, жойнинг мустаҳкамлиги ортиб, анча вақтгача кўчкилар бўлмайди.

Кўчки ҳодисаси СССР да Қора дengiz бўйидаги Сочи, Ялта, Одесса шаҳарларида, Днепр, Волга, Ока, Дон ва бошқа дарёларнинг баланд қирғоқларида, Ўрта Осиёнинг тоғлиқ районларида тез-тез бўлиб туради. Кейинги 15 йил ичida Узбекистоннинг кон саноати ривожланган Оҳангарон, Олмалиқ, Олтинтопган районларида, Юқори Чирчиқ районидаги Хумсон, Богоистон, Хўжакент, Чиборгота ва бошқа қишлоқларда, Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг тоғлиқ районларида кучли кўчки ҳодисалари рўй бермоқда.

Күчки халқ хўжалигига зарар келтириш билан бирга жойларнинг инженерлик-геологик шароитини ҳам ўзгартиради. Кўччи натижасида тоғ ёнбафирлари ўйилиб, очилиб қолади, агар бу жойларда ер ости суви горизонтлари бўлса, очилиб қолган ёнбафирларда ер юзига чиқиб, ёнбафирнинг намланишига, шу райондаги ер ости сувлари сатҳининг пасайишига сабаб бўлади. Баъзан бунинг тескариси бўлади. Яъни ёнбафирларда ер ости сувлари сузуб чиқаётган жойлар кўччи ётқизиқлари билан қопланиб, ер ости сувларининг ер юзига чиқадиган жойи беркилиб қолади ва уларнинг сарфи камайиб, сатҳи кўтарилиб, режими ўзгарамади.

Кўччи ҳодисалари ёнбафирларда бошқа ҳодисаларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, кўччи ётқизиқлари сел оқимига қўшилиб, унинг ҳажмини бирданнiga кўпайтириб юборади, дарёларга тушиб, унинг сувини лойқалантиради.

Шундай қилиб, кўччи ҳодисаси қатор салбий оқибатларга олиб боради, вайронгарчиликларга сабаб бўлади. Шунинг учун бу ҳодисани ўрганиш ва унинг олдини олиш катта аҳамиятга эга.


## 1. Кўчкилар морфологияси

Кўчкилар морфологияси деганда уларнинг ички ва ташқи тузилишини тушунамиз. Кўччи маълум участкага, чегарага ва шаклга эга. Кўчиб тушган масса кўччи ётқизиғини ҳосил қиласди. Кўччи ётқизиқларининг шакли ва ички тузилиши турличадир. Баъзи кўччи ётқизиқлари бутунлай майдаланган ёки бўлакларга ажралган, аралашган бўлса, баъзилари унча майдаланмаган катта-катта блоклардан иборат бўлади.

Кўчиб тушаётган жинснинг ҳажми ҳар хил бўлиб, бир неча куб метрдан бир неча миллион куб метргача бўлади.

Кўчкининг кўчиш юзаси, ўйими, базиси, террасаси, узилиш девори ва танаси, тили деб аталувчи элементлари бўлади.

Кўчиш юзаси ёки сурилиш чизиги деб, кўчаётган массанинг маълум бир юза бўйича ҳаракати траекториясига айтилади (70- расм). Кўчиш юзасининг шакли, кўпинча, тўлқинсимон, ёйсимон, текис тўғри чизиқ шаклида бўлади.



70-расм. Кўчкининг асосий морфологик элементлари (тузилиши):

1—кўчиш базисининг қиялик (нишаблик) чизигига мос келган ҳолати; 2—кўчиш базисининг қиялик чизигига мос келмаган ҳолати.

Кўчкида кўчки юзаси битта, иккита, учта ва ундан ҳам кўп бўлиб, кўчкининг тузилишини, структурасини ва мураккаблигини билдиради. Баъзан кўчиш юзасини емирилиш юзаси ҳам дейилади. Кўчиш юзаси бир нечта бўлса, кўчкининг ички тузилиши мураккаб бўлади, унинг бир қисми маълум бир юза бўйича ҳаракатланса, иккинчи қисми бошқа юза бўйича сурилади.

Кўчиш юзасининг шакли тоғ жинси таркибига, жойнинг геоморфологик тузилишига ва кўчкининг турига боғлиқ. Агар кўчки ҳосил бўлган ёнбағир ёки қирғоқ бир хил жинслардан иборат бўлса, кўчиш юзаси кўпинча доира (ёйсимон) шаклда бўлади, аксинча ёнбағирлик турли жинслардан ташкил топган бўлса, кўчиш юзаси тўлқинсимон ёки тўғри чизиқ кўринишида бўлади. Баъзан кўчкининг бир қисмida кўчиш чизифи ёйсимон, бошқа қисмida тўлқинсимон ёки бироз эгилган бўлиши мумкин.

Тузилиши мураккаб жинсларда туб жинснинг юзаси ёки кучли нурашга учраган қатламнинг пастки чегараси, гил, аргиллит, мергель каби юмшоқ жинс қатламчалари, ёриқлар системаси, майдаланган тектоник ва музлаган зона кўчиш юзаси бўлиб хизмат қиласиди.

Кўчиш юзасини ёнбағирнинг пастки қисмидан ер юзига чиққан жойига кўчкининг таги (асоси), юқори қисмидан чиққан жойини эса кўчкининг чўққиси дейилади. Кўчиш юзаси ер юзига яқин, бироз чуқурроқ ва анча чуқурда ётиши мумкин. Шунга кўра кўчкиларнинг ҳажми ҳам турлича бўлади. Агар кўчиш юзаси ер юзига яқин бўлса, фақат ер юзининг энг устки қисми кўчади, бошқача айтганда, ернинг тупроқ қатлами делювиал жинс устидан ёки тупроқ ва делювиал қатлам биргаликда эллювиал қатлам устидан кўчиши мумкин.


Йирик ва катта кўчкиларда кўчиш юзаси баъзан жуда чуқурдан ўтади. Кўчиш юзасининг чуқурлигига қараб кўчкилар юзаки, майда, чуқур ва жуда чуқур кўчкиларга бўлинади.

Кўчки юзасининг оз-кўплигига қараб кўчаётган масса яхлит бир бутун ёки айрим-айрим бўлаклардан иборат бўлиши мумкин. Агар кўчаётган масса айрим-айрим йирик бўлаклардан иборат бўлса, кўчиб тушаётган умумий массанинг юзаси пофонасимон бўлиб, пофонасимон сурлишлар ҳосил бўлади.

Кўчиш юзаси атрофларидаги жинслarda кўчиш зonasи ҳосил бўлади. Кўчиш зonasида жинсларнинг физик-механик хоссалари кескин ўзгаради. Масалан, кўчаётган жинснинг ғоваклилиги юқори бўлса, кўчини зonasида у зичланиб ғоваклилиги камаяди ва, аксинча, ғоваклилиги паст бўлса, кўчиш зonasида унинг ғоваклилиги ошади.

Кўчки ўйими деб ёнбағирда ҳосил бўлган катта чуқурликларга айтилади. Айрим ёнбағирларда кўчки ҳодисаларининг ҳар йили содир бўлиши натижасида қияликда бир қатор кўчки ўйимлари ҳосил бўлади, ўйимларни бир-биридан ажратиб турган жойларни кўчки айрғичлари деб аталади.

Кўчки ўйимининг шакли ва чуқурлиги турлича бўлиб, кўчкининг турига, ҳосил бўлиш шароитига ва жойнинг геоморфо-



71-расм. Күчкilorнинг планда ифодаланиши:

*B*—күчкининг кенглиги (энни); *L*—күчкининг узунлиги (бўйи) *a*—энни бўйига тенг бўлган цирксимон кўчки; *b*—энни бўйидан бир неча марта кичик кўчки; *c*—бўйи эннидан бир неча марта кичик оқимсимон кўчки.

логик тузилишига боғлиқ. Катта кўчиларда кўчки ўйими доира ёки бироз чўзиқроқ шаклда бўлади.

Кўчки ўйимининг кўчки ҳаракати йўналишига перпендикуляр икки томони кўчкининг ён фронтлари (томонлари) деб, бу фронтлар орасидаги масофа кўчкининг кенглиги, кўчки узилиб тушган жойидан бошлаб тўхтаган жойигача бўлган масофа кўчкининг узунлиги дейилади. Баъзи кўчиларнинг эни бўйидан узун бўлади. (71-расм).

Кўчки базиси деб, кўчиш юзасининг қиялик чизиги билан кесишган жойига айтилади.

Кўчки базиси қияликнинг чизигига баравар, ундан баландда ёки пастда бўлиши мумкин. Агар кўчки базиси қиялик чизигидан пастда жойлашса, кўчки натижасида ёнбаирнинг энг пастки қисми кўпчиганга ўхшаб юқорига кўтарила бошлайди. Бундай жойлар кўчкининг ўсиш зонаси деб аталади. Бир қияликда бир неча марта кўчки бўлса, уларнинг кўчиш базислари хилмаяхил бўлади. Бундай кўчилар кўп ярусли кўчилар дейилади. Кўчиш натижасида ҳосил бўлган ва поғонасимон супачалардан иборат майдонлар кўчки террасалари дейилади.

Кўчиш ёки узилиш девори деб кўчки юз бергандан сўнг, кўчиш юзасининг очилиб қолган қисмини айтилади. Кўчиш деворларининг баландлиги бир неча метрдан бир неча ўн метргача бўлиб, узунлиги бир неча ўн метрдан юз метргача ва ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Оҳангарон водийсидаги баъзи кўчилар кўчиш деворларининг баландлиги 30—40 м бўлиб, узунлиги 600—700 метрга боради.

Қиялик бўйлаб кўчиб тушаётган массани кўчки танаси деб аталади. Кўчган массанинг катталиги кўчиш деворининг чегараси билан белгиланади. Кўчки танасининг ҳажми ҳар хил бўлиб, кўчки бўлган жойининг кенглигига ва кўчган массанинг қалинлигига боғлиқ. Кўчки танасининг ҳажми баъзан бир неча миллион куб метрни ташкил этади.

Кўчидан тушган массанинг энг олдинги қисми кўчки тили де-йилади.

Кўчки танаси устида ва кўчиш деворлари атрофида ҳосил бўлган ёриқлар кўчки ёриқлари деб аталади. Кўчки ёриқларининг кенглиги, чуқурлиги ва узунлиги ҳар хил, кенглиги 1—2 м, чуқурлиги 5—7 м, узунлиги 15—20 м ва ундан ортиқ бўлади.


Шундай қилиб, кўкиларнинг морфологик тузилиши ҳар хил: баъзилари узоқ ва яқиндан кўзга яққол кўринадиган, ҳамма морфологик элементлари бир-биридан яхши ажралган бўлса, баъзиларида бунинг акси бўлади. Кўчки элементларининг кўзга кўриниши уларнинг ўшига, ривожланиш босқичига, динамик активлигига боғлиқ.

## 2. Кўкиларнинг ички тузилиши

Кўкилар ёнбағирларнинг устки кўриниши қиёфасини ва ички қисмини ҳам ўзгартиради, натижада маълум тузилишга, структурага эга бўлган кўкилар ҳосил бўлади. Уларнинг ички тузилиши жойнинг геологик ва геоморфологик тузилишига, кўчиш юзасининг шаклида ва кўчкини ҳосил қилувчи факторларга боғлиқ.


Жойларнинг геологик тузилишига кўра кўкиларнинг таркиби бир хил тоғ жинсларидан иборат бўлиши мумкин. Бундай ҳолда кўчиш юзаси ярим доира шаклида бўлиб, таркиби бир хил тоғ жинси орасидан ўтади (72-расм). Бундай кўкиларда кўчаётган массанинг структураси унча бузилмаган, кўпинча яхлит бўлади; кўчки ҳосил бўлмасдан илгари ёнбағирда битта ёки бир неча йирик ёриқлар ҳосил бўлади ва кейинчалик кўчадиган ер массаси ана шу ёриқларнинг бири бўйлаб узилиб, қиялик томон ҳаракат қиласи. Натижада ёнбағир устида ҳар хил кўринишдаги кўчки танаси ҳосил бўлади. Баъзан бу кўчки танасининг устки қисмida кўчки танасининг ҳаракати йўналишига перпендикуляр ёриқлар ҳосил бўлади. Бундай кўкиларнинг юқори қисмидаги узилиш деворига қараб, улардаги кўчиш юзасининг шаклини аниқлаш мумкин, аммо уларнинг устки ва пастки қисмida эса кўчиш юзасини аниқлаш анча қийин бўлади. Тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики, кўчиш зонасида тоғ жинсининг намлиги жуда юқори бўлиб, уларнинг структураси бу зонада анча ўзгарган бўлади; ана шу белгиларга қараб кўчиш юзаси ва унинг қандай чуқурликда ётиши аниқланади.

Кўкилар таркиби турлича бўлган жинслардан ташкил топган ёнбағирларда денгиз ва дарё соҳилларида ҳам вужудга келади. Бундай кўкиларда кўчки юзасининг шакли ёнбағирнинг геологик тузилишига ва қатламларининг ётиш ҳолатига боғлиқ бўлади; бунда кўчаётган тоғ жинси яхлит бир катта бўлак ёки қуюқ масса ҳолида бир қатлам иккинчи қатлам устида силжиши кўринишида содир бўлади (73-расм), Баъзи ҳолларда икки қатлам орасида ёпишқоқлик кучи камайиб кучсизланиб қолган.



72-расм. Асеквент күчкілар:

1—таркиби бир хил гилли жинсларда ға  
2—өриқлари күп қатық жинсларда содир  
бұладынган күчкілар.



73-расм. Консеквент күчкілар:

1—деллюиал жинсларнинг оңа жинс устидан  
силжиши патижасыла ға 2—ётиш чизиги қия-  
лик бүйлаб ғттан конолит ҳолдаги жинслар-  
да содир бұладынган күчкілар.


зоналар ҳосил бўлиб, бу зоналар кўчиш зонаси сифатида хизмат қиласи.

Кўчкілар горизонтал ёки бироз нишаб қатламлардан ташкіл топган ёнбағирларда ҳам кўп содир бўлади. Бундай ҳолда кўчиш юзаси қатламларнинг ётиш чизиқларини кесиб ўтади (74-расм).

Кўчкілар ички тузилишига кўра асосан 3 та: асеквент, консеквент ва инсеквент турларга бўлинади (Ф. П. Саваренский, 1937).

Асеквент кўчкілар деб бир хил таркибли тоғ жинсларидан ташкил топган қияликларда содир бўлган кўчкіларни айтилади. Буларга асосан лёссимон жинслардан ташкил топган ёнбағирлардаги кўчкілар киради. Уларнинг сурилиш юзаси, кўпинча, ёйсимон шаклда бўлади.

Консеквент кўчкілар деб, ҳар хил таркибли тоғ жинсларида ташкил топган ва қатламларнинг ётиш чизиги ёнбағир томон йўналган қияликда содир бўлган кўчкіларни айтилади. Бундай кўчкіларда деллюиал жинс билан туб жинс ўртасидаги чегара чизиги ёки иккى қатлам орасидаги чегара чизиги кўчиш юзаси бўлиб хизмат қиласи.



74-расм. Инсеквент күчкілар.

Инсеквент кўчкилар деб ҳар хил таркибли тоғ жинсларидан ташкил топган ва қатламларининг ётиш чизиги горизонтал ҳолдаги кўчкиларни айтилади. Бундай кўчкиларда кўчиш юзаси, қатламларнинг ётиш чизигини кесиб ўтган бўлади.

### 3. Кўчки ҳосил бўлиш сабаблари

Кўчки содир бўлишининг сабабларидан бири жинслар намлигининг бирдан ошиби кетишидир.

Тоғ жинсларининг намлиги ошиби натижасида биринчидан уларнинг массаси ортади, иккинчидан зарралари орасидаги ёпишқоқлик кучи камаяди, структураси бузилади.

Ёнбағирларда ётган тоғ жинслари икки томонлама: усти атмосфера ёғинлари таъсирида намланса, таги ер ости сувлари таъсирида намланади.

Атмосфера ёғинлари Ўрта Осиёда бўладиган кўчкиларнинг асосий сабабларидир. Уч-тўрт кун тинимсиз ёқсан ёмғирдан ва тоғдаги қорларнинг эришидан ҳосил бўлган сувларнинг бир қисми қияликлар бўйлаб пастга томон тушса, бир қисми тоғ ёнбағирларидаги лёсс ва лёссимон жинсларга шимилади. Жинс намлиги ошиб, маълум қатламлар орасида кучсизланган зоналар ҳосил бўлади. Бу зонада тоғ жинсининг намлиги юқори пластиклик чегарасига яқинлашиб қолади, натижада жинсларнинг консистенцияси ўзгариб, ярим қаттиқ ҳолда пластик юмшоқ ҳолга ўтади ва қиялик бўйлаб силжийди.

Ер ости сувлари ҳам кўчкилар вужудга келишининг асосий сабабларидан биридир. Бу сувлар ёнбағирдаги жинсларга икки томонлама таъсир кўрсатади. Биринчидан, ер ости сувлари ёнбағирда булоқ кўринишида ер юзига чиқиб, доимо ёнбағирдаги жинсларнинг намлигини ошириб туради. Иккинчидан, қатламлар орасида сувли қатлам ҳосил қилиб, бу қатлам ўз устидаги ва тагидаги қатламнинг намлигини оширади. Бундай таъсирининг узоқ вақт давом этишидан кўчки ҳодисаси рўй беради.

Тоғ жинсларининг литологик ва минералогик таркиби ҳам кўчкиларнинг ҳосил бўлишида катта роль ўйнайди.

Таркибда монтмориллонит ва каолинит минераллари кўп бўлган гиллар, лёссимон жинслар, кўпинча кўчкининг асосий сабаби бўлади. Бундай жинслар сув таъсирида шиша бошлайди, уларнинг ички ишқаланиш ва ёпишқоқлик кучи бирдан камайиб кетади ва қатлам қиялик бўйлаб кўча бошлайди. Агар бу қатламлар устидаги бошқа қатламлар ётган бўлса, албаттада уларни ҳам бирга олиб тушади.

Кўчкининг сабабларидан яна бири гидростатик ва гидродинамик босимлардир. Булар таъсирида ёнбағирдаги жинсларнинг ташкил кучга мустаҳкамлиги ва чидамлилиги ўзгариб туради. Бу босимларнинг тоғ жинсига таъсири турлича: бир жойда кўп, бошқа жойда оз бўлиб, тоғ жинсининг турига, физик-механик хоссасига, таъсир этувчи кучга боғлиқдир. Ер ости ва усти сувлари тагида ётган жинс зарралари сувнинг кўтариш кучи (гидростатик куч) таъсирида бўла-


ди ва шу сабабли уларнинг оғирлиги камайиб, енгиллашади. Масалан, солиштирма массаси  $\gamma = 2,7 \text{ т/m}^3$ , ғоваклилиги  $n = 40\%$  бўлган жинс солиштирма массаси  $\gamma_b = 1 \text{ т/m}^3$  га тенг бўлган сув остида бўлганда, унинг силиштирма массаси  $\gamma_0 = 1,02 \text{ т/m}^3$  га тенг бўлади, яъни:

$$\gamma_0 = (\gamma - \gamma_b) (1 - n) = 1,7 \cdot 0,6 = 1,02 \text{ т/m}^3.$$

Демак, сувнинг кўтариш кучи таъсирида сув остидаги жинснинг оғирлиги икки мартадан зиёд камаяр экан. Масалан, дарёдаги сув сатҳи кўтарилигандан қирғоқнинг илгари сув остида бўлмаган пастки қисми энди сув остида қолади, бу жойдаги тоғ жинсига сувнинг кўтариш кучи таъсири қилиб, жинснинг оғирлиги камаяди ва у қиялик бўйлаб ўз устида ётган жинслар босимиға чидаш бера олмай дарё томон силжийди. Бундай кўчкилар кўпинча янги ишга туширилган сув омборларида вужудга келади. Тўғон қурилиши натижасида дарёдаги сувнинг сатҳи кўтарилади ва қирғоқдаги жинслар сув остида қола бошлайди.

Гидродинамик куч ер ости сувининг ҳаракат йўлига йўналган бўлиб, ёнбағирда силжитувчи кучга қўшимча бўлади, яъни бунинг ҳисобига силжитувчи кучнинг миқдори ортади (75-расм). Гидродинамик босим дарёларда сув сатҳининг бирдан пасайиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Маълумки, баъзан дарёда ер ости суви таъминлаш манбанга айланади, аммо бу узоқ вақт давом этмайди, маълум вақт ўтгандан кейин дарё сувининг сатҳи пасаяди, ер ости суви — расмда кўрсатилганидек дарё қирғоги бўйлаб ҳаракатланади ва гидродинамик босим ҳосил бўлади. Бу босимнинг миқдори дарё қирғондаги жинсларнинг сув ўтказувчанилигига боғлиқ, уларнинг сув ўтказувчанилиги қанчалик паст бўлса, гидродинамик куч шунчалик юқори бўлади. Баъзи вақтларда гидродинамик босим таъсирида ёнбағирларнинг мустаҳкамлик коэффициенти 10% гача камаяди.

Кўчкиларнинг ҳосил бўлиш сабабларидан яна бири тоғ жинси орасидаги кучланишнинг ўзгаришидир. Физикадан маълумки, ҳар бир жинс ўз оғирлиги ва атрофидаги бошқа кучлар таъсирида маълум кучланиш остида бўлади. Бу кучланишнинг ўзгариши натижасида ёнбағирдаги тоғ жинсининг мустаҳкамлиги камаяди ёки кўпайди, камайиши кўчкиларни ҳосил қиласи. Масалан, дарё ёки денгиз қирғоқларининг ювилиши натижасида кучлар мувозанати ўзгариб, қирғоқнинг тепа қисмida соҳил бўйлаб ёриклар ҳосил бўлади. Бу дарзларнинг кенгайиши ва чуқурлашиши натижасида тоғ жинсининг мустаҳкамлик коэффициенти камайиб, кўчки вужудга келади.



75-расм. Гидродинамик босимга эга бўлган қияликдаги кучлар схемаси.

Худди шунга ўхшаш ҳодиса фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб олишда ҳам (карьер қирғоқларида) содир бўлади. Қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳисобига карьер қирғоқларидаги тоф жинслари орасида кучлар мувозанати бузилиб, дарзлар ҳосил бўлади ва қатламлар шу дарзлар бўйлаб силжийди.

Зилзила ҳам кўчки ҳодисасига сабаб бўлади. Зилзила туфайли лёсс ва лёссымон жинсларнинг физик-механик хоссалари ўзгаради. Масалан, кучли зилзила натижасида жинсларнинг ички ишқаланиш бурчаги  $1^{\circ}$  дан  $6^{\circ}$  гача кичраяди, бу эса ёнбафирнинг мустаҳкамлик коэффициенти камайишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, кўчки ҳодисасида ёнбафирларнинг геологик тузилиши, рельефи, қатламларнинг ётиш ҳолати, ер ости ва устки сувлари, атмосфера ёғинлари, тоф жинсларининг нураши ва таркиби катта роль ўйнайди. Аммо буларнинг айримларигина кўчкининг асосий сабаби бўлади. Масалан, ер усти сувлари ва атмосфера ёғинлари, ер ости сувлари ва шу жойнинг геологик тузилиши шулар жумласидандир. Буларни **актив**, қолганларини эса **пассив** сабаблар деб аталади. Баъзан кўчки содир бўлишида актив ва пассив сабаблардан ташқари сунъий сабаблар (инсон фаолияти) ҳам катта роль ўйнайди. Масалан, атмосфера ёғинлари таъсирида сувга бўкиб, кўчай деб турган масса яқинида портлатиш иши амалга оширилса ёки поезд қаттиқ силкиниб ўтса, бу масса ёнбафир бўйлаб бирданига сурилиб кетади.

#### 4. Кўчки механизми, динамикаси ва белгилари

Юқорида айтганимиздек кўчки лайтида тоф жинслари ёнбафирлик бўйлаб яхлит кўринишда ёки алоҳида бўлак-бўлак бўлиб кўчади, баъзан кўчаётган масса қуюқ атала ҳолида қиялик бўйлаб оқади.

Кўчаётган массанинг ташқи кўриниши, силжиш усули ва характеристики кўчки механизмини белгилайди.

Бир қатламнинг иккинчи қатламга нисбатан ёки тоф жинслининг бир қисмини иккинчисига нисбатан кўчиши кўчкининг асосий механизмини ифодаловчи хусусиятлардан ҳисобланади.

Кўчки механизми тоф жинсининг турига ва унга таъсир этаган факторларга боғлиқ. Агар кўчаётган масса қалин бўлиб, ер ости, дарё, денгиз сувлари таъсирида кўчаётган бўлса, у яхлит блок ҳолида ёки катта-катта бўлак кўринишда бўлади. Баъзан кўчиш механизми аралаш кўринишда ҳам бўлади. Масалан, катта-катта бўлак ҳамда кўчаётган тоф жинси ёнбафирликнинг ўрта қисмida тўпланиб қолган ҳар хил сувлар ёки атмосфера ёғинлари билан аралашиб, қоришиб юмшоқ ҳамир ҳолида қиялик бўйлаб кўча бошлайди. Бундай кўринишдаги кўчкилар кўпинча ер ости сувлари ер юзига яқин бўлган, атмосфера ёғинлари таъсирида сатҳи кўтарилиб, ёнбафирларда булоқ кўринишида чиқиб турган қияликларда кўпроқ учрайди.

Тоф жинсларининг яхлит блок ҳолида кўчиши структурали кўчки, юмшоқ ҳолдаги жинснинг аралаш-қуралаш бўлиб кўчиши

**пластик оқувчан кўчки** дейилади. Структурали кўчкilarда аниқ кўчиш юзаси мавжуд бўлса, пластик оқувчан кўчкilarда кўчиш юзаси ноаниқ бўлиб, уларни аниқлаш кўпинча қийин бўлади. Бундай кўчkilarда юмшоқ хамирга ўxшаган жинс, тагидаги қатламнинг нотекис юзаси устидан қиялик бўйлаб суюқ масса кўринишида ҳаракатланади.

Кўчки механизми тоғ жинсларининг геологик хусусиятига ҳам боғлиқ. Маълумки, гил ва таркибида гил бўлган жинсларга таъсир этаётган ташқи куч (босим) нормал ҳолдан ортиб кетиши ва жинсга узоқ вақт таъсир этиши натижасида бир қатлам иккинчи қатлам устидан жуда секинлик билан ҳаракатланади ва кўчки рўй беришига сабаб бўлади. Бунда пластик деформация ҳосил бўлади.

Кўчки механизмини тўлиқ аниқлаш учун унинг тузилишини ва кўчкида қатнашаётган тоғ жинсларининг хусусиятларини ҳамда кўчки динамикасини батафсил ўрганиш лозим.

Кўчки динамикаси деб унинг бошланиши, ўса бориши ва тўхташигача бўлган даврдаги хусусиятларининг ва ҳаракат тезлигининг вақт бирлигida ўзгаришига айтилади. Ёнбағирликда кўчкини вужудга келтирувчи шароит бир текис бўлмай, вақт бирлигida турли характерда ва миқдорда бўлади. Шунга кўра, кўчкининг рўй бериши ва ривожланиши ҳам нотекис бўлади. Шу сабабли кўчkilарning вужудга келиш ва ривожланиш даврини уч босқичга бўлинади, булар: тайёрланиш, кўчиш ва кўчган массанинг қиялидаги кейинги ҳолати.

Тайёрланиш **босқичида** табиатдаги кўчкини ҳосил қилувчи факторлар таъсирида қияликнинг мустаҳкамлик даражаси камайиб боради, аммо ҳали кўчки рўй бермайди, кўчкининг дастлабки белгилари пайдо бўла бошлайди. Бу босқичда қияликнинг кўчиш эҳтимоли бўлган қисмида ёриқлар пайдо бўлади. Кўчки бўлишидан далолат берувчи ёриқлар маълум бир йўналишда бўлиб, кўчкининг ҳажми ва шаклини белгилайди. Агар қияликда катта ҳажмда кўчки бўлса, ёриқлар чуқур бўлиб, узунлиги бир неча ўн метрни ташкил этади; қияликнинг кўчаётган қисми устида уйлар ва иншоотлар бўлса, уларнинг деворларида дарзлар пайдо бўлиб, улар кун сайн кенгайиб ва кўпайиб боради. Кўчкининг бу босқичи бир неча кундан бир неча ойгacha чўзилиши мумкин. Босқичнинг давом этиш вақтининг оз ёки кўп бўлиши кўчки ҳосил қилувчи факторларга боғлиқ. Баъзан кўчки уларни ҳосил қилувчи факторлар таъсир қилиши билан тезда вужудга келади. Масалаан, ёнбағирликнинг пастки қисмини бирдан кўп миқдорда қирқиш ёки жинсларнинг намлиги бирдан ошиб кетиши натижасида кўчки содир бўлади.

Агар тайёрланиш босқичи узоқ вақтни ўз ичига олса, кўчкининг бу даврдаги ривожланиши кўпинча нотекис бўлади, баъзан тезлашади, баъзан эса секинлашада ва яна тезлашади. Бу асосан, иқлим ва гидрогеологик шароитнинг суткали, мавсумий ва ийллик ўзгаришига боғлиқ.

Бу босқичда ёнбағирлик устида бўладиган ўзгаришлар, яъни ёриқларнинг ҳосил бўлиши, ер юзасининг пасайиши ёки кўтарилишини кўз билан кузатиб аниқланади. Бу ўзгаришларни тўғри ва миқдор жиҳатдан баҳолаш учун инструментал кузатишлар олиб борилади.

Кўчиш босқичида кўчки содир бўлади. Кўчиш тезлиги бир хил бўлмайди. Аввал тез, сўнг секин ва аксинча бўлиши мумкин.

Ўрта Осиёда бўладиган кўчкilarнинг тезлиги СССРнинг бошқа жойларида бўладиган кўчкilar тезлигига қараганда катта бўлиб, секундига бир неча метрга етади. Шу сабабли кўчининг иккинчи босқичида кўнгилсиз воқеалар юз беради ва халқ хўжалигига катта зарар етади. Бу босқичда сурилишлар баъзан тўхтаб-тўхтаб узоқ вақтгача давом этиши ҳам мумкин, чунки кўчкига сабабчи факторлар ўз таъсирини вақт-вақти билан кўрсатади. Шу сабабли И. П. Попов (1959) кўчкilarни бу босқичда уч турга, яъни тез, секин ҳаракатланаётган ва тўхтаб-тўхтаб ҳаракатланаётган кўчkilarга ажратади. Уларнинг тез ёки секин ҳаракатланиши ёнбағирликларнинг нишаблигига борлиқ. Нишаблик бурчаги катта бўлган ёнбағирликлarda (30—35°) кўчки тезлиги катта бўлади.

**Кўчган массанинг кейинги ҳолати.** Кўчки рўй бергандан кейин ёнбағирликнинг мустаҳкамлиги бутунилай ўзгариади. Кўпчилик ҳолларда мустаҳкамлик даражаси ортади. Бунга сабаб, кўчки натижасида, биринчидан, ёнбағирликнинг нишаблиги камаяди, иккинчидан, кўчиб тушган масса ёнбағирликнинг қуий қисмида таянч вазифасини бажаради. Баъзан бунинг акси ҳам бўлади. Кўчки натижасида ёнбағирликнинг нишаблиги ортади, унинг юқори қисмида тик ҳолатга яқин бўлган, баландлиги 10—20 м келадиган узилиш деворининг атрофида ва ундан баландда ёриқлар ҳосил бўлиб, кўп ўтмай янги ёриқлар бўйлаб яна кўчки содир бўлади. Бу босқичда қияликнинг мустаҳкамлигини ўзгартирувчи янги факторлар вужудга келади. Агар кўчки оқувчан бўлса, ёнбағирлик устини қоплаб турган ўтлар ювилиб кетиб, унинг усти очилиб қолади. Натижада қияликни ташкил этувчи тоғ жинсларида нураш процесси кучаяди, атмосфера ёғинларининг ерга сингиши ортади. Агар кўчган массанинг қалинлиги катта бўлса, унинг ўрнида кўчки цирклари (чуқурликлари) ҳосил бўлади. Кўчkilar пофонасимон шаклда бўлса, ёнбағирликнинг кўчган жойида супачалар ҳосил бўлади. Бундай супачаларнинг ҳосил бўлиши қияликнинг рельефини ўзгартиради.

Кўчkilarнинг механизми ва динамикасини баҳолаш учун уларнинг ҳосил бўлиш белгиларини билиш лозим. Кўчkilarнинг рўй бериш белгилари қўйидагилар:

1. Биринчи босқичда кўчки ёриқлари ҳосил бўлади, ёриқлар олдин билинار-билинмас бўлиб, кейинчалик кенгайиб, чуқурлашиб ва узайиб боради. Ёриқлар аввал қияликларнинг узунасига пайдо бўлади, сўнг секин-аста кенгайиб, узайиб бир-бири билан қўшила бориши натижасида узунлиги бир неча ўн метрни таш-

кил этадиган ёриқларни ҳосил қиласи. Шу ёриқларнинг энг узуни ва чуқури бўйлаб кўчиш содир бўлади.

2. Кўчкининг содир бўлиши натижасида кўчки бўлган жойнинг юқори қисмида узилиш девори бўлади.

3. Агар ёнбағирликда кўчки бўлган бўлса, қияликда кўчки цирклари мавжуд бўлади. Буларнинг янги ёки эскилигига қараб, кўчки қачон содир бўлганлигини аниқлаш мумкин.

4. Ёнбағирликнинг қуай қисмида аста-секин кўтарилиган жойлар вужудга келади. Бу эса кўчкidan дарак беради.

5. Қияликларда пофонасимон супачаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг устида ҳар хил ёриқларнинг бўлиши пофонасимон кўчкilar бўлганлигидан далолат беради. Бундай супачаларнинг сони баъзан ўнтағача етади.

6. Кўчки бўлган жойдаги дараҳтлар қийшайиб қолади ва шу ҳолда ўсади. Бундай дараҳтларни «Маст дараҳтлар» деб ҳам аталади. Баъзан кўчки натижасида икки дараҳт бир-бири билан қўшилиб ёки битта дараҳтнинг ўзи иккига бўлиниб ўтиши ҳам мумкин. Қияликдаги дараҳтларнинг бу ҳолда ўсишига қараб, кўчки қачон бўлганлигини аниқлаш мумкин.

7. Бир неча йил муқаддам кўчкига учраган ёнбағирликларнинг усти кичик-кичик дўнгликлардан иборат бўлиб, улар усти ўт ёки ёриқлар билан қопланган бўлади. Агар тепаликларнинг усти кўп йиллик ўтлар билан қопланган бўлса, кўчки бир неча йил илгари бўлганлигидан дарак беради. Аксинча, уларни усти янги ёриқлар билан қопланса, кўчки тамом бўлмаганлигидан дарак беради.

8. Қияликлар устида шурф ёки бурғи қудуқлари ковланганда чиққан жинсларнинг маълум йўналиш бўйлаб синиши ва синиши юзасида қирилган изларнинг бўлиши ҳам кўчки бўлганлигидан дарак беради.

9. Шурфдан ёки бурғи қудуқларидан олинган тоғ жинслари структурасининг кўчиш зonasига яқинлашган сари бузилиб бориши ҳам кўчки бўлганлигидан дарак беради.

10. Қиялик устига солинган уй ва иншотларнинг деворларида ёки тоғ ёнбағридан ўтган йўлларда ёриқларнинг пайдо бўлиши, водопровод трубаларининг ва кабелларнинг узилиб кетиши, сим столбаларининг қийшайиб қолиши, сув қудуқларининг бузилиб кетиши ҳам кўчки бўлаётганлигидан далолат беради.

## 5. Кўчки классификацияси

Кўчки турлари катталиги, тузилиши, ҳосил бўлиш сабаблари, ривожланиш шароити, механизми ва динамикаси жиҳатидан хилма-хил бўлади. Шу сабабли уларнинг классификацияси ҳам турличадир.

Кўчкilarни классификациялашда уларнинг ҳосил бўлиш сабаблари, характеристи, шакли, ҳажми ва бошқа бир қанча белги-

лари ҳисобга олинади. Қуйида биз классификацияларга қисқача тұхталиб ўтамиз.

Енбағирликкінг қандай жойидан бошланишига қараб, күчкілар иккі турға — деляпсив ва детрузив күчкіларға бўлинади (А. П. Павлов, 1903). Күчки ҳодисаси қияликнинг пастки қисмидан бошлаб юқорига қараб борса, деляпсив, қияликнинг тепасидан бошланиб, жинсларга ўз таъсирини кўрсатиб силжиса, детрузив күчки деб аталади.

Кўчида қатнашган тоғ жинсларнинг сонига қараб К. И. Богданович бирламчи ва иккиламчи кўчкіларни ажратган. Тоғ жинси кўчида бир марта қатнашган бўлса, **бирламчи**, агар икки ва ундан ортиқ қатнашса, иккиламчи кўчки дейилади.

Кўчиш чизигини қатламларнинг ётиш чизигига нисбатан жойланишига қараб, Ф. П. Саваренский (1937) асеквент, консеквент ва инсеквент кўчкіларни ажратган.

Н. В. Родионов (1939) кўчкіларни ҳосил бўлиш сабабларига қараб, уч турға: консистенцияли; суффозион ва структурали кўчкіларга бўлган.

Тоғ жинсларининг ярим қаттиқ ҳолдан юмшоқ ҳолга ўтиши туфайли содир бўладиган кўчкіларга **консистенцияли**, суффозия ҳодисаси туфайли ҳосил бўладиганларига **суффозион** ва жинсларнинг бир бутунлиги сақланган ҳолда бўладиган кўчкіларга **структуралы** кўчкілар дейилади.

Кўчкілар ёшига ва ҳосил бўлган вақтига қараб қадимий ва ҳозирги кўчкіларга ажратилади (И. В. Попов, 1946). Ҳозирги базис эрозиясидан олдин вужудга келган кўчкіларга **қадимий** кўчкілар дейилади. Масалан, юра даврида ҳосил бўлган кўчкілар қадимий кўчкілар ҳисобланади.

Замонавий кўчкілар ҳосил бўлган вақтига қараб ўз навбатида қари ва ёш кўчкіларга ажралади. Қари кўчкіларнинг ташқи белгилари йўқолиб кетган бўлади.

АҚШнинг йўл лойиҳалаш бюроси кўчкіларни ҳаракатлашишга ва унда иштирок этган жинслар литологик таркибиға қараб уч хил бўлади: 1) эгри чизиқ бўйлаб ҳаракатланувчи; 2) тўғри чизиқ бўйлаб бир текис ҳаракатланувчи; 3) ҳар хил чизиқ бўйлаб ҳаракатланувчи кўчкілар.

Г. С. Золотарёв (1956) кўчкіларни ҳажми ва тузилишига қараб қўйидаги турларга ажратади: 1) тошлоқ жинслардан ҳосил бўлган кўчкілар; 2) гил ва ярим тошлоқ жинслардан ҳосил бўлган блок ҳолида силжувчи кўчкілар; 3) ҳар хил жинслар аралашмасидан ҳосил бўлган кўчки оқимлари; 4) атмосфера ёғинлари таъсирида ер юзининг ювилиши натижасида ҳосил бўлган пливунлар ва спливлар; 5) ёнбағирликда майдада поғнасимон супачалар ҳосил қилувчи ҳар хил узилишлар.

Кейинги йилларда А. М. Дранников, Н. Н. Маслов, Е. П. Емельянова, Ф. О. Мавлонов, Р. А. Нязов ва бошқалар томонидан кўчкининг ҳар хил классификацияси ишлаб чиқилди. Кўчки классификациясини турлича бўлишига сабаб, унинг ҳосил бўлиш шароити, сабаблари ва тузилишини хилма-хиллигидадир.

Ўзбекистонда учрайдиган кўчкиларни ҳосил бўлиш шароити ва таркибига кўра I класс, II класс ва III класс кўчкиларига ажратиш мумкин (76-расм). Ҳар бир классга тегишли кўчкилар ўз навбатида ҳосил бўлиш шароитига қараб бир қанча турларга бўлинади. Ўзбекистонда, асосан, I ва II класс кўчкилари кўп. Шу сабабли бу классга кирувчи кўчкилар ҳақида бироз тўхтаб ўтамиз.

Бир хил таркибли жинсларда учрайдиган кўчкилар:

1. Структурали кўчки. Бундай кўчки одатда нишаблиги юқори ва қалинлиги катта лёссимон жинслар билан қопланган ёнбағирларда ҳосил бўлади. Жинслар структураси унча бузилмаган ҳолда кўчади. Бундай кўчкиларни Тошкент облатининг Чимёнсой, Хумсон ва бошқа жойларида учратиш мумкин. Бу турдаги кўчкилар ёнбағирлар вақтина оқар сувлар таъсирида ювилиши ёки инсон томонидан қирқилиши натижасида ҳосил бўлади. Кўчиш чизиги ёй шаклида бўлиб, бир хил таркибли тоғ жинси орасидан ўтади.


Структурали кўчкиларда кўчаётган массанинг усти погонасимон супачалардан иборат бўлиб, улар ёнбағирнинг қуи қисмида йўқола бошлайди. Кўчаётган массанинг эни кўчки узунлигидан бир неча марта катта бўлади. Масалан, кўчкининг узунлиги (кўчаётган массанинг нишаблик бўйича узунлиги) 50—100 м бўлса, эни 500—1000 м атрофида бўлади. Кўчаётган массанинг қалинлиги эса 10—20 ва баъзан 30 метргача етади. Ҳаракат тезлиги турлича, бошланиш даврида катта бўлади, кейинчалик секинлашиб қолади. Бу, асосан, таъсир этувчи факторларга боғлиқ. Баъзи факторлар тўхтаб-тўхтаб таъсир қиласди.

2. Лёсс ва лёссимон жинсларнинг чўкишидан ҳосил бўладиган чўкишли кўчкилар.

Чўкувчан лёссимон жинсларга сув таъсир қилса, уларда чўкиш ҳодисаси рўй беради. Бу жинслар ёнбағирда ётганлиги сабабли чўкиш билан бир вақтда қиялик бўйлаб силжиш ҳам рўй бериб, унинг натижасида ёнбағир устида ёриқлар ҳосил бўлади. Атмосфера ёғинлари ёриқлардан ер мағзига сингиб, лёссимон жинсларнинг намлигини янада ошириб юборади. Бу эса кўчкининг ҳосил бўлишига сабабидир. Бундай кўчкилар Ўрта Осиёнинг Олтинтопган, Коскона, Тошбулоқ, Совуқбулоқ, Шауган, Абжаз ва бошқа жойларида кенг тарқалган (Р. А. Ниязов, 1968).

3. Консистенцияли ёки пластик кўчкилар. Лёсс ва лёссимон жинслар консистенциясининг бирдан ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. Буларга сплив, опливин ва кўчки оқимлари киради.

Тупроқ-ўсимлик қатламининг кўчишига сплив дейилади. Нишаблиги 20—45° лёссимон жинслар билан қопланган ёнбағирликларда уларга ёмғир сувларининг таъсиридан вужудга келаади. Бунда фақатгина ер юзининг 0,5—1,5 м чуқурлигигача бўлган қисми кўчади. Кўчган масса қуйқинди ҳолида қиялик бўйлаб оқади.



76-расм. Кўчки турларининг йумумий классификацияси.

Опливин ҳам спливга ўхшаш бўлиб, фақат ҳажми жиҳатидан фарқланади. Бунда ер юзининг 5 метр чуқурликкача бўлган қисми кўчади. Бу ҳам узоқ вақт кўп ёмғир ёғиши, ер ости сувининг таъсири ёки қорнинг эриши натижасида ер юзасининг энг устки қисми суюқ ҳолга келиб, қияликдан паст томонга оқиб тушишидан ҳосил бўлади.

Опливинлар ёнбағирдаги ўтларни, майда дараҳтларни суриб кетиб, ер юзасини ялонғочлаб қўяди. Бу эса шу жойдаги очилиб қолган тоғ жинсларининг нурашини тезлаштиради ва ёнбағирнинг мустаҳкамлигини пасайтиради. Опливинлар Ўрта Осиёнинг барча тоғлик районларида учраб, умумий кўчкиларнинг 60—70% ни ташкил қиласди.

4. Оқимли кўчкилар қияликдан сурилиб келаётган бир неча опливинларнинг бир-бири билан қўшилиб кетишидан ёки катта қалинликдаги лёссимон жинсларнинг консистенцияси бирдан ўзгариб, суюқроқ ҳолга келишидан ҳосил бўлади. Кўчаётган массанинг қалинлиги 5—20 м, кенглиги 500—800 м бўлиб, узунлиги эса 800—1800 метрга етади (М. Г. Ходжаев, Л. Г. Круковский, 1968).

5. Қулашли кўчкилар одатда нишаблиги жуда катта бўлган ( $45-90^\circ$ ) ёнбағирларда ҳосил бўлади. Буларнинг ҳосил бўлишидан олдин ёнбағирнинг тик қисмида ёриқлар пайдо бўлади ва кейинчалик бу дарзлар кенгайиб, тоғ жинсининг катта бир бўлаги узилиб, қулақ тушади. Бу кўчкининг бошқаларидан фарқи шуки, бунда кўчган масса узоққа бормайди, бироз сурилиб тўхтаб қолади. Бундай кўчкилар кўпинча жар ёнбағирларида қирғоқларининг нишаблиги ортиб кетиши натижасида ҳосил бўлади.

Қулашли кўчкиларнинг ҳосил бўлиши натижасида ёнбағирларнинг нишаблиги тобора ошиб, мустаҳкамлик коэффициенти камайиб боради, натижада ёнбағирда жуда катта кўчки содир бўлади.

6. Контактли кўчкилар ҳар хил қатламлардан ташкил топган қияликларда содир бўлади. Бунда бир қатлам устидаги иккинчи қатлам уларнинг ётиш текислиги бўйлаб сурилади. Контактли кўчкилар оҳактошлар, қумтошлар орасида гил қатламлари бўлган жойда учрайди. Контактли кўчкилар баъзан тоғ жинслари қатламлари нурашидан ҳам содир бўлади, яъни ер орасидаги қатламлардан бири нураб ўзининг мустаҳкамлик дарражасини йўқотади, натижада устидаги қатламларнинг кўчишига сабаб бўлади.

7. Погонали кўчкилар ҳам турли қатламлардан ташкил топган ёнбағирларда учрайди. Бунда ёнбағирлардаги жинсларнинг ётиш ҳолати кўпинча горизонтал ҳолда, кўчиш чизиги қатламларнинг ётиш чизигини кесиб ўтади. Ф. П. Саваренский бундай кўчкиларни инсеквент кўчкилар деб атаган. Бундай кўчкиларда тоғ жинсининг табиий структураси бузилмасдан, маълум бўлакларга ажralиб сурилади.

Поғонали күчкілар юқорида қайд қилинганды турларига нисбатан секин тараққый этиб, катта майдондың эгаллайды, баъзан унинг қиялик бүйінчі узунлиги  $\frac{3}{4}$  км ни ташкил этиб, унинг эни 1—2 км га етади. Күчган массасыннан қалинлиги 20 м дан 80 м гача боради. Масалан, Оҳангарон водийсидеги Турк қишлоғи ва Загосансойда бўлган күчки ҳажми 20 млн. м<sup>3</sup> ни ташкил этади.

## 6. Күчки бўлиб турадиган жойларнинг күчкига нисбатан мустаҳкамлигини аниқлаш

Күчки бўлган ва кейинчалик бўладиган ёнбағирларнинг мустаҳкамлик даражасини баҳолаш ва прогноз қилиш күчкини ўрганишда назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Жойларни күчкига нисбатан мустаҳкамлигини аниқлаш, буни олдиндан билиш ва унга қарши чора ва тадбирларни белгилаш мумкин.

Юқорида айтилганлардан маълумки, ҳар бир турга тегишли күчкини ҳосил қилувчи факторлар хилма-хил бўлиб, ёнбағирларнинг мустаҳкамлигига турлича таъсир кўрсатади. Шу сабабли бир жойда кўчки жуда тез, иккинчи жойда секин, бир жойда катта, бошқа жойда кичик бўлади.

Ёнбағирларнинг күчкига нисбатан мустаҳкамлигини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш лозим. Бунинг учун кўчки бўлаётган районнинг иқлими, геологик ва геоморфологик тузилиши, гидрогеологик шароити батафсил ўрганилади. Бунинг учун кўчки тарқалган ва бўлиши мумкин деб ҳисобланган жойларда инженерлик-геологик съёмка ишлари олиб борилади. Съёмка даврида кўчкининг ривожланиш динамикаси ва механизми аниқланади. Бунинг учун кўчаётган ёки кўчиши мумкин деб ҳисобланган ёнбағирларнинг таянч реперлари панжараси ташкил қилинади ва реперлар ёрдамида кўчкининг тезлиги аниқлаб борилади. Натижада кўчкининг активлиги, ёки пассивлашаётганлиги, янгидан ривожланаётганлиги ёки бутунлай тўхтаётганлиги, йил фаслларидаги ҳаракати ҳақида маълумот олиниади.

Кўчки ой, йил ва бир неча йиллар давомида ўрганилади. Бунга стационар кузатиш дейилади. Стационар кузатиш вақтида кўчкининг ҳар бир ташқи белгиси, алоҳида қисмлари қандай тезликда ҳаракат қилаётганлиги ва бошқа хоссалари ўрганилади.

Кўчки тузилишини тўлиқ ўрганиш учун у содир бўлган ёнбағирларнинг геологик кесмалари тузилади. Бу кесмаларда кўчиш чизиги, ер ости сувларининг сатҳи, сурилиш натижасида қатламлар орасида бўлган ўзгаришлар кўрсатилади.

Кўчилар механизмини мукаммал ўрганиш учун маҳсус моделлар тузилади ва уларда сунъий кўчки ҳосил қилинади. Аммо бу усул шу вақтга қадар яхши йўлга қўйилмаган. Бунинг қийин томони шундан иборатки, моделларда кўчкини ҳосил қилувчи табиий факторларнинг ҳаммасини тўлиқ моделлаш жуда қийин.

Ёнбағирларнинг кўчкига нисбатан мустаҳкамлигини баҳолашда энг аниқ усуллардан бири математик ҳисоблашдир. Бу усул ёрдамида ёнбағирнинг мустаҳкамлик коэффициенти аниқланади. Коэффициент миқдорига қараб ёнбағир кўчкига нисбатан мустаҳкам ( $K > 1$ ) ёки мустаҳкам эмас ( $K < 1$ ) лиги ҳисоблашади.

Ёнбағирларнинг мустаҳкамлик коэффициентини математик ҳисоблаш орқали аниқлаш учун шу қияликдаги ҳар бир геологик шароитни ва кўчкини ҳосил қилувчи факторларни ҳисобга олувчи ҳисоблаш усули ва схемаси танлаб олинади ва математик ҳисоблашлар шу схема асосида бажарилади.

1. Таркиби бир хил бўлган жинслардан тузилган ёнбағирларнинг кўчкига нисбатан мустаҳкамлик коэффициентини аниқлаш.

**Биринчи усул.** Кўчиш чизиги бўйича қияликнинг мустаҳкамлик коэффициентини аниқлаш.

Ёй формасидаги кўчиш чизигининг маркази қилиб ихтиёрий О нуқтани оламиз ва шу нуқта орқали АС кўчиш чизигини ўтказамиз (77-расм). Сўнгра кўчиш чизиги бўйича қияликнинг мустаҳкамлик коэффициентини аниқлаймиз. Бунинг учун қияликни бир қанча блокларга бўламиз ва математик ҳисоблаш орқали ҳар бир блокнинг мустаҳкамлик коэффициентини аниқлаймиз. Ҳар бир блокнинг кўчиш чизиги ётган тоғ жинсларининг ички ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  ва кўчиш чизиги бўйлаб ёпишқоқлик кучи С ҳамда блокни суришга ҳаракат қилувчи куч Н ни аниқлаймиз.

Кўчиш чизиги бўйлаб О нуқтасига нисбатан кучлар моментининг тенгламасини тузамиз ва уни нолга тенглаймиз:

$$\sum H_i \cdot R - \sum N_i \cdot \operatorname{tg} \varphi \cdot R - CLR = 0,$$

бунда  $R$  — кучлар моменти радиуси;  $N_i$  — силжишга қаршилик кўрсатувчи кучлар ёки нормал кучлар йиғинчиси;  $H_i$  — сијижитувчи ёки актив кучлар йиғинчиси;  $\varphi$  — тоғ жинси ички ишқаланиш бурчаги;  $C$  — тоғ жинси ёпишқоқлик кучи;  $L$  — кўчиш чизиги узунлиги.


Формулани  $R$  га қисқартириб, қўйидағини ҳосил қиласиз:

$$\sum H_i - \sum N_i \operatorname{tg} \varphi - CL = 0.$$

$H_i$  ва  $N_i$  ларнинг қиймати график ёки қияликнинг нишаблик бурчаги орқали аниқланади:

$$H_i = P_i \sin \alpha_i; N_i = P_i \cdot \cos \alpha_i,$$

бунда  $P_i$  — блокларнинг оғирлиги;



77-расм. Битта кўчиш чизиги бўйича қияликнинг мустаҳкамлигини аниқлаш схемаси.

$$P_t = F_t \Delta t,$$

бунда  $F_t$  — блокларнинг юзаси;  $\Delta t$  — тог жинсининг табий ҳажм оғирлиги;


$$F_t = l_t \cdot h_t ,$$

бунда  $l_t$  — блокнинг ўртача узунлиги;  $h_t$  — блокнинг ўртача ба-ландлиги;

Қияликнинг мустаҳкамлик коэффициенти ( $\eta$ ) қўйидаги нисбат орқали ифодаланади:

$$\eta = \frac{\sum N_t \cdot \operatorname{tg} \varphi - CL}{\sum H_t}$$

**Иккинчи усул.** Бир қанча кўчиш чизиги бўйича қияликнинг мустаҳкамлик коэффициентини аниқлаш (78-расм). Бу усул иккни схема бўйича бажарилади.



78-расм. Бир қанча кўчиш чизиги бўйича қияликнинг мустаҳкамлигини аниқлаш схемаси.

**Биринчи схема.** Ярим ёй формасидаги кўчиш чизиқларининг марказлари қилиб  $O_1$ ,  $O_2$  ва  $O_3$  нуқталарини оламиз (78-расм) ва бу нуқталар орқали кўчиш чизиқларини чизамиз. Ҳар бир кўчиш чизиги учун юқоридаги ҳисоблаш усули бўйича қияликнинг мустаҳкамлик коэффициентини аниқлаймиз.

Мустаҳкамлик коэффициенти энг кичик бўлган кўчиш чизиги хавфли кўчиш чизиги дейилади, чунки асосий кўчиш мана шу чизиқ бўйича ҳосил бўлади.

Ярим ёй шаклидаги кўчиш чизиқларининг марказлари  $O_1$ ,  $O_2$  ва  $O_3$  нуқталарда ётади, бу нуқталар эса  $OD$  чизиги устида бўлади.  $OD$  чизигини ўтказиш учун қияликнинг  $A$  нуқтасидан қиялик билан  $\beta_1$  бурчагини ҳосил қилувчи нур чиқарамиз, худди шунга ўхшаш  $B$  нуқтасидан ҳам  $\beta_2$  бурчагини ҳосил қилувчи нур чиқариб, иккала нурнинг кесишган жойини  $O_1$  билан белгилай-

миз ва бу нүктани  $D$  нүктаси билан туташтирамиз.  $D$  нүктанинг ўрнини аниқлаш учун 78-расмда кўрсатилгандек қияликнинг икки ҳисса баландлигига тенг чуқурликда узунлиги  $A$  нүктасидан  $4,5h$  га тенг келувчи масофани топиб, уни  $D$  билан белгилаймиз.

$\beta_1$  ва  $\beta_2$  бурчакларининг қиймати қияликнинг нишаблигига боғлиқ бўлиб, улар 30-жадвалдан аниқланади.

30- жадвал

$\beta_1$  ва  $\beta_2$  бурчакларининг қиймати

Қиялик баландлигининг асосига нисбати $\frac{h}{m}$	Қияликнинг нишаблик бурчаги $\alpha$	Кўшимча бурчаклар	
		$\beta_1$	$\beta_2$
1 : 1,0	45°00	28°	37°
1 : 1,5	33°41	26°	35°
1 : 2,0	26°41	25°	35°
1 : 3,0	18°25	25°	35°
1 : 5,0	11°19	28°	37°

$O_1$ ,  $O_2$  ва  $O_3$  нүкталар орасидаги масофа Н. А. Цитович ҳисобига кўра  $(0,25 + 0,04 \cdot m) h$  га тенг. Агар қиялик баландлигининг асосига нисбати 1 : 1, яъни  $m = 1$  га тенг бўлса, бу нүкталар орасидаги масофа  $0,3 \cdot h$  га тенг бўлади.


**Иккинчи схема.** Ҳар бир кўчиш чизиги бўйича ёпишқоқлик кучи  $C$  аниқланади:

$$C = \frac{\sum H_i - \sum N_i \operatorname{tg} \varphi}{L}.$$

Ёпишқоқлик кучи энг кичик бўлган ёй хавфли кўчиш чизиги ҳисобланади ва фақатгина шу кўчиш чизиги бўйича қияликнинг мустаҳкамлик коэффициенти ( $\eta$ ) аниқланади.

**Учинчи усул.** Бу усул бўйича қияликнинг мустаҳкамлик коэффициентини аниқлашда кўчиш чизигининг ётиш ҳолати ҳисобга олиниади. Бу усул асосан кўчиш чизигининг пастки қисми 79-расмда кўрсатилганидек қиялик асосидан пастда ётса, яъни  $A$  нүктасидан ўтган горизонтал чизиқдан пастда бўлсагина қўлланади. Кўчиш чизигининг пастки қисмидаги силжитувчи кучларнинг ( $H_4, H_5$ ) йўналиши учун юқори қисмидаги силжитувчи кучларнинг ( $H_1, H_2, H_3$ ) йўналишига нисбатан қарама-қарши бўлиб, қияликнинг ушлаб туришга ҳаракат қиласди. Шу сабабли қияликнинг мустаҳкамлик коэффициентини топишда уларнинг қиймати  $H_{lyd}$  қияликни ушлаб турувчи кучларга қўшилади, яъни:

$$\eta = \frac{\sum N_i \operatorname{tg} \varphi + CL + \sum H_{lyd}}{\sum H_i}$$



79-расм. Күчиш чизигининг ётиш ҳолатига ва унга таъсир қилувчи кучларнинг йўналишига қараб қияликнинг мустаҳкамлигини аниқлаш схемаси;  $H_1$ ,  $H_2$ ,  $H_3$ —кучлар эса қияликни ушлаб қолишга интилади. Чунки уларнинг йўналиши қарама-қарши.

Оғирлигини, пластиклик чегарасини, консистенция кўрсаткичини, блокнинг узунлиги ва ўртача баландлигини, унинг юзасини ҳамда оғирлигини күчиш чизигининг нишаблик бурчагини, силжитувчи куч миқдорини, тоғ жинсларининг ички ишқаланиш бурчагини, ёпишқоқлик кучини, кўчиш чизигидаги табиий босимни силжишга қаршилик кўрсатувчи куч бурчагини билиш лозим. Шуларни аниқлагандан сўнг қияликнинг мустаҳкамлик коэффициенти топилади. Бу коэффициент қуйидагича аниқланади:


$$H = P \cdot \operatorname{tg} \alpha; \quad R = P \cdot \operatorname{tg} (\alpha - \psi); \\ T = H - R = P [\operatorname{tg} \alpha - \operatorname{tg} (\alpha - \psi)], \\ \eta = \frac{T}{H},$$

бунда  $\alpha$  — кўчиш чизигининг нишаблик бурчаги;  $H$  — қияликка таъсир қилувчи умумий босим;  $\psi$  — силжитувчи бурчак;  $P$  — блок ёки қиялик оғирлиги;  $T$  — ишқаланиш, ёпишқоқлик ва нормал куч томонидан ҳосил бўлган, блокни ушлаб туришга интилевчи куч;  $R$  — умумий босимнинг бир қисмини ташкил қилувчи, яъни қияликни силжитишга ҳаракат қилувчи актив босим.

Шуни ҳам айтиш жеракки, зилзила натижасида тоғ жинсларининг механик хоссалари бирмунча ўзгаради, айниқса унинг силжитишга қаршилик кўрсатувчи куч бурчаги  $\Psi$  сейсмик бурчак  $\theta$  га ўзгаради, яъни камаяди. Шунинг учун қияликнинг мустаҳкамлик коэффициентини аниқлашда бу ўзгариш ҳисобга олинади. Масалан, 8—9 балли зилзила бўладиган жойларда  $\Psi$  нинг миқдори ўртача  $3^\circ$  га камаяди. Кўчишга мойил бўлган бир қияликнинг мустаҳкамлик коэффициентини Маслов — Берер


Тўртинчи усул. Қияликнинг мустаҳкамлик коэффициентини Маслов — Берер усули билан аниқлаш. Бу усул, ёнбағир ҳар хил тоғ жинсларидан тузилган бўлиб, кўчиш чизиги маълум бир чегара бўйича турли шаклда ётган бўлса қўлланади. Худди юқоридагига ўхшаб, бу усулда ҳам қиялик кўчиш чизиги ётишига ва ер усти рельефига қараб маълум блокларга бўлинади ва ҳар бир блокнинг мустаҳкамлик коэффициенти аниқланади. Бунинг учун қияликнинг қуйидаги параметрларини, шу жумладан, кўчиш зонасида тоғ жинсларининг табиий намлигини, ҳажм

усули бўйича аниқлашда қиялик бир нечта характерли блокка бўлинади ва ҳар бир блокнинг мустаҳкамлик коэффициенти аниқланади (80-расм). Расмдан кўринадики, биринчи, бешинчи ва олтинчи блокларнинг мустаҳкамлик коэффициенти бирдан кичик, яъни бу блоклар мустаҳкам эмас; иккинчи, учинчи ва тўртинчи блокларнинг мустаҳкамлик коэффициенти жуда юқори, ўртача 2,96 га teng, улар биринчи блокка таянч бўлади, шу сабабли биринчи блок кўчишга хавфли эмас.



80- расм. Қияликнинг мустаҳкамлик коэффициенти Маслов- Берер усулида аниқлаш.

**Бешикчи усул.** Қияликларнинг мустаҳкамлигини Н. Н. Маслов усули бўйича баҳолаш. Бу усул слдинги усуллардан бутунлай фарқ қиласди. Бунда қияликнинг мустаҳкамлик коэффициенти эмас, ёалки мустаҳкам деб ҳисобланган қияликнинг шакли аниқланади ва унга табиий қияликнинг ҳолати солиштириб кўғилади. Бунинг учун қияликдаги ҳар бир горизонти (ҳатламни) ташкил этувчи тог жинсларининг ўртача ҳажм оғирлиги ( $\Delta_{cr}$ ), ички ишқаланиш бурчаги  $\phi$ , ёпиш-қоқлик кучи  $C$ , икки горизонт чегарасидаги табиий босимлар  $\delta_1$ ,  $\delta_2$ ,  $\delta_3$  ва шу босимлар натижасида вужудга келган силжитувчи кучлар коэффициенти  $F_{\delta_1}$ ,  $F_{\delta_2}$  ва  $F_{\delta_3}$  ҳамда буларга мес келувчи силжитувчи куч бурчаклари  $\psi_1$ ,  $\psi_2$ ,  $\psi_3$  аниқланади ва 81-расмда кўрсатилганидек, бу бурчаклар қийматига қараб, қияликнинг янги ҳолати топилади ва уни қияликнинг табиий ҳолати билан солиштириб кўрилади. Агар қияликнинг табиий ҳолати янги чизилган қияликнинг ўнг томонида ётса (81-расм), қиялик мустаҳкам, қияликнинг табиий ҳолати янги аниқланган қияликнинг чап томонида ётса, қиялик мустаҳкам эмас деб ҳисобланади. Агар янги топилган қиялик бурчагига табиий қиялик бурчагига teng бўлиб, бу қияликлар бир-бирининг устида ётса, қиялик мустаҳкамлик чегарасида деб ҳисобланади.



81- расм. Қияликларнинг мустаҳкамлигини Н. Н. Маслов усули бўйича аниқлаш схемаси.

Хар бир қатламга тегишли силжитувчи кучлар коэффициенті қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\begin{aligned} F_{\delta_1} &= \operatorname{tg} \varphi_1 + \frac{C_1}{\delta_1} & \delta_1 &= \Delta_{\text{ср}} \cdot z_1 \\ F_{\delta_2} &= \operatorname{tg} \varphi_2 + \frac{C_2}{\delta_2} & \delta_2 &= \Delta_{\text{ср}} \cdot z_2 \\ F_{\delta_3} &= \operatorname{tg} \varphi_3 + \frac{C_3}{\delta_3} & \delta_3 &= \Delta_{\text{ср}} \cdot z_3 \end{aligned}$$

бу ерда  $\operatorname{tg} \varphi_1$ ,  $\operatorname{tg} \varphi_2$ ,  $\operatorname{tg} \varphi_3$  — ҳар бир горизонт учун тоғ жинсининг ички ишқаланиш коэффициенті;

$C_1$ ,  $C_2$ ,  $C_3$  — ёпишқоқлик кучи;  $\delta_1$ ,  $\delta_2$ ,  $\delta_3$  табиий босим;  $\Delta_{\text{ср}}$  — қияликни ташкил этган тоғ жинсининг ўртача ҳажм оғирлиги;  $z_1$ ,  $z_2$ ,  $z_3$  — табиий босимни аниқлаш учун зарур бўлган чуқурлик.

Бу усул кўпинча қатламлари горизонтал ҳолда ётган қияларни, шу жумладан, сунъий равишда ҳосил қилинган қияларнинг мустаҳкамлигини аниқлашда қўлланади.

## 7. Кўчкига қарши кураш

Кўчкининг сабаблари ва турлари хилма-хил бўлганлиги учун уларга қарши кураш чоралари ҳам турличадир.

Кўчкига қарши кураш деганда, уни ҳосил қилувчи сабабларни бутунлай йўқ қилиш ёки бироз камайтириш, кучсизлантириш тушунилади. Масалан, дарё соҳилидаги кўчки қирғоқнинг эрозияланиши натижасида вужудга келा�ётган бўлса, қирғоқни эрозия процессидан сақлашга ҳаракат қилинади.

Хозирги вақтда кўчки билан курашиш чоралари қуйидаги группаларга бўлинади: 1) ер устки оқимларини тартибга солиш; 2) сувга тўйинган тоғ жинсларни сувсизлантириш; 3) тоғ ёнбағридаги массанинг қиялик бўйлаб бир текис тақсимланишини таъминлаш; 4) денгиз ва дарё қирғоқларини абразия ва эрозиядан сақлаш; 5) ёнбағридаги жинсларнинг кўчига нисбатан мустаҳкамлигини ошириш учун таянч деворлари қуриш; 6) тоғ жинсларнинг қаттиқлигини ошириш учун уларнинг физик-механик хоссаларини сунъий ўзгартириш; 7) дараҳтлар ўтқазиш; 8) инсон фаолияти таъсирида ҳосил бўлаётган кўчкининг олдини олиш ва бошқалар.

Бу чора ва тадбирларни қайси бирини қўллаш кераклигини аниқлашда қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

1. Кўчкига қарши кураш чораларини танлаётганда кўчкининг сабабини тўғри аниқлаш.

2. Кўчкига қарши кураш чоралари фойдали бўлиши учун кўчиш бўлаётган жойнинг иқлими ва геологик тузилишини, қатламларнинг ётиш ҳолатини, таркибини, кўчиш юзасининг шакли ва қандай чуқурликдан ўтишини, ер ости сувларининг шароитини ва таъминланиш манбани батафсил ўрганиш.

3. Кўчкига қарши биргина чора билан кифояланмай, уни

бутунлай түхтатиши ёки таъсирини камайтириш учун тегишли чора ва тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши.

4. Кўчкига қарши кураш чоралари комплексини ишлаб чиқишида уларнинг техник жиҳатдан афзаллиги ва арzonлигини ҳисобга олиш.


**Ер усти сувлари оқимларини тартибга солиш.** Атмосфера ёғинлари натижасида ёнбағирларда вақтинча оқадиган сув ҳосил бўлади. Кўчкининг олдини олиш чораларидан бирни ана шу сувларнинг ёнбағирларда тўхтаб қолишига ёки ҳар томонга бетартиб оқишига йўл қўймасликдир. Чунки сувлар ёнбағирлардаги лёссимон жинсларнинг консистенциясини кескин ўзгартириб юборади.

Ер усти сувлари оқимларини тартибга солиш, кўчкининг усти ва атрофдаги жойларни текислаш, ёмғир ва қор сувларини кўчки участкаси устидан ўтказмасдан, йифиб бошқа томонга оқизадиган ариқлар қазиши, дараҳтлар ўтқазишдан иборатdir.

Ёнбағирларни текислашда ўнқир-чўнқир жойлар тўлдирилади, чўққайган ва дўппайган жойлар текисланади. Ёмғир ва қор сувлари бир жойда тўпланиб қолмай, ёнбағир бўйлаб текис оқади. Ёмғир ва қор сувларини кўчки участкасига яқинлаштиримаслик учун кўчаётган участканинг ҳали кўчмаган қисмида узилиш деворидан махсус ариқлар қазилади (82-расм). Қор ва ёмғир сувлари шу ариқлардан оқади. Сувнинг ер мағзига шимилмасдан ариқларда тез оқиши учун уларнинг таги ва ён қисмлари цементланади. Бу ариқлар бош ва ёрдамчи ариқларга бўлиниади.

Бош ариқлар кўчки бўладиган чегарадан 20—30 м узоқлигда, кўчадиган жойнинг чегараси бўйлаб қазилади ва бу ариқларнинг икки бошида оқкан сувларни йиғувчи катта ариқлар ковланади. Ариқлар чуқурлиги, узунлиги шу жойга ёғадиган ёмғир ва қорнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Сувнинг тез оқиши учун ариқларни шаб қилиб ковланади.

Бош ариқнинг асосий вазифаси тог тепасидаги қалин қор қатламларидан эриб тушаётган сувни ва булоқ сувларини суриладиган жойдан бошқа ёққа буриб юборишидан иборат. Бош ариқ билан кўчиш чегараси орасидаги жойларга ёғадиган ёмғир сувларини йиғиши учун узилиш девори яқинига ёрдамчи ариқлар қазилади. Ёрдамчи ариқларнинг таги ва ён томонлари ҳам цементланади.



82-расм. Кўчки содир бўлган жойларни ёғин-сочин сувларидан сақлаш учун қуриладиган хандақларни жойлаштириш схемаси:


1—ёғин-сочин сувларини йиғувчи асосий хандақ; 2—ёрдамчи хандақлар; 3—ёрдамчи хандақларда йиғилган сувларни ташқарига чиқарувчи хандақлар.

Агар ёнбағирдаги жинслар сув таъсирида тез эрийдиган ва ювиладиган бўлса, қазилган ариқлар тахта ва ёғочлар билан мустаҳкамланади.

**Сувга тўйинган тоғ жинсларининг сувини қочириш.** Одатда Урта Осиёда учрайдиган кўпчилик кўчкилар ер сувлари таъсирида бўлади. Шу сабабли жинсларининг сувини қочириш кўчкига қарши курашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун ҳар хил зовурлар қазилади. Ер ости сувларини йифиб бошқа томонга оқизиб юборадиган иншоот системасига зовурлар дейилади. Ер ости сувлари ҳар хил чуқурликда ётади. Шунга кўра ковланадиган зовурлар ҳам ҳар хил: ётиқ очиқ, ётиқ ёпиқ, тик ва аралаш бўлади.

Ётиқ очиқ зовурлар одий ариқлардан иборат бўлиб, кўчадиган жойнинг геоморфологик тузилишига кўра, қияликда ҳар хил йўналишда жойлашади ва ер ости сувларининг сатҳи ер юзасига яқин бўлган жойларда ковланади. Бундай зовурлар бир вақтда икки вазифани: ер ости сувларини йифади ва ёмғир ҳамда қор сувларини тўплайди. Агар ер ости сувлари ер юзасидан анча чуқурда ва бир неча қатламларда жойлашган бўлса, тик зовурлар (бурғи қудуқлари) қазилади. Уларга йиғилган сувлар маҳсус насослар орқали ташқарига чиқариб ташланади. Ер ости сувларининг кўчкига таъсирини бутунлай йўқотиш учун баъзан дренажли галерейлар (зовурли йўлаклар) қурилади (83-расм). Бундай галерейлар бир неча сувли қатламлардаги сувни йиғиб, уларнинг кўчкига таъсирини бутунлай йўқотади. Бундай иншоотлар зарур бўлган тақдирдагина қурилади. Жой жуда ноқулай ёки ер ости сувли қатламлар сони кўп ва турлича жойлашган бўлса, аралаш дренажлар ковланади.

**Тоғ ёнбағридаги массани қиялик бўйлаб бир текис тақсимланишини таъминлаш ҳам кўчкининг олдини олишга ёрдам беради.** Бунинг учун кўчаётган ёки кўчмоқчи бўлган жойдаги тоғ жинсларининг бир қисми қирқиб олиниб ёнбағирнинг қуий қисмига ётқизилади ва контранкет деб аталувчи тўсиқлар ҳосил қилинади (84-расм). Бундай тўсиқлар қияликнинг мустаҳкамлигини оширади. Қияликнинг тепа қисмидаги дўнглик қирқи-



83-расм. Дренажли галерейнинг кўчадиган қияликда жойлашиш схемаси, а, б, в—сувли қатламлар.




84-расм. Қияликларни яссилаб ва контранкет қуриб уларнинг мустаҳкамлигини ошириш схемаси.

либ, этак қисмига ётқизилади. Бу билан қияликнинг нишаблиги камаяди ва пастки қисмида сурладиган массани ушлаб турувчи куч миқдори ортади.

Денгиз ва дарё қирғоқларини abrasia ва эрозиядан сақлаш. Денгиз ва дарё қирғоқларида содир бўладиган ювилиш ва ўйилиш процесси кўчкини ҳосил қиласидиган асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Маълумки, шамол таъсиридан денгиз юзида сув тўлқинлари ҳосил бўлиб, қирғоққа тинмай урилиб туради. Қирғоқ емирила бошлайди. Уни abrasиядан сақлаш учун қирғоқларга бетон тўлқин қайтаргичлар, тўлқин сўндиригичлар деб аталадиган блоклар қурилади (85- расм). Тўлқин сўндиригич ва қайтаргичлар сув тўлқинининг кучини ва баландлигини ўрта ҳисобда 65—75% камайтиради. Булар қирғоқларни ювилишдан сақлайди ва сурладиган массага таянч бўлади. Худди шунга ўхшаш дарё қирғоқларини ҳам ювилишдан сақлаш учун бетон плиталар ётқизилади.

Таянч деворлари қуриш. Қўча бошлаган массани силжитмаслик учун кўпинча ёнбағирларга таянч деворлари қурилади




85- расм. Қирғоқни ювилиш ва сурлишдан сақлаш учун қуриладиган тўлқинсўндиригич ва тўлқинқайтаргич деворларининг схематик кесими.

(86- расм). Бунинг учун кўчаётган массани ушлаб турувчи таянч деворларнинг кучи силжитувчи кучдан катта бўлиши шарт. Шундагина таянч девори кўчаётган массани ушлаб тура олади.

**Жинсларнинг физик-механик хоссаларини сунъий яхшилаш туфайли ҳам кўчиларни тўхтатиши мумкин. Кўчаётган участкадаги жинслар ҳар хил дарзликга эга, ғоваклиги юқори, сувга тўйинган бўлиши мумкин. Бундай жинсларда кўчки содир бўлмаслиги учун уларнинг кўчкига қаршилигини сунъий йўл билан оширилади.**

Жинсларнинг хоссаларини сунъий ўзгартиришнинг тегишли усууларини аниқлаш учун уларнинг пертографик хусусиятлари



86- расм. Сурлаётган қияликларни таянч девор ёрдамида мустаҳкамлаш.

ва физик ҳолати, қайси хоссани ўзгартириш зарурлиги ва бу ишни бажариш учун қандай техник усулни ишлатиш мумкинлиги аниқланади. Кўчадиган жойларда жинсларнинг зичлиги ва мустаҳкамлигини оширувчи, намлигини ва сувга тўйинганлигини камайтирувчи усуллар қўлланади. Бу усулларга тоғ жинсларни цементлаш, электроосмотик қуритиш, электрохимиявий мустаҳкамлаш, зичлигини ошириш ва бошқалар киради. Натижада уларнинг қаттиқлиги, зичлиги ва мустаҳкамлиги ошади. Жинсларнинг таркиби, физик ва механик хоссалари бутунлай ўзгаради.

Ёнбағирларга дараҳт ўтқазиш ҳам кўчкilarни тўхтатишга ёрдам беради. Тоғ ёнбағирларига дуб, терак, қарафай, чинор каби узун илдизли дараҳтлар шахмат усулида ўтқазилади. Агар кўчадиган ер массасининг қалинлиги унча катта бўлмаса, бундай жойларда дараҳт ўтқазиш жуда фойдали бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, дараҳтлар илдизлари билан кўчаётган жойнинг мустаҳкамлигини ошириш билан бирга уларни ёмғир сувлари таъсирида ювилишдан сақлайди ва барглари орқали тупроқдаги сувни транспирациялаб жинснинг намлигини камайтириб туради. Кўчки бўлиб турадиган жойларда инсон фаолиятини ҳам тартибга солиш: қияликда чуқурлар ҳосил қилмаслик, қияликлар устига чиқинди тош ва тупроқларни ташламаслик; оғир иншоотлар қурмаслик, кўчиши мумкин бўлган қияликлар яқинида портлатиш ишларини бажармаслик, кўчадиган жойлар яқинидан ўтган темир йўлларда поездлар тезлигини оширмаслик, қиялик устидаги дараҳт ва ўтзорларни йўқ қилмаслик, қияликларга экин экмаслик, экилса ҳам, уларни нормадан камроқ суғориш, кўчиш эҳтимоли бўлган ҳисобланган қияликларнинг устидан ҳар хил чиқинди сувларни оқизмаслик ва сув ушлаб турадиган ҳовузлар қурмаслик, қияликларни яссилаб, нишаблигини камайтириш керак. Ана шу чора ва тадбирларни ўз вақтида ишлатилса, кўчкilar сони йил сайн камайиб боради.

## XVI БОБ. ДЕНГИЗ, КҮЛ ВА СУВ ОМБОРЛАРИ ҚИРГОҚЛАРИНИНГ ЮВИЛИШИ ВА ЕМИРИЛИШИ

### 1. Денгиз қиргоқларидаги геологик процесслар

Денгизлар ер юзасининг 71 процентини ташкил қилади ва улар муайян геологик иш бажаради. Матъумки, атмосфера ёғинлари, шамол, материждаги музликлар ва дарё сувлари ҳар йили тахминан  $10 \text{ km}^3$  жинсларни денгизларга олиб келади. Бундан ташқари, денгиз суви сатхининг кўтарилиши ёки пасайиши, тўлқинлар ва оқимлар туфайли унинг қиргоғи тинимсиз ювилиб ва емирилиб туради. Денгиз қиргоқларнинг сув таъсиридан емирилиши абразия процесси деб аталади.

Қиргоққа тўлқин урилиб, сўнг қайтганда парчалангани тош, шағал ва қумларнинг бир қисмини ўзи билан денгизнинг чуқур жойларига олиб кетади, қолган кўп қисми эса соҳилда қолади. Соҳилда қоладиган жинслар миқдори унинг нишаблиги ва тўл-

қиннинг кучига боғлиқ. Соҳилнинг нишаблиги кичик бўлса, тўлқиннинг қирғоққа урилиш масофаси катта бўлади ва емирилган жинсларнинг кўпчилиги қирғоқ бўйида қолади. Бу ҳодисанинг кўп такрорланиши натижасида денгиз қирғонининг кичик нишабли жойларида пляж деб аталадиган узун ва кенг майдонлар ҳосил бўлади. Аммо пляжнинг кўпи узоқ вақт турмайди — денгиз кучли сув тўлқинлари туфайли ювилиб кетади. Натижада соҳилнинг нишаблиги ошиб тик бўлиб қолади. Тик қирғоқларга тўлқиннинг урилиб қайтиши кучли бўлади.


Қирғоқ шакли уни ташкил этган тоғ жинсларининг хилига, жойнинг геоморфологик тузилишига ва қирғоқдаги геологик процессларнинг характеристига боғлиқдир.

Денгиз суви сатҳининг қирғоққа тегиб турган жойи соҳил чизиги деб аталади. Соҳил чизиги тўлқин кучига, сув сатҳининг кўтарилиши ёки пасайишига, сув режими ўзгаришига қараб доимо ўзгариб, гоҳ денгиз томон гоҳ қуруқлик томон силжиб туради. Соҳил чизиги қуруқлик ёки денгиз томон бир қанча метрдан бир қанча юз метргача баъзан километргача силжиб туради. Соҳил чизигининг денгиз ва қуруқлик томон силжишидан у бўйлаб ҳосил бўлган майдон денгиз соҳили ёки қирғоқ зонаси дейилади. Бу зонанинг кенглиги юқорида айтилганидек, соҳил чизигининг силжишига боғлик бўлиб, бир неча юз метрдан бир неча юз километрни ташкил этади.

Қирғоқ зонаси ҳосил бўлиш шароитига қараб абразион ва аккумулятив зоналарга бўлинади. Абрязион зона кўпинча тик бўлиб, магматик ёки метаморфик жинслардан ташкил топади. Бундай зонанинг ювилиши ва емирилиш алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, сув тўлқинларининг қирғоққа урилишидан ичкарига кириб кетган ўйиқлар — тўлқин бўғизлари ҳосил бўлади (87-расм). Абрязион йўл билан ҳосил бўлган қирғоқ зонасининг асосий морфологик элементларига тик қирқилган қирғоқ 1, тўлқин ўйими 2, пляж 3, сув ости абразион саёз жой 4, қатлам-қатлам бўлиб тузилган сув ости аккумулятив саёз жойлар 5, соҳил чизиги 6 киради.


Аккумулятив қирғоқ зонаси кўпинча саёз соҳилдан иборат бўлиб асосан бўшоқ тоғ жинсларининг емирилишидан ҳосил бўлган материаллар қум, шағал ва тошлардан ташкил топади. Бундай қирғоқ зонасининг морфологик элементлари турлича бўлиб, (88-расм) сув устки аккумулятив террасаси 1, қирғоқ вали 2, пляж 3, сув ости аккумулятив қирғоқ саёз жойи 4, сув ости вали 5 ва сув сатҳидан туртиб чиққан барлар 6 дан иборат бўлади.

Денгиз қирғоқларида бўладиган геологик процесс ва ҳодисаларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки денгиз қирғоқлари яқинига турли иморат ва иншоотлар, автомобиль ва темир йўл, даволаниш санаторийлари ва дам олиш лагерлари, порт ва ҳоказолар қурилади. Бундан ташқари қирғоқдаги геологик процесслар аввал қурилган иморат ва иншоотларга таъсир кўрсатиши ва путур етказиш ҳам мумкин.



87-расм. Денгиз соҳиллари ювилиши натижасида абразион қирғоқлар ҳосил бўлиши босқичлари—I—IV (В. П. Зенкович):

1—тиқ қирғоқ; 2—тўйликкун ўйни; 3—пляж; 4—сув ости абразион саёз жой; 5—сув ости аккумулятив саёз жой; 6—соҳил чизиги.



88-расм. Денгиз соҳиллари ювилиши натижасида аккумулятив қирғоқлар ҳосил бўлиши босқичлари—I—IV (В. П. Зенкович):

1—дениз олди текислиги; 2—қирғоқ олди дўнглиги (вал); 3—пляж; 4—сув ости аккумулятив саёз жой; 5—сув ости дўнглиги; 6—дениз сатҳидан юқори турувчи барлар; 7—лагуналар.

## Сув омборлари қирғоқларидағи инженерлик-геологик процесслар

Халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида дарёлар тўсилиб, тўғонлар қурилади ва сунъий омборлари вужудга келтирилади. Сув омборларида содир бўладиган геологик процесслар дениз ва кўл қирғоқларидағига ўхшаса ҳам, айрим белгилари билан улардан кескин фарқланади.

Дарёга тўғон қурилганда унинг юқори қисмида сув йифилиб, дарё секин-аста димланиб, сув сатҳи кўтарилади. Дарёning тўғонга яқин қирғоқлари ва унинг атрофидаги жойлар сув остида қола бошлайди. Дарё режими кўл, катта сув омборларида эса дениз режими билан алмашади. Дарё эрозияси тўхтайди, унинг ўрнига абразия процесси ривожлана бошлайди, қирғоқ бўйлаб пляж майдонлари ҳосил бўлади. Сув омборларида бў-

ладиган абразия процесси емирилиш режими нинг ҳар хиллиги билан денгиз абразиясидан фарқ қиласи.

Сунъий сув омборларида сув сатҳи йил давомида тез-тез ўзгариб туради. Сув омбори сувга тұлғач иккі-уч йилда унинг қирғоқларидаги емирилиш тезлиги кейинги йиллардагига нисбатан анча юқори бўлади, йиллар ўтиши билан қирғоқнинг ювилиши ва емирилиш тезлиги пасаяди. Омбор сувга тұлдырылғач сув сатхининг режими тез-тез ўзгариб туради. Олдинига аккумулятив террасалар ҳосил бўлади, кейинроқ улар сув тўлқинлари таъсирида ювилиб қирғоқнинг нишаблиги орта боради. Сув омборларининг туби сувда оқиб келган материалларнинг чўкиши туфайли саёзланади.

Сув омборлари қирғоқларининг ювилиш ва емирилиш тезлиги уни ташкил этган жинсларнинг турига, сувда чидамлилигига боғлиқ. Сув омборларининг қирғоқлари лёсс ва лёссимон жинслардан ташкил топган бўлса, сув таъсирида жуда тез емирилади.


## 2. Денгиз, кўл ва сув омборларида тўлқин ҳосил қилувчи факторлар

Денгиз, кўл ва сув омборларида бўладиган шамол кучига қараб сув юзасида тўлқинлар ҳосил бўлади. Тўлқиннинг сув юзасидаги чўққиси сув остидаги чўққига нисбатан анча тик бўлади. Шамолдан тўлқинга ўтадиган энергия миқдори тўлқинни турли жойида турлича бўлади. Шу сабабли сув қатламининг ўзаро аралашиб тезлиги ва қалинлиги шамол йўналиши бўйича бир хил бўлмасдан пульсацион ҳарактерда бўлади (89- расм). Расмда тўлқиннинг пульсацион ҳаракати графиги ифодаланган. Ундан кўрамизки, сув зарралари шамол йўналиши бўйича бир оз чўзиқроқ эллипс бўйлаб ҳаракатланади. Сув зарраларининг бу шаклдаги ҳаракати сув юзасининг янги шаклини вужудга келтиради. Шамол таъсирида аввал сув юзасида майдо живирлаган тўлқинчалар пайдо бўлади, кейинчалик улар йирик тўлқинлар ва тўлқинланишни ҳосил қиласи (90- расм).

Одатда ҳаво оқимининг тезлиги ва сув юзасига бўлган босими нотекис бўлиб, унинг ҳаракати турбулент ҳарактерга эга. Шу сабабли улар сув юзасида ҳар хил баландликка ва узунликка тенг сув тўлқинлари ҳосил қиласи.

Тўлқинни ҳаракетловчи кўрсаткичлар узунлиги  $L$ , баландлиги  $h$ , тўлқин даври  $T$ , тарқалиш тезлиги  $v$ , яъни  $v = \frac{L}{T}$  м/с ҳисобланади.


Шамол ҳаракатидан вужудга келган денгиз юзасидаги сув тўлқинларининг тарқалиш масофаси шамолнинг таъсир қилиш жойидан узоқроқ бўлади, шу сабабли денгиз юзасининг шамол йўқ бўлиб кўринган жойларида ҳам кучли сув тўлқинлари ва чайқалишлар бўлиб туради.



89-расм. Сув түлкінларининг ҳаракатланиш формаси:

*a*—трохоиддалли; *b*—*в*—В. В. Шулейкиннинг янги кузатишлиарига күра сувнинг пульсациян ҳаракатын натижасыда ҳосил бўлган түлкін формаси (эллипссимон).

Шамол ҳосил қилган чайқалиш ва түлкінлар катта энергия запасига эга. Түлкін бажарган иш миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:



90-расм. Шамол туфайли сув бетида ҳосил бўлган түлкінлар эволюцияси (В. Баск):

*1*—живирлаган ва майда түлкінлар; *2*—тўла ривожланган түлкінларини; *3*—түлкінларининг зибга ўтиши.

$$E = \frac{1}{8} h^2 L,$$

буида  $E$  — түлкін фронт бўйлаб ҳосил қилган энергия йигиндиси тк м/м;  $h$  — түлкін баландлиги, м;  $L$  — түлкін узунлиги, м;

В. И. Зенковичнинг (1946) ҳисобига кўра, баландлиги  $h=6$  метр бўлган денгиз түлкінининг энергия запаси 360 минг кгк·м. га ва түлкіннинг фронт бўйлаб қуввати 240 о. к./м га teng экан.

Түлкін энергияси запасининг йигиндиси унинг тарқалиш тезлиги  $D$  км, сув ҳавза-

сининг қирғоқ олди чуқурлиги  $H$ , шамол тезлиги  $W$  м/с ва унинг давом қилиш вақти  $t$  га боғлиқдир.

Олинган маълумотларига кўра очиқ океанларда шамол тўлқинининг тезлиги жуда юқори бўлиб, жанубий кенгликда шимоли-фарбдан эсувчи шамол тўлқинларининг узунлиги 400 м га, баландлиги 12—13 м га, тезлиги эса 14—22 м/с га тенг.

Тўлқин баландлиги ва узунлигини аниқлаш учун бир қанча эмпирик формуласар мавжуд бўлиб, энг кўп ишлатиладигани қўйидаги Беренг формуласи ҳисобланади:

$$h = \frac{\frac{1}{3} W}{\left(1 + \frac{6,7}{D}\right) \left(1 + \frac{1,86}{t}\right)}; \quad L = \frac{12,34 \cdot W}{\left(1 + \frac{47,9 \cdot W}{D}\right) \left(1 + \frac{13,31}{t}\right)}.$$

Бу формуладан маълум бўлишича, тўлқиннинг баландлиги ва узунлиги унинг тезлиги  $W$  ва югуриш тезлиги  $D$  ҳамда таъсир этиш вақти  $t$  га боғлиқдир.

Стивенсон тўлқин баландлигини қўйидаги формула орқали топишни тавсия этади:

$$h = 0,37 \cdot \sqrt{D}.$$

В. П. Зенкович сув омборларида ҳосил бўлган тўлқинларни текшириб, уларнинг баландлиги ва узунлигини топишда В. Г. Андреяновнинг формуласидан фойдаланишни тавсия этади:

$$h = 0,0208 W \frac{5}{4} D \frac{1}{2} \quad L = 0,304 W D \frac{1}{2}.$$

Тўлқиннинг қирғоқда бажарган иши ва урилиш кучи унинг баландлигига, массасига ва тезлигига боғлиқ. Унинг баландлиги эса шамолнинг кучига, таъсир этиш вақтига, тарқалиш тезлиги ва сув ҳавзасининг қирғоқ зонасидаги чуқурлигига боғлиқ. Текширишлар шуну кўрсатадики, сув юзасидаги тўлқин ва жимирлашлар қирғоққа яқинлашганда сув ҳавзаси таг рельефининг таъсири туфайли уларнинг тарқалиш тезлиги, баландлиги ва узунлиги камайиб, энергияси ҳам пасайиб боради. Тўлқиннинг кучи денгизнинг чуқурроқ қирғоққа яқин жойларида саёз жойидагидан юқори бўлиб, қирғоққа томон камайиб боради. Тўлқинлар 1,5  $L$  м чуқурликка таъсир қиласди. Демак, тўлқиннинг таъсир қилиш чуқурлиги унинг узунлигига боғлиқ. Тўлқин узунлиги қанча катта бўлса, унинг таъсир этиш чуқурлиги шунча юқори бўлади. Агар қирғоққа яқин жойда сув ҳавзасининг чуқурлиги тўлқиннинг баландлигига тенг, яъни  $H=h$  бўлиб қолса, тўлқиннинг ҳаммаси ёки унинг бир қисми қирғоққа етиб келмай, унга яқинлашганда бузилади, яъни кучи қирқилади. Демак, қирғоққа уриладиган тўлқиннинг кучи, унинг баландлиги ва тезлигига қирғоқнинг қиялик даражасига, баландлигига, сув ҳавзасининг қирғоққа яқин жойдаги чуқурлиги ва рельефига боғлиқ. Саёз қирғоқларда тўлқин қирғоққа урилмайди, чуқур ва тик қирғоқларда эса катта куч билан урилади.

Тұлқиннинг тик қирғоққа урилиш кучи қуйидаги формула билан аниқланады:

$$P = \frac{\gamma_v \cdot v^2}{g} \text{ тк./м}^2 \text{ ёки } P = 0,105 \cdot v^2,$$

бунда  $\gamma_v$ —денгиз сувининг зичлиги, 1,026 га тенг;  $g$  — юқорига күтәрілгандың сувининг зичлигі.

Күчли шторм бўлганда тұлқиннинг урилиш кучи Сочи шаҳри районида 4,5 дан 5,7 тк./м<sup>2</sup> гача, очиқ денгизде 30 тк./м<sup>2</sup> ёки 3 кгк/см<sup>2</sup> га етган (А. М. Жданов, 1952).

Тұлқин ўзи билан бирга қум, шағал, тош ва валунларни қирғоққа уради, бунда қирғоқ емирилади. Буни тасаввур қилиш қийин эмас.

### Денгиз, күл ва сув омборлари қирғоқлари емирилишини ўрганиш

Денгиз, күл ва сув омборлари қирғоқларининг емирилишини ўрганишда биринчи навбатда қирғоқ қандай жинслардан ташкил топғанligini билиш шарт. Юқорида қайд қылғанимиздек қирғоқларнинг емирилиш тезлиги уларни ташкил этган жинсларнинг генетик хили дарзлилиги, зичлиги ва бошқа физик, механик хоссаларига боғлиқ.

Бир хил қаттиқ (магматик, метаморфик) ёки ярим қаттиқ (цементланған чўқинди) жинслардан иборат қирғоқларнинг ювилиши уларнинг петрографик тузилиши ва физик-механик хоссаларига боғлиқ. Бундай жинслардан ташкил топған қирғоқлар сувга чидамли бўлиб, жуда секин емирилади, емирилиш тезлиги уларнинг нураганлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун бундай қирғоқларнинг мустаҳкамлигини ўрганишда жинсларнинг нураганлик даражаси батафсил аниқланади. Агар жинсларда тектоник ва бошқа хил йирик ёриқлар бўлса, ёриқларнинг кенглиги, йўналиши ва қандай жинслар билан тўлғанлиги ўрганилади.

Қирғоқлар емирилиш жараёнида ўзининг мувозанат профилини ҳосил қиласы, яъни қирғоқ емирилишдан тўхтайди. Магматик ёки метаморфик жинслардан ташкил топған ва емирилиш жараёни тўхтаган денгиз ва күл соҳилларида тик қирғоқлар борган сари қирғоқ чизиғидан узоқлашади, натижада чўқинди жинслар билан қолланган ёки қолланмаган сув ости қиялиги (нишаблиги) ҳосил бўлади. Шамол таъсирида ҳосил бўлган сув тўлқинлари сув ости нишаблигига таъсир қилиб, унинг рельефини ўзгартириб туради. Тўлқин бундай ҳолда қирғоқнинг қоя тошлардан ташкил топған тик жойларига тўла куч билан етиб боролмайди, яъни сув остидаги дўнгликларга урилиб унинг кучи камайди.

Зарралари қовушмаган қум, шағал ва гил, қумоқ, қумлоқдан ташкил топған қирғоқларнинг емирилиш тезлиги жинсларнинг ғоваклилигига, сув ўтказувчанлиги ва физик-механик хос-

саларига бөглиқ. Бундай жинслардан тузилган қирғоқларда емирилиш процесси жуда тез бўлади, натижада соҳилда қум ва шағаллардан иборат пляжлар ҳосил бўлади. Қирғоқ саёзланади, тўлқиннинг жинс зарраларини сурувчи кучи бундай саёз қирғоқларда тик қирғоқларнига нисбатан кам бўлади.

Шундай қилиб, дengiz, кўл ва сув омборлари қирғоқларининг емирилиши натижасида қирғоқ чизиги қуруқлик томонга сурила бошлайди. Сурилиш йилига бир неча метрдан бир неча ўн метргача бўлиб, қирғоқни ташкил этган жинсларнинг хилига боғлиқдир.

Қирғоқларнинг мустаҳкамлиги ва емирилишга чидамлилиги уларнинг ётиш ҳолатларига ҳам боғлиқ. Агар қирғоқдаги жинс қатламлари горизонтал ёки сув томонга энкайган бўлса, сув қирғоққа урилиши натижасида ҳар хил ўйимлар ҳосил бўлади, қирғоқ қатламларининг бири сув таъсирида тез ювилаб, тез емирилса, иккинчиси секинроқ емирилади. Емирилиш характери жинсларнинг типи, петрографик тузилиши ва структураси ҳамда текстурасига боғлиқ бўлади.

Қатламларнинг нишаблиги қирғоқ нишаблигига мос келса ва қатлам жуда қаттиқ жинслардан ташкил топган бўлса, бу қатлам қирғоққа табиий қоплама девор ҳисобланаб, қирғоқни емирилишдан сақлайди. Шунга кўра қирғоқларни ташкил этувчи қатламларнинг ётиш ҳолатлари ўрганилади.

Қирғоқларда бўладиган геологик процессларнинг интенсивлигига ернинг янги ва ҳозирги тебранма ҳаракати ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, тебранма ҳаракатлар ёки материк музилкларининг эриши натижасида дунё океани сатҳи кўтарилади. Олимларнинг аниқлашича, музлик даврининг охирги босқичида дунё океанининг юзаси 60—80 метргача кўтарилган. Бунинг натижасида дengiz қирғоқлари ҳозирги шаклга эга бўлган.

Текширишлардан маълум бўлишича, қирғоқлар емирилишига соҳил яқинидаги жойларнинг гидрографик тармоқлари ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, дарё ўзи билан кўп жинс бўлакларини оқизиб келиб, дengизга қуйиладиган жойга ётқизади. Ётқизиқлар дengиз соҳилини нишаблигини камайтириб, қирғоқнинг мустаҳкамлигини кучайтиради. Агар ётқизиқлар қирғоқда ва унинг сув остидаги жойларида узоқ вақт ётса бу ҳол қирғоқда абразия процесси содир бўлмаётганини билдиради, дарё олиб келган материалларнинг тез ювилаб, дengизга кетиб қолиши, қирғоқда абразия бўлаётганигини кўрсатади.

Дengиз ва кўл қирғоқларининг хавфилик даражасини аниқлашда қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши лозим: 1) қирғоқни планировка қилиш, бу зонага иншоот ва имаратларни жойлаштириш; 2) қирғоқда содир бўлаётган геологик процессларни тўхтатиш ёки уларнинг олдини олиш учун конкрет участкаларда инженерлик иншоотлари қуриш.

Биринчи вазифани ҳал қилиш учун дengиз ва кўл соҳиллари бутунлай ўрганилади. Қирғоқнинг ювилаётган ва емирилаётган

участкалари аниқланади ва бу участкаларда қандай геологик ҳодисалар бўлаётганлиги ёки бўлиши олдиндан белгиланади. Бунда кўпинча аэрофото съёмка материалларидан фойдаланилади. Олинган маълумотлар ишлаб чиқилади ва қирғоқнинг қайси жойи фойдаланишга яроқли, қайси жойи яроқсиз ёки хавфли экани аниқланиб, қирғоқни емиришдан сақлаш чоралирининг биринчи варианти ишлаб чиқилади.

Иккинчи вазифани ҳал қилиш учун қирғоқнинг емирилаётган ва ҳар хил геологик ҳодисалар содир бўлаётган участкалари батафсил ўрганилади. Ўрганилган ҳар бир участка учун конкрет инженерлик тадбирлари ишлаб чиқилади. Бунинг учун соҳилнинг ҳар қайси конкрет участкасида батафсил инженерлик-геологик ишлар олиб борилади. Қирғоқнинг ўрганилаётган участкасининг гидрогеологик ва инженерлик-геологик шароити қидирав ва тажриба ишлари олиб бориш ҳамда доимий кузатиши орқали ўрганилади, хавфли геологик процесслар бўлиши олдиндан аниқланади. Бундан ташқари қирғоқнинг шундай участкаларидағи тўлқин кучининг йўналиши белгиланиб, қирғоқнинг сув ости қисми рельефи, нишаблиги, чўқиндилар борйўқлиги, уларнинг таркиби аниқланади.

Сув омборлари қирғоқларининг ювилиши ва емирилишини ўрганиш айрим конкрет жиҳатлари билан денгиз ва кўл қирғоқларини ўрганишдан фарқланади.


Сув омбори қирғоқлари проектда кўрсатилган сув ҳажмига тўлмай ювилиб, емирила бошлайди, натижада қирғоқ олдинги шаклини ўзгартиради. Бу ҳодиса сув омборлари соҳилларининг қайта тузилиши (ишланиши) дейилади.

Сув омбори қирғоқларининг қайта тузилиши тезлиги денгиз ва кўлларникига ўхшайди, яъни тўлқиннинг кучи ва сув омбори қирғонини ташкил этган жинсларининг типи, ётиш ҳолати, зичлиги, сув ўтказувчанлиги, қирғоқ ва унинг атрофидаги жойларнинг геоморфологик тузилишига боғлиқ бўлади.

Одатда сув омборлари текисликдаги ва тоғ оралифидаги дарёларни тўсиб, тўғон қуриб вужудга келтирилади. Текисликларда барпо этилган сув омборларининг қирғоқлари геологик тузилиши, рельефи ва содир бўладиган процесслари билан фарқланади.

Текисликдаги дарёларда барпо этилган сув омборларининг қирғоқлари чўкинди жинслардан иборат бўлса, тоғли районлардаги сув омборларининг қирғоқлари магматик, метаморфик ва чўкинди жинслардан иборат бўлади. Шу сабабли тоғли райондаги сув омборларининг қирғоқлари нотекис, бир жойи тез (чўкинди жинслардан тузилган жойи), иккинчи жойи секин ювилиб емирилади. Натижада абразион қирғоқлар вужудга келади.

Текисликдаги сув омборининг қирғоқлари сув таъсирида тез ивийдиган гил, лёсс ва лёссимон жинслардан иборат бўлса, соҳил жуда тез ювилади ва емирилади. СССРдаги баъзи сув омборларининг қирғоқлари қанча узунликда емирилиши 31- жадвал ва 91- расмда кўрсатилган.



91-расм. Рибиндаги сув омбори қирғозининг ювиллиши (Е. Ф. Комарова ва А. И. Пряхин). Қирғознинг Пермут қышлоғи яқинидаги кесими:

1—1939 йилдаги; 2—1950 йилдаги; 3—1951 йилдаги; 4—1953 йилдаги.

Бу жадвалдан баъзи сув омборлари қирғоқларининг 70 процентгача қисми емирилгани кўринади. А. Б. Аваниян ва В. А. Шарапов маълумотларига кўра қирғоқлари лёссимон жинслардан иборат Каҳовск сув омбори қирғоқлари емирилиши қўйидагича бўлган. Омборга сув тўлдирилиб, бир йил ўтгандан сўнг қирғоқдаги емирилган жойининг эни 30—45 м га икки йилдан кейин 70—80 м га ва 4 йилдан кейин 90—100 м га етган. Днепропетровск сув омборларида эса 13 йилдан кейин қирғоқида емирилган жойининг кенглиги 140—180 м га етган.

Ҳозирги вақтда сув омборлари қирғоқларининг емирилиш тезлиги ва миқдорини бир неча йил олдин айтиб бериш мумкин.

Сув омборлари қирғоқларининг ювиллиши ва емирилиши характеристерини ўрганиш учун сув омборининг лойиҳаси тузилаётганда инженерлик-геологик ишлар орқали сув омбори қирғоқларининг геологик ва геоморфологик тузилиши, гидрогеологик шароити ва бу жойда содир бўлган геологик процесслар ўрганилади.

Сув омбори ишга туширилгандан сўнг ювиладиган ва емириладиган қирғоқлари доимо кузатиб туриласди, қирғоқда бўлаётган ўзгаришлар ўрганиб бориласди.


Сув омборлари қирғоқларининг емирилиши натижасида уларнинг сув ости қисмida саёз жой дейиладиган соҳил ҳосил бўлади. Саёз жой ҳосил бўлишига қараб иккига, абразион-аккумулятив саёз жой ва абразион саёз жойга бўлинади (92-расм).

Абразион-аккумулятив саёз жой бўшоқ жинслардан тузилган сув омборлари қирғоқларидан, абразион саёз жой эса

31-жадвал

СССР да баъзи сув омборлари абразион қирғоқларининг ва соҳил чизигининг умумий узунлиги (А. Б. Аваниян ва В. А. Шараповлар 1968)

Сув омборлари	Соҳил чизигининг умумий узунлиги, км	Абразион қирғоқнинг узунлиги	
		км	Кирғоқнинг умумий узунлигига нисбатан % хисобида
Рибинск	1650	140	8,5
Кама	1340	618	46,1
Куйбишев	2500	1000	40,0
Цимлян	660	482	70,0



92-расм. Сув омборларида сув ости саёс жойли қирғоқлар схемаси:  
а-аккумулятив-абразион қирғоқ; б-абразион қирғоқ;  $L_{юв}$ -қирғоқдаги ювилш зонасининг эни;  $L_{отм}$ -қирғоқда саёс жой ҳосил қылувчы зонанынг эни.

қирғоқлари қаттиқ, сувда секин ювиладиган, секин ўзгарадиган жинслардан ташкил топган сув омборларида ҳосил бўлади.

Сув омборлари қирғоқларининг емирилиб қайтадан ҳосил бўлиши ва унинг характеристикини билиш учун 1) қирғоқнинг қайта тузилиш зонасининг кенглигини; 2) соҳил чизигининг қуруқликка томон сурилиш тезлигини; 3) емирилишни тўхтатишни инженерлик чоралари ва бошқаларни аниқлаш лозим.

Қирғоқнинг қайта тузилиш зонасининг кенглиги исталган пайтда, масалан, 5 йилдан, 10 йилдан кейин қандай бўлишини олдиндан айтиш мумкин.

Сув омборлари қирғоқлари қайта тузилишига денгиз ва кўллардагига ўхшаш қўйидаги факторлар таъсир қиласди:

1) геологик факторлар: тоғ жинсларининг хиллари, ётиш шароитлари, тектоник структуралар йўналиши, ернинг янги ва ҳозирги тебранма ҳаракатлари, емирилишдан ҳосил бўлган бўшоқ жинсларининг қирғоқ бўйлаб тарқалиши ва таркиби;

2) геоморфологик факторлар: қирғоқнинг сув остидаги қисми ва соҳил рельефи, соҳил чизигининг йўналиши, аккумулятив рельеф формаси жойланиши, ҳозирги геологик процесслар ва уларнинг интенсивлиги;

3) гидрологик факторлар: сув юзасининг кенглиги, музлаш режими, сув сатҳининг кўп йиллик, фасллик, ҳафталик ва суткалик режими, тўлқиннинг интенсивлиги, сув транспортларининг ҳаракати, дарёларнинг тошиши, сув оқимларининг йўналиши ва бошқалар;

4) инсоннинг хўжалик ва инженерлик фаолияти туфайли ҳосил бўлган шароит: қирғоқ зонасига турли иншоотлар қуриш, қирғоқларни ҳайдаш, қирқиши, қирғоқда экскаваторлар билан ишлаш ва бошқалар.

Қирғоқларнинг емирилиши вақт ўтиши билан секинлашади ва охири тўхтайди.

Сув омбори қирғоқларининг қайтадан тузилиши унинг ҳамма жойида бир хил бўлмайди: соҳилнинг бир жойида тез ва ҳажми катта, бошқа жойида эса секин ва ҳажми кичик бўлади. С. А. Вендро (1959) сув режимига кўра текисликдаги сув омборларининг қирғоқларини қўйидаги зоналарга бўлади:

1. Сувли чуқур зона. У сув сатҳининг жуда баландга кўтарилиши билан характерли. Тўлқин интенсивлиги жуда юқори бўлиб, қирғоқ кучли емирилади, отмель ҳосил қилувчи бўшоқ материаллар кўп бўлади. Бу зонада тўлқин сув омбори тагига таъсир қилмайди.

2. Сувли ўртача зона. Сув сатҳи кўтарилганда бу зона ўзининг кўп хусусиятлари жиҳатидан биринчи зонага яқинлашади. Қирғоқнинг емирилиши биринчи зонага нисбатан секинроқ бўлади. Тўлқинлар сув омбори тагига таъсир қилиб, унинг рельефини ўзгартиради. Натижада, сув омбори қирғоғида кичик сув ҳавзаси ҳосил бўлади.

3. Юқори зона. Тўлқинлар тараққиёти ва емирилиш секин боради.


4. Энг чекка зона. Қирғоқнинг емирилиши билинар-билинмас бўлади, баъзан умуман бўлмайди.

5. Саёз қўлтиқлар ҳосил қилган зона. Кўпинча бу зонада сувлар йиғилиб лагунага айланиб қолади, сўнгра бўшоқ жинслар билан тўла бошлайди.

Сув омборларининг мана шу ҳар қайси зонасида ўзига хос геологик процесслар рўй беради. Айниқса биринчи ва иккинчи зонада геологик процессларнинг интенсивлиги юқори бўлади.

Сув омборлари қирғоқларининг емирилиш характерини ва қайта тузилишини, қайси шаклга эга бўлишини олдиндан айтиб бериш учун қирғоқнинг емирилиши мумкин деб ҳисобланган жойларининг геологик кесмалари тузилади ва бу кесмада қирғоқнинг инженерлик-геологик шароити, яъни тоғ жинсларининг хиллари ва литологик таркиби, ётиш ҳолатлари ер ости сувларининг сатҳи, тоғ жинсларининг намлиги, сув ўтказувчалиги ва бошқалар кўрсатилади. Булардан ташқари кесмада қирғоқнинг олдинги ҳолати ва бир неча йил, масалан, 10 йил ўтгандан кейин бўладиган ҳолати, тектоник ёриқлар йўналиши, абразион ва аккумулятив қирғоқларнинг геоморфологик тузилиши, қирғоқда бўлаётган ёки бўладиган геологик процессларнинг турлари тасвирланади.

Геологик маълумотлардан ташқари қирғоқда бўладиган тўлқинлар кучи, йўналиши, баландлиги, узунлиги, тезлиги ва бошқа гидрологик маълумотлар ҳам батафсил ўрганилади.



93-расм. Сув омборлари қирғоқларининг ювилиши ва қайта тузилишини олдиндан аниқлашда қўлланадиган ҳисоблаш схемаси  
(Г. С. Золотарев):

I—сув ости отмели нишаблиги; II—сув ости отмелининг аккумулятив қисми;  
III—сув ости отмелининг абразион қисми; IV—қирғоқдан емирилиб туштган тоғ жинси бўлакларини думалатиш зонаси; V—қирғоқнинг сув остида бўлмаган қисми.  
 $L_{юв}$ —ювилиш зонасининг эни.  $L_{отм}$ —сув ости отмелининг эни.

Сув омборлари ишга тушгандан кейин қирғоқларининг қайта тузилишини ва қандай янги профилга эга бўлишини олдиндан айтиб бериш учун қўлланадиган ҳисоблаш усууллари жуда кўп. Уларнинг энг кенг тарқалгани Г. С. Золотарев ва Е. Г. Каҷугин (1959) усуулларидир. Бу усууллар соддалиги ва аниқлиги билан бошқа усууллардан ажралиб туради.

Г. С. Золотарев усули билан сув омборлари қирғоқларининг геологик, геоморфологик, гидрогеологик, гидрологик ва инженер-лик-геологик шароитлари батафсил ўрганилади ва бунга асосан 10, 20 йил ва ундан кейин қирғоқлар қандай ҳолатга келиши кўрсатиб берилади. Қирғоқнинг ҳар бир конкрет участкасининг геологик кесмалари тузилади ва ҳисоблаш орқали бу кесмада қирғоқнинг емирилишидан ҳосил бўлган сув ости отмелининг маълум вақтдан (5 йил, 10 йилдан) кейинги жойланиш чуқурлиги, баландлиги, қалинлиги ва қандай жинсларнинг емирилишидан ташкил бўлиши кўрсатилади. Бу усул 93-расмда кўрсатилган кесмадаги қирғоқ отмели поғонасининг чўққиси, яъни энг баланд жойи «а» нуқтанинг ўрнини топишга асосланган. Бу нуқтанинг ўрнини топиш учун айрим участканинг 2—3 та кесмаси тузилади ва унинг ўрни қуйидагича аниқланади. Тез ювиладиган қум ва қумлоқ жинслардан ташкил топган қирғоқлар учун 10 йилдан кейин «а» нуқтанинг сув сатҳига нисбатан жойланиш чуқурлиги таъминланиши 20% ли, яъни 100 йил ичida 20 марта қайтарилиши мумкин бўлган тўлқин баландлигининг 1,5 қисмiga teng деб қабул қилинган. Қирғоқ қайта тузилишининг охириги моменти учун «а» нуқтанинг жойланиш чуқурлиги: а) осон ювиладиган ва емириладиган жинслардан тузиленган қирғоқлар учун таъминланиши 5% ли тўлқин баландлигининг 2,5—3,0 қисмiga; б) қийин ювиладиган зич гил, мергел ва шунга ўхшаш жинслар учун таъминланиши 1—2% ли тўлқин баланд-

лигининг 2,0—2,5 қисмига тенг бўлади. Қирғоғи жуда секин емириладиган сув омборлари учун 10 йилдан кейин «а» нуқтанинг жойланиш чуқурлиги НПУ чизигига нисбатан олинса, емирилишнинг охирги моменти учун сув кам бўлган йилнинг сув сатҳига нисбатан олинади.

Қирғоқнинг қайта тузилишида ҳосил бўлган отмелнинг ётиш ҳолатини кесмада кўрсатиш учун «а» нуқтадан  $\alpha_1$  бурчакка тенг нур чиқариб, отмел поғонасининг ён қиялиги ва  $\alpha_2$  бурчагига тенг нур чиқариб отмел поғонаси устининг қиялиги ҳосил қилинади ва нурни қирғоқнинг дастлабки чизиги билан кесишгунча давом эттириб «в» нуқтаси топилади. Сўнгра  $\alpha_3$  бурчаги ҳосил қилиб «в» нуқтасини «с» нуқтаси билан туташтириб отмелнинг абразион юзаси  $F_2$  топилади.  $\alpha_3$  бурчаги эса тоғ жинсининг ювилиши даражаси, тўлқин баландлиги ва прогноз қилиш муҳлатига қараб аниқланади. Кесманинг «с» нуқтасидан юқоридаги қисми тўлқиннинг ағдарилиш зонасига қараб белгиланади. Тўлқин ағдарилиш зонасининг баландлиги Н. Н. Джунковский (1948) формуласи ёрдамида аниқланади:

$$h_v = 3,2 \cdot k \cdot h \cdot t g \alpha,$$

бунда  $h_v$  — тўлқиннинг ағдарилиш баландлиги, м;  $k$  — қирғоқ қиялигининг текисликка боғлиқ бўлган коэффициенти (у текис бетонли қирғоқлар учун 1 га, тош билан қопланган қирғоқ учун 0,775 га, ўнқир-чўнқир қирғоқ учун 0,665 га тенг);  $h$  — тўлқин баландлиги;  $m$ ;  $\alpha$  — қирғоқнинг қиялик бурчаги.

Тажриба шуни кўрсатадики, қирғоқ қиялигининг ортиши билан ағдарилиш баландлиги ортиб боради ва қиялик  $60^\circ$  бўлганда тўлқиннинг ағдарилиш баландлиги максимум қийматга эга бўлади. Кўп ҳолларда тўлқиннинг ағдарилиш баландлиги унинг баландлигининг 0,3—0,4 қисмига тенг бўлади. Қирғоқнинг тўлқин ағдарилиш зонасидаги қиялик бурчаги  $\alpha_4$  лабораторияда, далада ёки 32-жадвалдан аниқланади.

Г. С. Золотарев 10 йил вақт учун тўлқин ағдарилиш зонасининг кенглиги ва баландлиги миқдорини Н. Н. Джунковский формуласи орқали қирғоқ емирилишининг охирги муҳлати учун топилган (тўлқин ағдарилиш зонаси кенглиги ва баландлиги) миқдорига нисбатан 2 марта кам қилиб олишни тавсия этади.

Думалаш зонасининг тепасида  $d$  ва  $e$  нуқталари оралиғида нишаблиги  $d_5$  га тенг қилиб олинган қирғоқнинг сувдан юқори қисмининг қиялик контури ажратилади ва бу контур оралиғида қирғоқнинг табиий ҳолдаги литологик таркиби акс эттирилади, яъни қирғоқ илгари қандай жинслардан ташкил топганлиги ифодаланади.

Жинсларнинг қирғоқда мустаҳкамланиши қирғоқ емирилиш даврининг сўнгги босқичида бўлади. Шу сабабли унинг мустаҳкам қиялиги шу райондаги мустаҳкам қиялиги шу райондаги мустаҳкам табиий қияликнинг қиялигига солиштириб кўриш билан аниқланади. 10 йил ва ундан кўп вақт ўтгач қирғоқнинг қайта тузилишини аниқлаш ва тузилган кесманинг тўғ-

Сув омборлари қирғоқларынинг қайта тузилишини прогноз қилиш учун зарур кесмалар тузишда ишлатиладиган табиий қиялик бурчаклари  
(Г. С. Золотарев ва Д. Н. Раш)

Төг жинслари	Отмел қиялик бурчаки, градус	Отмелниң ҳар хил мұхллат учун қиялик бурчаги $\alpha_2$ ва $\alpha_3$		Түлкін ағдариши зонасынинг ҳар хил мұхллат учун қиялик бурчаги $\alpha_4$		Аккумуляция хаккага нисбатан, %
		10 йилдан кейин	Охиригі босқыч	10 йилдан кейин	Охиригі босқыч	
Майда ва озик донадор құмлар Хар хил ўрта донадор құмлар	10—12 —, —	1°30 3°	1° 2°	5° 6°	3° 4°	5—10 10—15
Йирик донадор құм ва гравий Шагал ва құмли чақиқ тош Шагал ва гил аралашған чақиқ тош	18—20 —, — —, —	5 10—12° 8—10°	3 8—10° 6—8°	10 18—20° 15—18	6 15—18° 14—16°	15—20 20—35 20—25
Күмлоқлар Құмоқлар Гиллар Ләссымон жинслар	8—10 —, — —, — —, —	1°30 —, — 2° 1°30	1° —, — 1°30 1°	4° —, — 6° 4°	3° 2—3° 8° 2°	3—5 <3 0 <3

рилигини билиш учун кесмада отмелниң аккумулятив юзаси  $F_1$  ни абразион юза  $F_2$  га нисбатан ( $F_1:F_2$ ) 33- жадвалда күрсатылған аккумуляция процентига солишитириб күрилади. Бу нисбатнинг миқдори жадвалда күрсатылған аккумуляция миқдорига тенг бўлса, кесма тўғри тузилган бўлади. Нисбат жадвалда-

## 33- жадвал

Турли төг жинслари учун ювиллиш коэффициенти  $K_p$   
(Е. Г. Качугин бўйича)

Класс	Төг жинслари	$K_p \text{ м}^3 (\text{тк. м})$
I.	Жуда осон ювиладиган жинслар — майда құмлар, енгил қүмлоқлар, бўшоқ ләссымон жинслар	0,00650—0,00300
II.	Осон ювиладиган жинслар — ўрта зарралы тош құмлар, қүмлоқлар ва ўрта қыррали тош аралашған қүмлоқлар	0,00300—0,00100
III.	Үртача ювиладиган жинслар — оғир құмоқлар, йирик тошлар аралашған құмоқлар ва тош аралашған лойқалар ва құмлар	0,00100—0,00050
IV.	Қийин ювиладиган жинслар — гилли құмтошлар, құм ва тош аралашған шагаллар, опок қатлами аралашған гиллар	0,0050

гига түғри келмаса, кесмадаги «а» нұқтанинг ўрни ўзгартырилиб, қирғоқ кесмаси юқорида айтилған усул бүйича қайтадан тузилади ва бу иш  $F_1$ : $F_2$  нисбати жадвалдаги аккумуляция процентаға тенг бўлгунича қайтарилади.

Шундай қилиб, Г. С. Золотарёв усули бўйича сув омбори соҳилининг қайта тузилишини олдидан аниқлаш учун қирғоқ нинг конкрет жойларида инженерлик-геологик кесмалар тузилади ва бу кесмалар бўйича тоғ жинсларининг инженерлик-геологик хосса ва хусусиятлари тўла ўрганилади. Бунда тоғ жинсларининг сувли хусусиятлари (сув ўтказувчанлиғи, сув сифими, эриши, юмшаши, табиий намлиги ва бошқалар), қирғоқ нинг сув ости отмели поғанасынинг қиялик бурчаги  $\alpha_1$ , аккумуляция юзасининг бурчаги  $\alpha_2$ , абразион юзанинг сув ости қисми бурчаги  $\alpha_3$ , тўлқиннинг думалаш зонасида қирғоқнинг қиялик бурчаги  $\alpha_4$  ва қирғоқнинг сувдан юқоридаги қисмининг қиялик бурчаги  $\alpha_5$  аниқланади. Қирғоқнинг ҳар бир конкрет участкаси учун бир неча инженерлик-геологик кесма тузиб, буларнинг ичидан тўғри деб ҳисоблангани танлаб олинади ва кесма бўйича сув омбори қирғофининг ювилиши ва емирилиши изоҳланади.

Е. Г. Качугин усули асосан икки нарсага тўлқинланиш энергияси  $E$  ва жинснинг қирғоқда ювилиш миқдорига асосланган. Текширишлар шуну кўрсатадики, қирғоқнинг ювилиш интенсивлиги ва емирилиш тезлиги қирғоқнинг шу жойидаги тўлқинланиш энергиясига тўғри пропорционал экан. Шунга кўра, маълум вақт давомида қирғоқдан ювилган жинснинг миқдори  $Q$  қўйидаги эмпирик формула орқали аниқланади:


$$Q = E \cdot \kappa_p \cdot \kappa_b \cdot t^b$$

бунда  $Q$  — маълум вақт ( $t$  йил) давомида қирғоқнинг ҳар  $m^2$  юзасидан ювилган жинснинг миқдори,  $m^3/m$ ;  $E$  — текширилаётган конкрет участкадаги тўлқинланиш энергиясининг ўртacha миқдори, тк. м (тонна — куч — метрда);  $\kappa_p$  — жинснинг ювилиш коэффициенти,  $m^3/tkm$ ;  $\kappa_b$  — қирғоқнинг баландлигига боғлиқ бўлган коэффициент;  $t$  — ювилиш вақти, йил;  $b$  — бирдан кичик ювилиш тезлиги камайишига боғлиқ даражага кўрсаткичи.

Қирғоқнинг қайта тузилишини ифодаловчи маълумотлар сув омборларининг ювилишини кузатишда олинган маълумотларга фақат сув сатхининг тебраниш амплитудаси паст бўлиб, сув юзасида муз йўқ бўлгандағина мос келади.

Тўлқинланиш энергияси  $E$  қирғоқнинг ҳар бир конкрет участкаси учун аниқланиб тонна-куч-метрлар (тк. м) билан ифодаланади. Шу сабабли олдин шамол таъсирида ҳосил бўлган тўлқин баландлиги А. П. Брасловский (1952) усули бўйича аниқланади, сўнг график ёрдамида (94-расм) шамолнинг давом этиш вақтини ҳисобга олиб тўлқинланиш энергиясининг миқдори топилади.

Сув омбори сувга тўлдирилгач бир йилдан кейин ва ҳали тўла қирғоқ отмел ҳосил бўлмасдан олдин тўлқинланиш энергияси бир-бирига (тк. м) тўғри келадиган ювилган тоғ жинсиси



94-расм. Шамол таъсир қилиш вақтининг катталағи ва 0,1% таъминловчи түлқин баландлигига қараб, түлқинланиш энергиясини аниқлаш графиги (Е. Г. Качугин).

НИНГ МИҚДОРИГА ( $\text{m}^3$ ) ЖИНСНИНГ ЮВИЛИШ КОЭФФИЦИЕНТИ  $K$  ДЕЙИЛАДИ (Е. Г. Качугин) ВА У ҚҮЙИДАГИ ФОРМУЛА ОРҚАЛИ АНИҚЛАНАДИ:

$$K_p = \frac{Q_1}{E} \text{ m}^3/\text{тк} \cdot \text{м}$$

Сув омборлари қирғоқларининг қайта тузилишини ҳисоблашда жинсларнинг ювиллиш коэффициенти 34-жадвалдан топлади.

Агár қирғоқ ҳар хил тезликда ювиладиган жинслардан ташкил топса, жинслар учун ювиллиш коэффициенти ўртача миқдори олинади.

Қирғоқнинг баландлигига боғлиқ бўлган коэффициент  $K_b$  қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K_b = h \cdot C,$$

бунда  $h_b$  — текширилаётган қирғоқнинг ўртача баландлиги, м;  $C$  — жинснинг ювиллиш тезлигига боғлиқ коэффициент. У осон ювиладиган жинслар учун 0,03 га, қийин ювиладиганлар саёз қирғоқ учун 0,05 га тенг. Баландлиги 30 м дан юқори бўлган қирғоқлар учун  $K_b$  1 га тенг.

Ювиллиш тезлигининг камайишига боғлиқ бўлган даража «в» абразион кенгликтининг аккумулятив ва абразион саёзликнинг биргаликдаги кенглигига нисбатига тенг. Бу даража қирғоқнинг ювиллишдан тўхтаган ёки тўхтамаганлигини билдиради. У ўртача 0,7 га тенг. Агар саёзликнинг асосий қисми абразион бўлса, унинг миқдори 0,95 га, отмель аккумулятив қисмининг кенглигиги катта бўлса, «в» нинг миқдори 0,45 га тенг бўлади.

Шундай қилиб, сув омбори қирғоқнинг конкрет участкаси учун ўтган  $t$  вақт ичida 1 метр қирғоқнинг емирилишидан ҳосил бўлган жинс миқдори куб метрларда аниқланади. Сўнгра қирғоқнинг инженерлик-геологик кесмаси тузилади. Инженерлик-геологик кесмада жинснинг сув таъсирида ювиллиши мумкин деб ҳисобланган оралиқ

аниқланади. Бу зонанинг вертикал бўйича чегараси қилиб сув сатҳи тебраниш амплитудасининг „ишчи тўлқин“ ( $h_p$ ) баландлиги билан тўғриланган миқдори олинади. Мазкур қўлланманга муаллифи бу чегарада қирғоқ максимал ювилади деб хисоблади.


Е. Г. Качугин (1959) ювилишининг юқори чегараси (ЮЮЧ) учун таъминланиши 2—4% ли, ишчи тўлқиннинг  $1/3$  баландлигига сув сатҳининг энг юқори турган баландлигини қўшганда ҳосил бўлган йиғинди қийматини тавсия этади. «Ишчи тўлқин» баландлиги тўлқинланишларни кузатиш орқали олинган маълумотларни ишлаб чиқиши билан аниқланади. У одатда қирғоқни ювишда, катта иш бажарган тўлқиннинг ўртача баландлигига тенг бўлади.

„Ишчи тўлқин“  $h_p$  қирғоқнинг ювилишида энг кўп иш бажарган энг катта тўлқинланиш энергиясининг ўртача миқдори  $h_{ep}$  ни таъминланиши 15% ли тўлқин коэффициенти 0,7 га кўпайтирилганига тенг, яъни

$$h_p = 0,7 \cdot h_{ep}.$$

Ювилишининг пастки чегараси (ЮПЧ) қилиб сув сатҳининг музйўқ пайтдаги таъминланиши 96—98% ли „ишчи тўлқин“ баландлигига камайган энг паст ҳолати олинади. Кесмада қирғоқ ювилишининг пастки (ЮПЧ) чегараси деб хисобланган нуқтадан саёзликнинг абразион қисми ифодаланади (95- расм). Ийлнинг ҳар хил вақтида ва ювилишининг сўнгги даврида ювилган жинсларнинг миқдори  $Q_1$ ,  $Q_2$  ва  $Q_{oxir}$  билан белгиланади.

Бу юқоридаги икки усул текисликдаги дарёларга қурилган сув омборлари учун қабул қилинган. Тоғлиқ районларга қурилган сув омборлари қирғоқларининг ювилишини олдиндан ўрганишда бу усулларга бироз ўзгартишлар киритилади. Шуни айтиш керакки, тоғлиқ районларга қурилган сув омборларининг



95- расм. Сув омборлари қирғоқларининг ювилишини олдиндан аниқлаш учун хисоблаш схемаси (Е. Г. Качугин):

I-II ювилиш зонасининг эни; 1—оғир қумоҳ; 2—гил; 3—майдо заррали кум; 4—енгигил қумлоҳ; ЮЮЧ—ювилишининг юқори чегараси; ЮКЧ—ювилишининг қўйи чегараси; НСС—нормал сув сатҳи.

қирғоқлари күпинча қаттиқ жинслардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ювилиши ва емирилиши жуда секин бўлади. Атрофи тоғ билан ўралганлиги учун сув омборлари қирғоқларида ҳар хил геологик процесс ва ҳодисалар рўй беради. Бунда асосий вазифа шу геологик процессларни ўрганишдан иборатdir. Масалан, Узбекистоннинг Чорвоқ сув омбори қирғоқларида асосан кўчки ҳодисалари кўп бўлиб туради.

### 3. Денгиз, кўл ва сув омборлари қирғоқларини ювилиш ва емирилишдан сақлаш тадбирлари

Денгиз, кўл ва сув омборлари қирғоқлари яқинида қурилган иморат, йўл ва бошқа маҳсус иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш инженер геолигларнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Маҳсус лойиҳаларда қирғоқлар ювилиши, емирилишининг тезлиги, характеристики ва оқибатлари ифодаланади.

Қирғоқлар ювилишига ва емирилишига қарши қўлланадиган тадбирлар профилактик ва капитал тадбирларга бўлинади.


Профилактик тадбирлар қирғоқда бўладиган геологик процессларни олдиндан айтиб бериш, уларни маълум вақтгача тўхтатиш имконини беради. Бу тадбирларга асосан пляжларнинг ювилиб кетиши ёки қурилиш материаллари сифатида ишлатиб юборилишга йўл қўймаслик, уларни мустаҳкамлайдиган иншоотлар қуриш, ремонт қилиш, бу иншоотларнинг нормал ишлашини, қирғоқдаги иншоотларнинг, йўлларнинг ҳолатини доимо текшириб туриш каби ишлар киради.

Пляж қирғоқни ювилишдан сақлайдиган бирдан-бир табиий тўсиқ ҳисобланади. Шунинг учун пляжлар доимо кузатилади. Баъзи вақтларда сунъий пляжлар ҳам яратилади.

Қирғоқларни ювилишдан сақлаш учун маҳсус иншоотлар, тўлқин қайтаргич деворлар, тўғонлар қуриш, бетон плиталар



96-расм. Алоҳида- алоҳида қўйма бетон блокларидан иборат тўлқинқайтаргич деворлар.



97- расм. Түлкін уриладыган томони ботиқ массив ҳолдаги бетон дөвөрли түлкінқайтаргичлар.

ётқизиш, тош уюмлари ҳосил қилиш, қирғоққа тош териш ва бошқалар капитал тадбирлар дейилади.

Түлкін қайтаргич дөвөрлар қирғоқ бүйлаб ҳар хил шакл ва баландликда қурилади. Улар қирғоқни түлкін ювишидан сақтайди. Бундай дөвөрлар алохіда қўйма бетон блоклардан (96-расм), қўйма бетон дөвөрлардан (97-расм) ёки цемент билан қотирилган, терилган тошлардан (98-расм) иборат бўлади.

Түлкін қайтаргич дөвөрнинг сувга қараган ташқи томони тик, қия, погонасимон ёки ичига эгилган бўлади. Улар асосан табиний асосга ёки свайли қозиқларга қурилади.



98- расм. Тошдан қурилган массив ҳолдаги түлкінқайтаргич дөвөрлар.

Қирғоқларни ювилиш ва емирилишдан сақладынган юқорида қайд әтилган тадбирларнинг қайси бирини құллаш қирғоқдагы геологик процессларнинг турига боғлиқ.

## XVII БОБ. ЭРОЗИЯ ПРОЦЕССИ

### 1. Тупроқ, жарлик, дарё ва шамол эрозияси

Ёмғир, қор ва дарё сувлари, шамол ҳам геологик иш бажаради. Сув ва шамол тупроқ зарраларини емириб ҳаракатта келтиради ва бошқа жойга олиб бориб ётқизади. Сув ва шамол таъсирида ер юзининг емирилишга **эрозия**, емирилган жинсларни бошқа жойга олиб бориб ётқизилишига **аккумуляция** дейилади.

Эрозия процесси табиатда түрт хил күринишда содир бўлади. 1) тупроқ эрозияси ёмғир сувлари ернинг устки қатламларини ювишидан юз беради; 2) жарлик эрозияси тупроқ эрозиясининг давоми ҳисобланади, жарликлар ҳосил бўлади; 3) дарё эрозияси сув дарёнинг ёнлари ва тагини ювишидан юз беради; 4) шамол эрозияси кучли шамол ер юзасини емириши натижасида содир бўлади.

**Тупроқ ва жар эрозияси.** Тупроқ ва жар эрозияси лёсс ва лёссымон жинслар кўп тарқалган районларда бўлади. Бунда ёмғир суви тупроқнинг айрим зарраларини, ҳатто бутун-бутун агрегатларини кўчириб оқизиб кетади. Тоғ жинслари қаттиқ-юмшоқлигига қараб тоғ жинсларининг бир жойи секин, иккинчи жойи тез ювилади. Натижада ёнбафирларнинг устки қисмida турли томонга йўналган ёки параллел жўяклар ҳосил бўлади. Жўякларнинг баъзилари ёнбафирларнинг қуий қисмida бирлашиб чуқур ва катта жўяклар ҳосил қиласида. Кейинчалик бу жўяклар бирлашган жойларда ювилиш, ўйилиш процесслари тезлашиб, жарликлар ҳосил бўлади. Айрим вақтларда жарликларнинг чуқурлиги ортиб, жўякларнинг таги сувли қатламларгача етиб боради. Натижада ер ости сувлари чашма ҳолида ер юзасига чиқади ва жарликлардан оқиб ёнбафирлардаги бўшоқ тоғ жинсларини сувга тўйинтириб юборади. Бунинг оқибатида ёнбафирлар ёқасида сурилишлар, ўпирилишлар бўлади. Булар жойнинг инженерлик-геологик шароитига салбий таъсир кўрсатиб, халқ хўжалигига катта зарар етказади. Бундан ташқари тупроқ эрозияси ва жарликлар ҳосил бўлиш процесси тоғ олди текисликларида унумдор ерларни ишдан чиқариб, қурилиш учун зарур жойларни бузиб юборади, шунингдек, тоғ ёнбафирларини емириб, уларнинг нишаблигини ошириб юборади.

Шундай қилиб, тупроқнинг ювилиши асосан икки хил: ёппасига ва узунасига ювилиш бўлади. Ёнбафир юзасидан оқаётган ёмғир сувидан ҳосил бўлган кичик оқимлар тупроқни ёппасига ювади, бинобарин, тупроқ эрозияси ҳосил бўлади. Ювилган материаллар нишаблиги кам ва текис жойларга ётқизилади ва делиюиал ётқизиқлар вужудга келади. Узунасига ювилиш ёнбафирни ювиб, эрозион жўяқ, чуқурлик ва жарлар ҳосил қи-

лувчи сув оқимлари туфайли рўй беради. Узунасига ювилиш вақтида фақат тупроқнинг устки қатлами ювилиб қолмай, пастки қатламлари ҳам ювилиб кетади. Ер юзасига яқин жойлашган қаттиқ туб жинслар очилиб қолади. Натижада ҳар хил чуқурлик ва жарликлар пайдо бўлади, яъни жар эрозияси вужудга келади.

Шуни ҳам айтиш керакки, суфориладиган районларда суфориши ирригация эрозияси ҳам содир бўлади. У суфориладиган баланд-пастликларда суфориш техникасига етарли риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқади. Эрозия туфайли сув жўякларни ювига даладан кўп майда зарраларни оқизиб кетади, тупроқ унумдорлиги пасаяди, ўсимлик яхши ўсолмай, ҳосил камаяди.

Узунасига ювилишдан ҳосил бўлган жарликлар СССР териториясида 4,6 млн гектар майдонни эгаллаган.

Жарликларнинг кўпі ўрмонли чўл ва чўл зонасига жойлашган бўлиб, булар СССР нинг Европа қисмида, шу жумладан, Дон ҳавзасида, Воронеж, Курск, Орловск, Липецк, Тамбов ва Белогород областларида яққол кўзга ташланади. СССР да жарликларнинг умумий узунлиги 561000 км ни ташкил этади. Ҳар бир районда жарликларнинг кўп-озлиги жарлилик кўрсаткичи билан характерланади. Маълум райондаги жарликнинг умумий узунлигини шу район майдонига нисбати жарлилик коэффициенти дейилади. Жарликлар кўп районларда жарлилик кўрсаткичи 3 км/км<sup>2</sup> бўлиб, жарликлар кам тарқалган районларда 0,5—1,2 км/км<sup>2</sup> атрофида бўлади.

А. С. Козьменко (1954) жарликларни ҳажмига кўра қўйидаги турларга ажратади: 1) промоин (жўяклар), ҳажми 10 м<sup>3</sup> дан кичик; 2) майда жарликлар (10—100 м<sup>3</sup>); 3) ўртача жарликлар (100—1000 м<sup>3</sup>); 4) катта жарликлар (1000—10000 м<sup>3</sup>) ва 5) жуда катта жарликлар (10000 м<sup>3</sup> дан катта).

Жарликларнинг ҳосил бўлиши ва катталашуви тўрт босқичдан иборат. Биринчи босқичда ёғин сувлари таъсирида ёнбағирларнинг устки қисмида эгатлар ҳосил бўлиб, уларни юқорига қараб ўя бошлади.

Иккинчи босқичда жўяклар бирлашиб, ёнбағирларнинг маълум жойларида чуқур бўлмаган жарликлар вужудга келади. Бу босқичда вақт ўтиши билан жарликлар чуқурлашиб боради, натижада ҳосил бўлаётган жар тагининг қиялиги ошиб, ювилиш ва ўйилиш процесси анча тезлашади, бинобарин, иккинчи босқичнинг охiri ва учинчи босқичнинг бошланиши олдида жарликнинг чуқурлашуви секинлашади, баъзан тўхтайди, аммо жарликларнинг ён томони ювилиб, емирилиб кенгая боради, натижада жарлик ёнларининг нишаблиги ортиб, тик бўлиб қолади ва айрим вақтларда тик қисмлари ўз мувозанат ҳолатини сақлай олмай, жарлик ичига сурилиб ёки қулаб тушади. Шу тариқа жарликлар кенгая боради.

Тўртинчи босқичда жарлар туби ва ёнларининг емирилиши тўхтаб, ўтлар ўсади, узоқ муддат ювилиш ва ўйилиш бўлмайди. Ана шу даврда жарликлар ёни ва тубининг бирор жойини қи-

риш қатъий ман қилинади, чунки бундай ишлар жарликларнинг қайтадан ривожланишига сабаб бўлади.

**Дарё эрозияси.** Кўп шаҳар ва қишлоқлар, саноат марказлари, қишлоқ хўжалик майдонлари дарё водийларига жойлашган. Шу сабабли дарё эрозиясини ўрганиш инженерлик-геологик нуқтаи назаридан назарий ва амалий аҳамиятга эга. Дарё эрозиясини ўрганиш туфайли дарё илгари қандай бўлган, қайси жойлардан оқиб ўтган, кейинчалик қандай тузилишда бўлишини ҳамда дарё бўйларига қурилган ёки қурилиши керак бўлган иморат, иншоот, темир ва автомобиль йўлларга, кўприк ва тўғонларга эрозия процесси қандай таъсир қилишини билиш мумкин. Дарёлар уч қисмдан иборат бўлади: юқори, ўрта ва қуий оқим. Дарёларнинг сув оқадиган жойи ўзан деб аталади. Дарё сув ҳажми йил давомида бир хил бўлмайди. Иssiқ кунлар бошланиши билан тоғлардаги қор ва музлар эриши ва баҳорда ёғингарчилик кўпайиши билан сув сатҳи кўтарилиди. Бунда сув ўзандан кўтарилиб, атрофни сув босади. Дарёларнинг вақт-вақти билан сув босадиган қисми қайир деб аталади.

Дарё бошланиш қисмida тоғ жинсларини емириб, ўрта ва қуий қисмларига оқизиб келиб ётқизади, натижада аллювиал ётқизиқлар ҳосил бўлади, буни аккумуляция процесси дейилади. Аллювиал ётқизиқларни ташкил қилган жинслар доналари саралган, силлиқланган бўлади.

Ўзанларнинг геоморфологик тузилишига қараб, тоғлик ва текислик дарёлари ажратилади.

Тоғлик дарёлари шўх оқади, шу сабабли эрозия процеслари кучли бўлади ва аллювиал ётқизиқлар асосан тошлар ва шағаллардан иборат бўлади. Текислик дарёлари, аксинча, секин ва оҳиста оқади, аллювиал ётқизиқлар эса қум ва гилдан ташкил топади.

Дарё сувлари ўзан туби ва ёнларини тўхтовсиз емиради. Бунга дарё эрозияси дейилади. Эрозиядан дарёнинг чуқурлиги, эни ва ўйналиши ўзгариб боради. Дарё қуйиладиган сув ҳавзаси сатҳи эрозия базиси дейилади. Масалан, Каспий денгизининг сатҳи унга қуйиладиган дарёлар учун эрозия базиси ҳисобланади.

Дарё эрозияси характерига кўра икки турга бўлинади: 1) таг эрозияси; 2) ён эрозияси. Тоғ эрозиясида дарё ўз ўзани тагини юва бошлайди ва дарё чуқурлиги орта боради. Ён эрозиясида дарё ўзани эмас, қирғоқларни тез юва бошлайди.

Ўзан ва қирғоқларнинг ювилиши натижасида дарёнинг ўнг ва чап қирғоқларида погона-погона шаклидаги баландликлардан иборат супачалар ҳосил бўлади, булар дарё террасаси деб аталади.

Дарё террасаси тузилиши ва ҳосил бўлиш шароитига қараб учга: эрозион (ювилган), эрозион-аккумулятив (ювилган-йифилган) ва асос террасаларга бўлинади.

Эрозион террасалар дарё қирғоқларида туб жинсларнинг емирилишидан ҳосил бўлади. Натижада дарё қирғоқларида бир-


хил гипсометрик баландликда туб жинсдан иборат супалар ҳосил бўлади (99-расм).

Цокол террасалар ҳам дарё водийларида кўп учрайди. Ҳосил бўлиш процесси эрозион террасага жуда ўхшаш. Цокол террасалар асосида туб жинслар устки қисмида аллювиал ётқизиқлар бўлади.

Эрозион-аккумулятив терраса дарё ётқизиқларининг қайта-қайта ювилиб таги очилиши натижасида ҳосил бўлади (100-расм). Ҳар бир эрозион-аккумулятив террасанинг ҳосил бўлиши тектоник кўтарилиш ва чўкиш даврига тўғри келади.

Дарё водийсида эрозион ва аккумулятив циклларнинг бир неча марта такрорланиши туфайли эрозион-аккумулятив террасалар ҳосил бўлади (98-расм). Бу террасаларнинг эрозион-аккумулятив деб аталишига сабаб ҳосил бўлаётган ҳар бир терраса аввал ўз бошидан аккумуляция босқичини кечиради, сўнг эрозия процессига учрайди ва расмдаги кўринишга эга бўлади. Ҳар бир цикл маълум геологик даврлардан иборат бўлиб, уларга номлар берилади.


1940—1945 йилларда профессорлардан Ю. А. Скворцов ва Н. П. Васильковский биргаликда Тошкент олди райони (Чирчиқ-Оҳангарон водийси) ва Фаргона водийси террасаларини мукаммал ўрганиб, асосан тўртта циклли эрозион-аккумулятив террасалар комплекси мавжуд эканлигини аниqlаб, уларга қуидагича ном берилар:



99-расм. Дарё эрозион террасаларининг кўндаланг кесими:

дарё дастлаб  $aa'$ , кейин  $bb'$  пунктлар чизиқлари бўйича оқкан; I ва II эрозион террасалар.

бўлиши тектоник кўтарилиш ва чўкиш даврига тўғри келади.



100-расм. Дарё эрозион-аккумулятив террасаларининг кўндаланг кесими:

дарё дастлаб  $aa'$ , кейин  $bb'$  ва  $cc'$  пунктлар чизиқлари бўйича оқкан; I, II, III ва IV эрозион-аккумулятив тे́расалар.

1. Нанай цикли ( $Q_1$ ), плейстоцен даврининг бошланишида юз берган. Бу цикл ётқизиқлари тўртламчи давнинг энг қари жинслари бўлиб, уларни давр бошларида доимий ва вақтина оқар сувлар олиб келиб ётқизган (аллювиал-пролювиал) маҳсулотлардан ташкил топган. Литологик жиҳатдан қат-қат бўлиб шағал тош, тош қотган лёссимон («шох», Назаров, 1968) ва энг юқориси лёssлардан иборат.

Нанай циклида ҳосил бўлган ётқизиқлар нанай комплекси номи билан аталади. Нанай комплексининг характерли ётқизиғи Пском водийсидаги Нанай қишлоғида учраганлиги учун шу қишлоқ номи билан аталган. Бу ерда Нанай террасаси ётқизиғининг 260 метрини шағал-тош, 40 метрини унинг устида ётган лёssли жинслар ташкил этган. Умумий қалинлиги 300 метрга боради. Комплекс ётқизиқлари жойнинг геоморфологик тузилишига қараб, ҳар хил чуқурликда ётади. Тоғлиқ районларда Нанай комплекси ёш жинсларга нисбатан юқорида ётади. Бунга сабаб тўртламчи давнинг кейинги босқичларида, яъни дарё эрозиясининг кейинги циклларида тог ёнбағирлари тез кўтарилиганлиги натижасида энг қари жинс баландда қолиб кетган. Тог олди районларида эса бу комплекс аста-секин текислик томон қияланиб, ён комплекс терраса ётқизиқларининг тагига бутунлай тушиб кетади.

2. Тошкент цикли ( $Q_2$ ) плейстоцен даврининг ўрта қисмини ўз ичига олади. Цикл ётқизиқлари Ўзбекистон териториясида, жумлайдан, Тошкент олди районларида, майдони ва қалинлиги энг кўп бўлиб, Чирчиқ ва Оҳангарон водийсини тўртинчи ва бешинчи пойма устки террасасини ташкил этади (М. Шерматов, 1972). Комплекс пролювиал лёss, лёссимон ва аллювиал (шағал-тош, қум) жинслардан иборат бўлиб, геологик ёши 50—100 минг йилга тенг (О. К. Ланге, 1969). Комплекс ётқизиқларининг қалинлиги турлича, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари водийларининг юқори ва ўрта оқимларида лёssли жинслар қалинлиги 10—30 метр бўлса, Тошкент шаҳри атрофида 50—60 м. Пискент қишлоғи атрофида 70 метргача, Янгийўл шахрининг гарбида 92 метрга боради. Лёss жинслари ҳамда унинг тубидаги шағал ва шағал-тошларнинг қалинлиги ҳам турғун бўлмай, Тошкент олди районларида 10—40 метр атрофида. Комплекс ётқизиқларининг умумий қалинлиги тектоник ботиқларда 300—400 метр атрофида, текислик районларда 100 метргача, Қизилқум териториясида 10—15 метрга тенг.

3. Голодностепь (Мирзачўл) цикли ( $Q_3$ ), плейстоцен даврининг охирги босқичида юз берган. Комплекс ётқизиқларини юқорида қайд қилинган дарё водийларининг қуий қисмидаги учинчи пойма устки терраса ётқизиқлари ва ёнбағирда тарқалган делювиал — пролювиал ётқизиқлар ташкил қилган. Водийнинг юқори қисмida тўртинчи, бешинчи ва, ҳатто, олтинчи пойма устки терраса ётқизиқлари ҳам шу комплексга оиддир. Бу комплекс ётқизиғи дарё водийлари ёнбағри бўйлаб унча кенг бўлмаган кенгликда кичик сойчаларнинг тубида тарқалган. Тошкент олди

районларида биринчи қатlam лёссимон жинслардан (қалинлиги 10—20 м) ва унинг тагидаги иккинчи қатlam шағал-тошлардан (қалинлиги 10—30 м) иборат.

4. Сирдарё цикли ( $Q_4$ ) голоцен даврида юз берган. Бу цикл комплексига ўзан, пойма, биринчи ва иккинчи пойма устки терраса ётқизиқлари ҳамда сойларнинг ҳозирги ётқизиқлари киради. Тоғлиқ районлардаги учинчи ва тўртинчи пойма устки террасалари ҳам шу комплексга оидdir. Комплекс ётқизиқлари лёссимон ва шағалтошлардан, валунлар, қумлардан иборат бўлиб, қалинлиги 0,1 дан 5 м гача (лёссимон жинслар) ва 5 дан 60 метргача (шағал-тошлар) бўлади. Умуман Сирдарё циклига қарашли комплекс ётқизиқлари дарё водийларининг пастки қисмларида тарқалган тоф жинслари қатламларидан иборат бўлади. Энг устки қисмида лёссимон жинслар, сўнг қум ва шағалтошлар ётади.

Эрозион-аккумулятив террасаларнинг юқорида қайд этилган номлари фақат Чирчиқ, Оҳангарон, Фарғона ва улар атрофидағи кичик водийларга оид бўлиб, Г. Ф. Тетюхин, М. М. Маматқулов, Н. А. Когай, Э. Д. Мамедов, О. Ю. Пословская ва бошқалар томонидан ўша жойнинг номи билан аталган ва тўртта циклнинг қайтарилиши исботланган. Масалан, Зарафшон ва Кашибадарё водийларида юқорида айтилган Нанай цикли террасига тўғри келадиган терраса «Азкамар» номи билан, Тошкент цикли террасаси «Карнаб» номи билан, голодностель цикли террасаси «Сукойтин» номи билан, Сирдарё цикли террасаси эса «ҳозирги» номи билан аталади.

Террасалар водий ёнбағри бўйлаб горизонтал ёки қия супачалар шаклида тарқалган бўлади, бундай супачаларнинг сони ҳар хил, 3 дан то 20 гача бўлади. Масалан, Чирчиқ дарёси водийсида 20 га яқин террасалар аниқланган. Демак, Чирчиқ дарёси пайдо бўлгандан тортиб, то ҳозирги кунга қадар унда 20 та жиддий геологик ўзгариш рўй берган.

Эрозион террасалар тоф водийсининг юқори ва ўрта қисмида, эрозион-аккумулятив террасалар эса қўйи қисмида ҳосил бўлади. М. Маматқулов маълумотига кўра, Чирчиқнинг қадимги эрозион террасалари унинг ҳозирги ўзани сатҳидан 800, ҳатто, 1000 метр баландда жойлашган. Қайд этилган 20 та террасани Чирчиқ дарёсининг ўрта қисмида яхши кузатиш мумкин. Дарёнинг бошланиш ва қўйи қисмларида террасалар кам.

Террасаларнинг ёши уларни дарё ўзанига нисбатан гипсометрик жойлашишига қараб аниқланади. Бунда террасани ташкил қилган тоф жинслари қайси вақтда ётқизилганлигига ҳам эътибор бериш керак.

Энг юқорида жойлашган терраса энг кекса, пастда жойлашгани энг ёш ҳисобланади. Террасаларни пастдан юқорига санаш ва номерлаш қабул қилинган. Дарё поймасидан ҳосил бўлган террасани поймали терраса, поймадан кейинги барча террасалар (I, II, III, IV ва ҳоказо) пойма устки террасалари номи билан юритилади. Террасаларнинг кенглиги бир неча юз метр-

дан бир неча 10 километргача бўлади. Шу сабабли баъзи катта-катта қишлоқлар ва, ҳатто, шаҳарлар террасалар устида жойлашган бўлади. Масалан, Тошкент шаҳрининг асосий қисми Чирчиқ дарёсининг тўртинчи пойма устки террасасига жойлашган.

Профессор Ю. А. Скворцов Чирчиқ дарёси террасаларини географик номлар билан аташни таклиф қилади. Шунга кўра Чирчиқ дарёсининг террасалари Нанай, Угом, Ситак, Қизилсув, Хумсон, Хўжакент ва бошқа номлар билан аталган.

**Шамол эрозияси.** Шамол тоғ жинсларига таъсир қилувчи атмосфера агентларидан биридир. У Ер шарининг ҳамма жойида мавжуд, бир ерда кучли, бошқа жойда кучсиз бўлади.

Шамол фаолиятидан тоғ жинслари емирилади. Буни коррозия дейилади. Коррозия процессининг тезлиги шамол кучига ва тоғ жинслари таркибига, уларнинг нураганлик даражасига ва қаттиқ-юмшоқлигига боғлиқ. Шамол таъсирида катта-катта қоя тошлар, тоғликлар емирилади, натижада ҳар хил кўриниш ва шаклга эга бўлган дўнгликлар, қоялар ҳосил бўлади.

Шамол тоғлар ва қоя тошларнингина эмас, балки текисликлардаги ер юзасини ҳам емириб кетади, бу ҳодиса шамол эрозияси деб аталади. Шамол емирилган жинсларни учириб, бошқа жойга элтиб ётқизади. Бу процесс фанда дефляция ҳодисаси деб, бундан ҳосил бўлган ётқизиқларни эоловий ётқизиқлар деб аталади. Шамолнинг кучи (тезлиги) секундига 6,5 м/с бўлса, зарраларнинг диаметри 0,25 мм ли қумни учириб кета олади. Агар шамолнинг тезлиги 10 м/с бўлса, диаметри 2 мм гача бўлган доначаларни, 20—25 м/с бўлса, 4—5 мм ли доначаларни, 50—70 м/с бўлганда эса шағал доначаларни ҳам учириб кета олади.

Шамол таъсирида чўллар, саҳроларда катта-катта қум тепаликлари, дўнгликлар ҳосил бўлади. Булар қум дюналари, барханлари деб аталади. Қум дўнгликлари Саҳрои Кабирда, Арабистон, Мексика, экватор саҳроларида, мамлакатимиздаги Орол, Каспий денгизи атрофларида, Ўрта Осиёнинг Қорақум ва Қизилкум саҳроларида, Фарғона водийси ва Мирзачўлда учрайди. Бу дўнгликлар шамол таъсирида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради.

Шамол эрозияси туфайли тупроқнинг майдага заррали қисми ҳамда ундаги чиринди ва озуқа моддалар йўқолади, натижада тупроқнинг унумдорлиги ниҳоятда пасаяди.

Шамол эрозияси Фарғона водийсида, Мирзачўлда, Самарқанд обласи, Нурутса, Қоратепа, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлиқ районларида, Қарши, Томди, Бухоро ва Қорақалпоғистон АССР да айниқса, кўп тарқалган. Қ. Мирзажоновнинг маълумотига кўра, биргина Фарғона водийсининг ғарбий қисмида икки ойдан кўпроқ давом этган чангли бўрон 175 минг гектар экин майдонини зарарлантирган, 1956—60 йиллар мобайнида шамол Ўзбекистон ССР колхозларининг 200 минг гектар ердаги пахтасини бутунлай нобуд қилган.

Шамол ернинг унумдор қатламларини сидириб кетишдан ташқари баъзи жойларнинг шўрланишига ҳам сабаб бўлади. Маълумки, шўрхок ерларда, денгиз қирғоқларида (масалан, Орол денгизи қирғоқларида) туз йигилади. Шамол бу тузларни учираш, бошқа жойларга элтиб ётқизади, натижада унумдор жойлар шўрхок ерларга айланади. Бу ҳодиса Мирзачўл, Фарғона ва Қарши чўлларида кўп бўлади.

### Эрозия процессини ўрганиш ва унга қарши кураш

Эрозия процессини ўрганиш ва унга қарши кураш чораларини кўриш учун бу процесни вужудга келтирувчи факторларни яхши билиш зарур.

Тупроқ ва жар эрозияси ташқи ва ички факторлар таъсирида келиб чиқади. Ташқи факторларга ёғин миқдори, унинг тезлиги, йил фаслларига тақсимланиши, қор ва музликларнинг эриши, ер юзасининг нишаблиги, тупроқ бетининг ўсимликлар билан қопланиш даражаси, жойнинг геологик тузилиши киради. Ёнгир қанча кўп ва тез ёғса тупроқ шунчалик кучли ювилади ва ўйилади. Қор қанча тез эриса, эрозия шунча кучли бўлади. Қор суви эрозияси музлаган грунтда айниқса, кучаяди (34- жадвал). Ёнбагир қанча тик бўлса, сув уни шунча кучли ювади. Шунинг учун ҳам сув эрозияси ўнқир-чўнқир тоғларда, дарё водийлари, сой ва жарлик ёнбагирларида энг кучли боради.

Ер юзасида ўсимлик оз ва кўп бўлиши ҳам эрозия тезлигига таъсир қиласи. Бутунлай ўт қоплаган ёнбагирларда эрозия кучсиз бўлади. Бунга сабаб шуки, ўсимлик сув оқимининг тезлигини секинлаштиради ва қалин туташ ўтларнинг илдизлари яхлит чим ҳосил қилиб, грунтнинг устки қатламларини сақлаб туради.

Ўсимлик сийрак ўсан ёнбагирлар осон ва тез ювилади. Шуни ҳам айтиш керакки, одам фаолияти эрозиянинг ҳал қилувчи ташқи факторларидан бири ҳисобланади. Үрмоннинг кесиб юборилиши, ёнбагирлар нишаблигини ошириш ва бошқа ишлар натижасида тупроқ эрозияси кучаяди. Масалан, ер суфорилганда эрозия айниқса кучли бўлади. Қия ерлар суфорилганда сув жўякларни ювади ва даладан жуда кўп миқдорда тупроқ зарраларини оқизиб кетади.

34- жадвал

#### Бутунлай ювилиш процессининг интенсивлиги

Жойнинг нишаблиги (град.)	Бир мавсумда (6 ой) 1 м <sup>2</sup> юзадан ювиладиган тоғ миқдори, грамм		жинслари
	Ўт билан қопланган жойларда	Ўт бўлмаган тақир жойларда	
10	14		834
20	42		1368
30	51		3104

Ички факторларга тупроқнинг структураси, гранулометрик таркиби, ғоваклилиги, сув ўтказувчанлиги, намлик даражаси, химиявий таркиби ва бошқалар киради.

Тупроқ зарралари бир-бирига яхши бирикиб, маълум даражада намлика эга бўлса, эрозияга чидамлироқ бўлади. Агар тупроқ чириндига бой, унинг сув ўтказувчанлиги яхши ва сувда эрувчи тузлари қанча кам бўлса, эрозия шунча секин бўлади. Эрозиянинг ривожланиши тупроқнинг химиявий таркибиға ҳам боғлиқ. Масалан, таркибидаги натрий бўлганда тупроқнинг эрозияга чидамлилиги айниқса, ошади.

Шундай қилиб, ювилиш ва емирилиш процессларининг интенсивлиги тоғ жинсларининг турига, физик-механик хоссалари ва таркибиға боғлиқ. Масалан, лёссимон жинслардан ташкил топган нишаб жойлар гилли жинслардан иборат жойларга нисбатан тез ва кўп ювилади. Бундай жинсларнинг таркибидаги гил зарраларининг кўп бўлиши ҳамда ғоваклилигининг камлиги ва зарраларнинг зич жойланиши, ёпишқоқлик кучини ошириб ювилиш ва ўйилиш интенсивлигини камайтиради.


Агар лёссимон жинслар йирик тошлар билан қопланган бўлса, ювилиш ва ўйилиш процесслари бир текис бўлмайди, натижада бу тошлар остидаги жинслар ювилмай қолади. Бундай вақтда ёғин сувлари тармоқланиб, тошларни айланаб ўтади ва ўзига жўяклар очади. Бора-бора тошлар ёнбағирларда чўқайиб қолиб, қолпоқли пирамидалар вужудга келади.

Ўрта Осиёда иқлимининг кескин континенталлиги ҳам ювилиш ва ўйилиш процессига таъсир этади, уни тезлаштиради. Масалан, ёзда ҳароратнинг юқори бўлиши ёки айрим жойларда

тунги ва кундузги ҳароратнинг кескин фарқланиши ер фазасининг дарз кетишига сабаб бўлади, ёғин сувлари шударзлар ичига кириб, уларни ўя бошлайди. Ёриқлар ўрнида жўяклар, кейинчалик жўяклар ўрнида жарликлар ҳосил бўлади.

Жарликлар ҳосил бўлишига қарши кураш чоралари хилма-хил бўлиб, инженерлик геологиясининг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Биз юқорида жарликлар ҳосил бўлиши ва ривожланиши тўрт босқичдан иборатлигини кўрдик. Биринчи босқичда уларнинг олдини олиш учун ёнбағирлар текисланади, шиббаланади, унга чим босилади ва дарахтлар ўтқазилади. Иккинчи босқичда эса жарликлар бўйлаб кўндаланг тўсиқлар қурилади (101-расм). Тўсиқлар жўякдаги сувларнинг тезлиги ва кучини камайтиради. Маълумки, учинчи босқичда жарликлар ёни-



101-расм. Жарликлар ўсишининг олдини олиш чоралари схемаси (Г. Н. Костенко).

га кенгая бошлайди. Бунга қарши курашиш учун уларнинг ён томонлари текисланиб, қиялиги камайтирилиб, дараҳтлар ўтқазилади ва ўт ўстирилади.

Шундай қилиб, тоғ жинсларини эрозиядан сақлаш учун тоғлик районларда қуидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1) нишаб ерларни кўндалангига ҳайдаш, у ерларга ҳар хил серилдиз ўсимликлар экиш ва мевали дараҳтлар ўтқазиш;

2) яйловлардан тўғри фойдаланиш;

3) деҳқончилик ёки бошқа мақсадлар учун ерларни ўзлаштиришда уларни террасалар шаклида текислаб, мевали дараҳтлар ва токлар ўтқазиш;

4) кучли нишаб ерларни кўндалангига ҳайдаш ва сугоришни тўғри амалга ошириш;

5) жарлар ёқасига дараҳтлар ўтқазиб, жарлик эрозиясининг кенгайишига, сугориладиган майдонлардан жарликларга сув оқиб кетишига йўл қўймаслик ва ҳар хил тўсиқлар, сув йифиладиган ҳовузлар барпо этиш.


Дарё эрозиясини ўрганишда ва унга қарши тадбирларни ишлаб чиқишида ҳам бу процессни ҳосил қилувчи факторлар ўрганилади. Бу факторлар, асосан, икки регионал ва маҳаллий факторларга бўлинади. Дарёнинг гидрологик шароити, геоморфологик тузилиши регионал факторлар ҳисобланади. Факторларни анализ қилиб, дарёнинг қайси жойида эрозия бўлишини олдиндан аниқлаш мумкин.

Дарё қирғоқларининг ювилиши биринчи навбатда сув сатҳининг ўзгаришига боғлиқ. Шунга кўра кўп ҳолларда дарё қирғоқларининг интенсив ювилиши баҳорги сув тошқинлари даврида бўлади.

Дарё қирғоқларининг геологик тузилиши, тоғ жинсларининг таркиби, ётиш ҳолати ҳамда физик ва механик хоссалари маҳаллий факторлар ҳисобланади. Дарё эрозияси қирғоқнинг қайси жойида қандай тезликда бўлиши қирғоқнинг геологик тузилишига, тоғ жинсларининг таркибига боғлиқ. Агар қирғоқ бўшоқ тоғ жинсларидан ташкил топган бўлса, улар сув таъсирида тез ювилади, қаттиқ жинслардан иборат бўлса, ювилаш секин бўлади. Шунинг учун дарё қирғоқларининг геологик тузилиши, тоғ жинсларининг таркиби, инженерлик-геологик хусусиятлари ба-тафсил ўрганилади ва қайси жойида ювилаш қандай бўлиши аниқланади.

Дарё қирғоқларини ювилишдан сақлаш учун профилактик ва капитал чоралар кўрилади. Биринчисига ҳар хил усууллар билан дарё қирғоқлари мустаҳкамлигини ошириш, пляжларни сақлаб қолиш, сунъий пляжлар ҳосил қилиш ва бошқалар киради. Иккинчисига эса, қирғоқларга бетон плиталар ётқизиш, оқим йўналишини ўзгартириш учун дарё қирғоқларида тўсиқлар қуриш (102-расм), қирғоқларга тош ётқизиб, унинг мустаҳкамлигини ошириш ва ҳоказолар киради.

Шамол келтирадиган зарарнинг олдини олиш учун ҳам турли чоралар кўрилади. Масалан, кўчиб юрадиган қумларни



102-расм. Қирғоҳни ювилишдан сақладиган қурилмалар схемаси:

1—оқим йўналишини ўзgartирувчи қурилмалар; 2—қурилмалар олдида бўшоқ жинслар ийнлинидан зона.

рахтлар ўтқазилади, дараҳт ўтқазиш қийин бўлган жойларга чарх ўйлаб шитлар ўрнатилади. Ҳозир саҳролар шароитига чидамли саксовул, қум акацияси ўтқазиши қулайлик туғдирмоқда. Бу дараҳтлар оғир шароитга яхши чидаш беришдан ташқари, жуда тез ўсади ва ўн йил ичидаги уларнинг бўйи 5—6 метрга, диаметри 30 сантиметрга етади. Қора саксовулнинг бўйи 10 м, диаметри бир метрга етади. Бухоро ва Қоракўл воҳаси атрофларида жуда катта саксовулзор барпо этилган. Саксовулзорлар воҳадаги пахта далалари ҳамда аҳоли яшайдиган пунктларни қум босиш хавфидан сақлайди. Шуни ҳам айтиш керакки, барьи жойларда сув камлиги, шамолнинг кучлилиги сабабли дараҳт ва ўсимликларнинг кўпайиши жуда қийин бўлади. Бундай жойларда қумларга битум ёки суюқ шиша шимдирилиб, зичлиги ва ёпишқоқлиги оширилади. Аммо, бу жуда қимматга тушади, шу сабабли, бу усул жуда зарур бўлганда гина қўлланади.

Кейинги йилларда ишлаб чиқилган энг қулай ва арzon тадбирлардан бири кўчма қум дўнгликлари устида ёпишқоқ қобиқ ҳосил қилишdir. Бунинг учун қум дўнгликлари устига гил билан қум аралашмаси ёки қумни ёпишқоқ қилувчи полимер моддалар самолётдан сепилади. Ҳосил бўлган қобиқ устида ўсимлик уруғлари bemalol ўсаверади.

## XVIII БОБ. ҚАРСТЛАР

Сув таъсирида оҳактош, доломит, гипс, ош тузи каби қаттиқ жинсларнинг эриши натижасида пайдо бўладиган геологик процесслар карстлар дейилади.

Карст сўзи шимоли-ғарбий Югославиядаги карст платоси (яси тоғи) номидан олинниб «тош» деган маънони билдиради.

Карст ҳодисаси карст ҳосил қилувчи жинслар оҳактош, доломит, гипс, ангидрид ва ош тузлари ёриқларига ер ости ва ер устуки сувларининг узоқ геологик даврлар мобайнидаги таъсири натижасида вужудга келади. Бунда сув таъсирида тоғ жинслари

мустаҳкамлаш учун ўсимликлар ўтқазилади, бўйи паст дараҳтлар, илдизи кўп ва чуқурга кетадиган ўтлар экилади. Ўсимликларни ўтқазишдан олдин, қамишдан, бордондан катта-катта шитлар (тўсиқлар) ясаб, қум устига иккитадан қилиб ўрнатилади. Бу тўсиқлар шамол тезлигини камайтиради, ўсимликларнинг ўсиб олишига имконият яратади. Темир ўйл ва автомобиль ўйллари четига ҳам да-

йўл ёқалаб шитлар ўрнатилади. Ҳозир саҳролар шароитига чи-

эрыйди, ювилади, орасидаги ёриқлар кенгаяди, чуқурлашади, узунлашади, натижада ер қобиғи қатламлари орасыда түрли шакл ва катталик бўшлиқлар, каналлар ва горлар ҳосил бўлади. Агар карстланувчи тоғ жинслари ер юзасида ёки унга яқин жойлашган бўлса, ёриқларга кирган сув уларнинг деворларини эритади ва ёриқлар кенгайиб ер устки сувлари тобора кўпроқ сингадиган бўлади. Бу ёриқлар аста-секин ясси ёки чуқур чўкмаларга ва воронкаларга айланади, Бу процесс ривожланган сари ер юзасидаги воронкалар тобора кўпая боради, уларни ажратиб турган жойлар эса кичрая боради. Қўшни воронкалар кенгайиб бир-бирига қўшилиб кетади ва катта-катта котлованмаларга ва воронкаларга айланади. Бу процесс ривожланган шидан бўшлиқлар ҳосил бўлади ва улар кенгайиб, узайиб, бирбери билан қўшилиб, ер ости каналлари пайдо бўлади. Карст бўшлиқларидан ва горларидан чиқкан сувлар ер юзаси ва ичкарисида кўллар ҳосил қиласи. Карст сувидан халқ хўжалигида фойдаланилади. Рудали моддаларга тўйинган карст сувларидан руда конлари таркиб топади.

Шундай қилиб, карст ҳодисасидан карст сувлари, конлари, каналлари, кўллари, булоқлари, қудуқлари, воронкалари ва ландшафти ҳосил бўлади.

Карст халқ хўжалигига катта зарап келтиради. Карст кўп тарқалган районларнинг инженерлик-геологик, гидрогеологик ва геоморфологик шароити йил сайин ўзгариб боради. Карстдан ҳосил бўлган бўшлиқлар ер юзасидан унча чуқурда бўлмаса, улар устидаги қатламлар ўпирилиб, чуқурликлар ҳосил бўлади.

Карст ҳодисалари шу районнинг инженерлик-геологик шароитига ва барпо этиладиган қурилишларга жуда катта таъсир этади. Ер усти сувлари ва атмосфера ёғинлари, баъзан карст горлари, каналлари орқали ерга сингиб кетади. Агар шу районга яқин жойда ер ости ишлари олиб борилаётган бўлса, карст бўшлиқлари ва горлари орқали оқаётган сувлар кон деворларидан сизиб, шахталарни сув ботиб кетиши мумкин. Шу сабабли кон саноатида карсталарни ўрганишга алоҳида аҳамият берилади. Бундан ташқари карст яхши ривожланган районлардан ўтган темир йўлларда, баъзан кўнгилсиз ҳодисалар рўй беради, масалан, ер юзаси бирдан ўпирилиб, темир йўллар деформацияланади. Карст ҳодисаси планетамизнинг кўп жойида учрайди. Бу ҳодиса мамлакатимиз териториясининг Қавказ, Қрим, Сибирь, айниқса Ўрта Осиё, Волга, Болтиқбўйи районларида жуда кенг тарқалган.

Урал тоги ер ости бўшлиқларига жуда бой. Ундаги Қўнғирғори Совет Иттилоқидаги энг машҳур горлардан ҳисобланади. Унинг умумий узунлиги 5000 м бўлиб, турли катта-кичикликдаги 58 та зал ва 36 та кўли бор. Қрим ярим оролида ҳам ер ости бўшлиқлари кўп. Яхши ўрганилган машҳур олти қаватли Қизилгорнинг ҳозирча 12 км дан ортиқ қисми текширилган. Фор ер остига 135 м гача кириб кетган. В. Н. Дублянскийнинг аниқлашича, горнинг умумий майдони 500 м<sup>2</sup>, ҳажми 190000 м<sup>3</sup>. Форда

дарё ва ёзда қуриб қоладиган күллар бор. В. Н. Дублянский нинг маълумотига кўра, Қримда 704 дан ортиқ ер ости бўшлиқлари ўрганилган.

Украинадаги энг катта ер ости бўшлиқларидан бири Кристал гори бўлиб, узунлиги 18785 м. М. Маматқуловнинг таъкидлашича, бу гор дунёда гипсдан ҳосил бўлган ер ости бўшлиқларнинг энг узунидир.

Ер ости бўшлиқлари Қавказда ҳам кенг тарқалган, булардан бири 500 м ли Воронцов горидир.

Грузияда ҳам умумий узунлиги 5500 м дан ортиқ 500 дан зиёд гор борлиги аниқланган.

Сибирда ҳам ер ости бўшлиқлари кўплаб топилади. Саян ва Минусин районларида 107 та гор бўлиб, улардан айниқса умумий узунлиги 2 км, чуқурлиги 274 м бўлган Кубин гори диққатга сазовордир.

Ўрта Осиёда ҳам кўп горлар топилган. М. Маматқуловнинг (1970) маълумотига кўра, улар ичида энг машҳур горлардан бири Туркманистондаги Баҳардин горидир. У гор юра давридаги оҳактошларга сув таъсири натижасида ҳосил бўлган. Горнинг узунлиги 220 м, кенглиги 50—57 м, баландлиги 20 м гача етади.

Ўзбекистон билан Туркманистон чегарасидаги Қорлун гори ўзига хос манзарага эга. У СССРдаги энг катта горлардан ҳисобланшиб, узунлиги 10 км дан ортиқ деб тахмин қилинади. Фарғона водийсидаги Ўш тоғларида жуда кўп горлар бор. Академик Д. И. Шчербаковнинг ёзишича, тоғ устида юриб тошларга болға урнлса, ер остида бўшлиқлар борлиги сезилади. Бу райондаги Чилустуён гори жуда машҳурдир. Жанубий Фарғона тоғлари нинг ёнбағирларида жойлашган Кониот горининг узунлиги 900 м дир.

Ўзбекистон жанубидаги Бойсун тизма тоғларида ҳам бир неча горлар бўлиб, Тешиктош гори жуда машҳурдир.

Зарафшон тизма тоғларида ҳам бир неча горлар бўлиб, булар ичида энг машҳури Амир Темир гори ҳисобланади. Унинг узунлиги 450 м.

Помир тоғидаги Рангкўл атрофида бир қанча горлар борлиги маълум. 1949 йилда биология станциясининг А. Блещунов раҳбарлигидаги ходимлари Катта Рангкўл горида бир кенг зал топганлар ва уни мукаммал ўрганганлар.

Умуман олганда карст ҳодисаси Ер шарининг ҳамма жойида тарқалган бўлиб, бир ерда кўп, бир ерда оз учрайди. Бунинг сабаби карстланувчи жинсларнинг Ер шари бўйлаб бир текис тарқалмаганлиги ёки уни ҳосил қилувчи шароитнинг ҳар жойда ҳар хиллигидир.

## 1. Карст ҳодисаси ривожланиши ва классификацияси

Карст ҳодисаси сувда эрувчан тоғ жинсларидан иборат жойлардагина рўй беради. Оҳактош, доломит, гипс, ангидрит ва туз ана шундай жинслар бўлиб, улар геология фанида карстланувв-

чи төр жинслари деб юритилади. Бу жинслардан иборат жойлар Ер шарыда 50 миллион кв. км. дан күпроқ, яъни қуруқликнинг 34 процентига яқин қисмини эгаллаган.

Бироқ карстланувчи төр жинслари тарқалган жойларнинг ҳаммасида ҳам карст ҳодисаси бўлавермайди. Бу ҳодиса рўй бериши ва ривожланиши учун: 1) сув ёриқлар орқали ерга сингийдиган текис ёки бир оз қия майдон; 2) жинсларнинг қатламлари қалин; 3) ер остига тушган сув янада пастга силжиши учун ер ости сувининг сатҳи анча паст, тезлиги эса катта; 4) тектоник ва бошқа хил ёриқлар мавжуд; 5) карстланувчи жинслардан ёки уларнинг ёнидан дарё ўтиши, ёхуд бу жинслар сув омбори яқинида бўлиши шарт. Ана шундай шароитда сувда эрувчи төр жинслари системасида химиявий мувозанат бузилади. Натижада сув ва төр жинси орасида коррозион процесслар ҳосил бўлиб карст ҳодисаси рўй беради.

Карст процесслари ўзига хос географик ландшафтларни ҳосил қилади. Зич аммо дарз кетган ва сувда осон эрийдиган төр жинслари ер бетига чиқиб, ўзига хос гидрографик шароит вужудга келади ва ер усти ҳамда ер ости сувлари төр жинсларни эритиши таъсирида алоҳида рельеф шакллари пайдо бўлади. Масалан, дарз кетган оҳактошлардан тузилган жойга ёқсан ёғин сувининг бир қисми ер юзасидан оқиб кетади, бир қисми оҳактош қатламлари ёриқларига сингийди ва вақт ўтиши билан ер устида оқадиган сув тобора камайиб, ёғин сувининг кўп қисми ер остига сингиб кетадиган бўлади.

Оҳактошларнинг юзаси ариқчалардан оқиб бораётган сув оқими билан ювилади. Дастрлаб, оҳактошнинг сирти текис бўлганда, ҳаводаги карбонат ангидрид билан тўйинган ёмғир ва қор сувлари оқади. Бироқ дастрлаб жуда кичик чуқурчалар пайдо бўлиши биланоқ, уларда бир хил оқимлар қўшилиб оқа бошлайди. Сувнинг бу чуқурчалардаги ювиш иши тобора кучайиб, чуқурчалар тобора ўса боради. Натижада оҳактош массивининг сирти, чуқурликлари баъзан бир неча ўн сантиметргача етадиган, бир-бирига бирмунча параллел ариқчалар билан кесилганга ўхшаб қолади, узоқдан назар ташланса, у худди ариқ тармоқларидан вужудга келган жўякларга ўхшаб кетади. Бу жўяклар «каррлар» деб аталади (103-расм).

Сув бир дарзликни топиб олиб, дарзликдан массив оралифига ҳаракат қилар экан, эритиш ишини давом эттиради. Натижада баъзан тўғри, чуқур тушиб кетадиган, баъзан эса қингир-қийшиқ бўлиб тушадиган табиий қудуққа ўхшаш ўра вужудга келади, бўни фанда «понорлар» деб аталади (104-расм).

Агар дарё ўз йўлида понорларга тўғри келиб қолса, дарё сувининг кўп қисми понорларга тушиб кетиб, бир қанча вақтгача ер остида оқиб, қулай жойдан ер юзасига чиқиб оқа бошлайди.


Понорлар ўз навбатида сув таъсирида ювилиб, юқори қисми кенгайиб, воронкасимон чуқурликлар ҳосил қилади. Бундай чуқурликларга карст воронкалари дейилади. Бу процесс ривожланган сарі ер юзасидаги воронкалар тобора кўпайиб ва уларни



103- расм. Карст областидағы оқактошларда ҳосил бўлган каррлар.

ажратиб турган баландликлар кичрайиб боради; воронкалар кенгайиши ва бир-бирига қўшилиб кетиши натижасида каттакатта котлованлар ҳосил бўлади.

Ер юзасидаги ёриқларнинг ювилиб кетиши ва уларнинг воронкаларга айланиши билан бирга ер ости сувлари ҳаракат қиласидиган ёриқлар ҳам кенгая боради ва ерда бўшлиқлар вужудга келади. Буни фанда ер ости карст бўшлиқлари деб юритилади. Карст бўшлиқлари ер юзасига нисбатан турли чукурликда бўлиб, текисликларда бир метрдан бир неча ўн метргача, тоғлиқ районларда минг метрғача боради.



104- расм. Карст формаларининг схематик кўриниши:

1—каррлар; 2—полорлар (кудуқлар); 3—карст воронкаси; 4—карст бўшлиғи;  
5—фор.

Ер ости карст бўшлиқларининг ҳажми карстланувчи жинснинг химиявий таркибига, ғоваклилигига, дарзлигига, бир хиллик даражаси ва бошقا хусусиятларига боғлиқ. Масалан, доломитларда карст бўшлиқлари йирик ғоваклардан ёки 5—6 м кенгликдаги ёриқлардан иборат бўлса, сувда яхши эрувчан оҳактош, гипс ва ош тузларида баландлиги 6—7 м, кенглиги 9—30 м ва узунлиги бир неча ўн метр келадиган ер ости галлереялари ҳосил бўлади. Бир-бири билан қўшилиб улар ер остида катта-кичик ғорларни ҳосил қиласди.

Кўп ер ости бўшлиқларидан шилдан пастга осилиб ётган ва пастдан шипга қараб қад кўтариб турган қозиқларга ўхшаш шаклларни учратиш мумкин. Буларнинг биринчиси сталактит, иккинчиси сталагмит деб аталади.

Эрувчан (карстланувчан) жинслардан ўтаётган ер ости сувларининг химиявий таркиби тобора ўзгариб, минераллашиб, калий карбонат тузига бойиб боради ва ер ости бўшлиқларининг шипидан пастга томиб туради. Эритманинг шилдан томаётган жойида буғланиш ҳосил бўлиб, таркибидаги тузлар кристаллга айланиб ўса боради. Натижада юқорида қолган ва пастда йиғилган кристаллар аста-секин катталашиб юқоридан пастга сумалакка ўхшаб осилиб тушган ҳамда пастдан юқорига қараб столбаларга ўхшаган шакллар пайдо бўлади. Бу шакллар вақт ўтиши билан янада йўғонлашади ва узунлиги ошади. Кўп ҳолларда сталагмит ва сталактитлар ўсиб бир-бирига туташиши натижасида бир бутун устунларни пайдо қиласди (105-расм).


Карст ҳодисаси ер сатҳига, унинг устида ўсимликлар бор-йўқлигига, ҳосил бўлган вақтига ва карстланган жинсларнинг химиявий таркибига қараб бир қанча хилларга бўлинади (35-жадвал).

Ер сатҳига нисбатан: 1) очиқ карст — карстланувчи тоғ жинси ер юзасида ётади; 2) ёпиқ карст — карстланувчи тоғ

### 35- жадвал

#### Карстларнинг генетик класси фикадияси

Ер сатҳига нисбатан	Ҳосил бўлган вақтига, яъни ёшига нисбатан	Карстланган жинсларнинг характерига нисбатан	Карстланган жинсларнинг химиявий таркибига нисбатан
1. Очиқ карст	1. Ҳозирги замон карсти ёки актив карст	1. Оҳак жинсли карст	1. Карбонатли карст
2. Ёпиқ карст	2. Қари карст	2. Доломитли карст	2. Сульфатли карст
3. Ярим очиқ ёки ярим ёпиқ	3. Қадимги ёки кўмилган карст	3. Гипсли карст 4. Карбонатли цемент билан қотишган жинслардаги карст	3. Сульфат карбонатли карст 4. Тузли карст



105-расм. Чехословакия Мацоха горидаги сталактит ва сталагмитлар.

жинсининг усти сув таъсирида эримайдиган қатламлар билан чегараланган бўлади; 3) ярим очиқ ёки ярим ёпиқ карстлар-карстланувчи жинсининг бир қисми ер юзига яқин ёки ер юзида, қолган қисми эса сувда эримайдиган тор жинслари билан ажралган ҳолда ер юзидан анча чуқурда бўлади.

Ер ости сувларининг чуқурлигига қараб карст чуқур ва саёз карстга бўлинади.

Хозирги замон карстларига ҳозирги даврда пайдо бўлган карстлар киради. Улар тарқалиш ва ривожланиш тезлигига қараб, актив ва пассив бўлади. Актив карстлар кўпинча бирор жойдан канал ўтганда ёки сув омбори қурилганда ҳосил бўлиб, уларнинг ривожланиш даври узоқ бўлмайди, Эски ёки қари карстлар кўпинча пассив ривожланади.

Қадимги карстлар тўртламчи даврдан аввал ҳосил бўлган карстлардир. Қадимги карст бўшлиқлари кўпинча бошқа жинслар билан тўлиб қолади. Бундай карстлар кўмилган карстлар дейилади.

Эски ва қадимги карстлар қулай шароит вужудга келиши билан ривожланиб, ҳозирги замон карстларига айланиши ҳам мумкин. Бундай карстлар ҳозирги — қадимги карстлар ёки ҳозирги — қари карстлар деб аталади.

Н. В. Родионов (1963) ҳосил бўлиш шароити ва жойларнинг тузилишига қараб карстларни қўйидаги турларга бўлган: 1) эрозион карст; 2) сув айирғич карст; 3) тектоник тепаликлардаги карст; 4) тектоник ёриқлардаги карст; 5) эрозион-тектоник карст; 6) қадимий тектоник чўкмалардаги карст; 7) контакт зоналардаги карст; 8) антропоген карстлар.

Эрозион карстлар ҳозирги ва қадимги дарё водийларида кўп тарқалган. Улар, асосан, оқар сувлар таъсирида ҳосил бўлади. Карстларнинг ҳосил бўлиш тезлиги ва активлиги дарё сувининг оз-кўплигига, сув сатҳининг ўзгариш амплитудасига, ўзан ҳамда соҳилдаги жинсларнинг сув ўтказиш даражасига, карстланувчи жинснинг ўзанга нисбатан жойлашувига боғлиқ. Масалан, карстланувчи жинс дарё ўзанида бўлса, карстланиш процесси жуда тез ривожланади. Дарё террасалари ва қирғоқ сув остида қолиб кетганда ҳам карстлар тез пайдо бўлади. Бунда карст воронка, фор, ўприлиш шаклида бўлади.

Сув айирғичларда ҳам карстлар ҳосил бўлади. Тор жинслари нурашидан вужудга келган дарзлар бундай карстлар пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Агар сув айирғич икки дарё оралиғида бўлиб, ундаги жинсларда сув алмашиниб турса, карстланиш процессининг активлиги ошади.

Карстланувчи тор жинслари тектоник ёриқлар йўналишида бўлса, карстланиш процессининг ривожланиши ва йўналиши шу ёриқлар бўйлаб боради. Карстнинг ривожланиш активлиги тектоник ёриқларнинг катта-кичиллиги, чуқурлиги ва сонига боғлиқ бўлади.

Карстланиш процеслари баъзан тектоник синиқларда ҳам учрайди. Маълумки, тектоник ҳаракатлар натижасида ер қатламлари эгилади, букилади ва синади. Ана шу синиш туфайли карстланувчи қатламлар сувли қатламларга тўғри келиб қолиши мумкин. Бу ҳолда ер ости сувлари синиш чизиги бўйлаб ҳаракатлана бошлайди. Бу эса карстланувчи қатлам орасида карст бўшлиқлари ҳосил бўлишига олиб келади. Карстланувчи жинслар тектоник тепаликларда бўлиб, уларни дарё кесиб ўт-

са, эрозион-тектоник карстлар вужудга келади. Инсон фаолияти таъсирида ҳам карстлар ҳосил бўлади; уларни антропоген карстлар дейилади, яъни туз ёки руда қазиб олингандан кейин ер қобигида катта-катта бўшлиқлар пайдо бўлиб, бу бўшлиқлардан ер ости сувлари оқа бошлайди ва атрофдаги жинсларга таъсир этиб, карст ҳосил қиласди. Антропоген карстлар баъзан канал ва сув омборларида, суфориладиган жойларда ҳам ҳосил бўлади.

Карстланувчи жинслар уч хил зонада: аэрация, сувга тўйинган қатламлар ва сувли қатламлар зонасида ётиши мумкин.

Карстланувчи жинсларда ер ости сувларининг ҳаракатлашиш тезлиги ва йўналиши улар қайси зонада ётишига боғлиқ. Карстланувчи жинсларда ер ости сувлари ҳаракатланиши зонаси карстланиш процессини ҳосил қилувчи гидродинамик зона деб аталади. Агар карстланувчи жинс аэрация зонасида бўлса, карстланиш процессини ҳосил қилувчи ер ости сувларининг циркуляцияси вертикал, карст сувининг ҳаракат йўналиши эса вертикал, пасаювчи бўлади. Карстланувчи жинс сувли қатламда бўлса, карст сувининг циркуляцияси горизонтал ёки сифоний, ҳаракат йўналиши эса баъни жойларда вертикал ёки горизонтал, сув айирғич жойларида пасаювчи, бошқа жойларда кўтирилувчи бўлади.

Демак, карстланиш процессининг турлари ва ҳосил бўлиш шароити ҳамда ривожланиш жойларининг геологик ва геоморфологик тузилишига, гидрогеологик шароитига, иқлимига, жинсларнинг таркибига ва физик-механик хоссаларига ва бошқа бир қанча факторларга боғлиқ экан.

## 2. Карст процессининг инженерлик-геологик аҳамияти ва уни ўрганиш

Жойларнинг карстланувчанлигини ва карстланиш процесси ни баҳолаш. Жойларнинг карстланувчанлигини ва карстланиш процессининг ривожланиш тезлигини баҳолаш инженерлик-геологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки карст тарқалган районларда қурилган ёки қурилаётган иншоотларнинг чидамилик даражаси шу процессининг ривожланиш тезлигига боғлиқ бўлади.

Карст тарқалган жойларнинг шароитини инженерлик-геологик нуқтаи назардан баҳолашда бу процесс туфайли ҳосил бўлган турли воронка ва қудуқларнинг, ер остидаги бўшлиқларнинг қурилаётган иншоотга қай даражада таъсир этиши ва унинг қандай хавф түғдириши назарда тутилади. Бунинг учун карстланиш процессидан ҳосил бўлган чуқурлик ва қудуқларнинг сийрак-қалинлиги, улар тарқалган жойнинг рельефи, геологик тузилиши, ҳосил бўлган чуқурлик ва қудуқларнинг ёши, ҳосил бўлиш активлиги ҳамда жойнинг инженерлик-геологик шароити ҳисобга олинади.

Жойларнинг карстланувчанлиги 1 км<sup>2</sup> юзада ҳосил бўлган чуқурлик ва қудуқларнинг сони аниқланади.

Ернинг 1 км<sup>2</sup> юзасига бирдан ўнгача, баъзан ундан ҳам ортиқ чуқурлик ва қудуқ тўғри келиши мумкин. Жойларни инженерлик-геологик нуқтаи назардан баҳолашда карстдан ҳосил бўлган чуқурлик ва қудуқларнинг ёшини аниқлаш амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Карстнинг ёшини аниқлаш учун карст ҳосил бўлиш процесси вақтини билиш керак. Баъзан қари карст устида ёки ёнида янги карст чуқурлиги ва қудуқлари ҳосил бўлади. Бу эса ўз навбатида карстнинг ёшини аниқлашда анча қийинчилик туғдидиради. Шу сабабли карстларнинг ёшини аниқлашда чуқурлик ва қудуқларнинг ташқи тузилиши ҳисобга олинади, чунки қудуқларнинг ҳар бир морфологик хили маълум бир даврга тўғри келади. Карстларнинг жойлашиши ва тузилишини жойнинг геоморфологик тузилишига таққослаб ўрганиш унинг ёшини аниқлашда катта ёрдам беради.

Жойларнинг карстланувчанлигини баҳолашда ер қобиғида карстланиш процессидан ҳосил бўлган бўшлиқларнинг кенглиги, узунлиги ҳисобга олинади. Ҳисоблашда карстлар маълум юзанинг қанча процентини ташкил этганлиги аниқланади. Бунинг учун тоғ ёнбағирларининг очилиб қолган жойларидаги, шахта ёки қудуқлар деворларидаги бўшлиқ ва ёриқларнинг ҳажмлари аниқланиб, улар юзанинг неча процентини ташкил этиши ҳисоблаб чиқлади. Булардан ташқари, жойларнинг карстланувчанлик даражасини ўрганишда шу жойларда бурғи қудуқлардан чиққан кернларнинг чиқиш проценти ҳам ҳисобга олинади. Агар карстланиш процесси кўп тарқалган жойларда бурғи қудуқлари бўлса, улардан чиқаётган тоғ жинсининг (керннинг) миқдори, кўпинча 100% эмас, 50—60% бўлади. Бу эса бурғи колонкалари (қирқувчи трубалари) карст бўшлиқларидан ўтганлигини билдиради. Бурғилаш ишлари гилли эритмалар билан олиб борилаётган бўлса, бурғи карст бўшлиқларидан ўтаётганда қудуқ ичига юборилаётган гилли эритмалар сарфи бирданига ошиб кетади. Бу эса бурғининг карстга тўғри келиб қолганини билдиради.

Жойларнинг карстланувчанлиги бу жойлардан ўтган дарё сувлари миқдорининг ўзгариб туриши билан ҳам аниқланади. Бунинг учун дарё айрим-айрим қисмларга бўлиниб, ҳар бир қисмда сув миқдори бирдан камайиб кетса, демак, шу жойда карст бўшлиқлари жуда катта ва узун бўлиб, дарёнинг деярли ҳамма суви шу бўшлиқ орқали ер қобиғига шимилиб кетади.

Н. В. Радионов (1963) карстланиш процессининг ривожланиш тезлигини унинг активлик даражаси билан ифодалашни тавсия этади. Активлик даражаси вақт бирлиги ичida эриган тоғ жинси умумий ҳажмининг карстланаётган тоғ жинси умумий ҳажмига нисбати билан ифодаланади ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$A = \frac{V}{V_1} \cdot 100\%$$

бунда  $V$  — карст ҳодисаси натижасида сувда эриб, ташқарига чиқиб кетган жинс миқдори (ҳажми);  $V_1$  — карстланувчи жинснинг умумий ҳажми.

Н. В. Радионовнинг ҳисобига кўра, карстнинг активлик даражаси Қрим учун 0,08%, Сочи учун 1%, Ўрта Осиёнинг қурғоқчилик районлари учун 0,001% ни ташкил этади.

З. А. Макеев жойларнинг карстланувчанлик даражасини карстнинг мустаҳкамлик даражаси билан ифодалашни тавсия этади. Жойларнинг мустаҳкамлиги маълум вақт оралиғида 1 км<sup>2</sup> юзада ҳосил бўлган чуқурлик ва қудуқларнинг сони билан ифодаланади. З. А. Макеев карстланган жойларнинг мустаҳкамлик даражасини қўйидаги категорияларга бўлади:

1. Жуда мустаҳкам бўлмаган участка — 1 км<sup>2</sup> юзада ҳар йили 5 дан 10 тагача карст чуқурлиги ва қудуғи ҳосил бўлади;

2. Мустаҳкам бўлмаган участка — 1 км<sup>2</sup> юзада ҳар йили 5 та чуқурлик ҳосил бўлади;

3. Ўртacha мустаҳкам участка — 1 км<sup>2</sup> юзада 20 йил давомида бир дона чуқурлик пайдо бўлади;

4. Мустаҳкам участка — 1 км<sup>2</sup> юзада 20—50 йил мобайнида битта чуқурлик ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, жойларнинг карстланувчанлигини ва карстнинг ривожланиш тезлигини аниқлашда ана шу жойларнинг ёши, геоморфологик тузилиши, воронка ва қудуқларнинг сони, қалин-сийраклиги ва жойларнинг карста нисбатан мустаҳкамлигига катта эътибор бериш керак экан. Шундай қилинганда жойнинг инженер-геологик шароити тўғри баҳоланган бўлади.

**Карст процессини ўрганишнинг аҳамияти.** Карст процесси туфайли ҳосил бўлган бўшлиқлар ва карстланиш процессини ўрганишнинг уч муҳим томони бор. Биринчидан, ер ости бўшлиқларида турли-туман қазилма бойликлар мавжуд. Г. А. Максимовнинг (1969) ёзишича, оҳактошлардан ҳосил бўлган ер ости бўшлиқларида 80 хилдан ортиқ минерал топилган. Уларда фосфат минераллари айниқса, кўп учрайди. Фосфатларнинг 83 минералидан 23 таси ер ости бўшлиқларида учрайди. Ер ости бўшлиқларида чиқаётган иссиқ сувлар турли минералларнинг (кальцит, арганит, барит ва бошқа) ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

М. Маматқуловнинг кўрсатишича, Тожикистондаги Магион ғорида марказит, кварц, Фарғонадаги барит ғорида ва Ҳайдаркон районидаги ғорларда барит, кальцит, арганит, флюорит ва бошқа минераллар топилган.

Ер ости бўшлиқларида ҳосил бўлган қазилма бойликлардан бири мармар онексидир. Онекс шу қадар шаффофи, баъзида у ойна ўрнида ишлатилади.

Ер ости бўшлиқларида энг кўп тарқалган қазилма бойликлардан бири фосфоритdir. У ҳайвон ва қушларнинг суюги ҳамда гўнгидан ҳосил бўлади.

Ер ости сувлари оқактошларни эритгач, улар таркибидаги алюминий, темир, ванадий ва бошқа элементлар ғорларда қолади ва бошқа минераллар билан аралашып, қатламлар ҳосил қиласы. Жанубий Франциядаги күпчилик боксит конлари шу йүл билан ҳосил бўлган.

Иккинчи томондан ер ости бўшлиқлари ахолини сув билан таъминлайдиган манба ҳисобланади. Ер ости бўшлиқларидағи сувнинг аҳоли пунктлари, саноат обьектларини сув билан таъминлашдаги роли ниҳоятда каттадир. Кўпчилик карст бўшлиқларидан чиқадиган булоқлар минераллашган бўлади. Масалан, Мацеста булоғи бир суткада 10 млн. литр, Тамиск — 4 млн. литр, Кисловодск нарзани 1,2 млн. литр сув беради.

Куруқ иқлимли районларда ер ости сув запаслари кўпайишида бўшлиқлар катта роль ўйнайди. Чунки ёғингарчиликнинг кўп қисми буғланмасдан, бўшлиқларга қўйилади ва уларда йиғилади. Масалан, Устюрт платосида бу яққол кўзга ташланади.

Ер бўшлиқлари ва ёриқлари фақат саҳро ва чўл районларидаги эмас, балки тоғлиқ районларда ҳам ахолини сув билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди, Масалан, Ўзбекистон территориясидаги Зафаршон, Нурота ва бошқа кўп районлар аҳолиси ер бўшлиқларида чиқадиган сувдан фойдаланади, М. Маматкуловнинг маълумотига кўра Нурота районидаги булоқ секундига 260 литргача сув бериб туради.

Учинчидан ер ости бўшлиқлари ер устига қуриладиган иншоотларга хавф түғдиради. Айниқса, карстланувчи қатламлар устида сув омборлари (тўғонлари) қурилганда ўз оғирлиги таъсирида уларнинг остида бўшлиқлар мавжудлиги ёки янги бўшлиқлар ҳосил бўлиши сабабли чўқади. Бундан ташқари сув омборларида сув йиғилмасдан ер ости бўшлиқлари ва ёриқларига оқиб кетади.

Кўпчилик бўшлиқлар турли қурилиш, айниқса, туннель қазиш ишларида катта қийинчиликларга сабаб бўлади. Масалан, баъзи районларда туннель қазиш вақтида сув чиқиб, туннелларни бутунлай босиб ҳам кетади.

Ер ости бўшлиқлари шифобахшилик хусусиятга ҳам эга, чунки кўпчилик карст бўшлиқлари ва ғорларидаги иқлим кишига жуда ёқими бўлади ва йил давомида бу иқлим ва ҳаво ҳарорати ўзгармай туради. Масалан, Германия Федератив Республикасидаги Клутерт ғоридан бронхит касаллигини даволашда фойдаланилмоқда.

Карстланиш процессини ўрганиш усууллари. Карстланиш процессини ўрганиш усууллари хилма-хил бўлиб, улар ҳозиргача системалаштирилган эмас. Илгари бу процесс қудуқ қазиш усули билан бирга ўрганилар, бу усул жуда қийин бўлиб, кўп вақт ва маблагни талаб қиласы эди. Ҳозир карстланиш процесслари комплекс усууллар билан ўрганилади. Жойнинг табиий шароити, ўсимлик дунёси, геологик тузилиши, геоморфологияси ва гидрогеологияси қурилган иншоотлар билан бирга ўргани-

лади. Карстланиш процессининг характери ва ривожланиши юқорида кўрсатилган шароитларга боғлиқ. Карстланиш бўлган жойлар табиий шароитини ўрганишда ҳаво, сув ва тоғ жинсларининг температурасини, ҳавонинг намлигини билиш катта аҳамиятга эга, чунки тоғ жинсининг нураши шу факторларга боғлиқ. Ҳавонинг температураси юқори бўлса, тоғ жинсларида дарзлар кўпаяди, сув температураси кўтарилиши билан унинг жинсларни эритиш қобилияти ортади ва ҳоказо.

Ёғиннинг йиллик миқдори ва ер юзаси бўйлаб тақсимланиши ҳам бу процессининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Карстланувчи тоғ жинслари тарқалган районларда ёғиннинг кўп бўлиши бу процессининг тез ривожланишига имконият туғдиради.

Карстланиш процессининг ривожланишига ўсимлик дунёси икки хил таъсир кўрсатади. Ер юзасидаги ўтлар ёғин сувларининг эркин оқишига тўсқинлик қиласи, натижада сувнинг кўп қисми ерга сингиб кетади. Бу эса карстланиш процессининг ривожланишига сабаб бўлади. Аммо баъзи жойларда ўтлар ер юзасини ёғин сувлари билан ювилишдан сақлаб қолади. Бу ҳолда карстланувчи қатламларнинг юзи очилмайди, бинобарин тоғ жинсларини нурашдан сақлайди ва карстланиш процессини сусайтиради. Баъзи ўсимликлар сувни кўп талаб қиласи ва ўзидан сувни буғлатиш қобилияти юқори бўлади. Бунда карст суст ривожланади.

Карст тарқалган жойларнинг геологик тузилишини ўрганишда жойнинг тектоникаси, тоғ жинслари қандай даражада нураганлиги, жойнинг геоморфологик тузилиши ва ҳозирги геологик процесслар албатта ҳисобга олинади. Бунинг учун бурғи қудуқлар қазиш ва лаборатория ишлари ўтказиш зарур. Бурғи қудуқлар ва шахта қудуқлари қазилганда тоғ жинсларининг таркиби, ётиши шароити, дарзлик даражаси ва бошқа хусусиятлари аниқланади ҳамда карстланиш процессига доир аниқ маълумотлар олинади.

Карстланиш процессини гидрологик ва гидрогеологик нуқтai назардан ўрганишда ер усти ва ости сувлари миқдорининг ўзгариши ҳисобга олиниши шарт. Юқорида айтилган сув миқдори дарёning ҳар жойида ўлчаниб, унинг ўзгариши аниқланади. Шу билан бирга, ер ости сувларининг ҳар хил жойлардан чиқаётган миқдори ҳам ҳисоблаб чиқилади.

Карстни гидрогеологик нуқтai назардан ўрганишда тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлигини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга, чунки карстланган тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлиги жуда кучли бўлади. Маълумки, тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлиги фильтрация коэффициенти билан характерланади. Шу сабабли карст тарқалган жойларда бурғи қудуқлар қазилади ва уларга ташқаридан маълум босим остида сув юбориб, тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлик хусусияти, яъни фильтрация коэффициенти аниқланади. Олинган маълумотлар бир-бирига таққосланиб, фильтрация коэффициентининг катта-

си белгиланади. Карстланган төг жинсларининг сув ўтказувчалиги бошқа жинсларниң қараганда катта бўлади. Шу сабабли фильтрация коэффициенти катта жойларда карстланувчи жинслар тарқалган, деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, карст тарқалган жойларнинг гидрогеологиясини ўрганишда ер ости сувлари режими, яъни унинг сатҳи, температураси, миқдори, ҳаракати ва бошқа хоссалари ўзгариши кузатиб турилади. Шу сабабли бундай жойларда маҳсус гидрогеологик қидирув ишлари олиб борилади. Бу ишларда сувнинг химиявий таркиби ўзгаришини ўрганиш айниқса муҳим, чунки карстланиш процесси ривожланиши даврида ер ости сувларининг химиявий таркиби тез ўзгариб туради.

Карстланиш процессининг геоморфологиясини ўрганишда рельефнинг ҳосил бўлиши тектоник ҳаракатларга ва эрозия базасига нисбатан аниқланади. Карст процессидан ҳосил бўлган чуқурлик ва қудуқлар морфологияси батафсил ўрганилади.

Ёпиқ карстлар бўшлиқларга жинслар қандай тўлганлигини аниқлаш билан ўрганилади. Агар бўшлиқлар учча тўлмаган бўлса, тузилиши ва йўналиши батафсил ўрганилади. Баъзан ер ости бўшлиқларига ҳидли газлар юбориб, уларнинг йўналиши ва узуунлиги аниқланади. Бир ғордан газ юбориб, уни чиққан жойи аниқланади.

Карстланиш процесслари юқорида айтилган усууллар билан ўрганилгандан сўнг, уларнинг генетик классификацияси тузилиб, картага туширилади. Картада ёши ва таркиби ҳар хил карстларнинг ва карстланувчи төг жинсларининг жойланиши ифодаланади. Шу билан бирга карстларнинг шакллари, хиллари, карстланувчи жинсларнинг сувланганлик ёки сувсизланганлик даражаси, карстланиш процессида ҳосил бўлган кўл, булоқлар, бўшлиқлар картада ўз аксини топади. Тузилган картани анализ қилиб, жойлар қандай карстланиш процессига учраганлиги аниқланиб, жойларга қуриладиган иншоотларга карстланиш процессининг таъсири олдиндан белгиланади.

## XIX Б О Б. СЕЛ

Сел сўзи арабча «тез оқувчи сув» деган маънони билдиради. Сел ҳодисаси ўз хусусиятлари билан бошқа геологик процесслардан фарқланади. Бу ҳодиса асосан тўсатдан жуда қисқа вақт ичida содир бўлади.

Нураб майдаланган төг жинси парчалари кўп ёмғир ёғиши натижасида ҳосил бўлган сув оқими билан аралашиб төг ёнбағридан пастга томон жуда катта тезликда ҳаракатланади.

Сел ҳалқ хўжалигига катта зарар келтиради. Гидротехник иншоотларни, кўпприкларни, йўлларни, қишлоқ ва шаҳарларни, кенг экин майдонларини, боғларни вайрон қилиб, дараҳтларни илдизи билан қўпориб ҳам кетади, ўнқир-чўнқирлар ҳосил қиласи, баъзи жойларни лой, қум, тош, харсанг тош қатламлари

билан кўмиб ташлайди ва баъзан одамларнинг бошпанасиз қолишига сабаб бўлади.

Ф. К. Кочерган (1960) маълумотига кўра, Фарғона водийсида сел келадиган 270 та дарё ўзани мавжуд бўлиб, 1870—1959 йиллар мобайнида 1140 га яқин сел келгани кузатилган. Сел ҳодисаси Ҳисор, Толос, Олоӣ, Туркистон, Чотқол тоғларида, Туркманистон ССРнинг Копет-Доғ дарёси водийсида ҳам тез-тез бўлиб туради.

Сел ҳодисаси Ер шарининг ҳамма тоғли районларига хос ҳодиса бўлиб, айниқса Европанинг Альп ва у билан туташ тоғ ўлкаларида тез-тез содир бўлади. Бу ҳодисани мамлакатимизда Кавказда, Ўрта Осиёда, Қrimda, Қозоғистонда, Қарпат, Байкал, Урал тоғи районларда, Узоқ шарқнинг анчагина қисмида, Молдавия ва Украина нинг тоғли районларидаги ҳам кузатиш мумкин.

## 1. Сел ҳосил бўлиш сабаблари

Нураш процесси натижасида тоғ жинслари майдаланиб ҳар хил катталикдаги бўлакларга ва зарраларга айланади. Нурашдан майдаланган жинслар тоғ ён бағирларининг нишаблиги кам жойларга йиғила бошлайди ва ҳар хил шаклдаги жинс уюмларини ҳосил қиласди.

Тоғли районларда ёмғир ва қорлар эришидан ҳосил бўлган сув оқими ён бағирларда тоғ жинслари бўлакларини ва уюмларини ўзи билан бирга пастга оқизиб кета бошлайди. Бундай сув оқимлари бир-бирига қўшилиб, катта ҳажм ва кучга эга бўлган сел оқимини вужудга келтиради. Сел массасининг тахминан 50—60% ҳар хил тош парчалари, қум ва гилдан, ўсимлик таналаридан иборат бўлади. Демак, сел оқимининг ҳосил бўлиши, ёғиннинг миқдори, ёғиши характери ва тезлигига, тоғ ён бағирларига йиғилган жинсларнинг, сой ва жилгаларнинг озкўплиги, эриётган қор ва муз сувларининг миқдорига боғлиқ бўлади. Шунингдек селнинг вужудга келиши тоғ ён бағирларининг геоморфологик тузилишига, нишаблигига, ўсимликлар билан қопланганлик даражасига ҳам боғлиқдир.

Сел асосан баҳор фаслида, ёзнинг дастлабки кунларида содир бўлади. Бунинг сабаби, биринчидан, баҳор фаслида ёмғирнинг асосий қисми ёғиши, иккинчидан, қишида йиғилган қорнинг бирдан кун исиб кетишидан тез эришидир.

Сел пайдо бўлиши ва ривожланишида жойларнинг орографик тузилиши ҳам катта роль ўйнайди. Орография деганда тоғ ва тоғ тизмаларининг йўналиши, тармоқланиши, водийларнинг жойланиши, баланд-пастлиги ва тоғ ён бағирларининг тузилишини тушунамиз.

Тоғ тизмаларининг тузилиши, ўзаро жойланиши ва йўналиши турлича бўлиб, бир хиллари нам олиб келувчи ҳавони тўсиб қолса, бошқалари ўтказиб юборади.

Ўрта Осиё республикалари территориясига ёғин-сочин келтирадиган ҳаво массалари асосан ғарбдан келади. Шу сабабли

шимолдан жанубга меридианал йўналган тоғлар ғарбдан эсган ҳаво массалари учун тўсиқ ҳисобланади, бундай тоғларнинг ғарб томонларида ёрин-сочиқ миқдори шарқ томонидагига нисбатан кўп бўлади. Бу эса тоғларнинг ғарбий ён бағирларида селга сабаб бўлади. Сел тоғларнинг жанубий ён бағирларида ҳам тез-тез рўй беради. Чунки тоғнинг жанубий ён бағирларига қуёш нури кўпроқ тушади, натижада нураш процессининг тезлиги ошади ва нурашдан ҳосил бўлган тоғ жинси парчалари миқдори тез ортади.

Селга жойнинг рельефи ҳам катта таъсир кўрсатади. Мураккаб рельеф сув оқимининг тезлигини оширади, унинг тезроқ тўпланиб кўл ҳосил бўлишига имкон беради.

Баён этилган факторларнинг ҳаммаси сойларда тошқиннинг миқдори ва тезлигини ошириб, сел бошланишига сабаб бўлади.

## 2. Сел ҳавзалари ва сел оқимларининг классификацияси

Сел доимо бўлиб турадиган жойлар сел ҳавзалари деб аталади. Улар тузилишига, сел оз-кўп бўлишига, қайтарилиши ва характеристига кўра бир қанча турларга бўлинади.

Коста де Бастолика (1874) сел ҳавзаларини икки турга: оддий ёки биргина сел ҳосил қилувчи дарё ўзанига эга бўлган ҳавзалар ва мураккаб, биргина сел ҳосил қилувчи ўзандан ташқари қатор селли ирмоқларга эга бўлган ҳавзаларга ажратган. Кейинчалик классификация селнинг генетик хиллари бўйича классификациялашга асос бўлди.

1935 йилда совет олимни Е. П. Коновалов селнинг сув билан таъминланишига қараб генетик классификациясини ишлаб чиқди. Унда селлар қуйидаги 3 та турга бўлинади:

- 1) шаррос ёмғир ёғишидан ҳосил бўлувчи селлар;
- 2) қор ва музларнинг тез эришидан ҳосил бўладиган сел;
- 3) музли ёки музсиз кўллар, сув омборлари ўпирилиб кетишдан ҳосил бўлган селлар.

П. С. Непорожний селдорлиги ва сел ҳар бир квадрат километр юзадан ювиб кетадиган тоғ жинси миқдорига қараб, ҳавзаларни уч турга бўлади:

1. Жуда селдор ҳавзалар; бундай ҳавзаларда ён бағирлар бўшоқ жинслар билан қопланган бўлиб, ҳар бир квадрат километр юзадан бир марта бўлган селнинг ювиб кетган жинслар ҳажми  $20000 \text{ m}^3$  ни ташкил қиласди;

2. Ўртача селдор ҳавзалар; бундай ҳавзаларда туб жинсларнинг нураши ва эрозия процесси кучли бўлади. Селда  $1 \text{ km}^2$  юзадан ювилиб кетган жинслар ҳажми  $10000 \text{ m}^3$  гача боради;

3. Қам селдор ҳавзалар; бундай ҳавзаларда эрозия ва нураш процессларининг интенсивлиги кучсизроқ бўлади ва сел натижасида  $1 \text{ km}^2$  юзадан ювилиб кетадиган жинслар ҳажми  $5000 \text{ m}^3$  гача бўлади.

Селнинг ҳавзалинк категориялари	Сел ҳавзалари характеристикаси		Сел оқимидаги төр жинслари- нинг ҳажми (1 км <sup>2</sup> юзага м <sup>3</sup> )	Селга қарши кураш чорала- ри
	Сел ҳосил бўладиган жойнинг дениз сатҳидан баландлиги $H$ , (м)	Сув билан бир- га оқиб келган материаллар		
I	$H > 2500$ тогли райони	Материаллар- нинг кўпи ирик жинс- лардан иборат	15000—25000	Ҳеч қандай чора кўриб бўлмайди
II	$1000 < H < 2500$ тогли районлар	—“—	500—15000	Асосий чора даражат ўтқа- зиш
III	$H \leq 1000$ тог олд ва ясси тогли районлар	Материаллар- нинг кўпи гилдан ибо- рат	5000	Асосан агро, ўрмон, ме- лиоратив чо- ралар кўри- лади

С. Г. Рустамов (1956) селнинг такрорланишига кўра сел ҳавзаларини учта группага ажратади:

1. Селнинг фаолияти юқори ҳавзалар; бундай ҳавзаларда ҳар икки уч йилда бир марта сел бўлади;
2. Сел активлиги ўртача ҳавзалар; бундай ҳавзаларда ҳар 3—5 йилда бир марта сел бўлади;
3. Сел фаолияти паст ҳавзалар; бундай ҳавзаларда ҳар 5—10 йилда бир марта сел бўлади.

Кейинги йилларда Д. Л. Соколов, С. М. Флейшман, А. И. Шеко (1970) ва бошқалар томонидан сел ҳавзаларининг бирмунча мукаммал классификацияси тузилди. Селнинг ва сел ҳавзалининг Д. Л. Соколов (1950) тузган генетик классификацияси 36- жадвалда берилган.

Сел оқими таркибидағи сув ва оқиб келадиган жинслар миқдорига қараб тўрт турга бўлинади: 1) Сув оқими (сел оқими таркибида төр жинси бўлаклари оз бўлади); 2) сув — тош оқими (сел оқими, сув ва тошлардан иборат); 3) сув — лойқа оқими (оқим сув ва майдада тупроқ зарраларидан иборат); 4) сув — лойқа — тош оқими (оқим сувдан, лойқадан ва тошдан иборат).

Сув ва лойқадан иборат оқим структурали сел, сув ва тошдан иборат оқим эса турбулент сел деб аталади.

Структурали сел оқимларидағи жинслар сув билан бирга ҳаракат қиласи. Турбулент селда сув билан тош доимо бирбиридан бир оз ажралган ҳолда ҳаракат қилиб, оқим тезлиги камайган сари тошлар дарё тагига чўкиб қола бошлайди. Демак, турбулент селларда тошларнинг ҳаракат тезлиги сув тез-

лигидан кам бўлади. Шу сабабли тошлар сув оқимидан бир оз ажралган ҳолда ҳаракат қиласди.

Ҳосил бўлиш манбаига қараб сел регионал ва маҳаллий хилларга бўлинади. Уларнинг биринчиси жойнинг геологик ва геоморфологик шароити билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, ёғин кўп ва тез ёғишидан содир бўлади. Маҳаллий сел эса қор қатламири бирдан эриши натижасида тоғликлардаги кўллар суви кўпайишидан, бу кўллар ҳавзаларининг айрим жойлари ўпилиб кетишидан вужудга келади.

Сел ҳодисаси содир бўладиган ҳавза асосан уч зонага бўлинади:

1. Таъминданиш зонаси. Бунга кўпинча баланд тоғли районлардан тоғ олди районларигача ўз ичига олган территориялар киради. Сел ҳодисасини вужудга келтирувчи сув ўзининг дастлабки қатраларини худди шу зонадан йиғади. Сув билан бирга ҳаракатланувчи сел массасининг асосий қисмни ташкил қилувчи тоғ жинслари ҳам худди шу зонадан силжий бошлайди. Сел оқими таркибига кирувчи тоғ жинслари унча майдаланмаган, қиррали, катта-катта бўлаклардан, харсанг тошлардан ташкил топади. Сел таркибида гил зарралари кўп бўлмайди. Бу зонага, асосан ҳавзанинг юқори қисми киради.

2. Сел ҳаракати ёки транзит зонаси. Унга сел оқими ҳаракат қиласидан дарё ўзани ва унинг ирмоқлари киради. Кичик жилғалар бир-бирига қўшилиб, дарё ўзани бўйлаб ҳаракат қиласди. Шунинг учун сел оқими бу зонада катта кучга эга бўлиб, йўлида учраган тўсиқларни бузиб кетади. Катта-катта тош бўлаклари худди шу зонада бир-бирларига урилиб майдаланади, силлиқланади. Сел массаси гил, қумтош, қум жинслар билан кўпайиб, унинг зичлиги, (ҳажм оғирлиги) ортади.

3. Йиғилиш зонаси. Бу зонага дарёнинг этак қисмидаги жойлар киради. Сел оқими бу зонада кучсизланади, натижада сел оқизиб келтирган жинслар тўпланади.

Сел оқимининг миқдори зонанинг катта-кичиклигига унда дарё ирмоқларининг кўплигига боғлиқ. Бу зоналар чегараси сел ҳодисаси вужудга келадиган жойнинг иқлимига қараб, дengиз юзасига нисбатан турли баландликлардан ўтиши мумкин. Сел зоналарини тўғри ажратиш селга қарши курашда муҳим роль ўйнайди.

### 3. Сел оқимининг динамикаси ва асосий хоссалари

Сел оқимининг динамикаси деганда селнинг ҳосил бўлгандан тўхтагунича ҳисобга олинган ички ва ташқи қиёфаси, йиллар давомида такрорланиши, ҳаракат тезлиги, кучи ва ҳолати тушунилади.

Сел оқимининг ҳажм оғирлиги ( $\gamma_c$ ), тезлиги ( $v_c$ ), оқим сарфи ёки урилиш кучи ( $Q$ ), сел оқими ўтаётган ўзаннинг нишаблиги ( $i$ ), оқим тўлқини баландлиги ( $H_c$ ) ва кенглиги ( $B_c$ ), ҳажми ( $W$ ), так-

рорланиш вақти ( $t_c$ ), оқим таркибидаги — тоғ жинси бўлакларининг максимал катталиги, гранулометрик таркиби ва оқимнинг ёпишқоқлиги сел оқими динамикасини ифодаловчи асосий хоссалардир. Селга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг кучини камайтирувчи (қириқувчи) иншоотларни лойиҳалаш ҳамда селнинг миқдорини олдиндан аниқлаш учун унинг ана шу хоссаларини ўрганиш зарур.

1. Ҳажм оғирлиги. Селнинг соғ сел оқимидан фарқи унинг таркибida сув билан бирга майдаланган тоғ жинслари бўлишидир. Жинслар миқдори ҳар хил бўлиб, ҳар бир метр сел оқимида ўртача 100—150 кг атрофида бўлади. Шунга кўра селнинг ҳажм оғирлиги 1,4—1,9 т/м<sup>3</sup> атрофида ўзгаради.

Селнинг ҳажм оғирлиги унинг хилига ва тоғ жинси билан қандай тўйинганлигига боғлиқ. Масалан, қумлар аралашмасидан ҳосил бўлган селнинг ҳажм оғирлиги 1,2—1,5 т/м<sup>3</sup> бўлса, гил билан тўйинган селнинг ҳажм оғирлиги 1,4—1,9 т/м<sup>3</sup> бўлди. Баъзан сел оқимининг ҳажм оғирлиги таркибидаги тоғ жинсларининг солиштирма массасига ва тоғ жинси бўлакларининг йириклигига боғлиқ бўлади. Шу сабабли солиштирма массаси катта жинслар билан тўйинган ва таркиби кўпроқ йирик тошлардан иборат селнинг ҳажм оғирлиги 2,0 т/м<sup>3</sup> ва ундан ҳам ортиқроқ бўлади.

Селнинг ҳажм оғирлиги қўйидаги формуулалар ёрдамида аниқланади:

$$\gamma_c = \gamma_b + S_c (\gamma_t - \gamma_b); \quad A_c = \frac{\gamma_b W_b + \gamma_t W_t}{W_c} = \frac{W_t \gamma_t + W_b \gamma_b}{W_b + W_t};$$

$$\gamma_c = \frac{\gamma_b \cdot Q_b + \gamma_t Q_t}{Q_c}; \quad \gamma_c = \gamma_b + S' \left( 1 - \frac{\gamma_b}{\gamma_t} \right);$$

$$\gamma_c = \frac{\gamma_b + \gamma_t S_b}{1 + S_b}; \quad \gamma_c = \frac{\gamma_t \cdot \gamma_b}{(1 - P) (\gamma_t + P \cdot \gamma_b)},$$

бунда:  $\gamma_c$  — сел оқими ҳажм оғирлиги (т/м<sup>3</sup>);  $\gamma_b$  — сел оқими таркибидаги сувнинг солиштирма массаси;  $\gamma_t$  — сел оқими таркибидаги тоғ жинсининг ўртача солиштирма массаси)

$$(\gamma_t = 2,65 \text{ т (м}^3\text{)}).$$

$$S_c = \frac{W_t}{W_c} = \frac{W_t}{W_b + W_t},$$

бунда  $W_t$  — сел оқими таркибидаги тоғ жинсининг ҳажми (%);  $W_b$  — сел оқими таркибидаги сувнинг ҳажми (%);  $W_c$  — сел оқими умумий ҳажми (%);  $Q_b$  — сел оқимидаги сувнинг сарфи (м<sup>3</sup>);  $Q_t$  — сел оқимидаги жинслар сарфи (м<sup>3</sup>);  $Q_c$  — сел оқимининг сарфи ёки урилиш кучи (м<sub>3</sub>);  $S'$  — сел оқимининг лойқалангандик даражаси:

$$S' = \frac{T_t}{W_c},$$

бунда  $T_t$  — сел оқимидаги тоғ жинси оғирлиги (умумий оғирлигига нисбатан % ҳисобида);

$$P = \frac{W_t \gamma_t}{W_t \gamma_t + W_b \gamma_b} = \frac{T_t}{T_b},$$

бунда  $T_b$  — сел оқимининг тоғ жинси билан қандай түйинганлигини билдирувчи күрсаткич;  $T_b$  — сел оқимидағи сувнинг оғирлиги (% ҳисобида).

Сел оқимининг ҳажм оғирлиги унга қарши қуриладиган иншоотларнинг мустаҳкамлик даражасини ҳисоблашда ишлатилиб, у оқимнинг тоғ жинси билан түйинганлик даражасини билдиради. Унинг қиймати оқим таркибидаги тоғ жинсларининг миқдорига қараб ўзгариб боради. Масалан, таркибининг 40—45% тоғ жинсидан иборат сел оқимининг ҳажм оғирлиги 1,34—1,38 т/м<sup>3</sup> бўлса, таркиби 60—70% тоғ жинсларидан иборат сел оқимининг ҳажм оғирлиги 1,50—1,70 т/м<sup>3</sup> баъзан 2,0 т/м<sup>3</sup> дан ҳам ортиқ бўлади.

**2. Сел оқимининг ҳаракат тезлиги.** Сел оқимининг ҳаракат тезлиги  $v_c$  оқиб келаётган ўзаннинг нишаблигига, сел массаси таркиби, ҳажмига боғлиқ бўлиб, 2—3 дан 7—8 м/с атрофида бўлади. Бундан кўринадики, баъзи сел оқимининг ҳаракат тезлиги ўртача шамол тезлигига тенгdir.

Сел бўладиган ҳавзаларда селнинг максимал, ўртача ва мимimal тезлигини аниқлаш сел ҳавзасининг қайси зонасида қандай миқдорда сел ўтишини ва қандай тадбирлар, чоралар кўриш кераклигини аниқлашга имкон беради. Селнинг тезлиги катта бўладиган жойларда селга қарши қуриладиган иншоотларнинг мустаҳкамлиги юқори бўлиши лозим. Селнинг тезлигини аниқлаш формулалари жуда кўп ва улар селнинг турига қараб қўлланади.

Таркибининг асосий қисми қум ва шағаллардан иборат селларнинг тезлиги қўйидаги формулалар орқали аниқланади:

$v_c = v_b \frac{\gamma_b}{\gamma_b + \alpha (1 - 1)} \text{ м/с}$  (Ф. Ванг, Австрия, 1902 г.), бунда  $v_b$  — сув оқими тезлиги м/с (бу Шези формуласи орқали аниқланади);  $\gamma_b$  — сувнинг солиштирма массаси;  $\gamma_t$  — сел таркибидаги жинснинг ўртача солиштирма массаси ( $\gamma_t = 2,7 \text{ т/м}^3$ );  $\alpha$  — сел таркибидаги жинс ҳажмини ифодаловчи коэффициент.

Агар сел таркибидаги жинснинг солиштирма массаси ўртача 2,7 т/м<sup>3</sup> га тенг бўлса, у ҳолда Ванг формуласи қўйидаги кўришишга эга бўлади:

$$v_c = \frac{v_b}{1 + 1,7 \cdot \alpha}.$$

Шундай қилиб, селнинг тезлиги унинг таркибидаги жинс ва сувнинг миқдорига, бошқача айтганда,  $\alpha$  коэффициентига боғлиқ. Масалан, сел оқимининг 50% и сувдан иборат бўлса, буларнинг нисбати  $\alpha = 1$  га тенг бўлади. У ҳолда бундай селнинг тезлиги сув оқими тезлигидан 2,7 марта кам бўлади, яъни:

$$v_c = \frac{v_b}{2,7}$$

Таркиби қум ва шағаллардан иборат селнинг тезлигини аниқлашда кўпинча сел ўтаётган жой юзасининг ғадир-будурлиги, ўнқир-чўнқирлиги, нишаблиги ва сел оқимининг гидрав-

лик радиуси ҳисобга олинади ва селнинг тезлиги М. Ф. Срибн (1940) формуласи орқали аниқланади.

$$v_c = \frac{m_o}{\alpha} R^{\frac{2}{3}} I^{\frac{1}{4}},$$

бунда  $m_o$  — сел келувчи ўзининг радиур-будурлигини ифодаловчи коэффициент ( $m_o = 6,5$ );  $\alpha$  — сел оқимининг ички қаршилигини ҳисобга оловчи коэффициент, бу қўйидагича аниқланади:

$$\alpha = (\psi \cdot \gamma_t + 1)^{0,5},$$

$\gamma_t$  — сел таркибидаги жинснинг солиштирма массаси;  $\psi$  — жойнинг селдорлик коэффициенти  $\psi = \frac{\gamma_c - 1}{\gamma_t - 1}$  — сел оқимининг ҳажм оғирлиги;  $I$  — сел ўтувчи жойнинг нишаблиги;  $R$  — оқимнинг гидравлик радиуси (метр).

Таркиби қум ва шағаллардан иборат селнинг тезлиги кўпинча И. Х. Херхеулидзе (1947) формуласи орқали аниқланади:

$$v_c = \sqrt{d \sqrt{(\gamma_t - 1) (1 - 0,01 \cdot P)}}$$

бунда  $d$  — сел оқимидағи тоғ жинси бўлакларининг максимал диаметри (мм);  $P$  — сел оқимидағи тоғ жинснинг миқдори (%).

Сел оқимининг таркиби асосан лойқа ва сувдан иборат бўлса, унинг тезлиги С. М. Флейшман (1970) формуласи орқали аниқланади:

$$v_c = a \cdot v_c,$$

бу尔да  $v_c$  — сув оқими тезлиги;  $a$  — сел оқими тезлигининг камайиш коэффициенти; бу асосан селнинг механик таркиби ва ёпишқоқлигига боғлиқ бўлиб, қўйидаги формула орқали аниқланади;

$$a = 1 - 0,1 \cdot \frac{\gamma_c^{\frac{3}{2}}}{\sqrt{\eta_3 - \eta_0}}$$

бунда  $\gamma_c$  — сел оқимининг ҳажм оғирлиги;  $\eta_3$  — сел оқимининг ёпишқоқлик эфективлиги (пуаз ҳисобида);  $\eta_0$  — сел оқимининг суюқ ҳолдан ёпишқоқ атала ҳолига ўтишдаги ёпишқоқлик чегараси (3 пауз).

Кўп ҳолларда  $a$  нинг қиймати 37- жадвалдан топилади.

37- жадвал

$\gamma_c$ т/м <sup>3</sup>	$\eta_3$ пуаз				
	4	7	10	12	15
1,4	0,84	0,68	0,56	0,52	0,45
1,6	0,80	0,60	0,46	0,40	0,30
1,8	0,76	0,52	0,35	0,28	0,18

Агар селнинг таркиби тош ва гилдан иборат бўлса, унинг тезлиги М. А. Мостков формуласи орқали аниқланади:

$$v_c = \kappa_c \sqrt{gH} (i - i_t),$$

бунда  $\kappa_c$  — оқим ҳаракатидаги қаршилик коэффициенти,  $\kappa_c = \frac{d_{cp}}{H}$ ;  $d_{cp}$  — сел таркибидаги жинс бўлакларининг ўртача диаметри (мм);  $H$  — сел оқимининг қалинлиги;  $i$  — сел ўтувчи ўзаннинг нишаблиги;  $i_t$  — сел оқими таркибидаги жинслар чўкишидан ҳосил бўлган юзанинг нишаблиги; бу оқим таркибидаги жинсларнинг физик-механик хоссасига боғлиқ бўлиб, қўйидагича аниқланади:

$$i_t = i - \frac{\tau'_0}{\gamma_c H} = f + \frac{\theta}{\gamma_c H};$$

бунда  $\tau'_0$  — сел ўтувчи ўзан тагининг сел оқими ҳаракатига қаршилиги,  $\text{t/m}^2$ ;

$$\tau'_0 = \gamma_0 \cdot H_t - (\gamma_c f H + \theta)$$

бунда  $f$  — оқим таркибидаги жинснинг қуригандаги ишқаланиш коэффициенти;  $\theta$  — оқим таркибидаги гилли жинснинг ёпишқоқ ҳолдаги ишқаланиш коэффициенти.

**3. Сел оқимининг сарфи (урелиш кучи).** Сел оқими хоссаларидан яна бири урелиш кучи (сарфланиш миқдори) ҳисобланади. Сел оқимининг урелиш кучи деб маълум кесим юзаси бўйича ҳар секундда ўтадиган сел оқими миқдорини айтилади.

Сел оқимининг максимал урелиш кучи айрим пайтларда 800—900  $\text{m}^3/\text{s}$  га етиб, катта емириш кучига эга бўлади. Кучли селлар билан оқиб келадиган тоғ жинсларининг миқдори активлик майдонининг ҳар бир  $\text{km}^2$  юзасига 50000  $\text{m}^3$  дан 90000  $\text{m}^3$  гача тўғри келади.

Селнинг урелиш кучини билмасдан туриб, унга қарши қуриладиган инженерлик иншоотларнинг лойиҳасини тузиб бўлмайди. Одатда сел оқимининг максимал, минимал ва ўртача урелиш кучи аниқланади.

Сел оқимининг урелиш кучини аниқлаш учун ҳам қатор формуулалар мавжуд бўлиб, кўпинча қўйидаги формуулалар қўлланади.

$$Q_c = v_c \cdot \omega,$$

бунда  $Q_c$  — сел оқимининг урелиши кучи,  $\text{m}^3/\text{s}$ ;  $v_c$  — сел оқимининг тезлиги,  $\text{m/s}$ ;  $\omega$  — сел оқиб ўтаётган юза,  $\text{m}^2$ .

Шуни айтиш лозимки, селнинг тезлигини ва ўтаётган юзани тўғри аниқлаш кўпинча қийин бўлади. Шундай ҳолларда селнинг урелиш кучи Д. Л. Сколовский (1949) формуласи орқали аниқланади:

$$Q_c = \alpha \cdot Q_b,$$

бунда  $\alpha$  — сел таркибидаги қаттиқ жинсларнинг кўп-озлигини, яъни концентрациясини билдирувчи коэффициент;

$$\alpha = \frac{100}{\gamma_c (100 - P)} - 1,$$

бунда  $\gamma_c$  — сел оқимининг ҳажм оғирлиги;  $P$  — оқимдаги тоғ жинслари миқдори.

Булардан ташқари, сел оқимининг урилиш кучи И. И. Херхсулидзе (1969) ва М. В. Цовянлар (1968) формуласи орқали ҳам аниқланади:

$$Q_c = \Psi_Q Q_b,$$

бунда  $\Psi_Q$  — жойнинг селдорлик коэффициенти:

$$\Psi_Q = \frac{\gamma_t - 1}{\gamma_t + \epsilon_6 - \gamma_c (1 - \delta \cdot \epsilon)};$$

$\delta$  — грунтнинг сувга тўсаниш коэффициенти;  $\epsilon$  — ғоваклилик коэффициенти.

Юқоридаги формуалардан сел оқимининг урилиш кучи унинг таркибидаги сув ва тоғ жинсининг миқдорига, селнинг ҳажм оғирлиги ва тезлигига боғлиқлиги англашилади.

**4. Оқим ўзанининг нишаблиги.** Сел оқимининг ҳаракат тезлиги, таркибидаги жинсларнинг катта-кичиклиги ва оз-кўплигига, сел ўтувчи ўзанининг нишаблигига боғлиқ.

Сел оқими ҳаракатланиши учун ўзанинг транзит зонасидағи нишаблиги энг камида  $3-8^\circ$  бўлиши керак. Сел таркибидаги жинсларнинг ҳаракати ва қаерга ётқизилиши ҳам ўзанинг нишаблигига боғлиқ. Агар сел оқими таркибида йирик тошлар кўп бўлса, уларни ҳаракатлантириш учун ўзанинг нишаблиги албатта юқори бўлиши лозим, акс ҳолда оқим таркибидаги қаттиқ жинслар узоққа ҳаракат қила олмайди. Масалан, катталиги бир метр ва ундан катта бўлган жинс бўлаклари ўзан нишаблиги  $8-10^\circ$  бўлганда ҳам узоққа ҳаракат қила олмайди ва транзит зонада чўкади.

Қўум ва гилдан ташкил топган оқимда ўзан нишаблиги  $2-3^\circ$  бўлганда ҳам жинс зарралари сув билан бирликда анча узоқ жойгача ҳаракат қиласи. Шуни ҳам айтиш лозимки, гил зарраларидан ташкил топган, ёпишқоқлиги юқори бўлган сел оқими ҳам нишаблиги оз ўзанларда узоқ жойга ҳаракатлана олмайди.

Демак, сел оқимининг ҳаракат тезлигига ўзанинг нишаблигидан ташқари унинг ёпишқоқлиги ҳам катта таъсир кўрсатар экан.

Одатда тоғли районларда сел ўтувчи ўзанинг нишаблиги  $15-35^\circ$  бўлса, тоғ олди районларида  $5-10^\circ$  атрофида бўлади.

Сел оқими таркибидаги тоғ жинслар миқдори ҳам оқим ўзанининг нишаблигига боғлиқ. Нишаблиги катта бўлган жойларда сел таркибида қаттиқ материаллар кўп, нишаблиги кичик жойларда оз бўлади. Масалан, И. И. Штин маълумоти бўйича Альп тоғларининг  $15^\circ$  нишаб жойларидаги сел оқимининг  $40-50\%$

ини қаттиқ төг жинслари ташкил қылса, нишаблиги 30—35° жойларда у жинслар 60—70% ни ташкил этади.

**5. Селнинг ҳажми ва таркибидаги жинс бўлакларининг катталиги.** Сел оқимининг ҳажми худди унинг сарфи каби ўзгарувчан бўлиб, асосан сел таркибидаги жинсларнинг миқдорига боғлиқ. Селда оқиб келган төг жинсларнинг умумий миқдори сел ҳажмини ифодаловчи асосий индикаторлардан бири ҳисобланади. Шунга кўра сел асосан тўртта турга ажралади: 1) кичик ҳажмли сел; унда оқиб келган жинслар миқдори 10000—20000 м<sup>3</sup> га тенг бўлади; 2) ўрта ҳажмли сел — 20000—100000 м<sup>3</sup>; 3) катта ҳажмли сел — 100000—900000 м<sup>3</sup> ва 4) фалокатли сел — 1 млн м<sup>3</sup> дан кўп.

Селда оқиб келган жинс бўлакларининг максимал катталиги баъзан 3—4 м ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Бундай бўлакларнинг оғирлиги эса 300—400 тоннагача бўлади. Баъзан лойқали селлар орасида катталиги 8—10 м га етадиган тошлар ҳам учрайди.

**6. Селнинг давом этиш ва такрорланиш вақти.** Одатда сел бир неча ўн минутдан бир неча соатгача давом этади. Баъзан сел 10—30 минут давом этиб, сўнг бир оз тўхтаб яна давом этади. Бундай ҳолларда селнинг умумий давом этиш вақти баъзан 6—7 соатга ҳам етади. Худди шундай сел 1963 йил 7 июня Жарсой дарёсида (Қозогистон) бўлган. Селнинг ҳосил бўлиши ва такрорланиш вақти дарё сувининг кўпайишига ўхшаш маълум бир циклга бўйсунмайди. Сел қулай шароит туғилгандагина ҳосил бўлади, бунга жойнинг гидрометеорологик ва геологик-геоморфологик шароити катта таъсир кўрсатади.

#### **4. Селни олдиндан айтиб бериш усуllibари ва унга қарши кураш чоралари**

Сел бўлишини олдиндан айтиш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Қайси жойда, қачон ва қандай ҳажмда сел бўлишини олдиндан билиш учун селни ҳосил қилувчи факторларни, яъни сел бўлиши мумкин деб ҳисобланган хавфли жойларни, уларнинг чегарасини, транзит ва аккумуляция зоналарини аниқлаш ва баҳолаш керак.

Селларни прогноз қилиш асосан уч хил:

- 1) фазовий прогноз қилиш;
- 2) вақтга нисбатан прогноз қилиш;
- 3) сел ҳоссаларини прогноз қилиш.

Селни фазовий прогноз қилишда селдор районлар картаси тузилади ва сел бўлиш хавфи бор район ва участкалар кўрсатилади. Бундан ташқари, картада сел хиллари, селдор жойларнинг геоморфологик характеристикаси, ҳар хил геологик процесслар кўрсатилади.

Селни вақтга нисбатан прогноз қилиш туфайли селдор ҳавзаларда қачон сел бўлиши олдиндан айтилади. Бунинг учун ўша жойда олдин бўлиб ўтган селлар характери, такрорланиш

вақти ва уни ҳосил қылган факторлар батафсил ўрганилади. Натижада текширилаётган жойда узоқ ва қисқа муддатли сел бўлиш хавфи бор деб ҳисобланган участкалар аниқланади.

Сел бўлишини олдиндан билиш учун жойнинг табиий шароитини мукаммал ўрганиш лозим. Ҳар йили бўладиган атмосфера ёғинлари миқдорини ва характеристини ўрганиш селни олдиндан билишда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, жойнинг геологик, геоморфологик шароитларини ўрганиш сел бўлишини олдиндан айтиш имконини беради. Маълумки, сел кўпинча тоғ жинслари кучли нураган ва юмшоқ жинслардан иборат жойларда бўлади. Шу сабабли селнинг ҳажми тоғ жинсларининг нураганлик даражасига боғлиқ.

Сел бўлишини олдиндан билиш унга қарши кураш тадбирларини тўғри ва аниқ белгилашга имкон беради. Селга қарши кураш тадбирлари хилма-хил бўлиб, уларни белгилашда селнинг ҳосил бўлиш шароити ва динамик хусусиятларини тўла ўрганиш лозим.

Селга қарши кураш тадбирлари асосан тўртта — агромелиоратив, фитомелиоратив, агротехник ва инженерлик-гидротехник группаларга бўлинади.

Агромелиорация тадбирларига селдор ҳавзаларда ўсимликлар зичлигини сақлаб қолиш, ўрмон, тўқай каби массивларни ҳар хил оғатлардан асраш, яйловларда ортиқча молларни боқишига йўл қўймаслик, тоғ ён бағирлари ва водийдаги қоялардан оптималь фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш ва ҳоказолар киради.

Фитомелиорация ва агротехника усуllibарига селдор ҳавза, водий ва ўзанларда янги ўрмон массивларини ҳосил қилиш, ўтлоқ, пичанзорларда ўсимликлар зичлигини ошириш, уларни сел кучига бардош берувчи ўсимлик турлари билан бойнитиш, тоғ, қоя ён бағирларидаги қуруқ ва бошқа уваланган жинсларни техник, биологик йўллар билан турғунлаштириш, террасалаш ва оптималь ҳайдаш усуllibарини белгилаш каби тадбирлар киради.

Шуни айтиш керакки, агрофитомелиорация ва агротехника усуllibари ҳалқ хўжалигини сел хавфини тамоман бартараф этмайди, балки селнинг кучини сусайтириш ва режимиини қисман ўзгартиришга сабаб бўлади.

Сел оғатига қарши курашда инженерлик гидротехник иншоотлар ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Буларга сел оқимини кучизлантириш мақсадида уларни ҳар томонга бўлиб юборувчи йўлаклар, ариқлар, каналлар бунёд қилиш, селдор водийларда ҳовузлар, сув омборлари, тош ва лойқа тутувчи галвир деворлар, қирғоқларни емиришдан сақловчи темир бетон қалқонлар, тўғонлар сингари тадбирлар киради.

Селга қарши кураш чораларини тўғри аниқлаш учун сел ҳавзаларини яхши ўрганиш, уларни зоналарга тўғри бўлиш лозим. Бунда ҳар бир зона учун алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилади. И. И. Мечитов ва М. В. Цовян (1962) сел ҳавзалари зonasida қўйидаги тадбирларни амалга оширишни тавсия этганлар:

1) сел пайдо бўлиш зонасида — тоғ ён бағри нишаблигини камайтириш, дараҳтлар ўтқазиш, зовурлар қазиш, ёғин сувларини тартибга солувчи иншоотлар қуриш;

2) селнинг ҳаракатланиш зонасида — селнинг йўналишини ўзгартирувчи ҳар хил иншоотлар қуриш, оқиб келаётган селнинг бир қисмини бошқа сойга оқизиб юбориш;

3) йиғилиш зонасида — селнинг йиғилиб қолишига йўл қўймай, уни тезда ўтказиб юборувчи иншоотлар, каналлар ва зовурлар барпо этиш.

Селга қарши кураш тадбирлари ўз вақтида кўрилса, у халқ хўжалигига катта фойда келтиради. Кейинги вақтларда селни ушлаб қолувчи сув омборлари қурилмоқда. Масалан, Ўзбекистон ва Тожикистон мутахассислари ҳамкорлигига қурилган Каттасой тўғони Ўратепа қишлоғини сел хавфидан қутқарди.

## ХХ БОБ. ПЛИВУН ВА СУФФОЗИЯ

Таркибида чанг зарраси кўп бўлган сувга тўйинган майдава нозик заррали қум ва қумли жинсларга пливунлар дейилади. Улар тўртламчи ва шу давргача бўлган жинслар ичидаги тарқалган. Геологик қидибув, қурилиш, шахта ва тоғ ишларини бажаришда уларга дуч келинади.


Одатда пливунларнинг кўпчилиги дарё ўзанларида ва биринчи пойма устки террасаларида турли қалинликда учрайди. Масалан, Волга, Днепр, Дон, Кама, Амударё, Сирдарё ва бошқа дарёларнинг ўзан ва биринчи пойма устки террасаларида 2—3 м дан 40—80 м гача чуқурликда, 3—4 м қалинликда қатлам ва линза ҳолида учрайди.

Пливунларнинг характерли хусусиятларидан бири шуки, улар тиксотропия ҳодисасига бериувчан бўлади, яъни механик куч таъсирида бирдан суюқ аталага айланади ва шахта деворларидан, иморат учун кавланган котлован қирғоқларидан, тоғ ёнбағирларидан оқиб тушади. Бу ҳодисага пливун ҳодисаси дейилади.

Пливун ҳодисасига суюқ жинсларнинг оқиш тезлиги кўпинча секин бўлади, баъзан шахта деворларини ўпириб, отилиб чиқиб, шахта йўлаклари бўйлаб катта тезликда оқади.

Пливун ҳодисаси сабабли шахта деворлари, тоғ ёнбағирлари ва иморат, иншоот қурилаётган жойларнинг мустаҳкамлиги камаяди, қияликларда кўчкилар, чўкишлар ҳосил бўлади.

Пливун ҳодисаси бурғи қудуқларини қазишда ҳам катта қийинчилик туғдиради. Суюлган қумга жисм осон ботади, ботган нарсани чиқариб олиш эса жуда қийин бўлади. Шу сабабли бурғи қудуқларини қазишда уларнинг штангаларини пливундан чиқариб олиш анча мушкул бўлади, улар баъзан пливун ичидаги қолиб кетади. Шунинг учун пливун тарқалган жойларда қудуқ қазишдан олдин маҳсус усувлар ёрдамида пливунлар мустаҳкамлиги оширилиб, яъни физик-механик хоссалари ўзгартири-



106-расм. Құмдаги сохта пливунларни (суюлмаларни) лаборатория шароитида ўтқазыш схемаси.

Куч таъсирида суюлган құм оз вақт ўтиши билан яна ўз ҳолига қайтади. Сохта пливун ҳодисалари бўлишида құмли қатламлардаги сув гидродинамик босими — босим градиенти катта роль ўйнайди. Гидродинамик босим ошган сарн құм зарраларини ўраб олган сув пардалари қалинлаша боради ва құм заррала-ри ҳаракатга кела бошлайди. Ташқаридан динамик куч таъсир қилиши билан оқ құм суюлиб пливун вужудга келади.

Құмда бўладиган сохта пливун ҳодисаларини лаборатория шароитида тажриба билан билиш мумкин. Бунинг учун А идишга (106-расм) құм солиб, В идишдан сув юборилади. Құм сувга тўйина бошлайди. Шу вақтда құмга таъсир этаётган сувнинг гидравлик градиенти ошира борилади. Бунинг учун В идиш юқорига кўтарилади. Құм таркибидаги сувнинг гидродинамик босими ошиб бориши билан құм зарралари орасидаги боғланиш заифланиб, зичлиги камаяди. Агар құмга сув юборищдан олдин унинг устига бир бўлак тош парчаси ёки чақа пул қўйилган бўлса, гидравлик градиент критик қийматга етганда идишга бир оз туртки берилса, тош ёки чақа бирдан құмга чўкиб кетади.

Ҳақиқий пливун ҳодисаси құмлоқ ва құмоқ жинсларда учрайди. Ҳақиқий пливун жинс суюлгандан сўнг ҳам анча вақтгача шу ҳолатда туради. Бу ҳодиса рўй бераётган тоғ жинси таркибида боғланган сув бўлиб, уни ажратиш анча қийин.

Пливун ҳодисалари рўй бериши учун қўйидаги тўрт фактор:

- 1) жойнинг геологик тузилиши пливун ҳодисаси учун құлай;
- 2) гидравлик градиенти юқори гидрогеологик шароит; 3) бўшоқ

либ, масалан, сувга тўйинган пливунларни музлатиб, кейин қудуқ қазилади.

Кўпинча пливун туфайли құмлар зичлиги ортади, натижада ҳажми кичрайиб, ер усти чўкади. Бу эса шу ергада қурилишга катта зарар келтиради.

Пливунларнинг характерлы хусусиятларидан яна бири уларнинг механик куч таъсирида суюлган пливун, бу куч таъсири йўқолгач яна дастлабки ҳолига қайтишидир. Шу сабабли пливунга ботган нарсаларни чиқариб олиш жуда қийин.

Пливун ҳодисаси икки турга: сохта пливун ва ҳақиқий пливун ҳодисасига бўлинади.

Сохта пливун ҳодисаси таркибида чанг зарралари кўп бўлган майдадо нали құмларда содир бўлади. Буни сохта дейилишининг сабаби, механик

куч таъсирида суюлган құм оз вақт ўтиши билан яна ўз ҳолига қайтади. Сохта пливун ҳодисалари бўлишида құмли қатламлардаги сув гидродинамик босими — босим градиенти катта роль ўйнайди. Гидродинамик босим ошган сарн құм зарраларини ўраб олган сув пардалари қалинлаша боради ва құм заррала-ри ҳаракатга кела бошлайди. Ташқаридан динамик куч таъсир қилиши билан оқ құм суюлиб пливун вужудга келади.

Кұмда бўладиган сохта пливун ҳодисаларини лаборатория шароитида тажриба билан билиш мумкин. Бунинг учун А идишга (106-расм) құм солиб, В идишдан сув юборилади. Құм сувга тўйина бошлайди. Шу вақтда құмга таъсир этаётган сувнинг гидравлик градиенти ошира борилади. Бунинг учун В идиш юқорига кўтарилади. Құм таркибидаги сувнинг гидродинамик босими ошиб бориши билан құм зарралари орасидаги боғланиш заифланиб, зичлиги камаяди. Агар құмга сув юборищдан олдин унинг устига бир бўлак тош парчаси ёки чақа пул қўйилган бўлса, гидравлик градиент критик қийматга етганда идишга бир оз туртки берилса, тош ёки чақа бирдан құмга чўкиб кетади.

Ҳақиқий пливун ҳодисаси құмлоқ ва құмоқ жинсларда учрайди. Ҳақиқий пливун жинс суюлгандан сўнг ҳам анча вақтгача шу ҳолатда туради. Бу ҳодиса рўй бераётган тоғ жинси таркибида боғланган сув бўлиб, уни ажратиш анча қийин.

Пливун ҳодисалари рўй бериши учун қўйидаги тўрт фактор:

- 1) жойнинг геологик тузилиши пливун ҳодисаси учун құлай;
- 2) гидравлик градиенти юқори гидрогеологик шароит; 3) бўшоқ

жинсларнинг гранулометрик ва минералогик таркиби пливун ҳодисасига мос; 4) бўшоқ жинслар юқори ғоваклилликка эга бўлиши лозим.

## 1. Пливунларнинг хоссалари

Қумдан ташкил топган пливунларнинг гранулометрик таркиби асосан нозик ( $0,1—0,05$  мм) ёки майда ( $0,25—0,10$  мм) зарралари доначалардан иборат бўлади.

Қумоқ ва қумлоқдан иборат пливун таркибида чанг зарралари кўп бўлиб, унда гил зарралари ( $<0,002$  мм) ҳам албатта бўлади. Бундай пливунда чанг зарралари қум зарралари йиғиндисидан ортиқ бўлиб, гил зарралари 1% дан 10% гача, баъзан ундан ҳам ортиқ бўлади.

Таркибида гил зарралари кўп пливунлар гилнинг хусусиятига эга бўлади. Бундай пливунга, масалан, сув қўшиб, идишида чайқатилса, таркибидаги коллоид зарралар анча вақт идиш тагига чўкмай, эритма ичида сузиз юради. Гил зарралари кўп бўлиши пливуннинг гидрофиллик ва гилларга хос бошқа хусусиятлари ошишига сабаб бўлади.

Юқорида қайд этилгандардан маълум бўлишича, пливун маълум гранулометрик таркибли тоғ жинсидир.

Пливуннинг минералогик таркиби бир хил бўлиб, асосан кварцдан иборат чангли ва майда зарралари қумлар ташкил этади. Таркибида дала шпати, слюда ва озроқ рангли минераллар ҳам учрайди. Органик бирикмалар билан биргаликда каолинит, монтмориллонит, глауконит ҳамда темир ва кремнезём оксиди ҳам учрайди.

Пливуннинг табиий структурасини бузмасдан қазиб олиш жуда қийин. Уларнинг физик-механик хоссаларини табиий ўрганиш анча қийинлиги сабабли, кўпинча структураси бузиб ўрганилади.

Лаборатория маълумотларига кўп пливунларнинг зичлиги оз, ғоваклилиги юқори, сув сифими катта, сув ўтказувчанлиги ва сув бериши жуда камдир. Масалан, Москва ва Михайлловка областларидан олинган пливун-қумлар бўр ва Юра даври ётқизикларига мансуб бўлиб, зичлиги  $1,14—1,58$  г/см<sup>3</sup>, ғоваклилиги 36—58 процент, ғоваклиллик коэффициенти эса 0,67—1,39 га тенг. Булар, оддий қумлардан сув ўтказувчанлиги билан катта фарқ қиласди. Пливун-қумларнинг сув ўтказувчанлиги жуда паст бўлади, баъзи пливун-қумлар сув ўтказмайди, бундай пливунларда фильтрация коэффициенти нолга тенгдир.

Табиий ҳолдаги пливунларнинг қаршилик кучи жуда оз, ички ишқаланиш бурчаги  $25—30^{\circ}$  га тенг ва ундан ҳам ортиқ бўлади.

Пливун устига бинолар қуриш тавсия этилмайди, чунки динамик куч таъсирида унинг чидамлилиги бирдан камаяди. Пливунлар устига иморат қуриш учун ҳар хил усууллар билан уларнинг мустаҳкамлиги ва ташқи кучга чидамлилиги оширилади, бино фундаменти алоҳида шаклда қурилади.

Пливун устига бино қуришда қуйидагилар ўрганилиши ва хисобға олинниши зарур.

1) пливуннинг ер қобигида ётиши, чуқурлиги, қалинлиги, тарқалиши, пливун орасидаги тоғ жинсларининг хусусиятлари ва таркибини, пливун усти ва остидаги қатламларнинг ётиш ҳолатларини;

2) пливун тарқалган жойнинг геоморфологик шароитини (тоғ ён бағирлари ва қияликларда ер юзига чиқадиган жойлари борлигини, унинг ҳаракатга келиш-келмаслиги, ташқи белгиларини);

3) пливуннинг таркиби ва физик-механик хоссалари, зичлилиги сув ўтказувчанлиги, сув берувчанлиги, силжишга қаршилиги ва деформацияланишини, ости ва устидаги жинсларнинг хусусиятларини;

4) пливуннинг гидрогеологик хусусиятларини, ер ости сувларининг ётиш ҳолатлари, босим миқдори ва ҳаракат йўналишини. Бу маълумотлар гидрогеологик карталарда ўз акснини топиши шарт.

## 2. Пливунга қарши кураш

Пливун тарқалган жойларни инженерлик-геологик нуқтаи назардан баҳолаганда илгари қурилган биноларнинг мустаҳкамлигини, деформацияга учраган-учрамаганлигини билиш керак. Бундан ташқари, бинолар қандай қурилгани, қурилиш ишлари қай тартибда олиб борилганлигини ҳам аниқлаш лозим.

Пливунлар устига қуриладиган бинолар фундаменти одатдагидан кенгроқ ва каттароқ бўлади. Унинг таги устки қисмига нисбатан 2—2,5 марта катта бўлади. Бу эса пливунга тушадиган босим миқдорини бир неча марта камайтиради.

Пливун ер юзасига яқин бўлса, у билан бино фундаменти орасида маълум қалинликда тош-шағал қатлами ҳосил қилинади.


Қурилишда пливун ҳодисасига қарши қўриладиган чоралар 5 группага бўлинади:

1. Қурилиш майдонидаги пливунларни сунъий усулда қуритиш. Бу усул ўз павбатида уч турга бўлинади:

а) бурғи қудуқлар қазилиб, улардаги сув махсус насослар ёрдамида тортиб олинади; бунинг учун пливуннинг фильтрация коэффициенти 1 дан кичик бўлмаслиги шарт;

б) суюловчи қатламлар устидан фильтрлар қоқиласди. Қоқилган фильтрнинг бир қисми пливун орасида бўлса, бошқа қисми унинг остидаги қатламда бўлади. Бунда пливун сув фильтрлар орқали остки қатламларга ўтиб кетади. Бу усул пливуннинг фильтрация коэффициенти 1 дан кичик бўлганда қўлланади;

в) нина фильтрлар орқали пливунга ток юбориб, консистенцияси ўзгартирилади. Бунинг учун бир-бираидан маълум узоқликда иккита темир қоқилиб, уларга ўзгармас ток юборилади.



107- расм. Котлован. Атрофиға ўрнатылған шпунтлы деворлар.

Бу ток таъсирида зарралар орасида электроосмос кучи пайдо бўлиб, уларни оқувчан ҳолатдан пластик ҳолатга айлантиради. Бу усул кўпинча фильтрация коэффициенти 0,2 дан кичик бўлмаган гил ва лёссимон жинслар учун қўлланади. Бундан ташқари пливунга ток юборилганда, жинсларнинг таркибида химиявий реакциялар бўлиб, жинсларнинг структурасида суюлишга йўл қўймайдиган ўзгариш содир бўлади.

2. Пливунларни шпунт ёрдамида мустаҳкамлаш. Бунинг учун бирор иншоотнинг замини учун котлован қазишдан аввал атрофи бўйлаб ерга 4—5 м гача чуқурликда ёғоч, темир-бетон ёки темир устунларни зічлаб қоқиб девор ҳосил қилинади (107- расм). Шпунтларнинг ерга кирган қисми 5 метрдан 20 метргача бўлади. Бу усул пливунлар ер юзасига яқин жойлашганда қўлланади. Шпунтнинг ерга кирган учи сув тўсар қатламчага ботиши керак. Шундай қилинмаса, пливунлар шпунт тагидан ҳам оқиб ўтиши мумкин.

Шпунтларни қоқишдан олдин жойнинг инженерлик-геологик шароити ўрганилади. Биринчидан, жойдаги тоғ жинсларнинг гранулометрик таркиби вертикаль ва горизонтал бўйлаб тузилиши ва қаттиқлиги ҳисобга олинади. Чунки пливунларнинг усти ва тагида қаттиқ, ярим қаттиқ, жинслар ётган бўлса, уларга шпунт қоқиши жуда қийин бўлади. Кўпинча тажриба шпунтлари қоқиб кўрилади. Агарда тажриба шпунтлари қоқища катта куч талаб қилинмаса, белгиланган жойнинг ҳаммасига шпунт қоқиб чиқилади. Иккинчидан, пливуннинг қалинлигини билиш шарт. Бунда шпунтни неча метргача чуқурга қоқиши мумкинлиги маълум бўлади. Учинчидан, пливун устки ва остидаги қатламларнинг физик-механик хоссаларини ва намлиқ даржасини билиш лозим, чунки шпунтнинг оз вақт ичida мустаҳкам қилиб қоқиши шунга боғлиқ бўлади.

3. Пливинларни сунъий музлатиш усули кўп тарқалган. Музлатилганда, қумнинг мустаҳкамлиги вақтинча ортади. Бунинг учун бурғи қудуқлари қазилиб, уларга алоҳида мослама воситасида совитилган суюқ кальций хлорид босим остида юбориб турилади. Натижада қудуқ атрофидаги жинслар минус 20° дан минус 40°C гача совиб музлайди. Музлаган жинс сув ўтказмайди, унинг қаттиқлиги эса 100—1500 баравар ортади. Масалан, пливин-қум ва гил минус 15°C гача совитилганда музлаб, қумнинг ташқи кучга кўрсатадиган қаршилиги 60 дан 150 кг/см<sup>2</sup> га, гилники 20 дан 60 кг/см<sup>2</sup> га етади. Бу усулнинг камчилиги шуки, қатламни музлаган ҳолда узоқ вақт сақлаб бўлмайди.

4. Пливин таркибидаги сувни ҳаво билан сиқиб чиқариш. Бунда пливин пайдо бўлган жойларда қазиш ишлари кессон усулида олиб борилади. Бунинг учун пливин устига кессон установкаси қурилиб, бу установка ичига 2,5 атм босим берилади. Босим таъсирида пливинлар таркибидаги сув ҳаво билан ҳар томонга тарқалиб, кессон установкаси остидаги ва унинг атрофидаги қум таркибида сув камаяди-да, қумнинг суюлиш хоссаси йўқолади, шундан кейин кессон ичидан пливинларни бемалол қазиб чиқариб олиш мумкин бўллади. Бу усул асосан тоннель ва штолнялар қазишда, дарё кўприкларига таянч устунлар ўрнатишда қўлланади. Ҳаво ёрдамида сувни сиқиб чиқариш усулининг камчилиги шундаки, катта майдондаги пливинларнинг сувини қочириб бўлмайди.

5. Суюлтирилган шиша юбориш усули пливинларни силикатлаш деб аталади. У асосан суюловчи қумларни мустаҳкамлаш, яъни қумтошга айлантириш учун қўлланади. Бунинг учун бурғи қудуқлар қазилиб, қум қатламларига трубалар орқали босим остида суюқ шиша, сўнгра суюқ кальций хлорид юборилади. Қудуқ ичida суюқ шиша ва суюқ кальций хлорид қум қатламларига шимилади, натижада қум қатламлари жуда қаттиқ төр жинсига айланади.

Бу усул кўп маблағ талаб қилиши сабабли ундан жуда зарур бўлган ҳоллардагина фойдаланилади.

### 3. Суффозия

Ер ости сувлари ҳаракатидан қум, тош, шағал қатламлари ҳамда төф жинси дарзликларини, карст бўшлиқларини тўлдирган жинслар орасидаги майда ва нозик зарралар ҳаракатга келади, улар ер ости сувлари билан бирга ер юзасига чиқади. Шу тариқа ер ости суви ўз йўлида төф жинсларини ўя бошлайди. Бу ҳодисани суффозия (суффозия латинча «ўйиш» демакдир) дейилади.

Суффозия икки хил — механик ва химиявий суффозияларга бўлинади.

Механик суффозия қум ва шағал қатламлари тарқалган жойларда учрайди. Бунда ер ости сувлари қум ва шағал қат-

ламларидаги майда, нозик қум зарраларини ҳаракатта келтиради. Агар ер ости сувлари ер юзасининг бирор жойидан чиқаётган бўлса, қум зарраларини ҳам олиб чиқади. Натижада қум ва шағал қатламлари орасида бўшлиқлар вужудга келиб, шу жойларнинг мустаҳкамлиги пасаяди, биноларнинг чўкиш хавфи туфилади.

Химиявий суффозия ер ости сувлари таъсирида тоғ жинсларининг емирилишидан ҳосил бўлади. Кўпинча, карстланиш процессига яқин туради. Аммо карстланиш процессидан фарқи шуки, у ер қобигида учраган туз қатламлари ер ости сувлари таъсирида эришидан вужудга келади ва ер қобигидаги қатламлар кичик бўшлиқлар ҳосил қиласди. Вақт ўтиши билан бўшлиқлар бир-бирига қўшилиб, катта бўшлиқларга айланади. Бу эса ўз навбатида тоғ жинсининг ғоваклилик даражасини оширади. Химиявий суффозия асосан лёсс ва лёссимон жинслар тарқалган жойларда учрайди.

Механик суффозия тўғридан-тўғри ҳосил бўлавермайди. Бунинг учун қум, шағал қатламларининг ғоваклилиги 38—40% бўлиши, қум маълум гранулометрик таркибга эга бўлиши ва ер ости сувлари босимининг градиенти кескин ўзгариб, сувнинг ҳаракат тезлиги юқори бўлиши шарт.

Н. М. Бочков (1936), А. Н. Патрашев (1945) ва В. С. Истоминова (1957) маълумотларига кўра кўпинча суффозия ҳодисасининг бир хиллик коэффициенти 20 дан ортиқ ва гидравлик градиенти 5 дан юқори бўлган жинсларда учрайди, яъни:

$$K_n = \frac{d_{60}}{d_{10}} > 20 \text{ ва } I > 5$$

бунда:  $d_{60}$  — зарраларининг текширувчи ёки тадқиқий диаметри, мм;  $d_{10}$  — зарраларнинг эфектив диаметри, мм;  $I$  — ер ости сувларининг гидравлик градиенти ёки босим градиенти.

Кўпчилик мутахассислар суффозия ҳодисасини баҳолашда ер ости сувларининг тезлигини ўрганишга алоҳида эътибор берадилар.

Д. Д. Джастин (1936) маълумотларига кўра, суффозия бўладиган тоғ жинсларида ер ости сувларининг ювии тезлиги ўртача 10 дан 1,0 м/мин гача бўлиб, асосан қум зарраларининг катта-кичиклигига боғлиқ (38- жадвал). Кўпинча суффозияни баҳолашда шу жадвалдан фойдаланилади.

Суффозия бошланганда ер ости сувлари оқимининг бошланғич тезлиги кўпинча Зихарда формуласи орқали ҳам аниқланади:

$$v_{раз} = \frac{\sqrt{K_\Phi}}{15} \text{ м/с.}$$

бунда  $K_\Phi$  — тоғ жинсининг фильтрация коэффициенти, м/с.

Ер қобигида қатламлараро суффозия ҳам ҳосил бўлади. Бунда суффозия ҳодисаси туфайли бир қатламидаги тоғ жинси зарралари иккинчи қатламга ўта бошлайди ва биринчи қатламда суффозия бўшлиқлари ҳосил бўлади.

Суффозия бўлиши учун ер ости сувининг тог жинсини ювиш тезлиги  
(Д. Д. Джастин маълумоти бўйича, 1936).

Тог жинси зарралари-нинг катталиги (мм)	Ер ости сувининг ювиш тезлиги (м/мин)	Тог жинси зарралари-нинг катталиги (мм)	Ер ости сувининг ювиш тезлиги (м/мм)
5	13,23	0,1	1,83
3	10,37	0,08	1,67
1,0	5,91	0,05	1,31
0,8	5,3	0,03	1,04
0,5	4,18	0,01	0,59
0,3	3,08	—	—

Қатламлараро суффозия бўлиши учун бир қатламдан иккинчи қатламга ўтувчи ер ости сувларининг ҳаракати маълум тезликка, тог жинслари ҳар хил гранулометрик таркибга эга бўлиши керак. Шундагина тог жинси зарраларининг бир қисми ер ости сувлари билан бир қатламдан иккинчи қатламга ўтади. Бу тезликни С. В. Избош (1939) қўйидаги формула орқали то-пишни тавсия этади:

$$v_{\text{раз}} = v_0 + f \left( \frac{d^2}{D^2} \right) \text{ см/с.}$$

Бунда  $v_0$  — зарралар оғирлигини енгувчи тезлик;  $D$  ва  $d$  — иккинчи қатламдаги зарраларнинг ўртача диаметри.

Л. И. Козлова (1934) кўп тажрибалар ўтказиб, қатламлараро суффозия ҳодисасида зарраларнинг бир қатламдан иккинчи қатламга ўтиш тезлиги уларнинг тадқиқий диаметрига боғлиқлигини аниқлади ва Избош формуласига қўйидаги қўшимчани киритди:

$$v_{\text{раз}} = 0,26 d_{60}^2 \left( 1 + 1000 \frac{d_{60}^2}{D_{60}^2} \right),$$

бунда  $D_{60}$  ва  $d_{60}$  — зарраларнинг тадқиқий диаметри, мм;


Биз юқорида айтганимиздек, суффозия бўлиши учун ер ости сувларининг гидравлик градиенти маълум миқдорга эга бўлиши керак.

Қумларнинг суффозияга чидамлилиги турлича бўлиб, уларнинг солиштирма массаси ва ғоваклилигига боғлиқ. Қумлар солиштирма массаси қанча паст, ғоваклилиги юқори бўлса, уларда суффозия шунча актив бўлади.

К. Терцаги (1933) қумларнинг фильтрация кучига чидамлилигини текшириб, уларни ҳаракатга келтирувчи гидравлик градиентни қўйидаги формула орқали аниқлашни тавсия этади:

$$I_{\text{раз}} = (\gamma_m - 1) (1 - n),$$

бунда  $\gamma_m$  — қум минерал таркибининг зичлиги (солиштирма массаси);  $n$  — қумнинг умумий ғоваклилиги; %.



108-расм. Суффозия ҳодисасининг ривожланиш эҳтимолини аниқлаш графиги (В. С. Истомина):

I—фильтрацион оқимининг бузувчи градиентлар облости; II—хавфсиз градиентлар облости.

Е. А. Замаргин (1954) ҳам бу градиентни аниқлаш устида анча тажрибалар ўтказиб, таркиби ҳар хил құмлар учун қуидаги формулалари тасвия этади:

$$I_{\text{раз}} = (\gamma_m - 1) (1 - n) + 0,5 \cdot n$$

Суффозия ҳодисаси құм таркибининг ҳар хиллигига боғлиқ, ҳар хиллик коэффициенти қанча катта бўлса, суффозия шунчак актив бўлади. Буни В. С. Истомина (1957) тажрибада исботлайди (108-расм).


Шундай қилиб, турли иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда бажариладиган инженерлик-геологик ишларда суффозия ҳодисасини ўрганиш учун тоғ жинсларининг гранулометрик таркиби ҳар хиллигини, фильтрация оқимининг гидравлик шароитини, тезлиги ва градиентини, майда зарраларнинг ташқарига чиқиш ҳолати ва шароитини билиш лозим. Бундан ташқари суффозияга учраган тоғ жинсларининг физик-химиявий хоссаларини, гранулометрик ва минералогик таркибини, сувда осон эрийдиган тузларнинг ётиши, говаклилиги, сув ўтказувчанлиги ва бошқа хоссаларини назарда тутиш керак.

Мана шу омилларни ўрганиш суффозия иншоотларга қандай таъсири кўрсатиши мумкинлигини аниқлаш имконини беради.

Механик ва химиявий суффозия процесслари натижасида дарё соҳилларининг ва тоғ ёнбағирларининг мустаҳкамлиги пасайиб, воронкасимон жойлар ҳосил бўлади (109-расм).

Суффозиянинг олдини олиш чораларидан бири унга учрайдиган жой қатламларини ер усти ва ости сувлари таъсиридан сақлашадир. Бунинг учун маҳсус ариқлар қазилиб, ёғин-сочини сувлари тартибга солинади. Ер ости сувлари оқимини тартибга солиш, уларнинг йўналишини мақсадгага мувофиқ равишда ўзгартириш учун очиқ ёки ёпиқ горизонтал зовурлар қазилади. Булардан ташқари ер ости сувларнинг ҳаракат тезлигини камайтириш учун қатламларга битум ёки суюқ ойна юборилади ва ҳоказо.

109-расм. Дарё соҳилдаги суффозион воронкалар.



Чўкиш ҳодисаси асосан лёсс ва лёссимон тоғ жинслар кўп бўлган жойларда, маълум қалинликдаги лёсс ва лёссимон жинсларнинг табиий ҳамда сунъий намланиб ўз оғирлигидан сиқилиши, яъни ҳажми камайиши натижасида содир бўлади. Мазкур жинсларга сув таъсир қилса, зарралари орасидаги боғланиш йўқолади ва улар ўз оғирлиги таъсирида зичланади ва ернинг устки қисми чўқади.

Лёсс ва лёссимон жинслар чўкиш хусусиятига кўра 4 та турга бўлинади:

1. Намланиши натижасида ўз оғирлиги таъсирида чўқадиган лёсс ва лёссимон жинслар. Урта Осиёда кўп тарқалган. F. O. Мавлонов, П. М. Қарпов ва А. И. Исломов маълумотларига кўра, уларнинг чўкиш даражаси 2,5—3,0 м гача боради.

2. Намланиши натижасида ўз оғирлиги ва устига қурилган бино босими таъсирида кучли чўқадиган жинслар. Бундай жинсларда устидаги бинонинг оғирлиги ҳисобига қўшимча чўкиш ҳосил бўлади. Агар намланиш натижасида ўз оғирлиги таъсирида содир бўлган чўкиш миқдорини *S*, бино оғирлиги таъсирида ҳосил бўлган чўкиш миқдорини *C* билан белгиласак, бино қурилган жойдаги умумий чўкиш миқдори *S+C*га teng бўлади (110-расм).

3. Сув таъсирида шишиб, сўнгра ташқи куч (бино ёки иншоот) таъсирида зичланадиган ва маълум даражада чўқадиган жинслар. Булар асосан таркибида монтмориллонит минераллари кўп бўлган лёссимон жинслардир.


4. Намланганда ўз оғирлигидан зичланмайдиган жинслар. Буларга асосан ер ости сувли қатламлар тагида ётган ҳамда доимий оқар сувлар таъсирида ҳосил бўлган аллювиал лёссимон жинслар, шунингдек доимо сугориладиган жойлардаги лёссимон жинслар ҳам киради. Чунки кўп йиллар давомида намланиш натижасида уларда чўкувчанлик хусусияти йўқолади.

Лёсс ва лёссимон жинсларнинг намланиши туфайли ўз оғирлиги таъсирида зичланиш хусусияти чўкувчанлик деб аталади.

Тоғ жинсларининг чўкувчанлиги, чўкиш даражаси уларнинг генетик турига, ғоваклилигига ва таркибига боғлиқ. Лёсс ва лёссимон жинсларнинг ғоваклилиги қанчалик катта бўлса, чўкувчанлиги шунча юқори бўлади.

Лёсс ва лёссимон жинсларнинг чўкувчанлиги таъсир этаётган ташқи кучнинг катта-кичиклигига ҳам боғлиқ. Бундан ташқари, жинсларнинг чўкиш миқдори тоғ жинсиннинг қалинлиги ва ер ости сувининг ер юзасидан узоқ-яқинлигига боғлиқ бўлади.

Ер ости сувларининг тагида ёки уларга яқин жойда ётган ҳамда доимий сугориладиган жойлардаги лёссимон жинсларда чўкиш хусусияти бўлмайди.



110-расм. Чўкиш ҳодисаси түфайли лёссимон жинсларда деформацияланган зоналар схемаси (F. Наргизовга  
К. Пўлатов):

1—микрофокални чўкувчан лёссимон жинслар (сув билан намланмаган); 2—топли шагаллар; 3—жинсда чўкиннидан кейин қурилган ишистоот; 4—ташқи куч таъсирида грунтларда кучланишининг тарқалиш схемаси (0,2 ва 0,8 кучларнинг миқдори, ккг см<sup>2</sup>); 5—лёссимон жинслар намланшига қадар грунт сувининг сатхи; 6—чўкишгача ер юзасининг сатхи; 7—бироз чўккан ва сув билан намланмаган жинс; 8—чўкиш натижасида чўкувчи участкада ҳосия бўлган ёрнклар; 9—чўкишнинг миқдори, см; 10—қўшимча чўкиш миқдори, см; 11—иншоот оғирлиги таъсирида деформацияланган зонанинг қалинлиги м; 12—чўкувчан жинсларнинг қалинлиги, м; 13—грунт намланшиша натижасида капилляр кўтирилиш миқдори; 14—чўкиннидан кейин ер юзасининг сатхи; 15—гил катламлари.

## 1. Чўкишни вужудуга келтирадиган факторлар

Лёсс ва лёссимон жинсларни ўрганиш узоқ тарихга эга бўлса ҳам, унда содир бўладиган чўкишнинг сабаблари ҳақида ҳали аниқ фикр йўқ.

Лёссимон жинсларда содир бўладиган чўкиш ҳодисасини ўрганиш билан жуда кўп олимлар, шу жумладан, ўрта осиёлик олимлар ҳам шуғулланиб келдилар. Улар лёссимон жинсларда содир бўладиган чўкиш ҳодисасининг сабаблари ҳақида бир-бирига мос ҳамда ўзаро зид фикрларни баён қилганлар. Бунинг сабаби лёссимон жинсларнинг таркиби ва тузилиши ҳар хиллиги, тури генетик типга мансублиги ва намланшиш шароитининг турличи бўлишидир.

В. А. Приклонскийнинг фикрича, лёссимон жинсларнинг чўжувчанлиги уларнинг минералогик ва гранулометрик таркибига, табий намлигининг пастлигига, ғоваклилигининг юқорилигига, зичланмаганлик ҳолатига ва структура хусусиятларига боғлиқдир. Ҳақиқатан ҳам намлиги жуда оз, ғоваклилиги юқори ва яхши зичланмаган лёссимон жинслар кўпинча чўкувчаник хусусиятига эга бўлади.

Б. Б. Полинов, С. В. Бистров ва бошқалар лёссимон жинсларда чўкиш ҳодисаси улар таркибидаги сувда тез эрийдиган тузларнинг ювилиши натижасида вужудга келади, деб ҳисоблайдилар ва буни тоғ жинсидан шимилиб ўтаётган сув тузларни эритиб ўзи билан бирга пастга олиб кетиши натижасида тузларнинг ўрни бўшаб, жинсларнинг ғоваклилиги ортиши ва ташки куч таъсирида зичланишига қулай шароит туғилиши билан изоҳлайдилар.

Бошқа бир гуруҳ олимлар лёсслардаги чўкиш ҳодисасини сув фильтрацияси вақтида жуда майда ва нозик зарраларнинг сув билан бирга чиқиб кетиши ҳисобига лёссларнинг кейинчалик зичланиши, деб тушунтирадилар.

Е. А. Замарин ва М. М. Решеткинлар (1932) чўкиш ҳодисаси вужудга келишида лёсслардаги кўзга кўринадиган йирик ғоваклар катта роль ўйнайди деб ҳисоблайдилар.

Ф. Л. Андрухин (1937) ва F. О. Мавлонов (1958) лёсслардаги чўкиш ҳодисасининг асосий сабабини лёсслар таркибида коллоид зарралар сифат ва миқдор жиҳатдан етишмаслиги деб тушунтирадилар. Уларнинг фикрича, нозик зарраларнинг активлик даражаси тоғ жинсидаги сувда эрийдиган тузларнинг миқдори ва химиявий таркибига боғлиқ. Тоғ жинслари таркибида сув таъсирида ўз ҳажми кенгаядиган коллоид зарраларнинг кўплиги чўкиш ҳодисасини тўхтатади.

И. В. Попов (1959) жинсга сув таъсири қилиш натижасида унинг ғовакларидаги сувларда электролитлар концентрацияси ва коллоидларни қайта ҳосил қилиш хусусияти аста-секин пасайиб боради, натижада зарралар орасидаги структурали боғланиш йўқолиб ёки кучсизланиб жинсларда чўкиш ҳодисаси бошланади, деб тушунтиради.

## 2. Чўкишнинг оқибатлари

Чўкиш ҳодисаси халқ хўжалигида жуда катта қийинчилик туғдиради ва зарар келтиради. Лёсс ва лёссимон жинсларустига бино ва турли иншоотлар қурилса, заминдаги жинслар озгина зичланади, аммо бир оз таъсири этса, улар жуда тез зичланади, ўз ҳажмини камайтиради ва чўкиш вужудга келади. Бино ва иншоотлар заминдаги жинслар билан бирга чўқади. Чўкиш бир текис, оз ва секин бўлса, бино ва иншоотлар учун ўқча хавфли бўлмайди, агар чўкиш нотекис, бир жойда тез, қийинчи жойда секин бўлса, бино ёки иншоот қийшади, баъзан қулайди. Бундай чўкиш ҳодисаси кўпинча водопровод ва

канализация тармоқлари ишдан чиққанда рўй беради. Масалан, 1928 йилда Германиянинг Альтенбург шаҳрида фиштдан қурилган З. қаватли иморат водопровод трубаси ёрилиб кетиши ва лёсс жинслари қатламларининг намланиши натижасида З соат давомида 30 см чўккан, бўлакбўлакларга ажралган ва қулаган.

Чўкиш ҳодисаси янги ўзлаштирилаётган жойларда кўкаламзорлаштириш мақсадида ариқлар, ҳовузлар қазилиб сув қуйилиши, гул ва дараҳтлар суғорилиши натижасида содир бўлади.

Чўкиш ҳодисаси канал ва сув омборлари қирғоқларининг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Янги канал ёки сув омборига сув қуйилганда, соҳилларидаги лёсси-мон жинслар сувга тўйина бошлайди, сўнг намлиги ва оғирлиги ортиб соҳил бўйлаб 30—40 см кенгликдаги ёриқлар ҳосил бўлади. Кейинчалик соҳил ана шу ёриқлар бўйлаб чўкади (111-расм).

Чўкиш туфайли канал ва сув омборлари қирғоқларидан по-ронасимон супачалар ҳосил бўлади. Ўларнинг кенглиги 10—15 м.га етади.

Чўкиш ҳодисаси атмосфера сувлари бир жойга тўпланиб қолишидан ҳам бўлади. Бунда диаметри 100—150 м.га teng доира шаклида чўккан жойлар ҳосил бўлади. Булар лёсси ва лёсси-мон жинслар кўп тарқалган чўлларда учрайди ва чўл то-воқлари деб аталади.

### 3. Чўкиш ҳодисасини ўрганиш усуслари


Чўкиш ҳодисасини ўрганиш бино ва иншоотларни лойиҳалашда катта аҳамиятга эга. Чўкувчан лёсси ва лёсси-мон жинслар тарқалган жойларда чўкувчанлик даражасини аниқламасдан бино ва иншоотлар қуриш тўғри эмас.

Лёсси ва лёсси-мон жинсларнинг чўкувчанлик хусусиятларини аниқлаш учун лабораторияда уларнинг турли ҳолат ва босимдаги ғоваклилик коэффициенти, пластиклик чегараси ва сони, ташки куч таъсирида сиқилиш ва бошқа физик-механик хоссалари аниқланади.

Жинсларнинг чўкувчанлиги сифат ва миқдор жиҳатидан аниқланади.

Н. Я. Денисов лёсси ва лёсси-мон жинсларнинг чўкувчанлигини қуийдаги кўрсаткич билан аниқлашни тавсия этади:

$$\frac{\varepsilon_f}{\varepsilon},$$



111-расм. Чўкиш туфайли лёсси-мон жинслардан ташкил топган канал қирғоқларининг емирилиш схемаси (F. O. Мавлонов):

а—канал қирғоқининг чўкишдан олдинги ҳолати; б—чўкишдан кейинги ҳолати.

бунда  $\epsilon_f$  — текширилаётган жинс намлиги юқори пластиклик чегарасига мөс келгандаги ғоваклик коэффициенти;  $\epsilon$  — жинснинг табиий нам ҳолида ғоваклик коэффициенти. Агар  $\frac{\epsilon_f}{\epsilon} < 1$  бўлса, жинс чўкувчан,  $\frac{\epsilon_f}{\epsilon} > 1$  бўлса, чўкмайдиган деб ҳисобланади.

Ю. М. Абелев бўйича жинснинг чўкувчанлиги  $\epsilon_m$  макрогоvakлий коэффициенти орқали аниқланади:

$$\epsilon_m = \epsilon_p - \epsilon'_p,$$

бунда  $\epsilon_p = p$  босим остида намунанинг табиий нам ҳолатидаги ғоваклий коэффициенти;

$\epsilon'_p = p$  босим таъсирида намунанинг сунъий намланиб чўккандан кейинги ғоваклий коэффициенти.

Агар  $\epsilon_m > 0$  бўлса, жинс чўкувчан,  $\epsilon_m \leq 0$  бўлса, чўкмайдиган ҳисобланади. В. А. Приклонский (1955) чўкувчанликни зичланиш кўрсаткичи ( $K_d$ ) билан аниқланишин тавсия этади:

$$K_d = \frac{\epsilon_f - \epsilon}{\epsilon_f - \epsilon_p} \text{ ёки } K_d = \frac{W_f - W_o}{M_p}$$

бунда  $\epsilon_p$  — текширилаётган жинс намлиги қуйи пластиклик чегарасига мөс келгандаги ғоваклий коэффициенти;  $W_f$  — жинснинг юқори пластиклик чегараси (%);  $W_o$  — жинснинг тўла намлиги;

$$W_o = \frac{\epsilon}{\gamma} = \frac{n}{\delta};$$

$\epsilon$  — жинснинг табиий зичлик ва нам ҳолидаги ғоваклий коэффициенти;  $\gamma$  — жинснинг солиштирма массаси;  $\delta$  — жинс скелетининг ҳажм оғирлиги;  $n$  — жинснинг умумий ғоваклилиги;  $M_p$  — жинснинг пластиклик сони.

Агар  $K_d > 0,5$  бўлса, жинс чўкмайдиган,  $K_d < 0,5$  бўлса, чўкувчан ҳисобланади. Чўкувчан жинсларда  $K_d$  манфий қийматга эга бўлади.

Н. Н. Маслов (1971) чўкувчанликни чўкувчанлик модули билан ифодалайди:

$$e_p = 1000 \frac{\epsilon_0 - \epsilon_1}{1 - \epsilon_1} \text{ MM/M},$$

бунда  $e_p$  — чўкувчанлик модули; бу ташқи куч  $(P)$  таъсирида бир метр қалинликдаги жинснинг қанча мм га чўкишини билдиради;  $\epsilon_0$  — тоғ жинснинг табиий нам ҳолатида  $P$  кучи таъсир қилгандан кейинги ғоваклий коэффициенти;  $\epsilon_1$  — тоғ жинси намланганда  $P$  куч таъсирида чўккандан кейинги ғоваклий коэффициенти.

Чўкувчанлик модулига қараб лёсс ва лёссимон жинслар 5 группага бўлинади (39- жадвал). Жадвалдан жинсларнинг чўкувчанлик хусусияти асосан уларнинг ғоваклилигига бўғлиқлиги кўринади.

Жинсларнинг чўкувчанлик хусусияти	Жинсларнинг ғоваклилиги (n%)	Чўкувчанлик модули ( $e_p$ ) М/м
чўкмайдиган	40	0
секин чўкувчан	40—45	10
чўкувчан	45—50	50
тез чўкувчан	50—55	100
ўта тез чўкувчан	55	100

Жинслар чўкувчанлиги қурилиш нормаси СНИП —П-Б-1-62 бўйича қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\frac{\epsilon_0 - \epsilon_f}{1 + \epsilon_0} \geq 0,1,$$

бунда  $\epsilon_0$  — жинснинг табиий нам ҳолатдаги ғоваклилик коэффициенти;  $\epsilon_f$  — жинснинг намлиги унинг юқори пластиклик чегарасига мос келгандаги ғоваклилик коэффициенти.

#### 4. Лёсс ва лёссимон жинслар чўкувчанлигини лабораторияда аниқлаш усувлари

Жинсларнинг чўкувчанлик хусусиятларини лабораторияда аниқлаш учун қўйидагиларни билиш керак:

- 1) текширилаётган жойга қурилмоқчи бўлган бино ёки иншоотнинг заминга берадиган босим миқдори Р (кгк/см<sup>2</sup>)ни;
- 2) текширилаётган жинс намунаси табиий шароитда қандай босим остида бўлганлигини;

Ер юзасида ётган бир бўлак тсоф жинсига ўз оғирлигидан ташқари босим таъсир этмайди, аммо у маълум чуқурликда ётса, унга устида ётган қатламлар оғирлиги таъсир кўрсатади, бу кучни жинсга таъсир этаётган табиий босим деб аталади. Табиий босим миқдори шу жинснинг қанча чуқурликда ётишига боғлиқ. Жинс қанча чуқурликда ётса, унга таъсир этаётган табиий босимнинг миқдори шунча катта бўлади. Табиий босим қўйидаги формула билан аниқланади:

$$P_{\text{пр}} = \gamma_0 \cdot z \frac{\text{кгк}}{\text{см}^2},$$

бунда  $P_{\text{пр}}$  — табиий босим;  $\gamma_0$  — текширилаётган жинснинг табиий нам ҳолатидаги ҳажм оғирлиги, г/см<sup>3</sup>;

$z$  — текширилаётган жинс ётган чуқурлик (м).

Маълумки, жинсларда чўкиш ҳодисаси икки ҳолда; чўкувчан жинсга сув таъсир қилиши билан жинснинг ўз оғирлигидан ва жинсга сув таъсир қилиши билан ўз оғирлиги ва жинснинг устига қурилган бинонинг оғирлиги таъсирида вужудга келади.

Жинсларнинг чўкувчанлигини лаборатория шароитида аниқлашда чўкиш ҳодисасини ана шу юқорида айтилган икки ҳолати ҳисобга олинади. Жинсларнинг табиий босим таъсиридаги

чўкувчанлиги нисбий чўкувчанлик коэффициенти (*i*), табий ва бино босими таъсиридаги чўкувчанлиги нисбий чўкувчанлик (*L*) билан ифодаланади. Лабораторияда жинсларнинг чўкувчанлиги маҳсус компрессия асбобларида аниқланади.

Нисбий чўкувчанлик коэффициенти (*i*) ни аниқлаш учун текширилаётган жинс табий босимга ( $P_{\text{пр}}$ ) тенг куч билан сиқилади. Сиқилиш процесси тугагач, текширилаётган намунанинг бўйи  $h_n$  аниқланади, сўнгра жинсга таъсир эттириб, табий босим остида чўкиши кузатилади. Чўкиш процесси тугагандан сўнг текширилаётган намунанинг бўйи  $h$  аниқланади. Чўкувчанлик коэффициенти қўйидаги формула билан аниқланади:

$$i = \frac{h_n - h}{h_n},$$

бунда  $h_n$  — табий намлиқда олиб текширилаётган намунанинг табий босим ( $P_{\text{пр}}$ ) таъсирида баландлиги (мм);  $h$  — текширилаётган намунанинг табий босим ( $P_{\text{пр}}$ ) таъсирида намлангандан кейинги бўйи (мм).

Нисбий чўкувчанлик коэффициенти *i* ни 100 процентга кўпайтириб, жинснинг чўкувчанлик даражаси *B* ни аниқлаймиз:

$$B = i \cdot 100\%$$

Чўкувчанлик даражасига қараб жинслар бир қанча турларга бўлинади (40- жадвал).

#### 40- жадвал

Жинсларнинг чўкувчанлик хусусияти	Чўкувчанлик даражаси <i>B</i> (%)
жуда тез чўкувчан	>10
тез чўкувчан	5—10
ўртача чўкувчан	3—5
секин чўкувчан	1—3
жуда секин чўкувчан	0,25—1
чўкмайдиган	<0,25

Жинсларнинг нисбий чўкувчанлиги (*L*) қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$L = \frac{h_1 - h_0}{h_0},$$

бунда  $h_1$  — табий намлиқда олиб текширилаётган намунанинг табий ва бино босими таъсиридаги баландлиги, мм.  $h_0$  — текширилаётган намунанинг табий ва бино босими таъсирида намлангандан кейинги баландлиги, м;  $h_0$  — табий намлиқда олиб текширилиётган намунанинг табий босим таъсиридаги баландлиги, мм.

Нисбий чўкувчанлик  $L \geq 0,01$  бўлса, жинс чўкувчан,  $L < 0,01$  бўлганда эса чўкмайдиган деб ҳисобланади.

Лёссимон жинсларнинг чўкиши (*S*) ни миқдор жиҳатдан ифодалаш учун нисбий чўкувчанлик коэффициенти (*i*) ни ёки

нисбий чўкувчанлик ( $L$ ) ни чўкувчан жинс қалинлигига ( $H$ ) кўпайтирилади:

$$S = i \cdot H \text{ мм} \quad \text{ёки} \quad S = L \cdot H \text{ мм.}$$

бунда  $H$  — чўкувчан жинс қалинлиги (мм).

Агар чўкувчи жинс қатламлари кўп бўлса, ҳар бир қатлам учун чўкиш миқдори аниқланади ва бир-бирига қўшиб, чўкишнинг умумий миқдори  $S_{\text{общ}}$  топилади, яъни:

$$S_{\text{общ}} = (i_1 H_1 + i_2 \cdot H_2 + i_3 H_3 \dots + i_n H_n) \text{ мм} \quad \text{ёки см.}$$

Чўкиш миқдорига қараб лёссимон жинслар б 6 та груплага бўлинади (41-жадвал). F. O. Мавлонов (1958) Марказий ва Манубий Ўрта Осиё лёсс ва лёссимон жинсларини чўкиш миқдорига қараб қуидаги турларга ажратган:

41- жадвал

Жинслар чўкувчанлик ҳусусияти	Чўкиш миқдори $S$ (м)
чўкмайдиган	0
секин чўкувчан	0,5
ўртacha чўкувчан	0,5—1,0
тез чўкувчан	1,0—1,5
жуда тез чўкувчан	>1,5

- 1) тез чўкувчан — чўкиш миқдори 0,5—2,5 м ва ундан ортиқ;
- 2) секин чўкувчан — 0,5 м дан кичик;
- 3) чўкувчан (чўкиш миқдори аниқ эмас);
- 4) чўкувчан ва чўкмайдиган (аниқ чегараси белгиланмаган);
- 5) узоқ вақт сугориш натижасида чўкувчанлиги йўқолган;
- 6) чўкмайдиган.

## 5. Жинсларнинг чўкувчанлигини график орқали ифодалаш ва аниқлаш

Лабораторияда олинган маълумотларни графикда ифодалаш мумкин. Жинсларнинг чўкувчанлиги одатда бир, икки ва учта компрессион эгри чизиқ ёрдамида аниқланади.

1. Жинслар чўкувчанлигини битта эгри чизиқ ёрдамида аниқлаш.

Бунинг учун монолитдан (текширилаётган жинснинг катта бўлаги) компресси асбоб учун битта намуна қирқиб олиб, у табиий нам ҳолида табиий босим билан сиқиласди.

Компрессия асбобда текширилаётган жинсга табиий босимнинг ҳаммаси бир вақтда таъсир қилдирилмасдан, оз-оздан маълум миқдорда таъсир эттириб жинсни сиқувчи умумий куч миқдори табиий босим ( $P_{\text{пр}}$ ) миқдоригача етказилади. Масалан, текширилаётган жинсга таъсир қилган табиий босим

2,0 кг/см<sup>2</sup> га тенг бўлсин, бунда компрессион асбобда текширилаётган намуна аввал  $P_1=0,5$  кгк/см<sup>2</sup>, кейин  $P_2=1,0$ ;  $P_3=1,5$  ва  $P_4=2,0$  кг/см<sup>2</sup> куч таъсир қилдириб сиқилиди. Шуни айтиш керакки, биринчи қўйилган куч ( $P_1$ ) босими таъсиридан жинсда сиқилиш процесси тамом бўлгандан сўнг унга иккинчи куч таъсир қилдирилади, сўнг учинчи, тўртинчи ва ҳоказо. Жинс ташқи куч таъсирида сиқилиб унинг ғоваклилик коэффициенти ўзгариб боради.

Табиий босим таъсирида жинсда сиқилиш процесси тамом бўлгандан сўнг, унга сув таъсир қилдириб намлиги оширилади. Агар жинс чўкувчан бўлса, унда катта ўзгариш ҳосил бўлиб, ғоваклилиги кескин камаяди ва чўкиш вужудга келади. Чўкиш процесси тамом бўлгандан кейин жинсга таъсир қилаётган ташқи куч миқдори табиий босимга нисбатан оширилиб, бино босимга ( $p_n$ ) тенглаштирилади.

Тажриба давомида ҳар бир куч босқичи ( $P_1, P_2, P_3, P_4 \dots P_n$ ) таъсирида сиқилаётган ва чўкаётган жинснинг ғоваклилик коэффициенти ( $\epsilon_1, \epsilon_2, \epsilon_3, \epsilon_4 \dots \epsilon_n$ ) аниқланади:

$$\begin{aligned}\epsilon_1 &= \epsilon_0 - \frac{\Delta h_1}{h} (1 + \epsilon_0); & \epsilon_2 &= \epsilon_0 - \frac{\Delta h_2}{h} (1 + \epsilon_0) \\ \epsilon_3 &= \epsilon_0 - \frac{\Delta h_3}{h} (1 + \epsilon_0); & \epsilon_4 &= \epsilon_0 - \frac{\Delta h_4}{h} (1 + \epsilon_0) \\ \epsilon_n &= \epsilon_0 - \frac{\Delta h_n}{h} (1 + \epsilon_0)\end{aligned}$$

бунда  $\epsilon_0$  — жинснинг ташқи куч таъсир қилмаган пайтда табиий намлигидаги ғоваклилик коэффициенти;  $\Delta h_1, \Delta h_2, \Delta h_3, \Delta h_4 \dots \Delta h_n$  — текширилаётган намунанинг  $P_1, P_2, P_3, P_4$  ва  $P_n$  куч таъсирида сиқилиш миқдори (мм);

$h$  — текширилаётган намунанинг босим таъсир қилмасдан аввали бўйи (мм).

Тоғ жинснинг табиий нам ҳамда бошланғич ғоваклилик коэффициенти  $\epsilon_0$  ни аниқлаш учун бир вақтда текширилаётган жинснинг солиштирма массаси  $\gamma$ , табиий намлиги  $W$  ва ҳажм оғирлиги  $\Delta$  аниқланади ва  $\epsilon_0$  қўйидаги формула билан аниқланади:


$$\epsilon_0 = \frac{\gamma (1 + 0,01 \cdot W)}{\Delta} - 1$$

Текширилаётган жинснинг  $P_1, P_2, P_3, P_4$  ва  $P_n$  кучлари таъсирида сиқилиш миқдори қўйидагича аниқланади:


$$\begin{aligned}\Delta h_1 &= h - h_1; & \Delta h_2 &= h - h_2; & \Delta h_3 &= h - h_3; & \Delta h_4 &= h - h_4 \\ \Delta h_n &= h - h_n\end{aligned}$$

бунда  $h_1, h_2, h_3, h_4$  ва  $h_n$  — намунанинг куч босқичлари  $P_1, P_2, P_3, P_4$ , ва  $P_n$  таъсир этгандаги баландлиги (мм).

Ҳар бир куч босқичида текширилаётган жинснинг ғоваклилик коэффициентлари ( $\epsilon_1, \epsilon_2, \epsilon_3, \epsilon_4$  ва  $\epsilon_n$ ) аниқлангандан сўнг, ғоваклилик коэффициенти билан сиқувчи куч орасидаги боғланишини ифода-



112-расм. Жинснинг чўкувчанилиги-ни бир компрессион эгри чизиқ орқали аниқлаш грағиги.



113-расм. Жинснинг чўкувчанилиги-ни икки эгри чизиқ орқали аниқлаш грағиги:

1—лъеснинг табий нам ҳолдаги компрессион эгри чизиги; 2—лъеснинг наимизқандан кейинги компрессион эгри чизиги.

ловчи график чизилади ва графикда чўкувчан жинслар компрессион эгри чизиқ кўринишида ифодаланади, (112-расм).

112-расмда кўрсатилган графикда жинснинг нисбий чўкувчанлик коэффициенти ( $i$ ) ни ва нисбий чўкувчанлик ( $L$ ) ни аниқлаш мумкин:

$$i = \frac{\epsilon_4 - \epsilon_{np}}{1 + \epsilon_4} \text{ ва } L = \frac{\epsilon_4 - \epsilon_n}{1 + \epsilon_4},$$

бунда  $\epsilon_4$  — текширилаётган намунанинг табий босим ( $P_4 = 2,0$  кг/см<sup>2</sup>) таъсирида намланмасдан олдинги ғоваклилик коэффициенти;  $\epsilon_{np}$  — намунанинг табий босим таъсирида намлангандан кейинги ғоваклилик коэффициенти;  $\epsilon_n$  — намунанинг табий босим ва бино оғирлиги таъсирида намлангандан кейинги ғоваклилик коэффициенти.

2. Жинслар чўкувчанилигини икки эгри чизиқ ёрдамида аниқлаш. Бунинг учун худди юқорида айтилганда лабораторияда компрессион асбобда тажриба олиб борилади. Аммо бу тажрибанинг биринчи тажрибадан фарқи шуки, бунда текширилиши лозим бўлган жинсдан бир вақтнинг ўзида иккита намуна олиб, иккита компрессион асбобда, биттаси табий намликда, иккинчисига сув таъсир қилдириб, яъни сувга тўйинган ҳолда тажриба ўтказилади.

Тажриба давомида иккала намунанинг ташқи босим таъсиридаги ғоваклилик коэффициентлари худди юқоридаги усууллар бўйича аниқланиб, ғоваклилик коэффициенти билан ташқи куч орасидаги боғланишни ифодаловчи график тузилади (113-расм).

Бу графикнинг олдинги графикдан афзаллиги шуки, унинг ёрдамида жинснинг хоҳлаган намликда ва турли босим таъсирида чўкувчанилигини аниқлаш мумкин.

## 6. Лёсс ва лёссимон жинслар чўкувчанлигини далада аниқланаш

Жинсларнинг чўкувчанлиги дала шароитида икки усул билан аниқланади.

1. Штамп ёрдамида. Бунинг учун чўкувчанлиги текширилалётган жойда шурф ёки бурғи қудуғи кавланади. Шурф остига юзаси  $5000 \text{ см}^2$  бўлган тўртбурчак шаклида, бурғи қудуғи остига эса юзаси  $600 \text{ см}^2$  бўлган доира шаклидаги штамп ўрнатилади. Қейин унинг устига босим  $P$  таъсир эттирилиб, жинснинг табиий нам ҳолида чўкиш миқдори  $S_1$  аниқланади. Сўнгра шурфга ёки бурғи қудуғига сув қўйилиб, жинснинг ( $P$ ) босим остида намлангандаги чўкиш миқдори  $S_2$  аниқланади. Текширилаётган жинснинг чўкувчанлиги А. Ф. Абелев (1968) таклиф этган чўкувчанлик  $M$  орқали аниқланади:

$$M = \frac{S_2}{S_1} > 5 \text{ бўлса, жинс чўкувчан ҳисобланади.}$$

2. Котлованларга сув тўлдириб жинслар чўкувчанлигини аниқлаш. Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон териториясида лёсс ва лёссимон жинслар жуда кўп тарқалганлиги сабабли Республика лёссынослари лёссларда бўладиган чўкиш ҳодисасини ҳар томонлама ўрганишга киришдилар.

1931—1933 йилларда ёк Е. Л. Замарин ва М. М. Решеткинлар лёссларда чўкиш ҳодисасини дала шароитида котлованларга сув тўлдириб аниқлаш усулини ишлаб чиқдилар ва бу ҳақда қисқача методик қўлланма яратдилар.

1935—1940 йилларда Ўрта Осиё экспедицияси ходимлари ирригация каналлари соҳилида бўладиган чўкиш ҳодисасини котлованларга тўхтовсиз сув қўйиб, лёссларни намлаш усули билан ўргандилар.

Мирзачўлни ўзлаштириш борасида 1940—1950 йилларда F. O. Мавлонов, Н. А. Қенесарин, В. F. Фофуров, П. М. Карпов, кейинчалик X. A. Асқаров ва бошқалар гидрогеологик ва инженерлик-геологик ишлар олиб бордилар ва лёсслар чўкувчанлигини дала шароитида котлованларга сув қўйиб ўрганиш усули билан ёки чўкувчан жинслар устидан ўтган каналлар соҳилидаги чўкишларни кузатиш усули билан аниқладилар. Айрим тажрибаларни ҳисобга олмаганда жинсларнинг дала шароитида аниқланган чўкиш миқдори лабораторияда аниқланганидан жуда оз фарқ қиласди. Масалан, F. O. Мавлонов ва П. М. Қарповларнинг тажрибаларига кўра 8 м. қалинликдаги чўкувчан лёссынинг дала усулида аниқланган чўкиш миқдори 33 см. га teng бўлса, лаборатория усулида аниқланган миқдори 29 см. га teng. Ҳудди шунга ўхшаш В. F. Фофуровнинг маълумотига кўра 10 м. қалинликдаги чўкувчан лёссынинг дала ва лаборатория усулларида аниқланган чўкиш миқдорлари атиги 1,9 см фарқ қиласди.

Шуни ҳам айтиш керакки, жинсларнинг чўкувчанлигини дала шароитида аниқлаш учун жуда кўп вақт кетади (62-жадвалга қаранг).

Жинсларнинг чўкувчанлигини дала шароитида аниқлашнинг аниқ бир усули йўқ. Аммо кейинги йилларда проф. F. O. Мавлонов бошчилигига бир группа Ўзбекистон лёссшунос олимлари лёссларнинг чўкувчанлигини дала шароитида аниқлаш усулини батафсил ишлаб чиқдилар. Бу усулни бажариш тартиби қуйидагича.

Лёсс ва лёссимон жинсларнинг чўкувчанлигини аниқлаш учун уларнинг таркиби, тузилиши ва физик хусусиятлари, сўнг шунга асосланиб текширилаётган жойда бу жинсларнинг қандай генетик типлари борлиги ва тарқалиш майдони, ниҳоят бу жинсларнинг қайси бир генетик типида тажриба ўтказиш кераклиги аниқланади.

Тажриба ўтказиладиган жой илгари суғорилмаган бўлиши керак, шунинг учун тажриба ўтказиладиган районнинг геологик ёки геоморфологик картасида суғорилмаган районлар чегараси белгиланади.

Тажрибанинг сони жинсларнинг генетик типига, уларнинг қалинлигига ва қўйилган мақсадга қараб белгиланади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар бир генетик тип учун битта тажриба участкаси ажратилиши кифоя.

К. Пўлатов ва бошқаларнинг тажрибалари чўкувчан лёссларнинг қалинлиги қанча катта бўлса, уларнинг дала ва лаборатория шароитида аниқланган чўкиш миқдорлари бир-биридан шунча кўп фарқланишини кўрсатади.

Тажриба маълумотларига асосланиб айтиш мумкинки, қалинлиги 10 м гача бўлган жинсларда дала ва лаборатория усули билан аниқланган чўкиш миқдорлари унча фарқ қилмайди. Шунинг учун қалинлиги 10 м гача бўлган жинсларнинг чўкувчанлигини асосан лабораторияда аниқлаш билан кифояланса бўлади. Агар чўкувчан лёссиңг қалинлиги 10 м дан ортиқ бўлса, уларнинг чўкувчанлигини албатта дала шароитида аниқлаш керак. Агар чўкиш миқдори лабораторияда аниқланса, уни дала шароитида аниқланган чўкиш миқдорига яқинлаштириш учун қўшимча коэффициент миқдорини топиш лозим.

F. O. Мавлонов ва К. Пўлатовларнинг тасдиқлашича, қалинлиги 10 м дан 20 м гача бўлган чўкувчан жинс тарқалган жойнинг ҳар 6000 ва 4000 гектар майдони учун битта, қалинлиги 30 м ва ундан ортиқ бўлганда эса 500 гектар майдон учун битта тажриба участкаси тавсия этилади. Шунга кўра умумий майдон учун тажриба сони, яъни қанча тажриба олиб бориш кераклиги аниқланди.

Текширилаётган районда қанча тажриба олиб бориш кераклиги аниқлангандан сўнг, ҳар бир тажриба учун қанча вәқт сарф бўлиши, яъни жинсни тўла намлаш учун кетадиган вәқт аниқланади. Ҳар бир тажриба учун кетадиган вәқт чўкув-

Лёсс ва лёссымон жинсларнинг чўкувчанилигини дала усулида аниқлашда тажрибада намлаш учун тавсия этилган вақт нормаси  
(F. O. Мавлонов ва K. Пўлатовлар маълумоти бўйича, 1975).

Чўкувчан жинснинг қалинлиги, м	Жинснинг ўртача фильтрация коэффициенти, м/сут	Жинс намланиши учун сарф бўлган вақт (сутка)	
		жинснинг ҳўлланиш даври	Жинсда намнинг тақсимланиш ва унинг сувга тўйиниш даври
10	0,5	20,0	20,0
15	0,4	37,5	37,5
20	0,4	50,0	50,0
30	0,35	86,0	86,0

chan жинснинг қалинлиги, фильтрация коэффициенти ва ғоваклилигига боғлиқ.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, тажриба котлованларига сув қуилганда сув жинсда вертикал йўналиш бўйича пастга ҳаракат қилиб, жинснинг тагига етиб боради, бунга кетган вақтни жинснинг ҳўлланиш даври дейилади. Сўнгра атрофга тарқала бошлайди ва жинс сувга тўйинади; бу даврни жинсда намнинг тақсимланиши ва унинг сувга тўйиниш даври дейилади. Биринчи давр иккинчи даврга тенг бўлади (42- жадвал).

Тажриба олиб боришда жойнинг ўрнини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Иложи борича тажриба учун таркиби ва тузилиши бир хил жойни танлаш керак. Агар чўкувчан жинс таркибида қум, шағал ва тош қатламчалари бўлса, бу қатламчаларнинг қалинлиги 0,5 метр (чўкувчан жинснинг қалинлиги 10 м гача бўлганда), 1,0 метр (чўкувчан жинснинг қалинлиги 10—20 м оралиғида) ва 1,5 метрдан (чўкувчан жинс 20 м. дан кўп) ортиқ бўлмаслиги керак.

Тажриба ўтказиладиган жой аниқлангандан сўнг, котлован қазилади. Котлован квадрат шаклда бўлиб, унинг ён томонларини узунлиги чўкувчан қатламнинг қалинлигини ярмига тенг қилиб олинади. Масалан, чўкувчан жинс қатламининг қалинлиги 20 м бўлса, котлован томонлари  $10 \times 10$  м қилиб олинади. Уларнинг чуқурлиги эса 0,8—1,0 м бўлиб, қирғоқларининг нисаблиги 30—45, 60 ва  $70^\circ$  атрофифа бўлади. Котловандан қазиб чиқарилган тупроқ чўкиш чегарасидан ташқарига, яъни котлованидан 80—100 метр узоқликка ташланади.

Тажриба ўтказиш учун котлован тайёр бўлгандан кейин, чўкиш тезлигини ва миқдорини аниқлаш учун ер юзига ва чуқурлигига ўрнатиладиган махсус реперлар тайёрланади (114- расм). Ер юзига ўрнатиладиган реперларни тайёрлаш учун диаметри 36 мм, узунлиги 1,0 м труба олиб, унинг бир томонига (нивелир рейкасини қўйиб ундан саноқ олиш учун) катталиги  $8 \times 12$  см келадиган темир пластинка ва иккинчи томонига эса бетон орасида мустаҳкам туриши учун узунлиги 15 см, диаметри 36 мм


трубача 114-расмда күрсатылғаннан қилиб уланади ва бу труба уланган томонга томонлари  $30 \times 30 \times 20$  см бўлган тўртбурчак бетон трубачаси тайёланади. Бу реперлар (115-расм) котлованинг марказидан тўрт томонга қараб, бир-биридан 0,1; 1,5; 1,5; 1,5; 1,5; 2,0; 2,3; 3; 4; 5 м узоқликда қилиб жойлаштирилади. Реперларни ўрнатиш учун ер 0,5 м қазилиб, бетон томони чуқурга туширилиб (114-расм, г) ўрнатилади.

Чўкиш ҳодисасининг ҳар хил чуқурликда тезлигини ва интенсивлигини аниқлаш учун чуқурликка ўрнатиладиган реперлардан фойдаланилади. Бундай реперларни ҳосил қилиш учун репер ўрнатилиши лозим деб ҳисобланган жойга диаметри 180 мм ли шнекли бурғи қудуқлари қазилади. Уларнинг чуқурлиги ҳар хил бўлиб, одатда бир-биридан 3 метр фарқ қилиши, масалан, биринчисининг чуқурлиги 6 м, кейингилариники 9; 12; 15 ва ҳоказо бўлиши керак бўлади.

Бурғи қудуқларининг ҳар бирига диаметри 36 мм ли, узунлиги қудуқ чуқурлигидан 1 метр ортиқ бўлган металл стерженлар туширилади, сўнгра (114-расм, ө) қудуқнинг тагига 30 см баландлигигача цементли суюқлик солиб стержень мустаҳкамланади. Кейин жинс чўкканда стержень яхши ҳаракатланиши учун унинг устидан диаметри 73 мм ли труба туширилади. Бу труба қудуқнинг тагига туширилмасдан қудуқнинг тагидан 1,5—2,0 м баландликда қилиб ўрнатилади, чунки бу трубанинг оғирлиги стерженга тушиши керак эмас. Бунинг учун трубанинг ер юзига чиқсан қисми хомут билан маҳкамлаб қўйилади. Сўнгра труба билан қудуқ орасидаги бўшлиқ тупроқ билан тўлдирилади.


Чуқурликка ўрнатиладиган реперлар иложи борича котлован марказига яқин жойларга ўрнатилади, чунки котлованинг марказида чўкиш максимал қийматга эга бўлади.

Бу реперлардан бошқа тажриба котловандан 50—60 м узоқликда ер юзига контрол репери ўрнатилади ва шу реперга нисбатан бошқа реперларнинг кўчиши аниқланади. Реперлардаги ўзгаришни аниқлайдиган нивелир ўрнатиладиган  $2 \times 2$  м кенгликдаги жой қалинлиги 8—10 см қалинликдаги бетон билан қопланади. Бу жой албатта контрол репери ўрнатилган жойга



114-расм. Чуқурликка ўрнатила-диган репер (а) ва уни ўрнати-ш схемаси (б); ер юзасига ўрнатила-диган репернинг формаси (б) ва унинг ўрнатилиши (г):

1—рейка қўйиладиган темир пластинка; 2—темир стержень; 3—бетон тумбочка; 4—ўрнатилган репер, 5—бурғи қудуқ тушурилган труба; 6—темир хомут; 7—зин-клаптирилган грунт; 8—бурғи қудуқ; 9—ер юзаси.



115-расм. Репер ва тажриба қудуқларини намлаш участкасида жойлаштириш схемаси (F. Мавлонов ва К. Пұлатов);

1—тажриба котлованинг қирғогининг юкори чегараси; 2—котлозан қирғогининг қуйи чегараси; 3—котлованга қўйилган сув сатҳи; 4—тажриба котлованини жаңубий қирғогининг нишаблиги— $30^{\circ}$ ; 5—ер юзасига ўрнатилган репер ва унинг номери; 6—ер юзасидан маълум чуқурликка ўрнатилган репер ва унинг номери; 7—контроль репер; 8—нивелир турадиган жой; 9—кузатиб режимни ўрганиб туриладиган бурғи қудуқлар; 10—тажриба бурғи қудуқлари; 11—қўйда қазилган бурғи қудуқлар; 12—тажриба ўтказгунга қадар қазилган шурф қудуқ; 13—тажрибадан сўнг қазилган шурф қудуқ.

қарама-қарши, котлованинг бошқа томонида бўлади (115-расм).

Тажриба бошланмасдан олдин дала усулида аниқланган чўкиш миқдорини лабораторияда аниқланганига солиштириб кўриш учун котлован атрофида битта ёки иккита шурф қазиб, лаборатория иши учун монолит олинади. Бундан ташқари ер ости сувининг режимини ўрганиш учун котлован атрофида бурғи қудуқлари ковланади. Уларнинг чуқурлиги ер ости сувлари сатҳига боғлиқ.

Ҳамма тайёргарлик ишлари бажарилгач, котлованга сув қуиб тажриба бошланади. Бунда котлованга шундай сув бериб туриладики, ундаги сувнинг баландлиги доимо 0,5 м да сақланиб туриши керак. Тажриба давомида кетма-кет қўйнадиги ишлар бажарилади:

1) ўрнатилган реперлардан нивелир ёрдамида ҳар куни саноқ олиб, журналга ёзиб борилади;

2) ҳар соатда котлованга қўйилаётган сувнинг сарфи, бурғи қудуғидаги ер ости суви сатҳи, -температураси аниқлаб турилади;

3) ҳар соатда котлован қирғоқларининг ҳолати, унда ҳосил бўлган ёриқлар кузатилиб, қоғоздаги планга тушириб турилади;

4) ҳар 10 кунда ер ости сувининг режимини кузатиладиган бурғи қудуқларидан химиявий анализ учун сув олиб туроради;

5) тажриба тугагандан кейин намланган грунтнинг конфигурациясини аниқлаш учун котлован атрофида қўлда бурғи қудуқлари қазиб, намликни аниқлаш учун ҳар бир ярим метрдан намуна олинади.

Агар 10 кун давомида чўкиш миқдори 4 мм дан ошмаса, котлованнинг тажриба намланиши тугаган ҳисобланади. Сўнг йифилган материаллар қайтадан ишлаб чиқилади ва охирига етказилади.

## 7. Чўкиш ҳодисасига қарши кураш

Юқорида айтилганидек, жинсларнинг чўкувчанлиги улар устига қурилган бино ва иншоотларнинг деформацияланишига сабаб бўлади. Шунинг учун бино ёки иншоотни қуришдан олдин лёсс ва лёссимон жинсларнинг чўкувчанлиги қўйидаги усуллар билан камайтирилади ёки бутунлай йўқотилади.

1. Чўкувчан жинс тарқалган жойларда бино ва иншоот замини юзасига тенг келувчи котлованлар қазилиб, улар сувга тўлдириб туроради. Бу усулда чўкувчан жинсларга сув таъсир этиб, уларнинг таркибидаги тузлар эрийди, минерал доналари орасидаги ёпишқоқлик кучи камаяди ва жинс ўз оғирлиги таъсирида чўқади. Бу усул анча вақт талаб этади. Баъзи чўкувчан жинсларнинг чўкувчанлиги котлованга бир марта сув тўлдиришда йўқолмайди, шунинг учун уни бир неча марта сувга тўлдириш лозим.

2. Котлован сувга тўлдирилиб, жинсларнинг чўкувчанлиги камайтирилгандан сўнг, шиббалаш машиналари ёрдамида котлован таги шиббаланади, натижада жинснинг ғоваклилиги камаяди. Баъзан бу усулдан фойдаланишда котлованга сув қўймай туриб ҳам уни шиббалаш мумкин. Бунда чўкувчан жинснинг ғоваклилик даражасини ва гранулометрик таркибини ҳисобга олиш керак.

3. Чўкувчан жинс қатламларига 600—800°C температурада кучли босим остида ҳаво юбороради. Бунда чўкувчан жинс таркибидаги сув буғланиб, унинг физик-механик хоссалари ўзгарди ва чўкувчанлик хусусияти йўқолади. Бу усул термик усул деб аталади.

1947 йилда И. М. Литвинов, Ф. А. Беляков ва П. К. Черновов янги термохимиявий усулни татбиқ қилдилар. Бу усулга кўра, бурғи қудуғига 0,15—0,5 атм босим остида ёнувчи газ ёки суюқлик туширилиб ёндирилади. Қудук атрофидаги қатламлар пишган фиштга ўхшаш қаттиқ ҳолатга келади.

И. М. Литвинов тажрибасига кўра, саккиз қаватли икки бино остидаги 7—8 м қалинликдаги чўкувчан жинс қаттиқ, чўкмайдиган ҳолатга келтирилган. Бунинг учун диаметри 100 мм

ли бурғи қудуғи қазилиб, унга соляр мойи қүйилган ва 7 сутка давомида ёндирилган. Бунга 700 кг ёқилғи (ҳар бир пог. м га 100 кг) сарф этилган. Ҳар бир қудуқнинг таъсир доираси 2—3 м ни ташкил этган.

И. М. Литвиновнинг кўрсатишича, бу усулда диаметри 10—20 см бўлган қудуқ 5—10 сутка давомида қалинлиги 10 м, эни эса 1,5—2,5 м бўлган жинснинг мустаҳкамлигини ошириб, чўкувчанлигини йўқотиш мумкин экан.

4. Шиша суюқлигига 2,5 процентли  $\text{NaCl}$  эритмасини қўшиб (В. В. Асколонов усули) чўкувчан жинс ғовакларига сиқиб киргизиш усули. Бу усулнинг фойдали томони шундаки, суюқ шиша қўшилган  $\text{NaCl}$  эритмаси жинс таркибидаги  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{CaSO}_4$  тузларининг эрувчанлигини оширади ва тез чўкмага тушишига сабаб бўлади. Натижада жинс минерал заррачаларининг зичланиш процесси вужудга келади; иккинчидан бўш ғовакларга ҳосил бўлган кремний кислотаси қўйқаси тўлади. Бу қўйқа 30 суткадан кейин минерал зарралар бир-бирига мустаҳкам бириншига, бинобарин жинсни чўкмайдиган, кўпчимайдиган, сувдан емирилмайдиган ҳолга олиб келади.

5. Чўкувчи жинс ғовакларини парафин — мазут — битум аралашмаси билан тўлдириш усули (К. И. Добриволский усули). Парафин-мазут битуми аралашмаси бир қисм мазут ва унга 3—5 процент парафин қўшиб тайёрланади. Бу аралашмани маълум асбоблар ёрдамида жинс ғовакларига юборилади. Аралашма силлиқ хусусиятга эга бўлганлигидан тезда ғовакларга кириб, уни тўлдиради. Натижада чўкувчан жинс чўкувчанлигини йўқотади.

1955 йили А. А. Авакиян лёсс жинсларнинг чўкувчанлигини камайтириш, мустаҳкамлигини оширишнинг янги усулини тақлиф қилди. Бу усул канал, ариқларнинг ён деворларини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, парафин билан мазут аралашмасини 100—120°C да қиздирилган ҳолатда ҳавонинг иссиқ кунларида гидравлик насос ёрдамида канал деворларига пуркалади. Натижада бу аралашма жинс қатламларига 10—12 см қалинликда сингиб, сувни ўтказмайдиган қатлам ҳосил қиласди.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган ҳамма усуллар кўп маблағ талаб қиласди, шунинг учун уларни зарур бўлган тақдирдагина қўлланади. Чўкиш ҳодисаси билан курашишнинг энг асосий йўли, шу ҳодисани вужудга келтирувчи сабабларга йўл қўймаслик, уларни ўз вақтида бартараф қилишdir. Бунинг учун водопровод, канализация ва ер усти сувлари тармоқларини доимо назорат қилиб, уларнинг сувини бино ёки иншоот заминига кириб кетишига йўл қўймаслик керак.

## XXII БОБ ЗИЛЗИЛА

Ер қобиғининг маълум сабабларга кўра тўсатдан силкинишини зилзила деб аталади. Зилзила натижасида ер юзасида бўладиган ўзгаришлар йифиндиси сейсмик ҳодисалар дейилади.


Зилзила кўп бўлиб турадиган жойлар сейсмик районлар ҳисобланади. Зилзила бўлмайдиган жойлар асейсмик областлар деб аталади. Бундай областларга Москва, Шимолий Америка, Шимолий Германия пасттекислиги, Финляндия, Кола яримороли, Шарқий Канада, Бразилия, Фарбий Сибирнинг чўл районлари, Шимолий Сибирь киради.

Зилзила натижасида иморатлар, иншоотлар, темир йўллар вайрон бўлиб, минглаб одамлар ҳалок бўлади. XX аср давомида зилзила натижасида 800 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган (В. Б. Ляцкий—1967).

Кучли зилзила 1875 йилда Лиссабонда (Португалия), 1885 йилда Беловодскда, 1889 ва 1960 йилларда Чилида, 1805 йилда Красноводскда, 1902 йилда Шимахинда (Озарбайжон) ва Андижонда, 1907 йилда Қоратоғда (Тожикистон), 1906 йилда Сан-Францискода (АҚШ), 1908 йилда Мяссинска (Италия), 1911 йилда Кеминскда (Қозоғистон), 1920 йилда Горийскда (Грузия), 1927 йилда Кримда, 1929 ва 1948 йилларда Ашхободда, 1931 йилда Зангезурскда (Арманистон), 1941 йилда Гармда (Тожикистон), 1946 йилда Чотқолда, 1949 йилда Хайт қишлоғида (Тожикистон), 1957 йилда Гоби-Алтийскда (Мӯғулистан), 1960 йилда Огадирда (Марокко), 1963 йилда Скопледа (Югославия), 1963 йилда Чхалтинскда (Грузия), 1964 йилда Аляскада (АҚШ), 1966 йилда Тошкентда, 1970 йилда Догистонда, 1970 йили Перуда ва 1970 йилда Сариқамишда (Қирғизистон) бўлган. Зилзилаларнинг кучи 8—9 ва ундан ортиқ балл бўлган. Буларнинг ичидаги энг кучлиси Кеминскдаги бўлиб, унинг кучи 11—12 баллга етган, силкиниш тўлқини 1 млн. км<sup>2</sup> майдонга тарқалган. Келтирилган маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, зилзила Ер шарининг кўпчилик жойида содир бўлиб, инсонлар ҳаёти учун жуда хавфли ҳисобланади. Масалан, Лиссабондаги зилзилада 60 минг, Мяссинскдагида эса 100 минг киши ҳалок бўлган, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлган, иирик-ирик иморат ва иншоотлар ер қаърига кириб кетган, минглаб одамлар ҳалок бўлган, ер юзи ёрилиб, кўп жойни сув босиб кетган. Худди шунга ўхаш ҳодисалар бошқа жойларда ҳам юз берган. Булардан шу нарса маълумки, ернинг ички кучи билан боғлиқ бўлган зилзила ҳодисаси анча вақтлардан бери инсоният ёътиборини ўзига тортиб келади.

Ер силкинишлари сейсмик станцияларга ўрнатилган сейсмограф аппаратлари ёрдамида ҳисобга олинади. Сейсмик станциялар маълумотига кўра, ҳар йили Ер шари бўйича 100 мингдан ортиқ зилзила бўлиб, уларнинг ичидаги тахминан 100 га яқини вайронагарчилик ва биттаси фалокат келтирадиган ҳисобланади, кучсиз зилзилалар ҳар 5 минутда бўлиб туради.

Зилзила пайтида ер қобигида сейсмик тўлқинлар ҳосил бўлади. Тўлқинларнинг тарқалиш маркази гипоцентр ёки зилзила ўчиғи деб аталади (116-расм). Гипоцентрнинг ер юзасига нисбатан чуқурлиги ҳар хил бўлиб, 2 км дан 700 км гача боради.



116-расм. Сейсмик түлқинларнинг тарқалиш схемаси.

Даҳшатли зилзилаларнинг гипоцентри 30—100 км чуқурликда бўлади. Зилзила ўчоғи қанчалик чуқур бўлса, унинг таъсир кўрсатиш доираси шунча катта бўлади. Гипоцентрнинг ер юзасидаги акси эпицентр деб аталади. Сейсмик түлқинлар нурга ўхшаб гипоцентрдан ҳамма томонга ҳар хил тезлик билан тарқалади ва сўниб, ўз кучини йўқотади. Тор жинси зарраларининг сейсмик нур бўйлаб гипоцентрдан ёки гипоцентр томон йўналган тебранма ҳаракатига бўйлама түлқинлар дейилади.

Бўйлама түлқинлар ўз йўналишида тор жинсларининг сиқилишига ва чўзилишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида уларнинг ҳажми ўзгариади. Тўлқин тезлиги ернинг геологик тузилишига, тор жинсларининг зичлигига, қат-қатлигига ва ер ости сувли горизонтларнинг оз-кўплигига боғлиқ. Масалан, гранитларда бўйлама тўлқиннинг тарқалиш тезлиги 5000—7000 м/с, оҳактошларда 2000—5000 м/с, сувда 1500 м/с, ҳавода эса 330 м/с.

Сейсмик тўлқинлар қаттиқ жинсларда тез ва узоқ жойларгача, ғовакли жинсларда ва шағалтош қатламларида секин тарқалади, аммо катта вайронгарчиликларга сабаб бўлади.

Тор жинси зарраларининг сейсмик нурга кўндаланг ҳолдаги тебранма ҳаракатига кўндаланг тўлқин дейилади. Кўндаланг тўлқин таъсирида тор жинси қатламлари тўхтовсиз силжийди ёки уларнинг шакли тўлқинга перпендикуляр бўлиб ўзгариади. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай тўлқин таъсирида газ ва суюқликларнинг шакли ўзгартмайди. Шу сабабли кўндаланг тўлқинлар газ ва суюқликлардан ўтмайди, бошқача айтганда, уларда зилзила ҳосил бўлмайди. Кўндаланг тўлқинларнинг тезлиги бўйлама тўлқинларнинг тезлигидан тахминан икки марта кам бўлади (43- жадвал).

Бўйлама ва кўндаланг тўлқинлардан ташқари, зилзила пайтида эпицентрдан ер юзаси бўйлаб тарқалувчи юза тўлқинлар ҳам бўлади. Бу тўлқинларнинг ўртача тезлиги 3000—3500 м/с бўлиб, ер юзасининг тузилишига ва тор жинсларининг намлигига боғлиқ.

Зилзиланинг силкиниши учун кетган вақт жуда ҳам оз бўлиб, секунд билан ҳисобланади. Аммо бу қисқа вақт ичидаги баъзи силкинишлар жуда ҳам катта вайронгарчилик келтиради.

Тоғ жинслари	Сейсмик түлкіннелер тезлігі (м/с)	
	бұйлама түлкін	күндаған түлкін
1. Гранит, диорит, базальт	5600	2900—3900
2. Оқактош, сланец, гнейс	3500—4500	1600—2800
3. Мармар	3500	1830
4. Зич құмтош	3780	1400—1800
5. Бұшок құмтош	1670	700
6. Нураган оқактош, сланец, құмтош	1500—2300	900—1350
7. Гипс	2400—3000	1400—1800
8. Мергель	2000—2600	1100—1500
9. Ҳар хил минерал таркибли құм	700—1600	350—850
10. Гил	900—1500	480—800
11. Соz тупроқ (ләсс жинслар)	800—1400	450—750
12. Құмли тупроқ	700—1200	350—650
13. Ғовакли ләссымон жинс	500—800	250—450
14. Қишиларнинг фаолияти билан табиий әтиш ҳолаты ва ғоваклилігін үзгарттырылған жинслар	200—500	150—270
15. Денгиз ва ер ости минерал суви	1480	—
16. Муз	2000	1000

## 1. Зилзиланинг сабаблари ва классификацияси

Зилзила ҳодисаси ўзининг содир бўлиш сабабларига кўра уч группага бўлинади:

- а) ер ости жинс қатламларининг ва тоғ ёнбағирларининг ўпирлиши билан боғлиқ зилзила;
- б) вулканлар отилишидан бўладиган зилзила;
- в) тектоник ҳаракатлар натижасида бўладиган зилзила.

Ер қатламлари ўпирлиши билан боғлиқ зилзила ер куррасининг айрим жойларида содир бўлади. Ер ости сувлари таъсиридан яхши эрувчан қатламлар (тузлар) аста-секин эрий бошлайди. Натижада эриган қатламлар ўрнида катта-катта бўшлиқлар ҳосил бўлади. Бундай бўшлиқ устидаги бўшок қатламлар ўз мувозанатини сақлаб туролмасдан бўшлиққа ўпирлиб тушади. Шу туфайли ўпирлиш зилзилалари содир бўлади. Ўпирлиш туфайли ҳосил бўлган зилзиланинг гипоцентрини ер юзасига яқин бўлиб, атрофга таъсир этиш доираси кичик бўлади. Баъзан бундай зилзила ҳам теварак атрофдаги биноларни вайрон қиласи. О. К. Лангенинг кўрсатишича, бундай зилзила 1915 йилда Харьков областининг Волчанск районидеги қайд қилинган. Силкиниш диаметри таҳминан 100 км жойдан сезилган. Одамлар биноларнинг тебранганини, дерезаларнинг ғирчиллаганини, эшиклар очилиб кетганлигини кўрганлар.

Кўчки ва қулашлардан содир бўладиган зилзила тоғ ёнба-  
тирларида катта-катта тоғ жинслари блокларининг қиялик  
бўйлаб кўчиб ёки афдарилиб тушиши туфайли юз беради. Бун-  
дай зилзила кучининг тарқалиш доираси жуда оз, фақат яқин  
атрофдаги одамлар сезади.

Вулкан ҳаракати билан боғлиқ зилзилаларга вулкан зилзи-  
ласи дейилади. Вулкан зилзиласи вулкан отилиб турадиган  
районлар учун характерли. Бундай зилзила асосан Қамчаткада,  
Гавай оролларида, Америка қитъаси шарқий қирғоқларида,  
Япония, Италия территорияларида, Янги Зеландия ва Ер ша-  
рининг бошқа кўп жойларида қайд қилинган. Катта масса ва  
кучга эга бўлган оловли магманинг ер юзасига отилиб чиқиши  
сейсмик тўлқинларни вужудга келтиради. Бунда ер юзаси бўй-  
лаб ҳаракат қилувчи юза тўлқинлар ҳосил бўлади. Баъзан сейс-  
мик тўлқинлар вулкан отилмасдан бир оз илгари ҳам пайдо  
бўлади. Ёр қобиғида юқорига қўтарилаётган магма тоғ жинси  
қатларини силжитиб юборади. Бу эса зилзилага сабаб бўлади.  
Зилзила тез орада вулкан отилиши яқинлашганлигидан дарак  
беради.

Тектоник ҳаракатлар натижасида бўладиган зилзила тектон-  
ник зилзила дейилади. Асосан тоғлик районларда бўлиб, тоғ  
ҳосил бўлиш процесси билан чамбарчас боғлиқ. Бу турдаги  
зилзилалар бутун Ер шари бўйича бўладиган зилзиланинг 95%  
идан ортигини ташкил қилади.

Тектоник зилзила ҳосил бўлишининг сабаблари ва ривожла-  
ниш қонунлари ҳали унча аниқ эмас. Бир группа мутахассислар  
зилзиланинг қобиғи йигилган катта ҳажмдаги энергиянинг бир  
турдан иккинчи турга ўтишидан пайдо бўлади деб ҳисобласа-  
лар, бошқалари ер қатламларида катта босим таъсиридан ҳо-  
сил бўлган кучланишларнинг аста-секин ортиб бориши туфайли  
қатламлар тараанглиги бузилишидан ҳосил бўлади деб ҳисоб-  
лайдилар.

Тектоник зилзиланинг сабабини қуйидагича тушунтириш  
мумкин. Қўпчилик олимларнинг кўрсатишича, ердаги моддалар  
тинч турмайди. Уларга ҳар хил кучлар — Ер марказига инти-  
лувчи ва марказдан қочувчи кучлар, Ой ва қуёшга тортилиш  
кучи, Ер совиганда вужудга келувчи куч, ер қобиғининг маълум  
участкаларидаги радиоактив элементлар парчаланишидан пайдо  
бўлган иссиқлик кучи, ниҳоят, магма кристалланганда ву-  
жуудга келадиган куч таъсир этади. Бу кучларнинг ҳаммаси бир-  
галиқда таъсир этишидан қудратли кучланишлар вужудга ке-  
лади. Ер қобиғининг айрим қисмларидаги жинс қатламлари  
қаттиқ сиқилади, эгилади, чўзилади ва тараанглашади. Аввал  
куchlаниш катта бўлмаган даврда тоғ жинсларининг кучланиш  
таъсирига қаршилик кўрсатиш мустаҳкамлиги етарли бўлади.  
Кучланиш зўрайиб, тоғ жинсининг мустаҳкамлик чегарасидан  
ошганда у қаршилик кўрсата олмайди, натижада ер ёрилиб,  
бўлинниб кетади, баъзи қисмлари бошқа қисмларига нисбатан  
силжийди,— буларнинг ҳаммаси жуда тез, деярли бир лаҳзада


рүй беради. Бу ҳодиса жуда катта кучга эга бўлган тебранма тўлқинларни вужудга келтиради. Тўлқинлар ўз навбатида турли томонларга жуда катта тезликда тарқалади. Гипоцентрдан тарқалган тебранма тўлқинлар энг аввал қаттиқ зарб билан эпицентрга етиб келади, шунинг учун бу зонада энг кўп вайронгарчилик юз беради. Эпицентрга етиб келган тўлқинларнинг бир қисми бажарган иши ҳисобига сарф бўлиб сўнса, қолган бир қисми турли томонларга тарқалади. Бу тўлқинлар эпицентрдан узоқлашган сари кучсизланиб боради. Шунинг учун эпицентрда зилзила кучи 8—9 балл бўлса, эпицентрдан узоқлашган сари 7, 6, 5, 4, 3, 2, 1 бўлиб, охири сезилмайдиган даражада бўлади.

Мутахассислар ҳисоблашича, гипоцентрда сарф бўладиган энергиянинг кучи баъзан  $10^{24}$ — $10^{25}$  эргга етар экан (эрг — оғирлиги 1 гр жисмни бир сантиметрга кўтариш учун сарф қилинадиган энергия). Бу энергия миллионлаб атом бомбаларининг энергиясига тенг келади. Бир зилзилада унинг гипоцентрида ажралиб чиқадиган энергияни ҳосил қилиш учун энг катта электростанциялардан бири юз йиллаб ишлаши керак. Днепр ГРЭСи юқоридагича энергиянинг кучига тенг электр қувватини ишлаб чиқариш учун 300—350 йил тинмай ишлаши зарур, бу эса тахминан бир триллион от кучига баравардир. 1966 йил 26 апрелда Тошкентда ер қимирлаш вақтида гипоцентрда ҳосил бўлган энергия миқдори В. И. Уломовнинг маълумоти бўйича 100 000 000 000 000 джоул бўлиб, қуввати 50 000 000 000 киловатга етган. Тектоник зилзилалар океан ва денгиз тубларидаги ҳам рўй беради. Бунинг натижасида океан юзида кучли сув тўлқинлари ҳосил бўлади. Буни японияликлар «пунама» деб атайдилар. Бундай тўлқинлар қисқа вақт ичидан океан қирғоқларини вайрон қилиб юборади. Тектоник зилзилалар асосан йирик узилмалар бўйича содир бўлади. Узилмалар — ер қобигидаги дарзилклар, ёриқлар бўлиб, тоғ жинслари зилзила пайтида шу узилмалар бўйлаб силжийди. Айрим узилмалар катта масофага чўзилиб, ер остида ўнлаб километрга давом этади.

1966 йили 26 апрелдаги Тошкент зилзиласи ҳам тектоник зилзилалар туркумига киради. Зилзила эпицентри шаҳар марказида — илгариги Қашқар маҳалласида бўлиб, унинг кучи 9 баллга етган. Эпицентрдан узоқлашган сари кучи сўниб, шаҳар чеккаларида 4—5 баллга тенг бўлган (117-расм). Силкиниш 3—4 секунд бўлиб, марказдаги кўп бинолар катта зарар кўрган, ўнлаб йирик корхоналар, юзлаб мактаб, интернат, касалхона, болалар боғчаси, ўн минглаб турар жой бинолари яшаш учун хавфли бўлиб қолган. Асосий зилзила содир бўлгандан кейин ҳам бир неча ой давомида ер қайта силкиниб турган. Масалан, асосий зилзила бўлгандан кейинги биринчи суткада «Тошкент» сейсмик станцияси 130 марта, биринчи ярим ойда 317 марта, уч ойдан сўнг эса 600 мартадан ортиқ қайта ер тебраннишларини қайд қилган. Шулардан 5 таси 7 балли бўлган.

Тошкент зилзиласининг сабабини айтиш учун шаҳарнинг геологик тузилиши ҳақида тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Тошкентнинг схематик картаси 26-IV-бий. Ер қимирлашнинг изосейсмик чизиқлари кўрсатилган.



117-расм. 1966 йил 26 апрелдаги Тошкент зилзиласининг схематик картаси:

1—курант; 2—вокзал; 3—В. И. Ленин майдони; 4—А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат борги; 5—С. Рахимов номли кинотеатр; I—бузилган зона ( $7-7,5$  балл); II—заарланган зона ( $5-6$  балл); III—иморатлар жуда оз заарланган зона ( $6-7$  балл); IV—иморатларга зарар етмаган зона ( $4-5$  балл).

Геологларнинг кўрсатишича, Тошкент остида  $2,5-3,0$  километр қалинликда чўкинди тоғ жинслари бор. Улар соғ тупроқ, мергель, тош, шағал, шағалли қатламлардан иборат. Улар остида палеозой эраси даврининг зич мустаҳкам тоғ жинслари ётади. Бу жинслар доимо ҳаракатда бўлган, шу сабабли бу қатламлар орасида ер ости узилмалари мавжуд. Тошкент зилзиласида палеозой қатламлари мана шу узилмалар бўйлаб силжиған ва натижада зилзила содир бўлган. 26 апрелда бўлган асосий зилзиланинг гипоцентри  $8$  км чуқурликда бўлиб, кейнинги силкинишларнинг гипоцентри  $2,5-3$  км. чуқурликка кўчган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, зилзилалар янгы ва замонавий тектоник ҳаракатлар бўлиб турадиган геологик структураларда содир бўлади. Бундай структуралар регионал тектоник синиқлар зонасига жойлашган. Бу жойларни ернинг актив ҳаракатланувчи пояси ёки сейсмик пояс дейилади.

## 2. Зилзила кучини ҳисоблаш, сейсмик ва микросейсмик карталар

Зилзила кучини аниқлаш уни ўрганишда асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Зилзилани қайд қилувчи, яъни кучини ўлчовчи сезгири асбоблар сўнгги йилларда кўп яратилишига қарамай, бундай асбобларнинг яратилиши тарихи жуда қадим замонларга тааллуқидир.

Илгари ясалган асбобларни сейсмоскоп деб аталган, улар фақат зилзиланинг ўзини қайд қилган, аммо унинг кучини ўлчай олмаган. Зилзила кучини ўлчайдиган замонавий асбоблар сейсмограф деб аталади. Зилзила кучини ҳисоблаш учун 12 балли шкала қабул қилинган. Ҳар бир балл маълум бир сейсмик тезланишга эга. Сейсмик тезланиш  $\alpha$  ( $\text{мм}/\text{с}^2$ ) қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\alpha = \frac{4 \cdot \pi^2 \cdot A}{T^2}$$

бунда  $A$  — тебраниш амплитудаси;


$T$  — тебраниш даври.

Сейсмик тезланишнинг қиймати сейсмограф ёрдамида ўлчанади. Сейсмик тўлқиннинг қоғозда акс этган эпюри сейсмограмма деб аталади (118-расм).

Сейсмик тезланишининг қийматини 44-жадвалдаги миқдорга таққослаб, зилзиланинг кучи аниқланади. Масалан, ернинг бирон қисмида бўлиб ўтган зилзилада  $T$  нинг қиймати 3 секунд ва  $A$  нинг қиймати 900  $\text{мм}$  бўлсин, бу ҳолда қўйидаги формула ёрдамида тебраниш тезланишини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} \alpha &= 900 \frac{4 \cdot (3,14)^2}{3^2} = 900 \frac{39,4}{9} = \\ &= 900 \cdot 4,38 = 3942 \text{ mm}/\text{с}^2 \end{aligned}$$

Демак, зилзила содир бўлганда тупроқнинг тебраниш тезлиги 3942  $\text{мм}/\text{с}^2$  ни ташкил қилган. Бу қийматни ўз навбатида 44-



118-расм. Тошкент зилзиласи ва ундан кейинги қайта силкинишлар вақтида ёзин олинган сейсмограммалар (Тошкент Марказий сейсмик станция маълумоти).

жадвалга солишириб кўриб зилзила кучи 9 баллга тенглигини аниқлаймиз. Биз бу ерда зилзила кучини аниқлашнинг оддий усулини келтиридик, аслида бу иш билан шуғулланувчи сейсмологлар юқорида олинган қийматларни жуда катта аниқликда ҳисоблайдилар. Улар сейсмик тўлқиннинг амплитуда ва давридан ташқари, тўлқиннинг ҳаракат йўналишларини, узунлиги ҳамда амплитуданинг максимал ва минимал қийматларини ҳам ҳисобга оладилар.

#### 44- жадвал


#### Зилзила кучи ҳар хил бўлганда ер юзасида бўладиган ўзгаришлар

Зилзила-нинг кучи (балл)	Зилзила характеристи-каси (номи)	Сейсмик тезла-ниш (мм/сек <sup>2</sup> )	Ер юзасида бўладиган ўзгаришлар
1.	Сезилмайдиган	2,5	Микросейсмик тебранишлар. Фақат сейсмографларгина сезади
2.	Жуда кучсиз	2,5—5	Билинار-билинмас зилзила. Сезгир одамларгина сезади
3.	Кучсиз	5,1—10	Билинар-билинмас зилзила. Тинч турган кишиларгина сезади
4.	Кучлироқ	11—25	Уртacha зилзила. Юриб кетаётган одамлар ҳам сезади
5.	Анча кучли	25—50	Ухлаб ётган кишилар уйғониб кетади
6.	Кучли	51—100	Иморатлар бир оз зарарланади
7.	Жуда кучли	101—250	Деворлар ёрилади ҳайкаллар қулав тушади, дераза ойналари синади
8.	Вайронгарчилик келтирадиган	251—500	Томдаги мўрилар, кўчадаги ҳайкаллар қулав тушади. Дераза ойналари синади
9.	Харобалик келтирадиган	500—1000	Уйлар қулагай бошлайди
10.	Фалокатли	1000—2500	Кўплаб иморат вайрон бўлади
11.	Ҳалокатли	2500—5000	Ер юзида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, бузилмаган иморат камдан-кам қолади
12.	Катта ҳалокат, фалокат келтирадиган	5000	Ҳаммаёқ бузилиб, иморатлар бутунлай вайрон бўлиб кетади

Зилзиланинг кучини ҳисобга олиш туфайли жойнинг сейсмик картаси тузилади.

СССР нинг сейсмик картасига назар ташласак, мамлакатимизнинг марказий қисми зилзила ўчоқларидан озод эканлигини ва шу билан бирга актив зоналарда эса зилзила ўчоқлари бир текис жойлашмаганлигини кўрамиз (119- расм).


СССР территориясининг бешдан бир қисмини сейсмик жиҳатдан хавфли ҳисобланган, зилзила кучи 6 баллдан 9 баллгача бўлган районлар ташкил этади. Бу майдоннинг ярмига яқинини 6 балли зилзила бўладиган жойлар ташкил этади.



119- расм. СССР территориясининг сейсмик картаси,

СССР сейсмик картасида жойларнинг геологик тузилиши ва тектоник шароити тўла ҳисобга олинган. Шуни ҳам айтиш керакки, кенглиги ўнлаб ва юзлаб километр келадиган ва бир хил баллга эга бўлган зонада турли геологик, инженерлик-геологик тузилишга эга бўлган майдонлар ҳам мавжуд. Зилзила кучига бу факторлар катта таъсири кўрсатади. Масалан, кучли зилзилаларда тўлқинларнинг тебраниш амплитудаси магматик ва метаморфик жинсларда 2—5 мм, бўшоқ чўкинди жинсларда 25—50 мм бўлса, юмшоқ ва сочилиувчан жинсларда 100 мм ва ундан ортиқ бўлади. Булардан ташқари қисқа масофа оралиғида зилзила бўлишига тупроқнинг намлиги ва ер ости суви сатхининг қандай чуқурликда бўлиши ҳам катта таъсири кўрсатади. Масалан, С. В. Медведев қатламлар таркибига қараб, бир район территорииясида зилзила кучи турлича бўлишини аниқлаган (120-расм). Айтайлик, баъзан эпицентрнинг ўзида ҳеч қандай хавф сезилмайдиган участкалар — «сейсмик ороллар» мавжуд бўлгани ҳолда, эпицентрдан анча узоқда зилзила кучининг кескин ошиби кетиши ҳам кузатилади.

Янги Зеландияда содир бўлган кўп зилзилаларни текшириш натижалари шуни кўрсатадики, эпицентргача бўлган масофа бир хиллигига қарамай, асоси нам қумлардан ташкил топган иншоотлар асоси қаттиқ — эйн қоятошлардан иборат иншоотларга нисбатан, асоси юмшоқ тупроқда бўлган иншоотлар қаттиқ тупроқдаги иншоотларга нисбатан кўпроқ заарланган.



120-расм. Тебраниш кучи жойнинг геологик ва гидрогеологик шароитига боғлиқлигини ифодаловчи схемалар:

*a*—жой юмшоқ ва бўшоқ қатламлардан тузилган; *b*—жой қаттиқ ва бўшоқ қатламлардан тузилган; *c*—жой бир хил қатламлардан тузилган, аммо ер ости сувиning сатҳи ҳар хил.

Японияда 1944 йилдаги зилзилада ҳар хил тупроқ устига, аммо бир хил типа (ёғочдан) қурилган имараттарнинг қандай зарарланганлигини аниқлаш мақсадида статистик ҳисобот ўтказилган. Бунда ёғоч уйларнинг зарарланиш даражаси тупроқда — 26,1%, құмда — 3,5%, шағалтошда — 1,4% ва қоятошда — 0,2% бўлгани аниқланган, қум ва тупроқ қалинлашиши билан кўриладиган зарар ҳам кўпайиши маълум бўлган.

Жойларнинг геологик ва гидрогеологик шароитига кўра зилзила кучининг ҳар хил бўлиши сейсмик тўлқинларнинг хусусиятларига боғлиқ. Масалан, сейсмик тўлқинлар бир қатламдан иккинчи қатламга ўтаётганда, тебраниш амплитудаси ўзгаради, яъни ортади ёки камаяди, бу эса зилзила кучининг ўзгаришига сабабчи бўлади. Жуда кўп кузатишлардан маълумки, тебраниш тезлигининг, бошқача айтганда, тебраниш амплитудасининг иккни марта ортиши зилзила кучини бир балл ортиради.

Тупроқ шароити ҳар хил майдонларда зилзиланинг кучи ҳам турлича бўлади. Шу сабабли ҳозир СССРдаги ҳар бир республика ва областлар учун микросейсмик карталар тузилмоқда ва бу карталарни тузиш учун ҳар бир область ва районда сейсмик микрорайонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бирор шаҳар ёки область учун аниқланган зилзила кучига ҳар хил шароитли районларни ҳисобга олган ҳолда тузилиш киритиш сейсмик микрорайонлаштириш дейилади. (С. Қосимов, Т. Валиев, 1970). Бунда ҳар бир район ва участканинг геологик тузилиши, тое жинсларининг зичлиги, намлиги, ер ости сувларининг қандай чуқурликда ётиши ҳисобга олинниб, илгариги сейсмик картада кўрсатилган баллга тузилиш (қўшимча) киритилади. Масалан, Ўзбекистон територияси СССРнинг сейсмик картасига биноан 8 балли зонага киради. Аммо бир хил балли зона ичida геологик ва гидрогеологик тузилиши хилма-хил бўлган участкалар мавжуд. Ер қимиirlаганда бу участкалардаги зилзила кучи бир-биридан фарқ қиласди. Шу сабабли уларга қўшимча киритиш керак. Қандай ҳолда умумий сейсмик картада кўрсатилган баллга қўшимча киритиш 45- жадвалда кўрсатилган. Жадвалдан, сейсмик тўлқинларнинг тебраниш амплитудаси сувга тўйинган жинсларда жуда юқори бўлиб, қўшимча баллнинг қиймати 3 баллга яқин бўлишини англаш мумкин.

### 3. Сейсмик микрорайонлаштириш ишлари

Сейсмик микрорайонлаштириш ишлари уч усулда олиб борилади. Буларни биттаси асбобларсиз бажарилади, қолганлари маҳсус асбоблар ёрдамида олиб борилади (С. Қосимов, Т. Валиев, 1970).

1. Асбоблар ёрдамисиз сейсмик микрорайонлаштириш ишларида зилзила оқибатлари асбобсиз синчиклаб ўрганилади, зилзиладан зарар кўрган биноларнинг вайронлик даражаси, зилзила қайси участкада кучли ёки кучсиз бўлгани, сейсмик картадан бу район қанча балли зонага кириши аниқланади.

Тоғ жинслари	Баллга құшиладын құшимча
Гранит	0
Оқактош, сланец, гнейс	0,2—0,4
Зичланган құмтош	0,5—0,8
Оқактош, сланец, құмтош	0,7—1,1
Гипс	0,6—0,8
Мергель	0,7—1,0
Цементланган құм	1,0—1,2
Ұтқир құррали ва яссиланган шағалтош	0,9—1,3
Кристалланған жинсларнинг майдаланишидан ҳосил бўлган қум-шағал	1,0—1,4
Иирик заррали майда тош аралашган қум	1,2—1,4
Үртача заррали қум	1,3—1,6
Майда ва чангли қум	1,4—1,8
Гилли қум	1,2—1,6
Қумоқ	1,3—1,7
Құмлоқ	1,4—1,8
Фоваклилик коэффициенти $\epsilon \geq 1$ бўлган қумоқ	1,7—2,1
Фоваклилик коэффициенти $\epsilon \geq 0,7$ бўлган қумлоқ	1,7—2,1
Сувга тўйинган тоғ жинслари	2,3—2,6
Тупроқ	2,6—3,0
Шағалтош аралашган тоғ жинси	1,6—2,0
Сувга тўйинган қумоқ ва қумлоқ	2,4—2,8
Сувга тўйинган тупроқ ва сочишмалар	3,8—2,9

2. Иккинчи усулда маҳсус асбоблар ёрдамида тупроқнинг сейсмик қаттиқлиги аниқланади. Тоғ жинси зичлигининг ( $\rho$ ), тўлқин тарқалиш (тебраниш) тезлиги ( $v$ ) га кўпайтмаси сейсмик қаттиқлик ёки тўлқин қаршилиги дейилади. Сейсмик қаттиқлик тоғ жинсининг хилига ва ҳолатига қараб ҳар хил бўлади. С. Қосимов ва Т. Валиев маълумотларига кўра, созтупроқ, қум ва шағалтошли жинсларда сейсмик қаттиқлик бошқа хил тоғ жинсларига (гранит, оқактош, магматик жинслар) нисбатан кичик бўлиб, тебраниш амплитудаси эса бир неча марта катта бўлади. Демак, бундай бўшоқ жинслар тарқалган жойларда қаттиқ жинслар тарқалган жойга нисбатан сейсмик хавф, яъни зилзила кучи 1—2 балл юқори бўлади. Буни аниқлаш учун тоғ жинслари таркиби, тузилиши ва физик хусусиятлари синчилаб ўрганилади ва баллга қўшимча қўшиш учун тузилган жадвалга (45- жадвал) таққослаб, шу жойга қанча балл қўшиш лозимлиги аниқланади.

3. Учинчи усулда тўғридан-тўғри тоғ жинсининг тебраниш амплитудаси ўрганилиб, жадвалга таққосланади.

Сейсмик микрорайонлаштириш ишларини бошламасдан аввал текширилаётган территория геологик, геоморфологик ва гидрогеологик шароитига қараб, зоналарга ажратилади ва ҳар бир зонага алоҳида сейсмик асбоб ўрнатилиб, ер қимирлаганда жинснинг тебраниши ўлчаб борилади.

Сейсмик микрорайонлаштириш Ўзбекистон олимларининг тажрибасига кўра, асосан уч схемада олиб борилади.

Биринчи схема ер усти бир хил тоғ жинсларидан тузилган районлар учун қўлланади. Бу ҳолда маълум участкалардаги тоғ жинслари табиий жойлашиш шароитлари ва механик таркиби бўйича бир-биридан жуда кам фарқ қиласди. Шу сабабли бу районларда бир-биридан бир балл ортиқ ёки кам бўлган участкаларни ажратиш мумкин эмас. Бунда шаҳар ёки область учун СССРни умумий районлаштириш картасида шу шаҳар учун белгиланган сейсмик балл қабул қилинади. Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳарни планлаштиришда муҳим аҳамиятга молик қурилишлар учун қулай зоналар ажратилиши мумкин. Ашхобод шаҳрини микрорайонлаштириш ишлари биринчи схема бўйича амалга оширилган.

Иккинчи схема ер усти ҳар хил тоғ жинсларидан тузилган, физик-механик хусусиятлари бир-биридан кескин фарқ қиласди ган районлар учун қўлланади. Бунда територия сейсмик жиҳатдан бир балл фарқ қиласидиган икки районга ажратилади. Жойларни бу схема бўйича микрорайонлаштириш икки усулда бажарилади. Биринчи усулда териториянинг маълум райони СССРни умумий сейсмик районлаштириш картасига нисбатан бир балл камаяди, иккинчи усулда эса, шунча балл ортади. Микрорайонлаштириш ишларини амалга оширишда бу усуллардан қайси бири мақсадга мувофиқлиги шу жойнинг инженерлик-геологик, сейсмогеологик ҳамда бошқа шароитларига боғлиқ. Агар жойларда ер ости сувлари анча чуқурда бўлиб, тоғ жинслари қаттиқ бўлса, микрорайонлаштириш ишлари кўпинча биринчи усул билан бажарилади, ер ости сувлари ер юзига яқин бўлиб, қатламлар бўшоқ жинслардан тузилган ва улар устига давлат аҳамиятига эга иморатлар қуриладиган бўлса, микрорайонлаштириш ишлари иккинчи усул бўйича бажарилади. Олмаота шаҳрининг сейсмик микрорайонлаштириш ишлари иккинчи схема бўйича ўтказилган.

Сейсмик микрорайонлаштиришнинг учинчи схемаси бўйича шаҳар территорияси сейсмик жиҳатдан бири иккинчисидан бир балл фарқ қилувчи учта районга бўлинади. Биринчи район сейсмик жиҳатдан яхши ҳисобланиб, СССРни умумий районлаштириш картасига нисбатан унинг сейсмик кучи бир балл камайтирилади. Иккинчи район сейсмик жиҳатдан ўртача ҳисобланиб, сейсмик кучи СССРни умумий районлаштириш картасидаги баллга тенг қилиб олинади. Учинчи район сейсмик жиҳатдан ёмон ҳисобланиб, бунга бир балл қўшилади.

Жойларни сейсмик микрорайонлаш учун:

1. Жойнинг геологик, инженерлик геологик, сейсмогеологик, гидрогеологик ва бошқа адабий манбаларни фонд, архив материаллари ўрганилади.

2. Инженерлик геологияси, гидрогеологияси ва сейсмотектоникага оид маҳсус кузатув ишлари олиб борилади.

3. Бўлиб турадиган зилзилаларни сейсмик асбоблар билан кузатиб борилади.

4. Тор жинсларининг физик ҳолатини сейсмик асбоблар ёрдамида текширилади.

5. Лабораторияда тор жинсларининг физик-механик хусусиятлари аниқланади.

6. Зилзила содир бўлганда тупроқнинг биноларга турлича таъсири этишини биноларнинг заарланиш даражасига қараб ўрганилади.

Мана шу ишларни бажаришда олинган маълумотларга асосланиб жойларнинг микросейсмик карталари тузилади.

#### 4. Зилзилани ўрганиш ва прогноз қилиш

Одамлар зилзилани ўрганиш ва унинг сабабларини аниқлаш билан қадим замонлардан шуғулланиб келганлар.

Ер тўғрисидаги билимлар ривожланган сари зилзила сирлари ҳам чуқур ўрганила бошланди. Аристотель вулқон отилиши ва ердаги ўпирилиш ҳодисаси зилзиланинг асосий сабабларидан бири деб уқтирган.

X—XI асрда Ибн Сино зилзиланинг сабаблари ҳақидаги фикрларни ривожлантириди.

XIX аср охирларидан ернинг силкиниш сабаблари сейсмограф ёрдамида ўрганила бошланди.

Россияда сейсмографни биринчи марта 1906 йилда Б. Голицин яратди. Сейсмографнинг яратилиши Россияда сейсмология фани тез ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлди.

XX аср бошларида 14 та сейсмик станция ташкил топди. Ҳозир Москва, Свердловск, Тбилиси, Тошкент, Душанбе, Иркутск, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда жами 100 дан зиёд сейсмик станция ишлаб турибди.

1901 йилда Тошкент сейсмик станцияси ташкил топди. 1928 йилда СССР Фанлар Академияси қошида сейсмология илмий тадқиқот институти очилди.

1966 йилда Тошкент зилзиласидан кейин Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошида Тошкент сейсмология илмий тадқиқот институти очилди. Институт ўрта Осиёда сейсмология фани ривожланишида катта роль ўйнади.

Ҳозиргача зилзиланинг сабабларини аниқ билиш ва уни олдиндан айтиб бериш борасида кенг миқёсда сейсмик, инженер-лик-геологик, геофизик, тектоник, гидрогеологик ва гидрогое-химик, математик методлар ёрдамида муҳим илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди, бу ишлар натижасида кўпгина сейсмик микрорайонлаштириш карталари тузилди, уларга қараб мамлакатимизнинг қаерида ва қандай куч билан ер қимирлаши мумкинлигини аниқ билиш мумкин. Аммо ер қимирлаши қаочон бўлишини айтиб бериш муаммоси тўлиқ ҳал қилинмаган. Маълумки, табиатдаги ҳодисалар содир бирдан содир бўлавермайди. Ол-

дин уларнинг ўзига хос белгилари пайдо бўлади. Ҳозир олимлар зилзиладан ер қобиғида бўладиган ҳодисаларни, яъни зилзилани ҳосил қиласидаган белгиларни ўрганмоқдалар.

Табиатда бўладиган кўп ҳодисалар об-ҳаво ва атмосфера ҳодисалари, босимнинг ўзгариши, ёғингарчилик миқдори, океан ва дengизлардаги сувнинг қалқиб кўтарилиши, пасайиши ва ҳоказолар маълум даражада зилзила билан боғлиқдир. Баъзан зилзиладан ана шу табиат ҳодисаларини пайқаш қийин бўлади. Шу сабабли бу ҳодисалар зилзилаларни олдиндан айтиб беришда муҳим аҳамиятга эга эмас.

Айрим сейсмологлар ер қобиғининг нишабланиши, унинг пасайиши ва кўтарилишига қараб зилзила бўлишини олдиндан айтиб бериш мумкин деб ҳисоблайдилар. Бу борада совет олимларидан В. Ф. Бончковский кўп иш қилди. Ўзбек олимларидан В. Мирзаевнинг таъкидлашича, ер юзаси зилзила олдидан нишабланавермайди. Айрим зилзилалар горизонтал силжишлар сабабли рўй бериши мумкин. Лекин улар қаерда, қачон ва қандай куч билан бўлишини айтиб бериш жуда қийин.

Кейинги пайтларда бу борада Тошкент сейсмология институти ходимлари проф. F. O. Мавлонов ва проф. A. N. Султонхўжаев бошчилигига муҳим янгилик яратдилар. Улар Ўрта Осиё территориясидаги баъзи сейсмоактив зоналардаги ер ости сувларининг гидрохимиявий хусусиятларини ўрганиб, зилзила олдидан сув таркибида бўладиган ўзгаришларни аниқладилар. Уларнинг илмий тадқиқот ишлари натижасида зилзиладан олдин ер ости сувларининг химиявий газ таркиби концентрацияси ўзгариб, инерт газларнинг миқдори ортиб бориши маълум бўлди.

Олимларимиз олиб бораётган ишлар илмий жиҳатдан асосланса, зилзилани олдиндан айтиш мумкин бўлади.

## 5. Сейсмик районларда қурилиш ишлари

Сейсмик районларда бино ва иншоотларни зилзилага чидамли қилиб қуриш қурувчилар олдидағи асосий масалалардан биридир. Бунинг чоралари антисейсмик чоралар дейилади.

Ҳозир сейсмик районлар учун лойиҳалаш нормаси ишлаб чиқилган. Қурилиш ишлари ана шу нормага мослаб амалга оширилади.

Биноларни қуришда уларнинг заминини ташкил этган тоғжинсларининг таркиби, тузилиши ва физик-механик хоссалари катта эътибор бериш лозим. Тажрибалардан маълум бўлишича, ҳар хил таркибга, тузилишга ва физик хусусиятга эга бўлган жой зилзила пайтида ҳар хил тебранади. Шунга кўра бинолар турли даражада заарланади.

Иморатлар зилзилага чидамли бўлиши учун антисейсмик белбоғлар қўлланади. Бу белбоғлар ҳозир темир бетондан ишланиб, баланд иморатларнинг қаватлари ва деворлари орасига ўрнатилади.

Иморатларнинг зилзилага бардош бериши конструкцияси ва антисейсмик чораларга эмас, балки, қурилиш материаллари ва қурилиш ишларининг сифатига ҳам боғлиқдир. Тошкент зилзиласида асосан хом ғиштдан қурилган иморатлар кўп заарарланган. Тажриба бундай иморатлар, антисейсмик чораларсиз фақат 7 баллгача дош беришини кўрсатди.

Биноларнинг зилзилага чидаши қурилиш материалларининг сифатига ва уларнинг ишланиш усулига ҳам боғлиқ. Ғишт орасига ишлатиладиган аралашма сифатли бўлмаса, ғиштни намламасдан терилса девор чоклари бир-бирига яхши ёпишмайди, чунки қуруқ ғишт аралашма таркибидаги сувни тезда шимниб олади, натижада у қотиш ва ғиштга ёпишиш хусусиятини анча йўқотади. Шунинг учун Ўрта Осиё шароитида ғишт девор қурганда ғиштни сувга бутунлай бўктириб ишлатиш керак.

Иттифоқ аҳамиятига молик I ва II категорияли иморатларда сейсмик ҳисоб I баллга оширилади, яъни шу жойда 6 балл куч билан ер қимиirlайдиган бўлса, иморат 7 баллга чидай оладиган қилиб қурилади. Жой қаттиқ жинслардан тузилган бўлиб, иморатлар I қаватли III—IV категорияли бўлса, уларнинг сейсмик ҳисоби жойнинг сейсмик балидан 1 балл кам бўлади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Абелев Ю. М., Абелев М. Ю. Основы проектирования и строительства на просадочных группах. М., Стройиздат, 1968.
2. Бондарик Г. К., Комаров И. С., Ферронский В. И. Полевые методы инженерно-геологических исследований. М., Недра, 1969.
3. Гольдштейн М. Н. Механические свойства грунтов. 2-е изд. М., Стройиздат, 1971.
4. Денисов Н. Я. Строительные свойства глинистых пород и их использование в гидротехническом строительстве. М., Госэнергоиздат, 1956.
5. Заруба К., Монцл В. Инженерная геология. М., Мир, 1979.
6. Золотарев Г. С., Калинин Э. В. Учебное пособие по инженерной геологии. Под ред. Г. С. Золотарева. М., Изд-во МГУ, 1970.
7. Коломенский Н. В., Комаров И. С. Инженерная геология. М., Высшая школа, 1964.
8. Ломтадзе В. Д. Инженерная геология. Инженерная петрология. Л., Недра, 1984.
9. Ломтадзе В. Д. Инженерная геология. Инженерная геодинамика. Л., Недра, 1977.
10. Маслов Н. Н., Котов М. Ф. Инженерная геология. М., Стройиздат, 1971.
11. Мавлонов Ф. М., Крилов М., Заходов С. Гидрогеология ва инженерлик геологияси асослари. «Ўқитувчи» нашриёти, 1976.
12. Назаров М. З. Инженерлик геологияси «Ўқитувчи» нашриёти, 1985.
13. Приклонский В. А. Грунтovedение ч. I. 3-е изд. М., Госгеолиздат, 1955.
14. Сергеев Е. М., Голодковская Г. А., Зиангиров Р. С., Осипов В. И., Трофимов В. Т. Грунтovedение. М., Изд-во МГУ, 1983.
15. Цытович Н. А. Механика грунтов. 4-е Изд. М., Высшая школа, 1979.

# МУНДАРИЖА

Сўз боши . . . . .	3
Кириш . . . . .	5
<b>Биринчи қисм . . . . .</b>	<b>16</b>
<b>ГРУНТШУНОСЛИК . . . . .</b>	<b>16</b>
I боб. Тоғ жинсларининг минералогик таркиби ва инженерлик-геоло-	
гик аҳамияти . . . . .	16
1. Литосферада учрайдиган минераллар . . . . .	16
2. Гилли минералларнинг тарқалиши . . . . .	20
3. Оддий тузлар ва уларнинг тоғ жинсларининг инженерлик- геологик хоссаларига таъсири . . . . .	22
4. Органик биримлар . . . . .	24
II боб. Тоғ жинсларининг структураси ва инженерлик геологик аҳа-	
мияти . . . . .	25
1. Магматик жинслар структураси . . . . .	25
2. Метаморфик жинслар структураси . . . . .	27
3. Тошқотган чўқинди жинслар структураси . . . . .	28
4. Бўшоқ жинслар структураси . . . . .	29
5. Гилли жинслар структураси . . . . .	30
6. Тоғ жинсларида структурали боғланиш . . . . .	31
III боб. Тоғ жинслари текстураси ва унинг инженерлик-геологик	
аҳамияти . . . . .	32
1. Магматик жинслар текстураси . . . . .	33
2. Метаморфик жинслар текстураси . . . . .	34
3. Тошқотган чўқинди жинслар текстураси . . . . .	34
4. Бўшоқ жинслар текстураси . . . . .	35
5. Гилли жинслар текстураси . . . . .	36
IV боб. Тоғ жинсларининг гранулометрик таркиби ва инженерлик-	
геологик аҳамияти . . . . .	37
1. Тоғ жинсларининг гранулометрик таркибига асосланган клас-	
сификацияси . . . . .	38
2. Тоғ жинсларининг гранулометрик таркибини ўрганиш усул-	
лари . . . . .	41
3. Гранулометрик анализ натижаларини графикда ифодалаш . . . . .	42
V боб. Тоғ жинсининг ғоваклилиги ва дарзлилиги . . . . .	46
1. Бўшоқ жинслардаги ғоваклилик . . . . .	48
2. Гилли жинсларнинг ғоваклилиги . . . . .	49
3. Ғоваклиликини аниқлаш усуллари . . . . .	50
4. Тоғ жинсларининг дарзлилиги . . . . .	51
VI боб. Тоғ жинсларидаги сувнинг турлари ва уларнинг инженер-	
лик-геологик аҳамияти . . . . .	54
1. Капилляр сувларнинг инженерлик-геологик аҳамияти . . . . .	66
VII боб. Тоғ жинсларининг физик хоссалари . . . . .	68
1. Тоғ жинсларининг умумий физик хоссалари . . . . .	68
2. Тоғ жинсининг консистенцияси ва пластиклиги . . . . .	73
3. Пластикликка таъсири кўрсатувчи асосий факторлар . . . . .	74
4. Тоғ жинсларининг пластиклиги ва консистенциясига кўра клас-	
сификацияланиши . . . . .	76
VIII боб. Тоғ жинсининг сувга боғлиқ хоссалари . . . . .	77
1. Тоғ жинсларининг сув таъсирида эриши, кўлчиши ва ивиши . . . . .	77
IX боб. Гилли жинсларининг коллоид хоссалари . . . . .	84
1. Коллоид зарралар ва уларнинг хиллари . . . . .	84
2. Гилли жинсларда электрокинетика ҳодисаси . . . . .	85
3. Гилли жинсларда коагуляция ва пептизация ҳодисаси . . . . .	86
4. Гилли жинсларда ўзидан ўтаётган модда ва газларни синг-	
дириш ҳодисаси . . . . .	89
5. Гилли жинсларда тиксотроп ҳодисаси . . . . .	92
X боб. Тошқотган ва ярим тошқотган жинсларининг физик-механик	
хоссалари . . . . .	93

1. Тошқотган ва ярим тошқотган жинсларнинг деформацияланиши . . . . .	94
2. Төр жинсининг деформацияланишига таъсир этувчи факторлар . . . . .	98
3. Төр жинсларининг реологик хусусиятлари . . . . .	103
<b>XI б о б. Бўшоқ төр жинсларининг физик-механик хоссалари . . . . .</b>	<b>105</b>
1. Бўшоқ төр жинсларининг ташқи куч таъсирида деформацияланиши . . . . .	105
2. Зичланиш коэффициенти ва чўкиш модули . . . . .	106
3. Консолидация ва консолидация коэффициенти . . . . .	112
4. Дисперсли грунтларнинг деформацияланишига таъсир қилувчи факторлар . . . . .	113
5. Бўшоқ төр жинсларида силжиш қаршилиги . . . . .	115
6. Қумли жинслarda силжиш қаршилигини аниқлаш . . . . .	116
7. Вибрация таъсирида қумлар хусусиятларининг ўзгариши . . . . .	120
8. Гил ва гилли жинсларда силжиш қаршилиги . . . . .	122
<b>XII б о б. Төр жинсларининг инженерлик-геологик классификацияси . . . . .</b>	<b>126</b>
<b>Иккинчи қисм . . . . .</b>	<b>133</b>
<b>ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОДИНАМИКАСИ . . . . .</b>	<b>133</b>
<b>XIII б о б. Геологик ва инженерлик-геологик процесслар . . . . .</b>	<b>133</b>
1. Эндоген процесслар . . . . .	134
2. Бирламчи тектоник ҳаракатлар . . . . .	135
3. Иккиласми тектоник ҳаракатлар . . . . .	137
4. Экзоген процесслар классификацияси . . . . .	139
5. Инженерлик-геологик процесслар ва инсон . . . . .	141
6. Геологик процесс ва ҳодисаларнинг ер юзида тарқалиши ва ривожланиши . . . . .	142
<b>XIV б о б. Ағдарилмалар, тўкилмалар ва сочилмалар . . . . .</b>	<b>143</b>
1. Ағдарилма ва тўкилмалар ҳосил бўлиши . . . . .	146
2. Ағдарилма ва тўкилмалар классификацияси . . . . .	148
3. Отилмалар ва ағдарилмаларнинг ҳосил бўлиши . . . . .	149
4. Ағдарилма ва тўкилмаларга қарши кураш . . . . .	152
<b>XV б о б. Кўчкилар . . . . .</b>	<b>155</b>
1. Кўчкилар морфологияси . . . . .	157
2. Кўчкиларнинг ички тузилиши . . . . .	160
3. Кўчки ҳосил бўлиш сабаблари . . . . .	162
4. Кўчки механизми, динамикаси ва белгилари . . . . .	164
5. Кўчки классификацияси . . . . .	167
6. Кўчки бўлиб турадиган жойларнинг кўчкига нисбатан мустаҳкамлигини аниқлаш . . . . .	172
7. Кўчкига қарши кураш . . . . .	178
<b>XVI б о б. Денгиз, кўл ва сув омборлари қирғоқларининг ювилиши ва емирилиши . . . . .</b>	<b>182</b>
1. Денгиз қирғоқларидаги геологик процесслар . . . . .	182
2. Денгиз, кўл ва сув омборларида тўлқин ҳосил қилувчи факторлар . . . . .	185
3. Денгиз, кўл ва сув омборлари қирғоқларини ювилиш ва емирилишдан сақлаш тадбирлари . . . . .	200
<b>XVII б о б. Эрозия процесси . . . . .</b>	<b>202</b>
1. Тупроқ, жарлик, дарё ва шамол эрозияси . . . . .	202
<b>XVIII б о б. Карстлар . . . . .</b>	<b>212</b>
1. Карст ҳодисаси ривожланиши ва классификацияси . . . . .	214
2. Карст процессининг инженерлик-геологик аҳамияти ва уни ўрганиши . . . . .	220
<b>XIX б о б. Сел . . . . .</b>	<b>225</b>
1. Сел ҳосил бўлиш сабаблари . . . . .	226
2. Сел ҳавзлари ва сел оқимларининг классификацияси . . . . .	227
3. Сел оқимининг динамикаси ва асосий хоссалари . . . . .	229
4. Селни олдиндан айтиб бериш усуллари ва унга қарши кураш чсралари . . . . .	235

XXI	б о б . Пливин ва сүффозия . . . . .	237
	1. Пливинларнинг хоссалари . . . . .	239
	2. Пливинга қарши кураш . . . . .	240
	3. Сүффозия . . . . .	242
XXII	б о б . Чўкиш ҳодисаси . . . . .	246
	1. Чўкишини вужудга келтирадиган факторлар . . . . .	247
	2. Чўкишиниг өқибатлари . . . . .	248
	3. Чўкиш ҳодисасини ўрганиш усуслари . . . . .	249
	4. Лёсс ва лёссинон жинслар чўкувчанигини лабораторияда аниқлаш усуслари . . . . .	251
	5. Жинсларнинг чўкувчанигини график орқали ифодалаш ва аниқлаш . . . . .	253
	6. Лёсс ва лёссинон жинслар чўкувчанигини далада аниқлаш . . . . .	256
	7. Чўкиш ҳодисасига қарши кураш . . . . .	261
XXIII	б о б . Зилзила . . . . .	262
	1. Зилзиланинг сабаблари ва классификацияси . . . . .	265
	2. Зилзила кучини ҳисоблаш, сейсмик ва микросейсмик карталар . . . . .	269
	3. Сейсмик микрорайонлаштириши ишлари . . . . .	273
	4. Зилзилани ўрганиш ва прогноз қилиш . . . . .	276
	5. Сейсмик районларда қурилиши ишлари . . . . .	277
	Адабиёт . . . . .	278

*На узбекском языке*

СУРЪАТ ЗАҲИДОВ

## ИНЖЕНЕРНАЯ ГЕОЛОГИЯ

1-е издание

Учебное пособие для ВУЗов

Ташкент — «Ўқитувчи»—1988

Махсус муҳаррир *M. Қодиров*

Нашриёт муҳаррири *C. Тоҳиров*

Бадний муҳаррир *Ф. Некқадамбоев*

Техн. муҳаррир *T. Скиба*

Корректор *D. Fуломова, D. Исаева*

ИБ 4396

Теришга берилди 29. 05. 87. Босинга рухсат этилди 2.12.88. Р18328. Формати 60×90.16. Тип. коголи № 2 Литературная гарнитура. Кегли 10 монтаж. Югари босма усулида босилди. Шартли б. л. 17,5+0,06 форзац. Шартли кр.-отт 17,69. Фандр. № 18,0+0,07 форзац. Тиражи 3000. Зак. № 2170. Баъзи 89 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартинома № 11-269-86.

Узбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кӯчаси, 21. 1988 й.

Типография № 1 ТППО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Ҳамзы, 21. 1988.































